

Р 566

ТАФАККУР




ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР

3 / 2016

Экз
№ 1





Abdulla Oripov





Абдулла ОРИПОВ,
 Ўзбекистон Қаҳрамони,
 халқ шоири

ISTIQLOL YURTI

Кўрганларинг эмасдир сароб,
 Олганинг ҳам қарз эмас, нақддир.
 Ниҳолни-ку эқмоқлик савоб,
 Мевасини емоқ ҳам бахтдир.


Бир йигитнинг камолотига
 Кафолатдир йигирма беш ёш.
 Эгар урди ўғил отига,
 Хизр бўлсин илоё йўлдош!

У кўзини очган кунданоқ
 Сабот ўзи йўргаклаб олди.
 Синовларга дуч келди, бироқ
 Улар издек орқада қолди.

Севги юрак мулкидир танҳо,
 Муҳаббатнинг йўқдир бозори.
 Бундай ўлка учрамас асло,
 Тилидадир дилида бори.

Юртим, сенга бахшида кўнги,
 Фармон эрур менга ҳар сўзинг.
 Юрагимда йигирма беш йил
 Олиб юрган дардимсан ўзинг.

Эт
 № 1





ТАФАККУР



Тафаккур

ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Журнал 1994 йилдан чиқа бошлаган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.

Бош муҳаррир
Эркин АЪЗАМ

Тахририят

Муҳиддин РАҲИМ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Собиржон ЁҚУБОВ
(масъул котиб)

ШОҲСАНАМ
(бўлим мудир)

Ольга ЖОЛДАСОВА
(бўлим мудир)

Хуршид ЙЎЛДОШЕВ
(бўлим мудир)

Наргиза УСМОНОВА
(техник муҳаррир)

Жамоат кенгаши

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ

Дилором АЛИМОВА

Хуршид ДАВРОН

Шухрат РИЗО

Хайриддин СУЛТОН

Абдурахим ЭРҲАЕВ

Муртазо ҚАРШИБӨЙ

Қахрамон КУРОНБӨЕВ

Иброҳим ҲАҚҚУЛ

Муассис – Республика Маънавият ва маърифат кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0219-рақам билан рўйхатга олинган.

Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

Журналдан кўчириб босилганда манба кайд этилиши шарт.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-бино

233-10-68

233-79-40

239-46-16



Журнал андазаси тахририятнинг компьютер бўлимида тайёрланди.

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. 100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

2016 йил 28 июль кунин босмахонага топширилди. Қоғоз бичими 70x100 1/16, 8 босма тобқ. 4402-бюджет. Нашр адади 2482 нусха.

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Журъат – фикр дояси. Публицист ёзувчи
Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ билан суҳбат.....4

ЖАМИЯТНИНГ МАҚСАДИ

Султонмурод ОЛИМ. Илм, омил ва амал..... 16

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ. Замона зайли. Эссе.....25



АҚЛ МУНОЗАРАСИ

Сардор САЛИМОВ. Миллий тараққиёт: мулоқот ва муроса...34

БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Жасур КЕНГБӨЕВ. Ор-номус қўшиғи.....42

КЎНГИЛ САЛТАНАТИ

Абдулла ОРИПОВ. Элу юрт кўксига юлдуз бўлиб кўн!.....48

САНЪАТ ФАЛСАФАСИ

Қалб ва Коинот. Мусаввир Даврон Тошев асарларидан
намуналар.....56

SAHIFALARIDA

саҳифаларида

ИНСОН ЎЗИНГ, ИНСОН ЎЗИНГ

Кулман ОЧИЛ. Орамиздаги одамлар.....58



Кулман ОЧИЛ

БУЮКЛИК ТИМСОЛЛАРИ

Михли САФАРОВ. Минг йилларга
ҳамнафас Розий.....66

СИРЛИ САРҲАДЛАР

Иброҳим ҒАФУРОВ. Аддабарон.....74

СУРАТ ВА СИЙРАТ

Нодир ЖОНУЗОҚ. Кўзгу синиқлари.....84


ТАҚДИРДАГИ ТАДБИРЛАР

ШОҲСАНАМ. Жумбоқ хоним.....88

ТАФАККУР ТАБАССУМИ

Шодмон ОТАБЕК. Ҳақиқат баҳсларда...
ўлади!.....100

Даврон ТОШЕВ. "Юсуф ва Зулайхо"



ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Абдулла АЪЗАМ. Аср ошган асарлар.....104

ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Сухроб НОРҚУЛОВ. Ижтимоий эврилиш-
лар омили.....116

Жасурбек АҲМЕДОВ. Маданий мерос
ва сайёҳлик.....118

Лутфулла ИЛҲОМЖОНОВ. Икки чўнг
кўнгил.....119

Олмос УЛВИЙ (БИННАТОВА). Туркшунос-
ларнинг Боку қурултойи.....122

Саодат ДАВЛАТОВА. Ҳунармандлик
пирлари.....123

"ТАФАККУР"ГА МАКТУБЛАР

Бир суҳбат – икки муносабат.....125

Журналнинг инглизча мухтасар
мазмуни.....127

JUR'AT – FIKR DOYASI

Публицист ёзувчи Аҳмаджон МЕЛИБОВЕВ
билан суҳбат

– Аҳмаджон ака, Сиз 70 ёшни қаршилаган бир вақтда Истиқлолимиз ҳам 25 йиллигини нишонлаётир. Таъбир жоиз кўрилса, Сиз гўё бир бо-бою Истиқлол эса ҳали набира... Тўғриси-ку, Сизни кекса демоққа тил бормайди, ҳамон бардам ва ғайратлисиз, шу боис, келинг, кексаликка номзод дея қолайлик. Хуллас, кўпни кўрган инсон сифатида, навқирон ҳурриятимиз одимларини қандай баҳолайсиз? Донишманд шоиримиз Эркин Воҳидов (Худо раҳматига олган бўлсин) айтган: “Ҳурриятнинг ўзи тайёр бахт эмас, / Бахт учун энг буюк имкониятдир”. Биз чорак аср ичида ана шу буюк имкониятдан нечоғли фойдалана билдик? Кўнглингиз қайси жиҳатлардан тўлади-ю, қайси жиҳатлардан...

– Ўтган асрнинг ўттиз еттинчи, эллик учинчи йилги қатағонлари, саксонинчи йиллари ўрталарида бошланиб, ҳурриятга қадар давом этган, маънавий жароҳатлари ҳануз битмаган адолатсизликларга бевосита гувоҳ, “пахта иши”, “ўзбеклар иши” деган шафқатсиз айбловларни бошидан кечирган ва, умуман, халқимизнинг ўтмиш тарихидан яхши хабардор кишиларга ҳурриятнинг нималигини тушунтириш шарт эмас. Аммо бу ёруғ оламда умргузаронлик қилаётган ҳеч бир одам бошқасига айнан ўхшамаганидек, йигирманчи аср адоғида миллатимиз ҳаётида юз берган ҳуррият аталмиш буюк бурилишнинг маъно-моҳиятини тушуниш, унинг чорак асрлик одимларини баҳолашда ҳам турфахилликни кўриш мумкин.

Қишлоғимизда Туманбой оға деган хокисор бир киши бор эди. Бутун умри далада кетмон чопиб ўтган, ҳатто ўзидан кичиклар иш буюрса ҳам “хўп” деб бажарадиган, тўқсон йил умр кўриб, бирор марта бўлсин, асл “мен”ини ошкор қилмаган бу одам бир йили қишлоқ пойидаги Ўнғортоққа кўтарилибди, тоғнинг нариги ёғидаги қишлоқларга кўзи тушиб, бирдан қалбини ваҳима босибди. Қулбасига қайтиб келиб, “Вуй, тоғнинг орқасида ҳам одамлар яшар экан”, деб қўни-қўшнилар кўнглига ҳам ғулғула солибди.



Хуррият одимларини баҳолаш учун тоққа чиқиш шарт эмас, ҳаммаси кўз ўнгимизда, ўз иштирокимизда, онг-шууримизда кечмоқда. Навқирон умрга тенг бир фурсат ичида дунё харитасида мақсад-муддаоси аниқ, кўзлаган манзили тайин, жаҳон ҳам-жамиятини маънавий-ахлоқий қадриятлари билан безашга қодир янги давлат қад ростлади. Энг катта ўзгариш – халқимизда ўзига нисбатан буюк бир ишонч пайдо бўлди. “Эллик йилда эл янги бўлар” деган гап бор. Ўзбекистон мисолида бу муддат икки баравар қисқарди десак, муболаға эмас.

1980 йилги ёзги Олимпиада ўйинлари арафасида ҳамкасбим Сафар Остонов билан Москвага борганмиз. Собиқ Иттифоқнинг гимнастика бўйича командаси раҳбари Андрианов деган одам матбуот конференциясида хорижлик мухбирлардан бирининг “Командангизда бошқа миллат вакиллари ҳам борми?” деган саволига “Бўлганда қандоқ, сафимизда... ҳатто ўзбек ҳам бор”, дея кинояли жавоб қайтаргани ҳеч ёдимдан чиқмайди. Шу биргина киноя собиқ тузум даврида халқимизга очиқ-ошкора паст назар билан қаралганини кўрсатади. Ўша замонда “Ўзбеклар савдо-сотик, маиший хизмат, меҳмон кутиш, совға-салом улашиш билан шуғулланса бўлди, бошқа нарсаларга ақли етмайди” деган гапга, таассуфки, маҳаллий раҳбарлар ҳам эътироз билдирмаган. Мутелик, итоаткорлик қон-қонларига сингиб кетган эди-да уларнинг. Истиқлол халқимизни ана шу машъум тамғадан озод қилди, мудраб ётган эл ориятини уйғотди, миллий тафаккур томирларига жон ато этди.

Раҳматли дадам баъзан “Эҳ ўғлим, бирор ишни қўрқмай дуога қўл очиб, “Бисмилло...” деб бошлайдиган замон келармикан-а”, дердилар. Ҳаж ибодатини орзу қилишнинг ўзи бир “шаккоклик” эди. 1985-86 йиллари республика раҳбарияти диний маросимлару миллий урф-одатларга қарши ошкора кураш бошлаб, фирқанинг куйи бўғин раҳбарларини қозонда пишиб турган сумалак устига тупроқ ташлашга мажбур қилгани, отасининг дафн маросимида юзига фотиҳа тортгани учун коммунист ўғилни жазолаганини бугунги



ёшлар билишармикан? Хуррият одимларини баҳолашга шу мисолларнинг ўзи етарли деб ўйлайман.

Саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, дилимда бор гапларни айтишим зарур: биз хуррият берган имкониятлардан тўлиқ ҳам, тўғри ҳам фойдаланаётганимиз йўқ. Хийлагина беғамлигимиз, озроқ худбинлигимиз, боз устига мақтанчоқлигимиз бор, ишламасдан, бошни қотирмасдан, пешонани терлатмасдан ҳам қоринни силаб бемалол юравериш мумкин, элда нима кўп – тўй-томоша кўп. Эрталаб наҳор ош, тушликда эҳсон, кечқурун никоҳ базми. Тўйхоналарга камида бир ой олдин “закалат” бериш керак. Одамнинг юзи иссиқ, маросим эгаси чақирилгандан кўра ҳам чақирилмагани кўпроқ тавозе билан кутиб олади, ҳеч ким “Хў биродар, йўл бўлсин?” демайди. Тўйчилик, тўкинчилик замонида яшайпмиз, қаёққа қараманг, ошга марҳамат, тўрга марҳамат. Аммо бу кунларга қандай ва ниманинг ҳисобига эришдик, ён-атрофимизда, олис минтақаларда ҳам шундайми, улар ҳам ҳар тонг карнай-сурнайларнинг қутлов овозларидан уйғонадимми ёки бошқа шовқин-суронданми – бу тўғрида ўйламаймиз. Демокчиманки, хуррият элимизга ҳеч кимдан кам бўлмай, ҳазрати инсон бўлиб яшаш, улуғ аждодлар эришмаган орзуларга эришиш имконини берди. Қўлинг гулми, фикринг тиниқми, марҳамат: каллангни ишлат, қур, ярат, етиштир, топган даромадингни ўзинг тасарруф эт, бола-чақангга мерос қилиб қолдир!

Бир қарашда, ҳаммаси жойида, ҳеч бир муаммо йўқдай. Аслида, ундай эмас. Ҳали “худбинлигимиз бор” дедим-ку, бу билан нима демокчиман? Бугун жамиятнинг олд қатламида шундай каслар ҳам борки, улар хуррият берган имкониятларни “Давринг келди, сур, беғим” қабилида тушунади, эртаю кеч дурустроқ лавозимга ўтириш, учқурроқ отга миниш, фарзандлар, қариндош-уруғ, ошна-оғайниларни ёғли-мойли, бир нима тинимсиз томиб турадиган жойларга ўтқазиб ниятида югуриб-елади. Бунга эришса, “Хурриятга офарин, отангга раҳмат, истиқлол!”, эришмаса, “Авваллари ҳам ёмон яшамаганмиз, қозонимиз қайнаб турган, гўштнинг баҳоси фалон сўм бўлган...” қабилида минғирлаш бошланади.

Яна бир ташвишим – давлатимизнинг мулк ва мулкдорларга нисбатан юритаётган сиёсатини тўғри тушунмаслик. Собиқ тузум дунё дунё бўлганидан бери ҳеч бир жойда кўрилмаган, соғлом ақл-идроқка зид бир ишни қилди – тадбиркорнинг қўл-оёғини боғлаб, ўз пойига болта урди. Хуррият бу тақиқни йўлдан олиб ташлади, иш билгичларнинг ҳақ-хуқуқлари қонун йўли билан ҳимояга олинди, уларга берилаётган имтиёзлар қанчадан-қанча! Аммо бу – “Марҳамат, кўнглингиз нимани тусаса, шуни қилинг, ҳеч ким мушугингизни пишт демайди, босинг, юлинг, ўмаринг, қўшнингизнинг ерини қўшиб олинг, кўнгил кўчасига эрк беринг” дегани эмас. Ўтмишда ҳовлисига



ўчоқ курса, қўни-қўшнисининг ҳурмат-иззати ҳаққи, тутун қайси томонга ўрлашини ҳам ҳисобга олган ажодларнинг ворисларимиз-а!.. Давосда ўтадиган иқтисодий анжуманлардан бирида ғарбликларнинг ўзи “Капитал инсоний қиёфасини йўқотмоқда”, деган фикрни ўртага ташлади. Мулкдор бўлиш имконияти мулкка ружу қилиш, ерга ҳам, осмонга ҳам мулк кўзи билан қараш, бу борадаги ёзилган ва ёзилмаган қонунларни менсимаслик ҳуқуқини бермайди. Бир қарашда арзимасдек кўринадиган манзара: шаҳарнинг ичкарироқ кўчаларига эътибор беринг, одамлар юрадиган йўл-йўлакларгача ўраб олинган, тўсиб қўйилган. Бу хусусда бир мақола ҳам қоралаганман...

Ўзимча, бу дунёда иқтисодиёт билан боғлиқ иккита муҳим қонун бор: ё одамлар пулни бошқаради, ё пул одамларни бошқаради, деб юраман. Ҳали мақолаларимга кирмаган мана бу икки кузатувимга кулоқ тутинг. Биринчиси, бундан бир муддат аввал ёгин-сочин кунлари шаҳар марказидан автобусда Дўрмондаги ижод боғига бораётган эдим. Ҳайдовчининг ёнида пул йиғадиган ёшгина йигит. Шаҳардан ташқарига чиққан эдик, у ҳайдовчига қараб, “Тўхтанг, тўхтанг, анави иккию тўртни олволайлик”, деб қолди. Олд ўриндиқда ўтирганим учун, иккию тўрт нима экан деб ташқарига қарасам, йўл ёқасида бир аёл қизчаси билан турибди. Кассир йигитнинг кўзига ёмғирда туриб қолган аёл ва унинг қизчаси икки минг тўрт юз сўм пул бўлиб кўринган экан. Иккинчиси, оиламиз билан яшайдиган хизмат уйи ҳовлиси эртаю кеч турфа хил автомашиналар билан тўла бўлади. Ўзимизда ишлаб чиқарилган автоуловлар билан бирга, савлатидан дев ҳуркадиган “ажнабий”лари ҳам талайгина. Шундай машиналар йўлқадан у ёқ-бу ёққа ўтиб қолса, бувижонлар “Ҳой, машина келяпти, четга чиқинглар” деб набираларини огоҳлантиради. Аммо ҳеч ким босар-тусарини билмай қолган ўша калондимоғ ҳайдовчиларга қараб, “Ҳой, машинангизни четга олинг, бу ерда ахир болалар ўйнапти-я” демайди. Мана, мулкнинг “мартабаси”!

Ғарблик Фишман деган социологнинг таъкидлашича, жиноий хатти-ҳаракатлар маънавий илдизлар заифлашган, миллий анъаналарга риоя қилиш сустлашган ҳамда она тилининг қўлланиши нисбатан камайган ҳудудларда кўпроқ содир бўлар экан. Жамият таълим ва тарбия уйғунлигига эътибор берар экан, бу билан у аввало ўз маънавий-ахлоқий пойдеворини мустаҳкамлайди, ўсиб-улғаяётган ёш авлодни бузғунчи оқимларнинг ҳалокатли тўрига илиниб қолишдан асрайди. Шу маънода, бугунги ёш авлод ўз ақл-заковати, мустақил фикри, ижтимоий фаоллиги билан истиқлол йилларининг энг катта ютуғи, миллатнинг бебаҳо бойлиги десак хато бўлмайди. Аммо кўнглимда шундай қувонч, фахр туйғулари билан бирга баъзи мулоҳазалар ҳам пайдо бўлади. Бугун мамлакатимизда инглиз тилини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Албатта, инглиз тилининг

зўрлиги, бошқа тиллардан устунлиги учун эмас, дунёнинг илмий хазинаси, тафаккур бойлиги, ноёб манбалари асосан шу тилда экани учун ҳам шундай қилинмоқда. Бинобарин, ёшларимизнинг инглиз, қолаверса, француз, япон, корейс тилларида бийрон сўзлашаётгани, шу тилларда баҳс-мунозара қилаётгани таҳсинга сазовор, аммо бундай вундеркиндларнинг... ўзбек тилида тутилиб-тутилиб гапириши, оддий салом-алиқда ҳам эга-кесимни чалкаштириб юбораётганидан кўнгли оғрийди кишининг...

– *Сир эмас, ОАВнинг икки ўзак функцияси бор: биринчиси – воқеликни акс эттириш, олмага ахборот тарқатиш; иккинчиси – жамоатчилик фикрини шакллантириш. Бугун жаҳон матбуотини кузатиш асносида шундай бир хулосага келиб турибман: таассуфки, ҳар икки функция ҳам ҳалол адо этилаётгани йўқ. Бир томондан, ҳаётни бузиб акс эттириш, ёлғон ахборот тарқатиш авжга чиқяпти. Бошқа томондан, жамоатчилик фикрини манипуляция қилиш одатий ҳолга айланган. Ва бу ишлар... бир ҳовуч бўйнийўғон медиамагнатлару ҳукмфармо сиёсатдонлар манфаати йўлида қилинмоқда. Рост, аҳвол ижобий томонга ўзгаришидан дарак берувчи бирон бир аломатни-да кўраётганимиз йўқ. Хуллас, журналистиканинг глобал миқёсдаги ҳолати хусусида менинг тасаввурим шундай. Сиз бу борада қандай фикрдасиз?*

– Жавобни назариядан бошласак, матбуот – демократик жамиятнинг демократик институтларидан бири. Жамият қандай бўлса, матбуот ҳам шунга яраша бўлади, бир-биридан узоқлашиб кетмайди. ОАВ функцияларига келсак, назарияга кўра, улар ҳамма жойда бир хил бўлиши керак: тўғри ёз, холис ёз, вақтида ёз, борини ёз. Бу тўрт талаб билан бирга, матбуотнинг функциялари ҳам бор, улар жамият олдида турган мақсад ва вазифалардан келиб чиқади. Таассуфки, мана шу ерда мантиқ бир оз бузилади. Эътибор беринг, бугун мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари олдида, қисқа қилиб айтсак, оёққа тураётган, шаклланаётган эркин фуқаролик жамиятимизнинг бош мақсадидан келиб чиқиб, ҳурриятимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш, илми, тарбияли комил авлодни вояга етказиш, улар дунёқарашини тўғри шакллантириш, зарарли оқимлардан, бузғунчи ғоялардан асраш вазифаси турибди. Миллий матбуотимиз бу ишни ўзининг қурби даражасида уддаламоқда.

Энди сал нарироққа кўз ташлайлик: бугун Россия, Украина ёки Яқин Шарқ мамлакатлари матбуоти олдида қандай вазифалар турибди, Германия ёки Буюк Британия матбуотида-чи? Дунё кун сайин эмас, соат сайин ўзгариб, турланиб бораётган, бўлинган, тимдаланган она заминни қайта бўлиш, тимдалаш ҳаракатлари авжига чиққан бир замонда ким рост сўзламоқда, ким ёлғонни эшмоқда – билиб бўлмай қолди. Кимни биринчи бўлиб тингласангиз, ўша ҳаққа ўх-



шайди. Сурия, Ироқ ёки бошқа бир нотинч мамлакатларда юз бераётган қонли можаролар талқини ўнта манбада ўн хил. Биров олдингизга келиб, “Фалончи ярамас, тарбиясиз одам экан, юзимга тарсаки тортворди” деса, “Сиздай ҳурматли одамни-я, жуда расво иш бўлибди-ку”, дейишингиз мумкин. Аммо ўша ҳурматли одам бўлган воқеанинг ўзак қисмини айтмай, сизни чалкаштираётганига нима дейсиз! Аслида у “Фалончининг боғига тушувдим, ярамас, қўлини ишга солса бўладими”, дейиши керак эди.

Дунё ёлғон даъвою иддаоларга тўлиб кетди. Йирик ахборот агентликлари, матбуот хизматлари, номдор нашрлар тарқатаётган ҳар бир хабарда кимнингдир, ниманингдир манфаати бор. Манфаат излаган одам “така бўлсин – сут берсин” дегандай, мақсадига эришиш учун ёлғондан ҳам, тухматдан ҳам тоймайди. Дарвоқе, “сарик” матбуот оламининг яккахон магнатларига айланган ота-бола Мэрдоқлар билан боғлиқ можаролар журналхонлар ёдида бўлса керак. Уларга қарашли “Ньюс-корпорейшн” таркибидаги газеталардан бирининг журналистлари қотиллар томонидан ўғирлаб кетилган ва кейинчалик ўлдирилган Милли Даулернинг овозли почтасидаги баъзи маълумотларни қасддан ўчириб, терговчилар ва қизчанинг ота-онасини чалғитган. Улар газетада эълон қилинган ёлғон материалларга ишониб, Миллини тирик деб ўйлаган. Бу қабиҳ ишдан ана-мунча даромад топилган.

АҚШнинг сўнгги икки раҳбари Ироқ ва Ливия масаласида хатога йўл қўйганларини расман тан олишди. Собиқ давлат котиби Олбрайт хоним Оқ уйдалигида қабул қилган баъзи қарорлари учун таассуф билдирди. Хатоларни тан олиш яхши, бироқ бу икки мамлакатда ҳаёт бутунлай издан чиққани, неча минг-минг кишининг ёстиғи куригани учун ким жавоб беради? “Ироқда бактериологик қуроли омборлари мавжуд” деган уйдирмани тарқатган, АҚШ жамоатчилиги фикрини бошқа ўзанга буриб юборган баъзи бир матбуот нашрлари нега таассуфда эмас?

Бундай мисолларни исталганча келтиришим мумкин. Лекин шу келтирилганларнинг ўзиёқ журналистика бугун ҳаддан ташқари сиёсийлашиб кетгани ва бунинг оқибатида жуда катта синов ёқасига келиб қолганини англатади. Аҳволнинг ижобий томонга ўзгариши аломатларини кўриш учун матбуотнинг чин маънодаги мустақиллигини кучайтириш керак, деб ўйлайман. Ана шунда сўз масъулияти ошади, масъулият эса ёлғоннинг йўлига тўсиқ қўяди.

– “Интернет тез орада газеталарнинг бошига етади. Бу ёғига ахборотга эҳтиёж фақат экран орқали қондирилади”, дея башорат қилади австралиялик медиафутуроолог Росс Доусон. Тахминий ҳисоб-киتابга кўра, газета индустрияси энг аввал АҚШда барҳам топади (2017). Кейин эса бу ҳол Буюк Британия (2019), Канада ва Норвегияда

(2020) такрорланади. Хуллас, жорий юз йилликнинг ўрталарига қадар оламда бирорта газета қолмайди. Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистонда газета “жаноза”си XXI асрнинг 40-йилларига тўғри келармиш... Сиз умр бўйи газетачилик нонини еган мутахассис сифатида бу башоратга қандай қарайсиз? Интернетнинг ахборот маконида яккахукмрон бўлиб олиши, Сизнингча, қандай оқибатларни келтириб чиқариши мумкин?

– Башоратчиларга ишонадиган бўлсак, Ер шари аллақачон кукунга айланиб, ҳаёт сўнган, қоғоз газеталар учун обуна ташкил этишга ҳожат қолмаган бўлар эди. Бир вақтлар телевидение ихтиро қилинганида мутахассислар “Театр санъатининг куни битди, энди одамлар уйда экранга тикилиб, спектакль томоша қилишади”, дея кўпчиликни ишонтирган. Амалда эса тескариси бўлди: сахна санъати кучли рақобатга дуч келганига қарамай, гуриллаб ривожланди. Бугун босма қоғоз маҳсулотлари – китоб, газета ва журналнинг ҳа-ҳу демай муомаладан чиқиши, уларнинг ўрнини интернет эгаллаши ҳақида тинимсиз гапирилмоқда. Бундан икки-уч ой аввал телевидениемиз ток-шоуларидан бирида ёш йигит “Яқин орада қоғоз китобларга ҳожат қолмайди” дея башоратгўйлик қилди. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, шу йигитни тасодифан кўчада кўриб қолдим. Танишдик, ҳали уйланмаган экан. Мен унга “Бирор қизга ошиқ бўлиб, Мажнун кўйига тушсангиз-да, у ҳам сизга етишолмай адои тамом бўлай деганида омад икковингизга кулиб боқиб, пана-пасқамроқ жойда учрашиб қолсангиз, бир-бирингизни бағрингизга босганингиз яхшими ёки ойна ортида туриб, имо-ишора билан севги изҳор қилганингиз дурусти?” деган савол бердим. Ёш суҳбатдошим биринчи ҳолатни танлади. “Укажон, қоғоз китоб сиз танлаган ўша ҳолатнинг ўзи, компьютерда китоб ўқиш эса – иккинчиси”, дедим. Бу, албатта, юмор. Лекин компьютер имкониятларининг кенгайиши ноширлик соҳасига ҳам кучли таъсир ўтказмоғи аниқ. Бироқ... яккахукмронлик қайси соҳада бўлмасин, тараққиётга, яхшиликка хизмат қилмайди. Шу маънода, кундалик газеталарнинг бутунлай йўқ бўлиб кетишини хохламайман, бундай бўлишига ишонмайман ҳам. Бу ишонч, балким, менинг газетага бўлган алоҳида меҳримдандир. Муҳаррирлик йилларим бир ҳафта тер тўкиб ишлаб, ҳар битта мақолани қайта-қайта ўқиб, таҳрир қилиб, имлосини тузатиб, пайшанба оқшомида саҳифаларга қўл кўйиб уйга қайтардим. Эрталаб ишга келаётиб, сабрим чидамай, йўлдаги киоскадан газетамизни сотиб олиб, таҳририятга келгунча ўқиб келардим. Бир гал далада ўқимишли туман ҳокимларидан бирига адабиёт газетасининг янги сонини бериб, “Иккита зўр мақола чиққан, ўқирсиз” десам, у газетани қўлимдан олиб, етти-саккиз марта буклаб, этигининг қўнжига тиққанида, газетанимас, худди мени



буклагандай ёмон аҳволга тушганман. Фикримча, босма ва электрон нашрлар ўртасида кучли рақобат, ижодий мусобақа юзага келиши мумкин. Бордию шундай бўлса, бунга деярли ишончим комил, бундан ҳар икки томон ҳам ютади. Фақат... биз дўппини бошдан олиб, бу рақобатга жиддий ҳозирлик кўришимиз керак. Акс ҳолда...

– “Сифатсиз мағзава” деган мақолангизда АҚШдаги Виржиния университети доценти Шон Лайонз билан баҳсга киришиб, чунончи, бундай деб ёзасиз: “...касбимиз этикасига биноан, масалан, мен ҳеч қачон Америка, Канада ёхуд Бразилияда чиқаётган бирон бир нашр фаолиятига баҳо бермайман. Улар нимани ёзишади, нимадан тийилишади ва нимадан тийилишмайди, бу уларнинг ички иши. Ҳар бир ношир ўз муштарийлари олдида ҳисоб беради. Муштарийлар баҳоси – баҳо, танқиди – танқид. Бинобарин, бизнинг газета ҳам ўз ўқувчилари олдида масъул...” (“Хуштакни ким чалади?” Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2007. 131-бет). Бу фикрлар менда баъзи мулоҳазалар уйғотган эди, мавриди келгани учун уларни айтиб олсам. Биринчиси – журналистлик этикаси нега бошқа мамлакатларнинг нашрлари фаолиятига баҳо беришда бизга монелик қилиши керак? Бундай “одобли”лик бизни маҳдудлаштириб қўймайдими? Иккинчиси – муштарийлар баҳосини бу қадар мутлақлаштириш тўғримики? Ахир, муштарийлар бобида ҳам беш қўл баробар эмас-ку. Ҳечқурса, Сизнинг газетачи эканингизни билиб қолиб, “Даракчи”да ишлайсизми, “Ҳордиқ”дами? Ҳа, билдим, “Бекажон”дансиз!” дея сўроққа тутган, ҳар гал “йўқ” жавобини олгач эса, шундоқ машхур газеталарнинг ҳеч бирида ишламаслигингиз учун Сизга ачиниш билан қараган Қамчиқ довонидаги қурут сотувчи қизни эсга олинг (“Қирқ бешинчи бекат”. Тошкент, Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. 148-бет). Ахир, у ҳам муштарий-да! Балки бу масалада Виждон, Ҳақиқат, Ҳалолликка таянган афзалдир?

– Бу мақола жаноб Лайонзнинг “Бир ўзбек газетасининг сотқинлиги” деган иддао мақоласига жавоб тариқасида ёзилган. Ҳурматли доцент “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасини Андижон воқеалари кунлари Ўзбекистон раҳбарияти ва ҳукуматини қўллаб-қувватлашда айблагани бир мени эмас, таҳририят аъзоларини, газета мухлисларини ҳам қаттиқ ранжитган эди. У киши билан боғланишга, газетамиз фаолиятдан нечоғли хабардорлигини билишга, матбуот соҳасида мутахассис бўлса, одоб доирасида баҳс қилишга кўп уриндик, аммо натижа чиқмади. Такрор айтаман: ўзини ҳурмат қилган олим мақолага бундай сарлавҳа танламайди. Масала ёки муаммога, сиз айтганингиздек, виждон, ҳақиқат ва ҳалоллик нуқтаи назаридан ёндашади. Таассуфки, “Бир ўзбек газетасининг сотқинлиги”да бу талабга риоя қилинмаган.



Менинг жавобимдаги: "...касбимиз этикасига биноан, масалан, мен ҳеч қачон Америка, Канада ёхуд Бразилияда чиқаётган нашр фаолиятига баҳо бермайман..." деган жумлага келсак, мулоҳазангиз ўринли, "баҳо бермайман" эмас, "кўрсатма бермайман" деб ёзсам тўғрироқ бўлар экан.

Қамчиқ довонидаги курутфуруш қизларга келсак, фикрингиз тўғри, ҳар ким ўз диди, фаросати, ақл-идрокидан келиб чиқиб фикр айтади, уларни эшитиб кўриш керак, аммо, айтганингиздек, мутлақлаштириш шарт эмас.

– Яқинда курсдош дўстларнинг боши иттифоқо қовушиб қолди. Шунда орамиздан кимдир ўзи ишлаётган газетада каттароқ амалдорни танқид қилиб қўйиб, неча ҳафтадирки, судлашиб юрганидан дил ёриб қолди. "Ҳозир танқид керак эмас, – деди унга бошқа биров насиҳат оҳангиди. – Агар керак бўлса, ана, отахон газетаю каттакон каналлар қиларди бу ишни!" Тўғри, бугунги ўзбек матбуотида танқид кам. Аммо бу ҳол танқид умуман нокераклигидан эмас-ку. Шахс, жамият ва давлатни баркамол кўриш орзусидан туғилган ҳолис, мардона, ҳалол танқид ҳар вақт ҳам зарур эмасми?

– Зарур бўлганда қандоқ! Танқид миллий тараққиёт томирларига жон бахш этади, қон айланишини яхшилайти, вужудни ярамас вируслардан тозалаб туради. Шундай экан, одимлари шахдамлашиб, ҳаёти фаровонлашиб бораётган жамият ҳам вақти-вақти билан олдиға ва ортиға, ён-атрофиға, узоқ-яқинға кўз ташлаб, ютуқлар қатори камчиликларни ҳам рўйхатға тиркаб, қайси имкониятни ишға солмаётгани хусусида мулоҳаза қилиб туриши керак. Бунда унга матбуот беминнат ёрдамчи бўлади.

Матбуотимизда танқиднинг камлиги рост, аммо баъзи ҳамкасбларимизнинг бизда танқидбоп ҳолатлар қолмагани хусусидаги иддаоларига қўшилиш қийин. Оддий мисол. Юзлари лўппи, вужудидан жаннат бўйи уфуриб турган чақалоқни қўлингизға олганингизда, уни эркалаб, бисотингиздаги жамики ёқимли сўзларни айтасиз, ҳавасингиз келади, бағрингизға босасиз, аммо... кўзикиб кетмасин деб, "туф-туф, сассиқ бола" деб қўясиз, шундайми? Танқид қилиш учунгина кимнидир савалаш замонлари ўтди. Истиқлол матбуоти одамлар ҳаётиға аралашиб, улар устидан ўзича ҳукм чиқариш, яъни собиқ тузум вақтидагидек, "ўткир" фельетонлар, айбнома мақолалар ёзиб, газетада "уриб чиқиш" мажбуриятдан халос бўлди. Эндиликда матбуотимиз миллий тараққиёт йўлиға, ислохотларнинг изчиллигиға тўсиқ бўлаётган нохуш ҳолатлар, эл-юрт ишончини оқламаётган, тўғри йўлдан чалғиётган, калондимоғлик кўчасиға кириб қолган раҳбарлар, Ватани ва халқини эмас, тубсиз чўнтагини ўйлаб от сураётган "чаққон"лар ҳақида куюнчаклик билан, ҳа-ҳа, айнан куюнчаклик билан ёзиши керак. Шундай

қилинса, кўп муаммоларнинг олди олинади. Адашишда ҳам адашиш бор, биров билиб қилади, биров билмай... Бу тўғрида ўйламай, иссиқ жойимизни кучганча жим ўтираверсак, матбуотнинг мавқеини туширган, касбимизнинг муҳим талаба – журъатни йўқотган бўламиз. Бу йўқотиш жамият учун ҳам, ижодкор учун ҳам жуда қимматга тушади. Танқиднинг зарурлигини тушунмаётган масъуллар Президент Ислон Каримовнинг халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги (1997 йил, 14 февраль) мана бу кўрсатмасини унутмасликлари керак: “Халқ билан бамаслаҳат иш кўрсак, ислохотларнинг бориши ва яқунларидан уни доимо хабардор қилиб турсак, қийинчиликларни яширмасдан, ҳаётимизнинг энг оғир жиҳатларини ҳам очиқ-ошкор этсак, баён этсак, бундан асло ютқизмаймиз, аксинча, фақат ютамиз. Ошкоралик ва очиқлик бизнинг ҳар қадамимизни зимдан пойлаб юрган ғанимларимиз тарқатаётган турли мишмишларга, бўҳтон ва уйдирмаларга қарши зарба беради. Тирноқ остидан кир ахтариб юрадиган кимсаларга иш қолмайди”.

– Ҳар соҳанинг ўз фалсафаси бор, чунончи, журналистиканинг ҳам. Журналистик фалсафанинг мақсади – ОАВнинг кечаги ва бугунги аҳволини таҳлил этиш орқали унинг эртанги “тарҳ”ини чизишдир. Сиз, эллик йиллик тажриба оша расмана файласуфга айланган публицист, бугун матбуот учун янги кадрлар тарбиялаётган доцент, жаҳон ва ўзбек журналистикаси истиқболини қандай тасаввур этасиз? Аниқроғи, келажак журналистикаси, Сизнингча, қандай йўлни танламоғи лозим?

– Касбим тақозосига кўра, қатор хорижий давлатларда бўлдим, Ғарб матбуотининг ўзига хос хусусиятларига қизиқдим, соҳа мутахассислари, таниқли амалиётчилар билан суҳбатлашдим ва ҳайратланарли бир ҳолатга гувоҳ бўлдим: ҳеч жойда чинакам, том маънодаги мустақил матбуотга дуч келганим йўқ! Катта-кичик барча нашрлар, ахборот агентликларининг жилови медиумагнатларнинг қўлида. (Бундай ҳолат эндиликда Мустақил Ҳамдўстлик Давлатларида ҳам кўрина бошлади!) Матбуот кимни ёқлаб, кимни дўппослаши лозимлигини кўринмас хўжайинлар ҳал қилади. Ажнабий ҳам-касбларимиз бу ишни шу қадар қойилмақом қилиб бажарадиларки, тепаларида жиловкор турганини сезиш қийин. Шундай экан, жаҳон журналистикасининг келажаги ҳақида мулоҳаза юритиш осон эмас. Аммо Ғарб матбуотининг аксарияти бундан кейин ҳам АҚШ, Буюк Британия, Италия, Франция, Германия каби йирик давлатларда, уларнинг ташқи сиёсатида,



Европа Иттифоқи, НАТО, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банкида кечаётган жараёнлар таъсирида бўлиши аниқ.

Миллий журналистика истиқболига келганда, баъзи муҳим нуқталарга алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Гап яхши ёзишда, журъатда қолди, холос. Дорилфунунда ўқиётган кезларим, “Тошкент оқшоми” газетасида бир курсдошимизнинг бор-йўғи саккиз қаторли ахбороти эълон қилинганида чинакам байрам бўлиб кетган, ахборот муаллифи киоскалардан қирқ дона газета сотиб олиб, “Илоҳим, сизлар ҳам шундай ютуққа эришинглар”, деб газета ҳошиясига дастхат ёзиб берган эди. Бугунги талабаларимизнинг жиддий мақолалари республика матбуотида деярли ҳар куни эълон қилинади. Турли мукофотларга сазовор бўлаётган бундай ёшлар ҳам оз эмас. Аммо... камчиликлар ҳам етарли.

Журналистика факультетида ҳар йили сентябрь ойида талабалikka қабул қилинган ёшлар билан танишар эканмиз, қизиқ бир ҳолатга дуч келамиз: журналистикага ёшлиқдан қизиқиб, туман, вилоят матбуотида мақолалар, баъзилари шеър, ҳикоя, эсселар эълон қилиб, ижодкорлик қўли анча келиб қолганлар тест синовидан ўта олмаган, бу синовда энг юқори натижага эришганлар эса ёзиш-чизишни ҳали ўрганмаган бўлади. Тест синовининг ижобий томонлари кўп, аммо адабиётшунос олим Йўлдош Солижонов журналингизда (*“Тафаккур”, 2016 йил 1-сон*) куюнчаклик билан айтган гаплар бағоят тўғри: “Оғзаки имтиҳонларга тайёргарлик жараёнида талаба талайгина китоб ўқийди, шеър ёд олади. Ўқиганларини таҳлил ва талқин этишга уриниш эса ҳам фикрлаш, ҳам нотиклик қобилиятини ўстиради. Тест синови сабабли талаба мушоҳада юритишга эмас, рақам, ном ва фактларни қуруқ ёдлашга ўрганиб қолаётгани чатоқ” (59-бем).

Иккинчи кузатувим – бир тоифа талаба сабоқларни қолдирмайди, ўқитувчини диққат билан эшитади, маърузаларни ёзиб олади, факультетда ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этади, аммо уларнинг ҳаммасидан ҳам кейинчалик журналист чиқмайди. Бошқа тоифа борки, улар бир оз бебош, шартаки, ички тартиб-қоидага ҳамиша ҳам амал қилмайди, домлалар билан астойдил баҳслашади, дарсдан қониқмаса, юзингизга айтади, талаба бўлса ҳам, ўз нуқтаи назари, мустақил фикри бор. Дарсга келмаган кунлари учун шунақа ғаройиб баҳоналар тўқийдики, асти қўяверасиз. Шундай талабалардан бири “Маҳалламизда таъзия бўлиб қолди, яқин қариндошимиз оламдан ўтди...” ва ҳоказо деб тўрт-беш марта, билиб турибман, баҳона қилди. Бир гал у яна шундай деяётган эди, “Маҳаллада бирорта тирик жон қолдими ўзи?” десам, у дарҳол “Қолди, аммо улар ҳам касал, устоз” деб жавоб қайтарса бўладими! Шу талабага ҳозиржавоблиги, топқирлиги учун ҳам баҳосини қўйиб берганман. Ҳозиржавоблик – журналистиканинг жон томири. Не ажабки, шундай хулқ-атворли талабалардан кейинчалик яхши ижодкорлар чиқади.



Тиббиёт академиясида дарс берадиган таниш ўқитувчилардан бири айтиб берган эди: ўқишнинг учинчи йилида гуруҳдаги талабалардан тўрттаси... қонни кўрса хушидан кетиши маълум бўлибди. Бундай талабалар, таассуфки, бизнинг факультетда ҳам йўқ эмас. “Журналист касбини танлашингизга нима сабаб бўлган?” деган саволга “Телесухандон бўлиш учун”, “Отам (онам) журналист бўлгани учун”, “Бир йил-ярим йил ўқиб тур-чи, киролмаган факультетингга (хуқуқшуносликка) ўтиб кетарсан” дейишгани учун”, “Мақтабда адабиёт ўқитувчимиз “Сендан журналист чиқади” деб ишонтиргани учун” деган жавоблар кўплаб учрайди. Сўнгги жавоб жуда муҳим. Журналистикага қизиқмайдиган талаба боғбон қўлидаги илдизсиз кўчатга ўхшайди: минг парвариш қилинг, кўкармаслиги аниқ!


Миллий журналистикамиз истиқболи қандай бўлади? Хорижий мамлакатларда (масалан, АҚШда, Францияда) журналистика факультетларига (мактабларига) ёзиш-чизишни билган, журналистика қандай касб, соҳа эканидан яхши хабардорлар қабул қилинади ва дастлабки сабоқларданоқ уларнинг онг-тафаккурини бойитиш, фикрлаш маҳоратини ўстириш бошланади. Бизда эса талабанинг бир-икки йиллик вақти журналистикада қандай жанрлар бор, хабар қандай ёзилади, репортаж-чи... дегандек “муаммо”ларни ўрганишга кетади. Бу масалада хорижий тажрибадан унумли фойдаланишимиз керак.

Таҳририятларда профессионал журналистлар сони кескин камайиб кетган. Хусусий нашрлар матбуот обрўсига обрў қўшаётгани йўқ, аксинча, дуч келган кишини бош муҳаррирликка тайинлаб, газетада ишлаш учун махсус ўқиш асло шарт эмас деган ақидани “исботлаш”-га уринмоқда. Шундай экан, яқин келгусида биз ҳам ким учун, қайси йўналишда ва қанча кадр тайёрлашни аниқ тасаввур қилишимиз, ўқув жараёнини шунга мос равишда ташкил этишимиз зарур. Бу ислохотлар биздан янада қатъиятли, журъатли бўлишни талаб қилади.

Бир йигинда мендан “Яна йигирма беш йилдан кейинги Ўзбекистонни қандай тасаввур қиласиз?” деб сўраб қолишди. “Ҳозиргача эришган ютуқларимизни иккига кўпайтиринг”, дедим. Ўзбек журналистикаси келажаги ҳам шундай бўлишини орзу қиламан.

Муҳиддин РАҲИМ суҳбатлашди.





Тарихий ҳужжат

Ўзбекистон Президентининг “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони юртимизда 1989 йилдан буён амалга ошириб келинаётган изчил миллий сиёсатнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Аҳамияти жиҳатидан бу – ўзбек тилига давлат тили мақомини берган қонун даражасидаги тарихий ҳужжат. Ватан ўзбек тили ва адабиётига бундай юксак эътиборни кўрмаган.

Фармон ижросини таъминлаш ана шу янги университетни ташкил этиш, уни мамлакатда ўзбек тили ва адабиётини ўрганиш, жумладан, ўзбекчадан инглиз тилига таржима соҳасини равнақ топтиришнинг чинакам марказига айлантириш бобида кўп тармоқли чора-тадбирларни тақозо этади.

Тил ва дил

Инсонни бошқа жонзотлардан ажратиб, уларнинг баридан устун қилиб, мукаррам айлаб турадиган бирламчи неъмат – тил. Чунки ақл-тафаккур, аввало, тил туфайли шакл-

ланади. Ҳар қандай миллатнинг бирламчи белгиси ҳам унинг тили. Адабиёт – халқнинг дили. У ҳам айнан тил орқали намоён бўлади. Тил адабиёт учун асосий қурол бўлгани каби, адабиёт ҳам тил равнақига беқиёс ҳисса қўшади. Бошқача айтганда, тилни тил қиладиган энг асосий қурол – адабиёт. Рост, тилсиз адабиёт, адабиётсиз тил ривожини тасаввур қилиш мушкул. Ҳар қандай халқ учун бу иккисидан кўра миллийроқ, азизроқ бойлик йўқ. Бироқ тилнинг ҳам, адабиётнинг ҳам чинакамига камол топиши учун ҳокимият шу тил ва адабиётнинг эгаси ҳисобланган халқнинг ўз қўлида бўлиши, бу соҳалар тараққиётини ҳаммадан бурун ҳукмрон сиёсат кўпроқ исташи керак.

Бу – даҳо шоиримиз Алишер Навоийнинг фикри.

Биз киммиз?

Модомики, ҳар бир халққа, аввало, унинг тили ва адабиётига қараб баҳо бериш аънанаси мавжуд экан, биз – киммиз? Биз – қадим ва гўзал тили, шу тилда яратилган жуда бой, дунёдаги манаман деган адабиётлар

билан беллашадиган сўз санъатига эга халқмиз. Туркий эллар орасида тили ва адабиёти биздагидек бой халқ кам. Биргина Алишер Навоий яратган буюк мероснинг кўламяю юксаклигини кўз олдимизга келтирсак ҳам, тилимизнинг қандай улкан ва оламшумул мавқе-мақомга эга экани аёнлашади-қолади. Баралла айтиш мумкинки, ўзбек тили – Ер юзидаги 24 туркий тил орасида энг юқори мавқелардан бирига эга. Бундай демоққа етарлича асослар бор.

Тил равнақи унинг эгаси бўлган халқнинг умумтараққиёти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда юз беради. Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги ўрни ва мавқе-мақоми ошиб боргани сайин ўзбек тилининг жаҳондаги, айниқса, туркий тиллар орасидаги ўрни мустаҳкамланиб, обрўйи янада ортиб бораверади. Бу – қонуният.

Туб моҳият

Фармонда бир талай ўта муҳим нуқталар борки, уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида тўхтаб ўтишга тўғри келади. Аввало, унда тил ва адабиётга халқнинг *“руҳи, ўзлиги, маданий-маърифий олами, миллий ғоясининг асоси”* деб қаралади.

Юртбошимизнинг 1998 йили чоп этилган *“Тарихий хотирасиз келажак йўқ”* мақоласида *“Биз туркий тилли халқмиз”* деган қатъий позиция илгари сурилган эди. Бу ҳозирги ўзбеклар этник жиҳатдан юртимизда жуда кўп замонлардан бери яшаб келаётган қадимий халқларнинг давомчилари эканини қайд этиш илинжи билан айтилган. Шу тариқа бизнинг ушбу юртда бунёд этилган, қайси тилда яратилганидан қатъи назар, ҳар қандай маданий-маънавий меросга ворис эканимиз исботланади. Турли этник гуруҳлар келиб қўшилаверган, лекин миллатнинг ядроси ўзгармай қолаверган. Ўша қадим замонларда яшаган элу элатлар ҳеч ёққа кўчиб кетгани йўқ. Биз ўшаларнинг авлоди – ворисларимиз.

Фармонда муҳим бир қараш илгари сурилган: *“Ўзбек тили қадимий ва бой тарихга эга бўлиб, унинг шаклланишида миллоддан олдинги ва миллоддан кейинги*

дастлабки асрларда минтақамиз ҳудудида яшаган бақтрийлар, сўғдийлар, хоразмийлар ва бошқа элат ва миллатлар ўз таъсирини кўрсатгани ҳақида мавжуд илмий манбалар далолат беради”.

Ўзбекистон ҳудудидаги тилга ва адабиётга оид ҳар қандай мерос, у қайси тилда яратилганидан қатъи назар, бизнинг мулкимиз. Бу мулкка Ер юзида биздан бўлак ҳеч ким даъвогарлик қила олмайди.

Ҳужжатда, зимдан қараганда, ўзбек тили тараққиётининг амалда барча муҳим босқичлари бир-бир санаб ўтилган. Ундаги *“Ўзбек тилининг ҳар томонлама тараққий топиши ва адабий тил сифатида майдонга чиқишида қадимий туркий тил катта ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлаш табиийдир”* деган жумланинг аҳамияти бундан кам эмас. Қадимий туркийда яратилган жамики ёзма ёдгорликлар тили туркий тиллар орасида ҳар тарафлама ўзбек тилига яқин келаверади. Ҳали буни илм кўп бора исботласа керак.

Фармонда, юқорида тилга олинган икки даврдаги манбалардан ташқари, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Атоий, Саккокий, Лутфийларнинг (учинчи босқич), Амир Темур ва темурийлар даври, хусусан, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий мероси (тўртинчи босқич), Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Муҳаммадризо Огаҳий, Муқимий, Фурқатлар даври (бешинчи босқич), Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирийлар даври (олтинчи босқич), “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганидан кейинги давр (еттинчи босқич) кўрсатиб ўтилган.



Охирги босқичнинг алоҳида жиҳати шундан иборатки, юртимизда биринчи марта она тилимиз давлат тили сифатида мустақкам мавқе касб этди. Хусусан, мустақилликка эришганимиздан кейин бу тилда давлат сиёсати юритила бошлади. Бухоро Халқ Республикасида (1920–24) туркий тил (ўзбек тили) давлат тили деб эълон қилинганини айтмасак, забонимиз узоқ тарихда ҳеч қачон бундай баланд мақомга кўтарилмаган эди.

Замон ўзбек тили ва адабиёти фанини юксак даражада тараққий эттириш, бу соҳада етук мутахассислар, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, мазкур йўналишда фаолият олиб бораётган ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларига тамоман янги талаблар асосида ёндашишни тақозо этипти. Айниқса, давлат тили борасида ўтган 27 йил мобайнида қанча тажриба тўпланган бўлса, шунга яраша муаммо ва камчиликлар ҳам борлиги яққол кўзга ташланиб турибди. Фармонда қайд этилганидек, **“биринчи навбатда, фундаментал фанлар, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, саноат, банк-молия тизими, юриспруденция, дипломатия, ҳарбий иш ва шу каби ўта муҳим тармоқларда ўзбек тили ўзининг ҳақиқий ўрнини эгаллашига эришиш, шу мақсадда замонавий дарсликлар, этимологик ва қиёсий луғатлар яратиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш олдимизда муҳим вазифа бўлиб”** турибди. Шулардан келиб чиқиб, фармонда 10 банддан иборат муҳим вазифалар аниқ белгилаб берилган.

Улар орасида, жумладан, **“ўзбек тили ва адабиёти, фольклорининг тарихан шаклланган адабий, лингвистик мактаблари ва таълимотларини, мумтоз ва замонавий методларини, буюк аждодларимизнинг ўзбек ва жаҳон тилшунослиги ривожига қўшган ҳиссаси, уларнинг илмий мероси, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари, ўзбек тили ва адабиётининг ривожланиш истиқболлари билан боғлиқ илмий муаммоларни**

тадқиқ этиш” ҳамда **“ўзбек тилининг асл табиати ва хусусиятларини тўла акс эттирадиган мукамал академик ва ўқув грамматикаларини яратиш”**, лисонимизнинг **“товушлар тизими ва уларнинг ёзувда акс этиши, жорий имло қоидаларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар тайёрлаш, турли мавзу ва йўналишлар бўйича луғат ва қомуслар, рисола ва дарсликлар яратиш”** ҳам бор. Бундан ташқари, **“она тилимизнинг интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, унинг компьютер услубини, ўзбек тили ва дунёдаги етакчи хорижий тиллар асосида таржима дастурлари ва луғатлар, электрон дарсликлар яратиш билан боғлиқ илмий-методик ишланмалар, амалий тавсиялар тайёрлаш ва бу борада эришилган натижаларни амалиётга кенг татбиқ этиш”** вазифалари ҳам қатъий қилиб қўйилган.

Янги университет Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетлари ҳамда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти негизида ташкил этилди. Шунингдек, Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи университет таркибига ўтказилиб, унинг негизида Ўзбек тили ва адабиёти музейи ташкил этилди. Ўрни келгани учун айтиб ўтайликки, мамлакатимизда *тил музейи* деган тушунчанинг ўзи янгилик. Энди бу музейга ташриф буюрганлар ҳам тилимиз, ҳам адабиётимизга оид бой мерос билан атрофлича танишади.

Демак, ўзбек филологияси факультетида ўзбек тили ва адабиёти бўйича филолог мутахассислар тайёрланади. Бунда талабалар келажакда илмий тадқиқотлар олиб боришга йўналтирилган ҳолда ўқитилади. Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш факультетида ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари тайёрланади. Ўзбек-инглиз таржима факультети эса

мамлакатимиз олий таълим тизимида янги йўналиш эканини алоҳида таъкидлаш керак. Тўғри, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ҳам таржима назарияси ва амалиёти факультети бор. Ёки бошқа олий таълим муассасаларининг хорижий тиллар йўналишларида таржима назарияси ва амалиёти ўқитилади. Бироқ улардаги таълим, асосан, чет тилидан ўзбек тилига таржимага йўналтирилган. Янги очилаётган факультетда биринчи галда ўзбек тилида яратилган илмий, бадиий ва бошқа соҳалардаги адабиётларни инглизчага ва бошқа хорижий тилларга, шунингдек, жаҳон тилларидан она тилимизга юксак сифат ва маҳорат билан таржима қиладиган мутахассислар тайёрлаш кўзда тутиляпти. 1973–82 йилларда олти жилди чоп этилган “Таржима санъати” альманахи нашрини яна қайтадан йўлга қўйиш даври келди.

Шу тариқа юртимизда ўзбек тили ва адабиёти бўйича таянч олий таълим муассасаси юзага келди. Ташкил этилган янги университетда таълим жараёни 2016–17 ўқув йилидан бошланади. Вазирлар Маҳкамасининг “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2016 йил 13 майдаги 152-сон қарорига кўра, бу ўқув йилида қабул қилинадиган 300 талабанинг тенг ярми давлат гранти асосида таҳсил олади. Бу олий таълим муассасасалари орасида жуда катта кўрсаткич ҳисобланади. Университетнинг бош биноси олдидаги майдонда улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилади. Университетнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган рўйхат бўйича мамлакатимиз ҳудудига олиб кириладиган компьютер техникаси, махсус асбоб-ускуна ва инвентарлар учун, истисно тариқасида, 2020 йилнинг 1 январигача божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно) олинмайди.

Халқнинг энг муҳим бойликлари – тили ва адабиётига бундай юксак даражадаги эътибор учун, аввало, мамлакат мустақил

бўлиши, кейин эса шунга яраша маънавий ва моддий имкониятлар юзага келиши зарур. Давлатимизнинг шундай кенг имкониятлар даражасига етганига шукрлар бўлсин.

Жонланиш

Шўро даврида икки тоифа мутахассиснинг ўз соҳасининг равнақиға ишончсизлик билан қараб, тушкун кайфиятда юрганиға кўп дуч келганман. Б и р и н ч и с и – ўзбек тилшунослари. Улар ўзбек тилининг фаолият доираси шунақа торайтириб ташланаверса, рус тили давлат тили бўлса, она тилида диссертация ёзиб, ёқлаш ман этилса, ўзбек тили ва адабиёти тадқиқ этиладиган жаҳонда ягона бўлмиш собиқ Тил ва адабиёт институтида, русийзабон бир ходим иштирок этаётган бўлса ҳам, йиғилишлар рус тилида олиб борилса, ҳаттоки бу илмий ташкилотга орден топшириш маросимида бирор киши ўзбекча сўзламаса, қандай рағбат пайдо бўлсин?! И к к и н ч и с и, чет тили мутахассис ва муаллимлари. Рус тили турганда Ўзбекистонда хорижий тилларга йўл бўлсин эди!

Таҳлил этилаётган фармон ҳаммамизга ўта некбин руҳ бағишлайди. Хусусан, умрини ўзбек тили ва адабиёти тарғибига бағишлаган мутахассислар бу ҳужжатнинг қабул қилинишини ўзлари учун улкан байрамдек ҳис қилиб юрибди. Чунки янги университет мамлакатимиздаги ўзбек тили ва адабиётига дахлдор барча мутахассисларнинг бошини қовуштирадиган маънавий-маърифий даргоҳ бўлиши тайин.

Сўнги йилларда Тошкентда ўзбек филологияси янги университет таркибига киририлган ана шу тўрт марказда ривожлантириладиган эди. Лекин буларнинг ҳеч қайсиси бир-бири билан бевосита боғланмаган, ҳар ким ўз-ўзича ишлаётган эди. Масалан, адабиёт йўналишида докторлик диссертацияси Тил ва адабиёт институтида тайёрланса ҳам, ЎзМУнинг ўзбек филологияси факультети ҳузуридаги ихтисослаштирилган илмий кенгашда ёқланиши керак эди. Бу талай муаммолар туғдирар, кучларни бирлаштириш вазифасини гарданиға оладиган таянч ташкилот эса йўқ эди.

Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи жуда бой. Камида минг йиллик ёзма адабий меросга эгамиз. Лекин олий таълим муассасалари талабалари учун ханузгача ўзбек адабиёти тарихи бўйича дарслик йўқ. Шўро замонида ўтмиш адабиёти уч дарслик асосида ўрганилар эди: Натан Маллаевнинг “Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. Қадимги даврдан XVII асргача”; Воҳид Абдуллаевнинг “Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. XVII асрдан XIX асрнинг иккинчи ярмигача”; Ғулом Каримовнинг “Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи китоб. XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX аср бошларигача”. Бу дарсликлар 1976–80 йилларда 15–25 минг нусхада чиқарилган бўлса ҳам, бугун уларни топиш қийин. Қолаверса, бу дарсликларда адабий мерос намуналарига эски мафкура нуқтаи назаридан ёндашилган. Бундан ташқари, ўтган давр мобайнида адабиётимиз тарихининг ўрганилмаган ёхуд атай қора бўёқлар чаплаган қанчадан-қанча “ёпик” майдонлари очилди.

Собиқ Тил ва адабиёт институтида тайёрланиб, 1977–80 йилларда чоп этилган беш жилдли “Ўзбек адабиёти тарихи” ҳам, биринчидан, бор-йўғи 2–3 минг нусхада чиқарилгани учун камёб нашрлардан бўлиб қолган, уни талабалар топиб ўқиши амримаҳол, иккинчидан, улар ҳам шўро мафкураси талаблари асосида ёзилганки, бугунги ёшларимизга мумтоз адабиётимиз ҳақида эскича тасавурларни бера олмаймиз.

Хуллас, бугун янги университетда адабиёт тарихини холис, кенг ва ҳар тарафлама ёритадиган тадқиқотлар, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари учун дарслик, дарслик-мажмуа ва ўқув қўлланмалари яратиш учун катта база шакллантирилиши зарур.

Иш юритиш тили

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганидан кейин тез фурсатларда, яъни 1990 йили Н.Маҳмудов, А.Мадвалиев, Н.Маҳкамов, М.Аминовлар тайёрлаган “Ўзбек тилида иш юритиш (Муншаот)” номли қўлланма чоп этилди. Бир муддат Вазирлар Маҳкама-

си ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси ҳам фаолият олиб борди. Билмадим, бу қўмита кўнгилдагидек иш бермадими, ишқилиб, туғатилди. Лекин давлат тилини жорий этишни тартибга солиш, бу борада йиғилиб бораётган муаммоларни илмий асослаган ҳолда ҳал қилиш, давлат тилида иш юритадиган ташкилотлар учун методик кўрсатмалар тайёрлаб, чоп этиб туришга эҳтиёж кучайгандан кучайиб бораверди.

Қабул қилинаётган қонуности ҳужжатларнинг тили ва услуги масаласида ҳам кўпдан-кўп муаммолар йиғилиб улгурди. Фаолият бор жойда муаммо бўлаверади. Бундан чўчимаслик керак. Камчиликларни тузатиб боравериш лозим.

Қабул қилинадиган ҳар қандай ҳужжатнинг охирида унинг ижроси учун масъул тайин этилади, албатта. Шунда: “Мазкур ҳужжат ижроси фалончига юклатилсин” қабиллада жумла битилади. Кимдир, эҳтимол, ўтган асрнинг 20-йилларида рус тилида қабул қилинган ҳужжатлардаги “данный (данная, данное)” олмошини ўйламай-нетмай “мазкур” деб таржима қилгандир. Шу, мана, бир асрдан буён хатолигича ишлаб келяпти. Ҳолбуки, шу ҳужжатнинг ўзида уни ҳеч ҳам “мазкур” деб бўлмади. Чунки “мазкур” дейиш учун аввал ўша ҳужжатнинг номи бошқа матнда камида бир бор тилга олинши керак. Кейин “мазкур” деса бўлади. Сабаби – “мазкур” сўзи “зикр этилган” деган маънони ифодалайди. Нима қилиш керак? “Ушбу” дейиш керак, вассалом. Агар қабул қилинаётган ҳужжат матнини таҳрир қилиб, “мазкур” ўрнига “ушбу” деб ёзиб берсангиз ҳам, иш осонликча битмайди. Чунки ҳаммининг, биринчи галда шу ҳужжатни имзолаётган масъул шахсларнинг кўзи “мазкур”га ўрганиб қолган. Чунки олдинги ҳужжатлар раҳбарларга шундайича кирган, муаммосиз имзо қўйилган. Ҳаммага, хато бўлса ҳам, шу қулайдай. Йўқ, бунақада тил ривожланмайди. Хатони тузатишдан ор қилмаслик керак.

Жамиятда тил билан боғлиқ шунчалик кўп муаммолар қалашиб қолганки, уларнинг ҳар бирини илмий, ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан пухта-пишиқ таҳлил қилиб, етти ўлчаб,

бир кесиш керак. Келинг, яна биргина жиҳат – шахсни тасдиқловчи ҳужжатларга киши фамилияси, исми ва ота исмини ёзиш масаласини олайлик. Шўро давлатининг сўнгги йилларида Ўзбекистон фуқароси исми, ота исми ва фамилиясини паспортининг бир саҳифасига рус, иккинчи саҳифасига ўзбек тилида ёзишга рухсат берилган эди. Лекин бутун собиқ Иттифоқда рус тили давлат тили бўлгани учун ички ишлар тизимидаги рўйхатда фуқаронинг фақат рус тилида битилган фамилияси, исми ва ота исми расмий ҳисобланар эди. Ўзбекчаси хўжакўрсинга эди. Ҳатто, “ў”, “к”, “ф” ва “х”, шаклига муносиб равишда, “у”, “к”, “з” ва “х”га тенглаштирилган эди. Яъни қонунан бундаги фарқлар фарқ ҳисобланмас эди. Ҳатто 1972 йили Эрнст Бегматовнинг айни масалаларни тартибга солиш бўйича махсус луғати (*Бегматов Э. Ўзбек исмлари имлоси (Русча ёзиш масалалари). Тошкент, Ўзбекистон ССР “Фан” нашриёти, 1972*) чоп этилиб, ФХДЁ идораларига шунга қатъий амал қилиш бўйича кўрсатма ҳам берилган эди. Бу луғатда 10 мингдан ортиқроқ эр ва аёл исмлари алоҳида-алоҳида қисмларда алифбо тартибида берилган. Ҳар бир исмнинг аввал ўзбекчаси, ёнига русчаси ифодаланган. Ўша фуқарога янги – Ўзбекистон Республикаси паспорти берилаётганда русчаси асос қилиб олинаверган. Шунинг учун деярли ҳаммамизнинг паспортимизда хато бор.

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети тилнинг ана шундай ҳаётий, яъни ўта амалий масалаларини ҳам ўрганишни гарданига олиши керак. Унга қонуний тарзда давлат тилини татбиқ этишни доимий назорат қилиш ва тавсиялар киритиб туриш ваколати берилиши зарур.

“Иш иштаҳа очар...”

Тилимизда *“Иш иштаҳа очар, дангаса ишдан қочар”* деган ажойиб мақол бор. Албатта, бу ердаги *“иштаҳа”* сўзини, аввало, ўз маъносидан тушунамиз. Бироқ ишнинг ишга бўлган иштаҳани очиш фазилати ҳам борда. Бошланган ҳар қандай эзгу иш уни яна ва яна давом эттириш туйғусини, иштиёқини

пайдо қилади. Шу маънода, таҳлил этилаётган фармон ҳар қандай мутахассисни яна кўп-кўп ишлар режасини тузишга ундайди. Худди шундай, бу ҳужжат камина кўнглида ҳам катта умидворликлар асосида талай фикр-мулоҳаза ва таклифларни илгари сурши илинжини пайдо қилди.

Докторлик диссертацияларига, соҳасидан қатъи назар, умумий талаб ва мезонлар қўйилиши шарт, албатта. Акс ҳолда, жаҳонга чиқа олмаймиз. Илмий даража олиш учун тадқиқот яратишнинг жаҳон стандартлари шаклланган. Биз ҳам шу талабларга жавоб берадиган илмий кадрлар тайёрлашимиз лозим. Буни ҳамма тушунади. Бироқ ўзбек тили ва адабиёти соҳасида диссертация ёқлашга муносабатни алоҳида ўйлаб кўриш керак. Миллий тил ва миллий адабиёт – ҳар бир давлат учун ҳам ўта хусусий масала. Айтайлик, ўзбек тилидаги *“нг”* товуши ҳақидаги илмий тадқиқотнинг Россия, Эрон учун қизиғи йўқ. Биринчидан, рус ёки форс тиллари туркий тил эмас, иккинчидан, бу товуш уларда мутлақо йўқ. Ҳатто бу мавзу Туркия ёки Озарбойжон мутахассисларини ҳам унчалар қизиқтирмайди. Чунки уларда *“нг”* товуши *“н”*га тенглашиб қолган.

Ёхуд асарлари хорижий тилларга умуман таржима қилинмаган ўзбек қаламкашлари ҳақидаги тадқиқотларни ҳам чет элда чоп этиш мушкулотини ўйлаб кўрайлик. Айтайлик, XVIII аср охирлари ва XIX аср бошларида Бухорода яшаб, туркий ва форсий тилларда ижод қилган Мужрим Обид ҳақидаги тадқиқот натижаларини хорижий мамлакатларда чоп эттириш имкони унчалар катта эмас. Шундай экан, уни ўша ёқларда эълон қилдиришнинг қийинчиликларини кўз ўнгингизга келтираверинг. Хуллас, ўзбек филологияси равнақ топиши, бу соҳада малакали, илмий даражали олимлар кўпайиши учун истисно тариқасида бу соҳа мутахассислари илмий асарларини хорижда чоп эттириш билан боғлиқ масалада имтиёзлар бўлиши шарт.

1989 йили ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганидан кейин ижтимоий ҳаётда ажиб бир жонланиш юз берди. Камина

ўшанда собиқ Тил ва адабиёт институтида ишлар эдим. Ҳар хил ташкилотлардан институтга матн кўтариб келадиганлар шундай кўпайдики, мутахассислар уларни кўриб бера бошлади. Ҳатто кейинчалик махсус ҳисоб рақамига пул кўчириб, матнларни таҳрир қилдириб олиш ҳам йўлга қўйилди. Бироқ аста-секин бу жараён сусайди.

Очиғини айтганда, пойтахт Тошкент қўчаларида ўзбек тилида хатосиз ёзилган матн кам. Лекин русча матнларда хато – йўқ даражада. Тилимизда “Тошкент шаҳри” деган бирикма ҳам бор, “шаҳар ҳокимияти” деган бирикма ҳам. Агар бу икки тушунчани бирлаштириш керак бўлса, “Тошкент шаҳри ҳокимияти” (!) бўлади. Афсуски, деярли барча расмий ҳужжатларда, боринги, шу ташкилот кираверишида ҳам хато тарзда “Тошкент шаҳар ҳокимияти” деб битиб қўйилган. Шу кўчадаги Тошкент вилояти ҳокимлиги (!) биноси кираверишида эса қўпол хато билан “Тошкент вилоят ҳокимияти” деб ёзилган. Бу яхши ҳолат эмас. Шунинг учун янги ташкил этилган университет қошида юридик ва жисмоний шахсларга пулли таҳрир хизмати кўрсатадиган гуруҳлар ташкил этиш керак. Ахир, барча ташкилотларнинг номи, низоми, дастури, режаси ва ҳоказолари бўлади. Улар фаолиятининг юридик жиҳатдан қонунларга мос ёки мос эмаслигини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тегишли органлар кўриб чиққани каби, уларнинг ҳужжатлари матни адабий тил талабларига мос ёки мос эмаслигини ҳам тилга мутасадди ташкилот кўриб бериши керакми-йўқми?! Бу давлат тилининг обрўи, равнақи, мавқе-мақоми учун зарур.

Ёки терминология (уни “атамашунослик” ҳам деймиз) масаласини олайлик. Ҳар бир соҳа вакиллари ўз йўналишига дахлдор истилоҳларни яратади, қабул қилади ёки истеъмолдан чиқаради. Аммо, соҳасидан қатъи назар, бу жараён тил қонуниятларига мос равишда амалга ошиши лозим. Бунга эришиш учун мутахассисларнинг ёрдами керак.

Имло луғати тузишда ҳам талайгина муаммолар йиғилиб қолган. Масалан, “Ўзбек

тилининг имло луғати”да (Ўзбек тилининг имло луғати. 85 000 дан ортиқ сўз. Филология фанлари доктори, профессор Н. Маҳмудов таҳрири остида. Тошкент, “Академнашр”, 2013) “путур” (300-бет) сўзи ҳам берилган, “футур” (403-бет) сўзи ҳам. Китобхон: “Булар алоҳида-алоҳида сўз экан-да”, деб ўйлаши мумкин. Ҳолбуки, булар – бир сўзнинг вариантлари. Луғатдаги принципга кўра, вариант ўша асосий шаклнинг ёнига берилиши керак эди. Масалан, “*иймон* ва *имон*” (163-бет) тарзида.

Шўро даврида тилимиз Ғарб тилларига оид сўзларнинг барини фақат рус тили орқали қабул қилди. Рус тилида “х” товуши йўқ. Айрим Ғарб тилларида эса бу товуш бор. Лекин руслар “х”ни ўз тилига мослаб, “г” билан ёзди ва талаффуз қилди. Масалан, тилимизда “*гегемон*” деган сўз бор. Уни рус тили орқали олганмиз. Аммо, аслида, у юнонча “*хегемон*”нинг ўзгинаси. Нима қилайлик: русча талаффузга мослигича қолаверсинми ёхуд асли ҳолига қайтарайликми? Ёки Қуёш юнончада “*helios*” дейилади. Хўш, энди биз “*гелиоцентризм*” дейликми ёхуд “*хелиоцентризм*”ми? “*Гигиена*”, “*гидробиология*”, “*гидравлика*”, “*герцог*”, “*гуманитар (фанлар)*” ва ҳоказо сўзлар масаласини ҳам ҳал қилиб олиш лозим. Бундай муаммога Ғарбнинг машҳур кишилари исми ва фамилияси ифодасида ҳам дуч келамиз.

Хўш, биз нима қилайлик? Русчанинг шу таъсирида қолаверайликми ёки ўзимизда “х” борлиги учун бу сўзларни аслига мослаштирайликми? Ё бу масалада ҳар бир ҳолатнинг ўзидан келиб чиқиб муносабатда бўлиш керакми? Хўп, бугун “г”да қолдик, ҳам дейлик. Лекин эртага Ғарб тилларидан янги-янги сўзлар рус тили таъсирисиз тўғридан-тўғри тилимизга кириб келса, уларда “х” иштирок этаверса, *орада иккихиллик пайдо бўлмайди*, деб ким кафолат беради? Бу саволлар илмий асосланган жавобларга муҳтож.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида илоҳотлар олиб бориляптими, демак, тилимизни жиддий ислоҳ қилиш пайти ҳам келди. Бундан хавотирга тушмаслик керак. Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади. Дардни

даволамасанг, аҳвол ёмонлашиб бораверади. Ҳатто кейин тузалиши амримаҳол бир ҳолга келиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.

Ўзбек тили ва адабиёти бўйича дунёда фақат Ўзбекистонимизда энг етук кадрлар тайёрлаш имкони мавжуд. Ташкил этилаётган университет бу вазифани ҳадди аълосига етказиш учун қулай имконият беради.

Тўғри, биз айтаётган таклифларни бирданга амалга ошириш қийин кечар. Лекин ҳаёт олдинлаб бораверади. Яхши гоё бугун бўлмаса эртага албатта рўёбга чиқади. Фақат бунинг учун истак ва ҳаракат керак.

Давлат нимага эътиборни кучайтирсин, ўша соҳа ривожланади. Бу – исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Давлат ўзбек тили ва адабиётига шундай юксак мақомда эътибор беряптими, биз – филологлар бундан беҳад мамнун бўлишимиз, ҳаммамиз биргалашиб, шу мақсаднинг юксак савияда амалга ошишига қўлимиздан келган қадар ҳисса қўшимиз шарт. Агар ушбу университет мамлакатда ўзбек тили ва адабиёти фани бўйича таянч илмий-таълимий марказ мақомига кўтарилишни истаса, у амалда мамлакатдаги барча филолог олим ва мутахассислар кучларини бирлаштиришнинг турли йўллари, ҳатто ҳали Ўзбекистонимизда ҳеч бир олий таълим муассасасида жорий этилмаган тамоман янгича ишлаш усуллари излаши ва топиши мумкин.

Мамлакатда ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилдими, энди, шубҳасиз, минтақалардаги ўзбек тили ва адабиёти бўйича мутахассис тайёрлайдиган факультетлар фаолияти ҳам жонланади. Университет ана шу соҳа умумфаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш вазифасини ҳам зиммасига олиши лозим. Лекин минтақаларимиздаги олий таълим муассасаларининг аксариди бугунги кунда ўзбек тили ва адабиёти бўйича факультетлар рус ва хорижий тиллар факультетлари билан бирлаштириб қўйилган. Кўп кафедралар ҳам қўшиб юборилган. Бу эса, ўз ўзидан, соҳа ривожига салбий таъсир этади.

Яна бир мулоҳаза бор. Модомики, бундан буён фан номзоди илмий даражаси берилмас, магистрлик ҳам илмий даража ҳисобла-

нар экан, хусусан, ўзбек тили ва адабиёти бўйича магистрлар тайёрлашнинг мақомини кўтариш, бундай кадрлар салоҳиятига талабни кескин ошириш керак. Баъзи таълим муассасаларида тайёрланаётган магистрларнинг билим даражаси бакалаврларникидан жуда кам фарқ қилиб қоляпти.

Жаҳондаги нуфузли олий таълим муассасаларидаги яхши бир анъана шундан иборатки, муайян мавзунини талабаларга шу масалани мукамал ўрганган олим ўтиб беради. Ҳозирги замонда у Ер юзининг қарерида яшаётгани, қайси тилда ижод қилаётганининг ҳам аҳамияти йўқ. Чунки қайси тилда маъруза тайёрланмасин, уни керакли тилга таржима қилиш мумкин-ку! Олий таълим муассасаси ўша етук мутахассис билан шартнома тузади, у университетга электрон дарс тайёрлаб беради, аудиторияда экранда кўйилади. Талабада савол ё мулоҳаза тўғилгудек бўлса, интернет орқали маърузачи билан алоқага чиқади. Бунинг учун таълим муассасасида барча техникавий шароитлар яратилади. Янги университет ана шу тажрибага қўл уриши зарур. Ушбу усул университетда илмий, илмий-методик, илмий-оммабоп нашрларни тайёрлаш борасида ҳам қўлланиши лозим. Бу борада тугатилаётган Тил ва адабиёт институтида муайян даражада анъаналар шаклланган. Масалан, "Ўзбек адабиёти тарихи" беш жилдлигини бутун Ўзбекистонимиз мумтоз адабиёт тарихи мутахассислари яратган, десак, лоф бўлмайди. Мавзуга кўра, унга республиканинг турли ҳудудларида яшаб, ижод қилаётган олимлар жалб этилган.

Дангалини айтиб қўя қолай, ёзганлари босилиб чиқадиган бўлса, олим қавми қаламҳақи талаб қилмасдан ҳам ишлайверади. Университетда илмий тадқиқотларни ривожлантириш учун маблағ етарли бўлмаганда зиёлиларимизнинг ана шу фидойилигига суяниб иш тутавериш мумкин.

Ўзбек тилида ҳалигача электрон таҳрир дастури йўқ. Бунинг нималигини умуман билмайдиганлар ҳам топилади. Бу дастурга тилимиздаги жами сўзлар адабий нутқда ишлатиладиган барча шакл-шамойиллари

билан киритилади. Шу тариқа сўзларнинг ҳамма синтактик-услубий боғланишлари ҳам дастурга жойлаштириб чиқилади. Кейин хоҳлаган киши ўзбек тилида матн ёзса, компьютер имло хато билан битилган ҳар қандай сўз тагига, айтайлик, қизил рангдаги тўлқинли чизиқ чизади. То ўша сўзнинг тўғри вариантыни топиб ёзмагунингизча тўлқинли чизиқ йўқолмайди. Агар жумла синтактик-услубий жиҳатдан хато тузилган бўлса, энди унинг тагига, айтайлик, кўк рангли тўлқинли чизиқ пайдо бўлади...

Беш жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да (2006–2008) 80 мингдан ошиқ сўз ва сўз бирикмаси изоҳланган. Аммо мумтоз меросимизда, эҳ-ҳе, ҳозирги ўзбек тилида фаол бўлмай қолган яна қанчадан-қанча архаик ёки тарихий калима мавжуд. Шеваларимизда ҳам адабий тилда оммалашмаган яна қанчадан-қанча сўзлар бор. Буларнинг бари қайд этилиши, бир ерга йиғилиши, илмий ўрганилиши, маънолари атрофлича изоҳланиши керак. Бу вазифани қанча кечиктирсак, иш шунча мушкул бўлиб бораверади. Ҳатто, замонлар ўтиши билан шевалардаги айрим ноёб сўзларнинг йўқолиб қолиш хавфи ҳам юқори. Эндиликда ўзбек тилининг ялпи изоҳли луғатини тузиш лозим. Бу улкан луғатга тилимизнинг бутун тарихидаги, шунингдек, барча шеваларимиздаги ҳамма сўзларни киритишни мақсад қилмоқ зарур.

Кузатиб юрган мутахассиснинг ҳозирги пайтда ҳам глобаллашув таъсирида тилимизга кириб келаётган янги-янги тушунчаларни қандай ифодалаш масаласида атрофимиздаги қардош тиллар бизга қараб мўлжал олаётганини сезиши қийин эмас. Келажакда тилимизнинг айнан туркий тилларни ўзаро мувофиқлаштириш жиҳатидан тутган ўрни ва мавқе-мақоми ҳам илмий тадқиқотлар асосида аниқ-тиниқ кўрсатиб берилади, иншооллоҳ.

Нима қилиб бўлса ҳам, янги университетга талабаларни ҳаққоний билимига қараб қабул қилишнинг бошқаларга ўрناк бўладиган

даражадаги олий адолатини ўрнатиш лозим. Чунки бу муассаса миллат учун энг ўзак масала бўлган соҳага кадр етиштириб беради, ахир!

Ҳозирги пайтда дунёнинг айрим ривожланган мамлакатлари олий таълим муассасаларида ўзбек тили махсус ўрганиляпти. Ўзбекчадаги бой меросни жаҳоннинг турли тилларига таржима қилишга қизиқиш ҳам ошиб бораётир. Бу жараёндан, аввало, ўзимиз манфаатдормиз. Шунинг учун бу соҳа равнақиға айнан ўзимиз ёрдам беришимизга тўғри келади. Ривожланган давлатларнинг деярли ҳаммаси ўз тили ва адабиёти дунё бўйлаб ҳадди аълосида тарғиб этилиши учун жонкуярлик кўрсатади, катта-катта маблағлар сарфлайди, чет мамлакатлардаги шу тил ва адабиёт мутахассисларини рағбатлантиради, уларни чақириб ўқитади. Бизда ҳам энди шундай имконият вужудга кела бошлади. Айнан ана шу янги университет Ер юзидаги ўзбек тили мутахассислари, адабиётимиз таржимонларини юртимизга чақириб, бир ёки бир неча ойлик малака ошириш курслари ташкил этиши зарур. Ўзбек тилини Ўзбекистоннинг ўзида туриб ўрганишга нима етсин! Бунинг аввалига хорижлик мутахассислар учун бепул амалга оширишга тўғри келар, аммо кейинчалик хорижлик ўзбекшунослар ўз маблағлари ҳисобига келиб ўқиб кетишга ҳам рози бўлса, ажаб эмас.

Тилимиз ва адабиётимиз билан боғлиқ бундай кенг қамровли ишларни бир-икки олимнинг ташаббуси, меҳнати, фидойилиги билангина амалга оширишнинг асло имкони йўқ. Янги ташкил этилаётган университет давлат ва миллат тақдири билан бевосита вобаста бундай оламшумул вазифаларни бўйнига олиб фаолият юритиши керак.

“Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги фармон халқнинг тили ва унинг дили бўлмиш адабиёти ривожда туб бурилиш юз беришига катта омил бўлади.

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ



ZAMONA ZAYLI

Эссе

*“Тушда оқ от кўрсанг агар – бахт, –
Бувим тушни шундай йўярди.
– Балиқ кўрсанг уқубат бўлар,
Худо сақласин”, – деб кўярди.*

*Ғалати туш кўрдим тунов кун
Мизғирканман пешинда ҳориб:
Каттакон бир лаққа балиқни
Борардим оқ отга ўнгариб.*

**Матназар АБДУЛҲАКИМ,
“Фалсафий туш”**

Замона зайли билан отнинг оқ-қорасию қизилини ҳам бирров миниб кўрмаган янги авлод дунёга келаётир. Шу ҳақда фикр қилар эканман, “Алпомиш”ни куйлаган жировларнинг қўбиз оҳангига пайваста:

*От бўлибди Миёнкўлнинг тойлари,
Кўйни сотиб, кўзи қилган бойлари, –*

дея бўғиздан ғар-ғар чиққан мунгли ва доно овози хаёлимда янграйди. Кечаги тойчоқлар бугун тулпорга айланиб, отчопар сари интиляпти. Бундоқ қарасангиз, кўз очиб-юмгунча мустақиллигимиз билан тенгдош янги авлод вояга етиб қолибди. Йигирма беш йил – бир авлод даври-да!

Тойчоқлар аввал обдон чиниқтирилиб, сўнг пойгага кўшилади. Бу – қадим-қадимдан қолган одат. Лекин ҳаёт шу қадар тез ривожланиб, шитоб ўзгармоқдаки, унинг билан тенгма-тенг чопишга нафақат тойчоқлар, балки тулпорлар ҳам дош бериши қийин.

“Дунё – олтига бўлинган, бир бўлаги – бизнинг Ватан”, дея куйлаган эди кечаги авлод. Ўша “бўлак” ҳам чок-чокидан сўкилиб, янги мустақил давлатлар пайдо бўлгач, халқлар қандайдир аросатда қолди: “Қайси нонга суркаб еймиз бу мустақиллик ёғини?” Бозорда, ана, озиқ-овқат, кийим-кечак сероб бўлса, ер ишлаб, экин экиш шартми, деб ўйлади баъзилар. Ўша юртларда деҳқон ердан, ишчи заводдан, зиёли китобдан, дўхтир бемордан узоқлашди. Оқибат нима бўлди? Бозорни тўлдириб турган молларнинг четдан келиши тўхтаб, пули кадрсизлана бошлаши билан барчаси ташвишга туша бошлади: “Энди нима бўлади?..”

ТошМИ клиникасида даволанаётган саксон бир ёшли отахон бундай дейди: “Мен уруш йиллари, болалик чоқларим Тошкентга келиб қолганман. Бағрикенг халқингиз бошимни силаб, нон-туз берди – ўз фарзандидан зиёда ўстириб, вояга етказди. Кун-соати

етиб уйландим, бола-чақали бўлдик, фарзандлар ҳам улгайиб, оила қуришди, сўнг бири Украина, бири Россияга кўчиб кетди. Энди мени... эллик йилдан буён бирга яшаб келаётган кампиримдан айирмоқчи улар. Қизим кампиримни, ўғлим эса мени чақиряпти. Чол-кампир бирга яшашимиз учун ҳеч бирида шароит йўқ эмиш. Нима қилишимизни билмай ҳайронмиз. Сизлардаги меҳр-оқибат бошқа бирор халқда йўқ. Фарзанднинг ота-она олдигаги бурчлари азал-азалдан, ҳеч бир қоғоз-поғозсиз, онгга шу қадар чуқур муҳрланганки, кексайганда сира ёлғиз ташлаб қўйилмайсиз, неварачеваралар-ку, бири тушса, бири чиқиб, бир дам тиззангизни бўшатмайди. Тўғриси, қари ота-онасини ёлғизлатиб қўйиш фарзандлик номусига доғ бўлиб тушишини бошқа юртларда кўрмадим. Дарвоқе, дунёнинг кўп ўлкаларида ит эгасини танимас талотум бўлаётган бир замонда бу ердаги барқарорликка ҳар ким ҳавас қилса керак...”

Ҳар кимнинг тақдири – ўзга, ҳар кимнинг ризқи бўлак... Бироқ умумхалқ фаровонлиги – буюк неъмат деган шиорни дастуриламал қилган сиёсий йўлимиз нечоғли тўғрилигини давр синовлари кўрсатмоқда. Эсингизда бўлса, мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ ўзгалар ёрдамига эмас, ўз кучимизга ишонишимиз, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришимиз, четга имкон қадар тайёр маҳсулот экспорт қилишимиз керак, дея олдимизга катта мақсадлар қўйдик ва шу танлаган йўлимиздан қайтмадик. Ўз табиий бойликларига ишониб, тайёрга айёрлик йўлини тутганларнинг бошига эса бу фикр чорак асрдан сўнг келаётганига нима дейсиз?!

Эски бозор ҳангомаси

Қорақалпоқ бозорга борса... балиқ ёки қовун еб қайтади. Бу – мен болалиқда кўрган манзара. Қўшнимиз Сайид тоға ҳар яшанба саҳармардонда бир кампири, бир эшагини бўралаб сўкиб олгач, аравасини қўшарди-да “Опа, тайёرمىсан?” деб бақирарди. Опаси – менинг бувим. У арава олдтахтасида тескари қараб, биз эса тоғам билан олдин-

га қараб ўтирардик. Бозор овулимиздан ўн беш чақирим наридаги Хўжайли шаҳрида бўлиб, ўша кезлар чангиб ётадиган йўллардан аксар отличлару эшакаравалар юрарди. Аҳён-аҳёнда ЗиС-5 деган машина ҳам ўтиб қоларди. ЗиС-5 ўтганда от-эшақлар хуркиб, аравани йўлсиз олиб қочарди.

Одам бозорга яёв борса, уч-тўрт соат, эшакаравада борса, бир-икки соатда етарди. Отлиқ одам эса бозорга ЗиС-5 машинасидан ҳам эртароқ борарди. Машина ортидан кўтарилган чанг анчагача босилмас, шунда бувим оғиз-бурнини рўмоли билан ёпар, менинг бошимни эса қўлтиғига тикарди.

Эски Хўжайли бозорининг ўзидан ҳам унинг от, эшақ, арава турадиган чорбоғи катта эди. Чорбоққа кираверишда кичик чойхона бўлиб, Сайид тоғам арава ғилдирагига эшагини боғлаб, “Опа, бизнинг рўзғорга нималар кераклигини ўзинг биласан-ку”, дея шу чойхонага кириб кетарди, бувим эса “Бозорлиқни ўзим қиларман, сен оёғим остида ўралашма, тоғанг билан ўтириб тур”, дея тайинларди менга. Сайид тоғам аллақандай чўпларни лавоби пиёлага солиб, қайноқ сув билан эзиб ўтирадиган улфатлари даврасига қўшиларди. Улар ўша “сув”ни ичиб олмагунча бир-биридан аразлаган одамлардек қовоқ уйиб, миқ этмай ўтиришарди. Ичиб олгандан кейин эса юзларига табассум югуриб, бир-бирига сўз бермай қўйишарди.

– Бу, йигитлар, замон қандай бўлиб кетяпти ўзи? – дея гап бошларди биттаси. – Кеча пешанамизга битилган битта от, иккита эчкимизни овулкенгаш одамлари келиб хатлаб кетти... – Ортидан эса бояғи гапга ҳеч қандай дахли бўлмаса ҳам мана бундай деб қўшиб қўярди: – Ана, янги пул чиқди, чақаси шунақам майдаки, бармоқларинг орасидан тўкиламан дейди...

– От билан эчкини йуқотишга фармон чиққанмиш, бу газандалар дарахтни кемириб битирармиш, экинни пайхон қилармиш, хуллас, қишлоқ хўжалиги душмани эмиш...

– Менда от ҳам йўқ, эчки ҳам йўқ, эшагим омон бўлсин, – дейди Сайид тоғам хотиржам.

– Сен шошмай тур, ҳали Қураканг (улар Хрущёвни шундай атар эди) омон бўлса,

гал эшакка ҳам етади. Айт-айт, лекин Қураканг, барибир, Исакангга (Сталинга) ета олмайди. Исакангнинг пуллари, вой-бўй, катта-катта, қўлларингга зўрға сиғарди ўзиям!

– Йўқ, Қураканг ҳам анойи норкалла эмас, ана, бошини қара, халқнинг ғамини ея-ея, сочи тўкилиб, бир туки омон қолмаган. Яқинда коммунизмга етиб олсак, худо хоҳласа, гугурт, кирсовун, туз, лампамойни (керосин) бепул қиламан, деяпти.

– Бекорларни айтибсан, биринчидан, Қураканг икки дунёда “худо хоҳласа” демайди. Иккинчидан, “шудгорда текин қуйруқ на қилур?” деганларидек, бепул нарсани ҳамма уйига ташиб кетмайдими?

– Ахир, коммунизмда одамлар дўкандан керагини олиб, нокегагига қўл теккизмайди-да. Ҳатто у замонда пулнинг ўзи ҳам йўқ бўлади.

– Маошни қандай беришади?

– Маош бермаса кераг-ов, ахир, ҳамма нарса бепул бўлса...

– Исакангнинг замонида сургун қилинганлар: ишлатади-ю, маошини бермайди, деганди, бу коммунизм деганлари ҳам ўшанақанги катта қамоқхона эмасмикан?...

– Жим, ана, Ўтабой қизил келяпти! Тилинғизни тиймасанғиз, коммунизмни нақд бошинғизга ўрнатади.

“Ўтабой домком” лақабли бу одамни бутун Хўжайли танирди. Ундан ҳамма ҳайиқар ва шу сабаб тавозе-ла қўшқўллаб сўрашарди-ю, дарров қочиб қолиш пайига тушарди. У домкомликдан аввалги участкавойлик даврларида Исакангнинг интизомини Хўжайлида ўрнатган, дейишарди. Одамлар безорилардан қўрқса, безорилар Ўтабой қизилдан қўрқарди. Хўжайли хотинлари йиғлоқи болаларини “Овозингни Ўтабой қизил эшитиб қолсам... Ана қарагин, Ўтабой келяпти”, дея ҳиқиллашдан тўхтатарди.

У кириб келиши билан чойхона жим бўлиб қолди.

– Ҳа, эзяпсанларми, нахирлар (русча сўкиниш)? – дейди у тоғамнинг устига келиб.

Ўтабой оғанинг ўрисчаси билан сўкиниши бир хил эди. Ахир, у ўрисчадан фақат сўкинишни биларди-да!

– Ҳа, йўғ-ей...

– Мени алдаб бўпсан, нахир, мана, пиёладаги нима?

– Энди Ўтабой оға, са-ал шамоллаб қолиб, озгина эзган эдим-да...

– Барингни бир шамол урган, сурункали касалсан баринг...

Қани, эзганиндан ол-чи, нахир!

– Сиз учун янгитдан эзамиз, Ўтабой оға, – дея пилдираб келади чойхоначи.

– Ҳа, эзилиб улгур, янгитдан эзгунча, анов тайёр “қор-қор”ни обкел!

Мен ўшанда илк бор оғзидан тутун чиқарадиган кумгонни кўрганман.

– Манови, тирранча ким, нахир?

– Сайиднинг жияни, Сарсонбой муаллимнинг ўғли.

– Ҳа, бу тирранча эмас, нахир, ўз укамнинг ўғли экан-ку. Болам, бор, ташқарида ўйна, булардан ўрناق олма! Сизларни-ку, нахир, коммунизм қурувчисига ножўя тарбия бераётганингиз учун битта қўймай йўқотишим керак эди-ю, нахир, лекин ўзим ҳам бирга эзяпман-да...

Мен Ўтабой домкомнинг бир-икки марта “қор-қор” тортганини томоша қиламан-да, секин чиқиб кетаман. Ташқарида ҳўкизли аравазида сув тўла бочкани чайпаб, Жуманиёз сувчи жар солиб ўтади:

– Ҳов, Сайид, кайфинг бошингга етгур кўрнамак, опанг олган нарсаларини кўтара олмай, қовун бозорда сени кутяпти-и-и-ё-в...

Сайид тоғам, одатда, “сув”дан кейин ухлаб қоларди. Мен ичкарига югуриб кириб, тоғамни туртаман: – Тоға, тоға, туринг, опам қақиряпти!..

Бувимнинг исмини эшитган тоғам чўчиб уйғонади-да:

– Қани, қани? – дейди.

– Бор, тезроқ бор, нахир! Янгамиз – чаток кампир. Лекин мени бу ерда кўрганингни айта кўрма, нахир, жабанский понял?..



Мени сотиб олган қовун-тарвузу ошқовоқларига қоровул қилиб қолдириб, Сайид тоғам ун, жўхори, гуруч халтачаларини катта қопга солиб ортмоқлаганча чорбоққа, бувим эса қанд-чой олгани яна бозорга йўл олади.

Бозор ўртасидаги тор йўлақдан яна Жуманиёз сувчи ўтади:

– Ҳой, халойиқ, халойиқ! Эшитмадим деманглар! Бозорком янги қарор чиқарди-и-и. Олисдан отда, эшақда келган бозорчилар, энди чорбоғнинг ўнг томонига отларни, чап томонига эшақларни боғлайсизлар-р-р. Аравалар ўртада жойлашади-и-и. Отнинг ёнига эшақ боғласангиз, тафси отга уради-и-и...

Тоғам ҳарс-ҳарс нафас олганча юкларни уч-тўрт марта ташиб келарди. Охиргисида қанд-чой, печенье солинган халтани кўлига олиб бувимга:

– Опа, қолган юкларни ўзларинг оборасизлар, мен бир чойнак чой ичиб олай, – дерди.

– Ҳе, бошинг чойда қолгур-а, куну тун чой, чой... – дерди бувим ўктам овозда тўнғиллаб.

Ўшанда кўрганман, бозорнинг бир чеккасида “столабай” бўлиб, унга замонавий кийинган, галстук таққан зиёлинамо одамлар кирар эди. Улар ошхонага киришда жуда маданиятли бўларди-ю, лекин чиқишда... галстуклари бир томонга қийшайиб, бир-бирига суянмаса, қулаб кетгудек тентираб кетарди. Чойхона билан балиқхонага эса бизларга ўхшаган юпун кийинган одамлар кирарди. Мен “столабай”га бир кириб кўришни орзу қилардим, лекин бувим у ерда овқатга картошка билан помидор солишади, шунинг учун кириш куфр, деб мени яқинига йўлатмасди...

Сайид тоғам бозордан чиқиб эшакарава-ни энди йўлга тўғрилаган ҳам эдики бувим:

– Вой, ақлим курсин, оқмой эсдан чиқибди-ку! Сизлар бирпас сабр қилинглар, мен тез бориб обкелай... – деб қолди.

– Майли, опа, бориб келинг, – деди тоғам, – ахир, оқмойсиз овқат қилиб бўладими!

Сайид тоғам “сув”га тўйгандан сўнг, кайфи чоғ бўлиб, ўзича хиргойи қиларди:

*Ҳаммининг гули очилди,
Менинг гулим очилмасми?
Дунёга дурлар сочилди,
Менга дурлар сочилмасми?*

Тоғам бувимни узоқдан кўргач, хиргойи-сини тўхтатиб, пешвоз югурди ва кўлидан мойқовоғини олиб:

– Опа, аввал ўзингиз аравага чиқиб олинг, мойқовоғни узатиб юбораман, маҳкам ушлаб ўтирасиз, – деди. У бувимни аравага жойлаштириб, кейин мени олдтахтага ўтқазди ва мойқовоғни ердан кўтараётди, арава ғилдирагига уриб олди. Қовоқ тарс ёрилиб, мой тўкилди...

– Кўзингга қарамайсанми, кўрнамак! – дея уришди бувим.

– Опа, айб менда, югуриб бориб олиб келаман мойни... – деди тоғам.

– Энди мой оладиган пулимиз ҳам, соладиган идишимиз ҳам йўқ, ҳайда, кетдик! – деди бувим ҳафсаласи пир бўлиб. Овулга ета-етгунча тоғам узр сўраб борди, бувим эса миқ этмади...

Ўша кезлари бувим олтмиш ёшларда бўлиб, Сайид тоғам эса эллика ҳам чиқмаган эди. Лекин улар ҳозирги 70-80 ёшли кексалардан қаримсиқ кўринарди... Замонамиз зайлини сезяпсизми?!

Пойтахтга овулдан келдим...

Тошкентда зилзила бўлган йили мен 9-синфда ўқир эдим. Бир йилдан сўнг мактабни тугатган аканг қарағай, жомадонни китобга тўлдириб, Тошкентга ўқишга отландим. Бу сафарги отимиз “Кўнғирот – Тошкент” поезди эди. Ўша вақтларда поезд Хўжайлидан пойтахтга салкам бир ярим кунда келарди. Ота-онам врач бўлишимни хоҳлар, ўзим эса геолог бўлишни орзу қилардим. Аммо фикрим бирдан ўзгариб, ўша йили Тошкент давлат университетида алоҳида факультет бўлиб ажраб чиққан журналистикага ҳужжат топширдим. Бунга қадар журналистика филология факультетининг бўлими бўлган экан.

Имтиҳонларни дуруст топширдим-у, бироқ армияда хизмат қилмаганим, иш стажим йўқлиги ва энг муҳими – партия аъзоси бўлмаганим сабаб кундузги эмас, кечки ўқишга қабул қилиндим. Ўша вақтлар кундузи ўқиганлар кечки ўқиганларни, кечки ўқиганлар сиртқи ўқиганларни писанд қилмас эди. Лекин мактабдан бошқа ҳеч жойни кўрмаган

мендек бўзбола учун кечки таълим зўр ҳаётий сабоқ бўлгани рост. Зилзилада вайрон бўлган пойтахтимизни янгитдан қуришга, бир томондан, ёшлик романтикаси, иккинчи томондан, тирикчилик сабаб, озроқ бўлса-да, ўз ҳиссамни қўшдим. Ахир, кундузи ўқийдиган талабанинг стипендияси 35 сўм бўлса, дурадгорга шогирд тушган каминанинг маоши 70 сўм эди-да. Лекин ҳам ишлаб, ҳам ўқиш осон эмас экан, бир йилча роса қийналдим. Қурилиш прораби ҳали ёшим кичиклигию студент эканимни ҳисобга олиб, ишдан бир соат олдин кетишимга рухсат бериб қўйди. Сўнгра маоши кўпроқ деб йўл ишчиси, ундан ҳам сўнгра тазароқ кийимда юрасан деб вентиляция слесарлигига ўтказди. Маошим 130-150 сўмларга етди. Бойвачча талабалардан бирига айландим. Талабалик тушлик овқати атиги 35 тийин турса-ю, яна нима керак менга! Пойтахтимизнинг бош майдонидаги Ҳукумат уйи, маъмурий бинолар қурилишида тирноқнинг учидай улушим борлигидан ҳалигача ғурурланиб юраман...

Талабалик умрнинг энг бахтли даври эканини ҳамма билади, лекин шу бахт қадрига етмайдиганлар ҳам бўлар экан. Биз кечки ўқишга 47 талаба қабул қилинган эдик, битирганимизда атиги 24 киши қолдик...

Кундузи ишлаб, кечаси ўқиб, тўртта кутубхонага қатнаб, ишқ-муҳаббатга ҳам вақт топилмай талабалик ортда қолди.

Шанба, якшанба – иш ҳам, ўқиш ҳам йўқ кунларни имкон қадар кутубхона, кинотеатрларда ўтказардим. Айниқса, Ҳамза (ҳозирги Миллий), Муқимий, Рус драма театрлари спектакларини битта қўймай томоша қилардим. Шукур Бурҳонов ролини кўргани “Шоҳ Эдип” спектаклига қайта-қайта тушганман. “Олтин девор”даги Ғани Аъзамов, “Жумагул”даги Раззоқ Ҳамроев, “Жон қизлар”даги Бахтиёр Ихтиёровлар битта образни ҳар гал янгича талқин қилганига гувоҳ бўлганман. Рус драма театридаги “Ёлғончи даркор”, “Орзу трамвайи” спектакллари ҳали-ҳануз ёдимда...

Овулга қайтгач ҳам иш ва оила ташвишлари билан Тошкентга келиб-кетишга зарурат туғилса, имкониятни бой бермай, бирор

театрга тушиб қайтардим. Лекин, йилига бир-икки мартагина бўладиган бундай имкониятлар каминани Тошкентнинг нафақат пойтахт, балки мегаполис сифатидаги ҳаётидан ҳам тўлиқ хабардор эта олмасди, албатта. Менинг пойтахтдан олган бугунги таассуротларим олис овулдан келган одам ҳайратидан бошқа нарса эмас.

Ўзингиз таққослаб кўринг, мустақиллигимизга қадар Ўзбекистонда атиги учта университет бўлса, ҳозир уларнинг сони йигирмадан ошиб кетган, ҳатто хорижий университетлар ҳам бор. Вилоят марказларида авваллари биттадан олийгоҳ мавжуд бўлса, ҳозир ҳар бирида беш-олтита олийгоҳ ва филиаллар ишляпти. Академик лицей, коллежлар эса минглаб. Демак, ҳозирги талаба-ёшларнинг имконияти бизникидан минг карра зиёдроқ...

Илгари Тошкентда беш-олтита театр бор эди, бугун эса санашга бармоқ етмайди. Лекин, кинотеатрлар камайиб қолгандек, назаримда. Ҳар бир уйда кинотеатр ҳозир но-зирлиги боис шундайдир...

Тошкентга бу галги сафаримда Ёшлар театрига тушмоқчи бўлдим. Шу театрда ҳам-юртим Озод Бекмуратов етакчи ролларни ижро этади деб эшитганман. Қани, бу бола қандай ўйнар экан, деган ўй ўтди ҳаёлимдан.

Озоднинг ролини томоша қилишдан олдин театрнинг ўзи билан танишай деб уч неварамни якшанба кунги болалар спектаклига олиб тушдим. Каминага театр олами анча-мунча таниш, аммо бунисида муҳит сал бошқачароқ экан. Невараларим эса Тошкентда театр бўсағасидан илк бор ҳатлаётир. Ё, таажжуб, театрнинг кундузги спектакли аншлаб бўлди. Жаҳонга машҳур Шарль Перронинг “Этик кийган мушук” асари барчамизга болалиқдан яхши таниш, балки шунданмикан аншлаб?

Пьеса мазмуни оддий: уч оға-инига отасидан уй, арава ва мушук мерос қолади, мушукни танлаган ўғил бахт-саодатга эришади, албатта, мушукнинг ақли-заковати ва саъй-ҳаракати эвазига. Бу спектаклни аввал бошқа театрда ҳам кўрганман, лекин ўшандаги томоша бугунгисидек таассурот қолдирмаган эди. Невараларимга боқсам, мендан



баттар хурсанд. Бу ютуқ сири – театрнинг эски қолиплардан воз кечиб, томошани сахнадан залга кўчирганидадир балки. Албатта, режиссёр кашфиётию актёрлар маҳорати алоҳида масала... Невараларим анчагача театрда кўрганларини бир-бирига сўзлаб, хатти-ҳаракатларига тақлид қилиб юрди. Демак, томоша зўр!

Бизнинг пойтахт Нукусда учта – Давлат, Ёшлар ва Қўғирчоқ театри бор. Уларнинг ҳар бири ўзига хос, ўз томошабинига эга. Лекин уларнинг имконияти турлича. Масалан, Қўғирчоқ театри ташкил топганидан буён, салкам ўттиз йилдирки, ўз биносига эга бўлмай, ҳар жойда томоша кўрсатиб келди ва яқиндагина битта кинотеатр биноси қайта таъмирланиб, шу театр ихтиёрига топширилди. Ёшлар театрининг эски биноси ўрнида эса икки йилдан буён янгиси тикланмоқда, лекин қачон битади – номаълум. Хуллас, ишлаб тургани фақат Давлат театри. Биз яна театрга одам келмайди, деб ёзғирамиз.

Совет замонида қайси шаҳарга борманг, театрлар репертуари инкубатордан чиққан жўжалардек бир хил эди. Инқилоб ясаган дохийлар, фидойи коммунистлар, инженер-техник ташкилотчилар, колхоз-совхоз раҳбарлари образию ишлаб чиқариш жараёнлари сахнадан сахнага кўчиб юрарди.

Мустақилликдан сўнг ижодга эркинлик берилди. Хўш, биз шу имкониятдан қандай фойдаланяпмиз? Тўғри, “ёзғувчилар” кўпайгандан кўпайиб, китоблар ҳам ботмон-ботмон чоп этиляпти, вақти-соати етиб, битта ўқувчига битта ёзғувчи тўғри келиб қолса ҳам ажабланманг! Лекин кўнгилга ўтирадиган асарлар кам. Театр ва кинонинг аҳволи

эса Хўжа Насриддин қандай мақтангани ҳақидаги латифани эслатади:

– Қарисам ҳам ёшлиқдаги куч-қувватимни йўқотганим йўқ.

– Буни қандай исботлайсиз, Хўжа Насриддин?

– Дарвоза ёнидаги анов тошни кўряпсизми? Ўша тошни ёшлигимда ҳам кўтара олмас эдим, ҳозир ҳам кўтара олмайман...

Бу соҳада “юк”ни кўтаришга қодир полвонлар негадир майдонга чиқмаяпти ёки чет элларга кетиб қоляпти. Россия телеканалларидаги сериалларга эътибор беринг: кўп фильмларда ўз режиссёр, оператор, актёрларимизни кўрасиз. Бундоқ қарасангиз, рус киносини бизникилар оляпти, аммо ўзимиз ўзбек киносига нима бўляпти, деб бошқотирамиз.

Бир оз чалғидик шекилли, мавзумизга қайта қолайлик. Театр ва кинога Оролбўйдан келган бир одам сифатида олис овуллар назари билан қараётгандирман балки. Агар фикрларимни занг босиб қолган бўлса, ўқувчидан узр сўрайман.

Тошкентга Наврўз арафасида келган кезларим аввалдан пьесаларини севиб ўқиганим Мольерни кўргим келди ва уни ўша Ёшлар театрининг шанба дастуридан топдим. “Зўраки табиб”! Бош роль – Сканарель ролини ҳамюртим Озод Бекмуратов ижро этар экан.

Одамлар театрни ҳаёт кўзгуси дейди. Томошабин театрга тушиб, сахнадан ўзини қидиради, агар топа олса, ўзгалар билан қиёслайди. Бошқалардан яхши бўлса, ғурур туяди, ёмон бўлса, хижолат чекиб, тузалишга ҳаракат қилади.

Мен ўзимнинг қишлоқи фикр-қиёфамни тўғрилаб олиш учун сергак фикрли укам Шухрат Ризонинг “Китоб дунёси”да чоп этилган “Баҳодир Йўлдошев” эссесини яна бир карра ўқиб чиқдим ва шоир дўстим Усмон Азимнинг:

*Бир кун сахна тўхтаб қолса,
Гуноҳимиз йўқ, Баҳодир.
Лекин ўзни оқламоққа,
Гувоҳимиз йўқ, Баҳодир,–*

деган сатрлари таъсиридами театр захматлари ҳақида узоқ фикрга чўмдим. Ва ниҳоят меҳнат фаолиятини Хўжайли бозорида пўчоқ йиғишдан бошлаб "Ўзбекфильм"да олган битта картинаси биланоқ машҳур бўлиб кетган кинорежиссёр дўстим Жақсилиқ Давлетовни бирга спектакль кўришга таклиф этдим.

Жан-Батист Поклен (1622–73) Парижда бадавлат савдогар оиласида туғилган. Ўғли саройда хизмат қилишини орзу қилган ота Жан-Батистнинг етук билим олиши учун барча шарт-шароитни муҳайё қилган. Лекин ўғли тушмагур ота орзусига зидма-зид ўлароқ, Мольер деган тахаллус танлаб, сайёр театр труппаси ташкил этади-да, у билан бутун Францияни кезиб чиқади. Ўн уч йил шу зайлда томоша кўрсатган Мольер охири шон-шухрат қозонадию бу янги даҳони тан олган қирол Людовик XIV уни саройга таклиф этиб, ўз театрига бош-қош этиб тайинлайди.

Мольернинг "Зўраки табиб" комедияси илк бор 1666 йили 6 августда ўйналган экан. Мана, орадан 350 йил ўтгач, ўша спектаклни Тошкентдаги Ёшлар театрида томоша қилиб ўтирибмиз. Классицизм театри қонунлари – замон, макон ва ҳаракат бирлигини мазкур пьеса умрбоқийлигининг бир шарти десак, унда бундан бошқа бир сир ҳам бор, чамаси. Балки бу сир режиссёр топқирлиги ва актёрлар маҳоратидир. Ваҳоланки, сюжет жуда оддий: ҳаётда ҳеч ҳам омади чопмаган, нукул хотинидан таъна-дашном эшитиб чарчаган ўтинчи – Сканарелни бир бойнинг бемор қизини даволашга калтаклаб мажбур қиладилар. Тиббиётдан паққос йироқ Сканарель одамлар олдида "Гиппократ менга бундай башорат қилган эди..." дея бемалол ёлғон сўзлаб, содда отани лаққа туширади ва бемор қизга "зарур малҳам"ни беради. Бу малҳам... қизнинг севиклиси билан висоли эди. Табиб шунга имкон яратиб беради, тамом-вассалом...

Ҳаётда ёлғонга ёлғон кўшилса, у баттар йўғонлашади. Ёлғонга чин кўшилса, чин ҳам ёлғон бўлиб кетади. Баъзан чинга чинни кўшсангиз ҳам, ёлғон чиқиб қолиши мумкин. "Зўраки табиб"да эса ёлғонга ёлғон кўшилиб, ундан ҳақиқат бино бўладики, худди шуниси

томошабинда кулги ва завқ уйғотади. Эҳтимол юксак санъат сири шундадир...

Биз ўша куни спектаклни сахналаштирган режиссёр Наби Абдурахмонов, расом Дмитрий Мохов (Беларусь), бастакор Илья Меламед (Россия) ва актёрлар Фотима Режаметова, Бобур Йўлдошев, Нилуфар Октамова, Озод Бекмуратов, Святослав Клюев, Альберт Халмурзаев, Ҳасан ва Ҳусан Солиҳовлар ижросига гулдурос қарсақлар чалдик. Кинорежиссёр дўстим Жақсилиқнинг кўзларида эса ёш қалқди. "Бу қувонч кўз ёшлари эди, – деди у кейинроқ ўшандаги ҳолатини изоҳлаб, – қорақалпоқнинг бир боласи шундай санъаткорлар орасида юрганига қувонганимдан кўзимга ёш келди".

"Зўраки табиб"нинг премьераси Мустақиллик эълон қилинганидан уч ой ўтар-ўтмас бўлганида ҳам рамзий маъно бордек. У бизни замона зайлига бефарқ қарамасликка даъват этади.

Ғоялар оғушида...

Бувим айтганлар: "Савоб амалларимизни ўнг елкамиздаги, гуноҳ амалларимизни чап елкамиздаги котиб фаришталар ёзиб боради ва шу йўсин охират савол-жавобида ёлғонга ўрин қолмайди..."

Айрим китобларни варақлаб ўтириб, бувим айтган ўша фаришталарнинг ёзганлари китоб шаклида чоп этилса, зап ажойиб асар чиқармиди, деб ўйлаб қоламан.

Бугунги ёшулли авлод кечаги замон ғоялари оғушида яшади. Ҳар қандай ижоднинг ягона ўлчови – ғоявийлик эди. Ёзувчининг қалами яқкаш соцреализм доирасида қитирларди. "Ғоявийлик" чегарасидан салгина четга чиққанларга дарров "аксил..." деган ёрлик ёпиштирилиб, ҳар қанча истеъдодли бўлмасин, ёмонотлик қилиб юбориларди.

Эсингиздадир, ўша вақтларда "совет турмуш тарзи" деган тушунча бўларди. Унинг маъносини ҳеч ким билмасди, лекин ҳамма шу турмуш тарзини астойдил тарғиб этарди. Етмишинчи йилларнинг охирида "Литературная газета"да "Ялла" ўзбек эстрада ансамбли "Ялла – Ё, Оллоҳ" деган ном билан динни тарғиб этипти, дея таъқиб остига олинди.

Ваҳоланки, шўроларнинг машҳур эстрада маликасининг исми Алла эканини ҳеч ким эслаб қўйгани ҳам йўқ.

Қорақалпоқ – бепоеън юрт. Унинг ғарби ва шарқи, жануби ва шимолида яшайдиган одамларнинг урф-одати ҳар хил. Шўро даврида “совет турмуш тарзи” тарғиботчилари биздан маросимларни бир андазага солишни талаб қилди. Масалан, шимолий туманларда майитни икки-уч кун – яқин қариндошлари то жанозага келгунча – сақлаб туришарди, жанубий туманларда эса бу муддат бир кундан ошмасди. Хуллас, дафн маросимларини бир хиллаштириш ва тўйларни “комсомолчасига” ўтказиш шарт дейишди. Мажлису йиғинларда “Аввало, ўзлари ўлиб кўрсатсин-чи, қандай дафн қилишни”; “Биз кўрпамизга қараб оёқ узатамиз, комсомолча тўйни чўнтагимиз кўтармаса, нима қилайлик!” деган хитоблар янгради. Оқсоқоллар охири, “Бу – нозик масала, ҳар овулнинг ёшуллиси нима деса, шу бўлади”, дейишди ва талаб қоғозда бажарилган бўлди-ю, лекин удумга тегилмади, у ҳозир ҳам ўша-ўша давом этаётир. Нукус туманида отасининг жанозасида “омин” дегани учун битта котиб партиядан ўчирилди ва тириклигича “аксил...” кафани кийдирилиб, маънавий дафн этилди...

Ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари Қорақалпоқда китоб ҳам, ёзувчи ҳам анқонинг уруғи эди. Зиёлилар Москвада ўқиб келарди. Илк қорақалпоқ театр труппасига таълим берган домлалар собиқ талабаларидан хабар олиш учун Қорақалпоғистоннинг ўша вақтдаги пойтахти Тўрткўлга Чоржуй орқали Амударёда кема билан келишган. У вақтларда на ўтарава (автомобиль), на оташарава (поезд) бор эди-да ўлкада. Тўрткўлда қадрли меҳмонларни дарё соҳилида кутиб олишибди, яқинда ташкил этилган Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасига олиб боришибди. Энди гапни меҳмонларнинг ўзидан эшитсак: “Бизни енгил оқланган кичик иморатга олиб келишди. Даҳлиз, қабулхона ва ичкаридаги кенг хонада уч киши ўтирган экан. Йўлбошчимиз – ҳукумат одами, аввало, бизни мезбонлар билан бирма-бир таништирди. “Мана

бу – қорақалпоқнинг Маяковскийси, мана бу – Леонид Леонови ва ниҳоят мана бу – Максим Горькийси, демак раҳбари”, деди у. Бизга таништирилган ёзувчилар гурурини яширолмасди. Мен эса бу бечораларнинг ўз буюк ёзувчилари йўқмикан, деб ўйлаб қолдим...”

Бор эди, лекин пролетар адабиёти ва маданиятини яратишга қорақалпоқнинг Кунхўжа, Бердақ, Ажиниёз сингари буюк сиймоларига йўл бўлсин, Бердақ – мулла, Ажиниёз – охун деб қораланар, ҳатто оч-юпун Кунхўжа ҳам шўрога тош отган саналарди.

Мустақиллик арафасида адабиётимиз устунлари Нажим Давқораев, Қалли Айимбетов, Жўлмирза Оймурзаев, Тиловберган Жумамуратов, Иброҳим Юсупов, Тўлепберган Қайпбергеновлар номи минбарларда янгради. Кейинги икки оқсоқолимиз “Ўзбекистон Қаҳрамони” олий унвони билан тақдирланди. Адабиётимизнинг янги авлоди бугун эркин дунёқараш билан фаол ижод қиляпти.

Минг йиллик ўтмиш билан бугунги ҳаётни боғлаб турган ришта бу – китоб. Агар китоб бўлмаганида тамаддунлар тарихсиз, инсон эса онг-туйғусиз қолар эди. Китоб қадри интернет замонида тушиб кетди деган гаплар чиппакка чиқиб, ривожланган жамият ва давлатларда ҳам китобнинг обрўйи қайта тикланмоқда. Мен кўпгина олийгоҳ ва коллежларимиз кутубхоналарига кирганда жавонлардаги сўнги даврда чоп этилган китобларга боқиб кўзим қувонади. Бугунги талабаларга расмана ҳавасим келади! Мана имконият, ол керагини!

Ваҳоланки, бизнинг талабалик даври-мизда шароитлар бошқача эди. Автобус, трамвай, троллейбус ёки метрога чиқсангиз, йўловчиларнинг тўрттадан биттаси китоб ё газета-журнал ўқиб ўтирганини кўрадингиз. Ҳозир эса йўловчиларнинг юзтадан биттасининг кўлида, буям кўнгилочар, оммабоп ҳафталик. Бошқалари эса қўл телефонидаги қайси бир қизиқ ўйинларга шўнғиб кетаётган бўлади. Нима, ўқувчи ҳақиқатан ҳам ўқишдан безиб кетдими? Бизнинг ёшлигимизда китоб тақчил эди, кутубхонадан икки-уч кунга олинган китобни вақтида топшириш шарт эди, шу боис йўл-йўлакай бўлсаям, ўқиб тугатишга

ҳаракат қилардик. Ҳозир эса, худога шукр, китоб кўп! Кўп-ликка кўп-у, лекин ўқиладигани... Баъзан, дейлик, коллеж кутубхоналарида фалон минг китоб бор, дея мақтанамиз. Аммо шу кутубхоналардаги китоблар номи мингтага ҳам етмайди. Баъзиларида битта номдаги қирқ-элликта лаб китоб сақланаётир. Энг ачинарлиси, уларнинг айримлари, хўжакўрсинга бўлсаям, бирон марта очиб кўрилмаган.

Хўш, энди нима қиламиз? Ҳеч кимни мажбурлаб ўқитиб бўлмаса... Эсимга Иброҳим Юсуповнинг қуйидаги эпиграммаси тушади:

Агар мен жаҳоншоҳ бўлганимда, айбдор қулга ўқитардим китобингни сотиб олдириб пулга.

Бу асло, бизда ўқишли китоблар камайиб кетди, дегани эмас. Китоблар бор, яхши китоблар ҳам анча. Бироқ уларни ўқувчига етказиш – оғир муаммо.

Қорақалпоғистонда деҳқон бозори, буюм бозори, темир бозори, мол бозори, сут-қатиқ, ҳатто исирифу кесак (гилвата) бозоригача бор, лекин китоб бозорини кундузи чироқ ёқиб ҳам топа олмайсиз. Китоб дўкони йўқ туманлар анчагина, хўжакўрсинга очилган китоб дўкончалари ва газета киоскаларидан эса китобдан бошқа ҳар нарсани сотиб олиш мумкин. Ҳар қадамда инсон жисмига даво бўлувчи дори-дармонлар рекламаси, лекин руҳга шифо бўлувчи дори-дармон – китоб тарғиботидан асар йўқ. Махсус китоб дўконларининг ҳам тўртдан уч қисми канцелярия моллари билан тўла, бечора китоблар худди эски-туски бозоридагидек бир чеккада айқаш-уйқаш бўлиб, чанг босиб ётибди. Бундан ҳам қизиғи, шу дўконлар сотувчисидан китоб танлаш бўйича маслаҳат сўраб қолсангиз, сотаётган китобларининг биронтасини ҳам ўқимаган бўлиб чиқади. Деҳқон бозорида ўзи сотиб ўтирган узум таъмини билмайдиган сотувчини ҳеч кўрганмисиз?!

Бувим саводсиз эди, лекин китобни оқ матога ўраб, сандиқда авайлаб сақларди. Ки-




тоб нондек азиз, деган гапни ҳам илк бор бувимдан эшитганман. У киши китобда ёзилган ҳар бир сўзни мутлақ ҳақиқат деб биларди.

Баъзан, замон жуда шитоб бўлиб кетди, китоб ўқишга вақт қолмаяпти, зарур маълумотларни, ана, интернетдан оляпмиз, деган иддаоларни эшитиб қоламиз. Буларнинг бари – бекорчи гап. Узоқни кўрадиган одам бундай демайди.

Тўғри, интернетдан хоҳлаган маълумотни топишингиз мумкин, лекин ундан тўғри фойдаланиш учун ҳам мушоҳада бўлиши керак-ку одамда! Мушоҳадани интернет орқали шакллантириш қийин, агар шунга ишонадиганлар бўлса, рўй-рост айтиб қўя-қолай, хаёлот осмонида сузиб юрибди улар. Ҳақиқий маънавий мушоҳада китоб воситасида шаклланади...

Ҳозирги “оммавий маданият” деганлари қайси бир жиҳатларига кўра ўша машҳур “совет турмуш тарзи”га ўхшаб кетади. Марксизм таълимоти асосининг “Фоя оммага сингандан кейин, у оммавий кучга айланади” деган назариясига эътибор беринг. Шунда мўмингина кўринган “оммавий маданият” “шудгор”даги “текин қўйруқ” эканини билиб оласиз.

Мустақилликнинг илк авлоди бугун йигирма беш ёшга чиқди. У Ватан деб аталмиш муқаддас маконни янада гўзал, бетакрор ва қудратли қилмоқ учун чуқур илму маърифат, ақлу тафаккур, сабру ирода, журъату жасорат соҳиби бўлмоғи зарур. Шундай бўла олармикан у? Мен мустақиллик авлодига ишонаман!



MILLIY TARAQQIYOT: MULOQOT VA MUROSA

Ўтган асрнинг 90-йиллари аввалида Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатлар истиқболи ҳақида сўз борганда, мутахассислар бу юртлардаги халқлар ё миллатчи бўлади, ё исломлашади, деган тахминни айтган эди. Дарҳақиқат, минтақанинг баъзи халқлари орасида миллатчилик кайфияти, бошқа халқлари орасида эса диний туйғулар кучайди.

Бу – муайян маънода, табиий жараён эди. Чунки ушбу ҳудуд халқларининг миллий ва диний ор-номуси узоқ топалди. Келинг, миллатчилик мавзуини бошқа пайтга қолдирайлик-да, исломлашув муаммосига диққат қаратайлик. Марказий Осиё, айниқса, Ўзбекистон тарихан ислом оламининг узвий қисми бўлиб келган. XIX асрдан бошлаб Европанинг мустамлакасига айланиши асрлар бўйи мудраб ётган мусулмонлар учун кучли туртки ва уйғонишга чақириқ бўлди. Жамолиддин Афғоний, Муҳаммад Абдух, Рашид Ридо каби ислохотчи мутафаккир-

лар ташқи кучлар таъйиқида ва *modernity* шароитида мусулмонлар қандай яшамоғи, тараққий этмоғи лозимлиги ҳақида кескин баҳсларни бошлаб берди. Ўшандан буён мавжуд муаммоларни ҳал қилиш борасида ислом оламида тўрт тоифа шаклланди: а) секуляристлар; б) модернистлар; в) традиционалистлар; г) фундаменталистлар. Бу тоифалар ҳақида куйида яна батафсилроқ тўхталамиз. Масалан, XX аср бошларида жадидлар (модернистлар) ва қадимчилар (традиционалистлар) ўртасида кечган қизгин муноқашалар бутун ислом оламига ёйилган мунозараларнинг Марказий Осиёдаги акс садоси эди.

Таассуфки, бу баҳслар мантиқий якунига етмай қолди. Большевиклар ҳам жадидлар, ҳам қадимчиларни қатағон қилди, уларни ижтимоий қатлам сифатида йўқотди. Шу билан миллатимиз 75 йилга “темир парда” ортига чекиниб, ислом оламида кечаётган баҳс-мунозаралардан узоқлашди.

Бироқ бу мазкур жараёнларнинг оқибати бизга таъсир қилмайди дегани эмас. Ислом олами олдида турган таҳдид ва муаммолар биз социализм қуришдек муваффақиятсиз экспериментлар билан оворалигимизда йиғилиб қолган эди. Мустақил бўлишимиз билан улар жамиятимиз ҳаётига яна шиддат-ла қайтди. Барча мусулмон мамлакатлари бу таҳдидларга ўз тарихий шароит ва имконияти, интеллектуал салоҳиятидан келиб чиқиб жавоб беряпти. Табиийки, бизнинг ҳам бу борада ўз жавобимиз бўлиши лозим.

Ана шундай муаммолардан бири “бир юртда икки жамият” зиддияти, яъни жамиятимиз дунёвийлар ва диндорлар қатламига ажралиб қолаётганидир. Бу ажралиш, ўз навбатида, диннинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ жиддий муаммоларга сабаб бўлиши мумкин. Ҳозирча бу муаммолар нисбатан “безиён” масалалар – Наврўз ёки Янги йил байрамими нишонлаш, аёллар кийими (ҳижоби ёки мини юбкаси), эркаклар соқоли устида боряпти. Аммо шу “безиён” тортишувлар эрта бир кун жанговар қиёфа касб этмаслигига ким кафолат бера олади? Томонлар бир-бирини айблашга ўтса, муаммо янада чуқурлашмайдими? Бизнингча, вазият таранглашининг олдини олиш учун ўзаро тушунишга асосланган мулоқот ва муроса лозим.

Жамиятимиз учун долзарб масалага айланаётган бундай муроса ва мулоқотнинг юзага келиши икки томонга ҳам бирдек боғлиқ. Бизнингча, дунёвий элита бу борадаги сиёсатни секуляризмнинг янги, инклюзив (барчани қамраб олувчи, очиқ) принциплари асосида қайта кўриб чиқиши, диндорлар (хусусан, уламолар) эса ислом динининг инклюзив ва плюралистик талқини устида ишлаши зарур.

¹ *Modernity* – Иккинчи жаҳон урушидан сўнг вужудга келган, капиталистик иқтисод ва демократик бошқарувга асосланган, юксак сановатлашган, иқтисодий ҳолатига кўра ижтимоий синфларга ажралган жамиятлар. Шунингдек, кундалик ҳаётнинг яқрадлиги, урбанизация ва аёллар бандлиги юқорилиги, бошқарувнинг дунёвийлиги, стандартлашган таълим тизими, технологиянинг жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиши ҳам *modernity* жамиятларига хос белгилардир.

Дунёвийлик (секуляризм) шакллари

Я қ и н - я қ и н - гача модернизация назариясида дунёвийлашиш орқали сиёсат ва жамият ҳаётидан диннинг четлашув таракқиёт тақозоси, ижобий ва илғор ҳодиса сифатида баҳоланар эди. Бироқ Ғарбдаги секуляризация билан мусулмон дунёси бошдан кечирган секуляризация фарқли бўлди.

Европада секуляризация католик черковининг ижтимоий ва сиёсий ҳукмронлигини чеклаш ҳаракатлари оқибати эди. Секуляришув жараёни Ренессанс, сўнгра Маърифатчилик даври ғоялари таъсирида бир неча аср давом этди. Унинг кечиши мутлақ силлиқ бўлгани йўқ – диний урушлар сабаб кўп қон тўкилди. Алаоқибат, нафақат черков (кейинчалик, умуман дин) сиёсатдан четлатилди, айна чоқда, давлатлар ҳам шахс эътиқоди ва ибодатига аралашмаслик кафолатини беришга мажбур бўлди. Икки фундаментал ҳуқуқ – шахсий эътиқод ва жамоавий ибодат ҳурлиги мазкур жараён ҳосиласидир. Яъни секуляризм Ғарбда сиёсий демократия ва диний плюрализмнинг уйғунлашувига олиб келди. Албатта, бу – ижобий ҳодиса эди. Чунки, аввал барча Европа мамлакатларида дин давлатни қаттиқ назорат қилар, фуқаро ҳуқуқлари беҳад чекланган, қатағон ва таййиққа учраган диний озчиликлар кўп эди (мамлакатига қараб бу озчиликлар ё протестант, ё католик, ё яҳудийлар бўлган).

Ислом оламида секуляризм бутунлай ўзгача қиёфада намоён бўлди. Иқтисодий ва илмий-технологик жиҳатдан Европага бўйлашиш учун унга тақлид қилиш, хусусан, жамиятни дин тушовидан озод этиш керак, деган ғоя деярли барча мусулмон ўлкаларида ё европалик мустамлака маъмурияти (маса-



лан, шўролар даврида компартиянинг динга қарши кампаниялари), ёки маҳаллий элита (Туркияда Отатурк, Эронда паҳлавийлар сулоласи, араб дунёсида Носир, Бурқиб, Баас партиялари) томонидан зўравонлик билан амалиётга татбиқ қилинган. Шу боис аксар ислом ўлкаларида секулярлашув шахсинг хурликка эришуви билан эмас, зулм, мустамлака ва ислом динига ҳужум билан боғланиб қолди. Одамлар секулярлашувни яширин мустамлакачилик, динни йўқотишга уриниш, дея талқин қила бошлади. Бизнингча, айрим гуруҳларнинг секуляризмни тамоман рад этиши сабаби ҳам ана шунда.

Аксар мутахассислар фикрича, секуляризмга барча жамиятлар эртами-кечми эришадиган *modernity*нинг маҳсули сифатида эмас, муайян тарихий шароитда Ғарбда пайдо бўлган, лекин Ғарбниқидан фарқли муҳитда бир маромда кечмайдиган жараён сифатида қараш керак. Мухтасар қилиб айтганда, ислом олами тажрибаси секуляризация ва диндорлашиш бир-бирига зид жараёнлар эмаслиги, балки биргалликда ривожланиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Бунда ён бериш ва ўзгаришлар икки томондан ҳам бўлиши мумкин ва шарт. Бу фикрни Эрон ва Туркиядаги давлат ва дин муносабатлари тадрижи ҳам тасдиқлайди.

Эрон. Диннинг ижтимоий ва сиёсий таъсирини сусайтириш йўлидаги уринишлар 1925 йилдан кучайди. Ҳарбий тўнтариш орқали ҳокимиятга келган зобит Али Ризоҳон кенг кўламли модернизацияни амалга оширишга киришди. Аввалига у Туркиядаги каби секуляр республика тузмоқчи эди. Бироқ бунга қарши бўлган уламолар уни шоҳ мақомини олиб, паҳлавийлар сулоласига асос солишга кўндирди. Табиатан шуҳратпарастликка мойил Али Ризоҳонга бу таклиф маъқул келиши табиий эди. Шунга қарамай, янги шоҳ таълим тизимини уламолар назоратидан чиқарди, дунёвий мактаблар очди, вақфлар устидан назорат ўрнатди. Шарият суди ваколатида оилавий масалаларгина қолди, барча юридик масалалар дунёвий суд тизимига ўтди. Аёллар аҳволи хийла яхшиланди, улар учун махсус университет очилди. Ғарбона тутум

тарғиб қилинди, 30-йилларда аёллар чодраси ва эркаклар салласи тақиқланди. Шоҳнинг аёли Қум шахрига дунёвий либосда кириб борганида норози бўлган мадраса толиблари хуштакбозлик қилади. Бунга жавобан шоҳнинг шахсан ўзи Қумга ташриф буюриб, бир неча уламони калтаклайди. Унинг Қум шахрида маст қилувчи ичимликларни мажбуран соттириши дунёвийлашишга қарши кўп минг кишилиқ намойишларга туртки бўлади, лекин бу намойишлар аёвсиз бостирилади.

Шоҳнинг ўғли Муҳаммад Ризо Паҳлавий дунёвий ислохотларни янада чуқурлаштирди. Бу жараёнда аҳолининг қадриятлари ва эътиқоди писанд қилинмади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг аёллар сайлаш ҳуқуқига эга бўлди. “Оқ инқилоб” номи билан тарихга кирган ислохотлар натижасида мамлакатдаги оила қонунчилиги ислом ўлкалари орасида энг илғорига айланди. “Оқ инқилоб”нинг яна бир йўналиши аграр соҳадаги ислохотлар эди. Шу соҳадаги ислохотлар оқибатида еридан ажралиб ўзини шаҳарга урган миллионлаб ишсиз деҳқонлар шаҳарнинг дунёвий, модернистик қадриятларини қабул қила олмади. Эронга чет эл инвестициялари ва инновациялари кириб келиши эса маҳаллий “бозор” – кичик бизнесни синдира бошлади. Шаҳарда ўз ўрнини топа олмаган кечаги деҳқонлар ва касодга учраган кичик бизнес эгалари 1960-йиллардан шиа уламолари раҳнамолигида ислохотлар ва секуляризмга қарши бирлашди. Ҳайратланарли жиҳати шундаки, мамлакат иқтисодиёти ва маданияти модернизациялангани сайин халқ орасида секулярлашувга қаршилик ва диннинг аҳамияти ортиб борди. Модернизация асносида пайдо бўлган ва ундан энг кўп манфаат кўрган ўрта қатлам вакиллари ўз қарашларини сиёсий майдонда ифодалай олмагани боис уламолар билан келишув йўлига ўтди. Оқибатда шоҳ ва ислохотлар тақдири ҳал бўлди.

1979 йилдаги Ислом инқилоби натижасида Эрон теократик республикага айланди. Шоҳнинг таъқибидан қочиб Европада паноҳ топган фундаменталист диний уламолар, хусусан, оятуллоҳ Ҳумайний Париждан

Техронга ғолибона қайтди ва Эронда исломий ҳокимият ўрнатилди. Паҳлавийлар сулоласи бошлаб берган ислохотларнинг аксарияти бекор қилинди.

Туркия. Секуляришув масаласида Туркия алоҳида ўрин тутди. Зеро, у ердаги “камолизм” деб ном олган модернизациялашув тажрибаси XX аср бошларида кўпгина ривожланаётган мусулмон давлатларидаги тараққиёт лойиҳалари – бурқбаизм (Тунис), паҳлавизм (Эрон), носиризм (Миср), панкасила (Индонезия) учун асос бўлган.

Камолизм (камолчилик) деганда, дунёвий секуляр жамият ва давлат қуриш йўлида ҳукумат томонидан амалга оширилган, юқоридан пастга (элитадан оммага) йўналган, Мустафо Камол Отатурк бошлаб берган сиёсий ва маданий ислохотлар тушунилади. Камолчиларнинг мақсади ижтимоий, маданий ва сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларини ғарблаштириш орқали секуляр ва миллий давлат қуриш эди. Туркияда секуляризм динни сиёсатдан четлатиш, аммо унинг устидан давлат назоратини сақлаб қолишни аниқлаган. Отатуркнинг бош мақсади ислом динини умуман йўқотиш эмас, балки миллий ва давлат манфаатларини таъминлашда уни назоратда сақлаш, дин орқали “яхлит миллий (туркий) характер”ни тарбиялаш эди. Исломиёв рамз ва нутқ услубига жамоат жойларида йўл қўйилмас, давлат инсонларнинг диний туйғуларини ўз тушунчасидаги секуляр ғояга мослаб шакллантиришни кўзлар эди. Шу ваддан исломнинг сиёсийлашувига қарши ҳуқуқий-ҳарбий чора-тадбирлар қўрилди.

Давлат аввалига диний сиёсий партия ва фирқаларни тақиқлаб қўйган бўлса-да, вақт ўтиши билан уларга, токи камолизм доктринаси доирасида фаолият юритар экан, руҳсат бера бошлади. Тадқиқотчилар бунинг бир неча сабабини кўрсатади:

– 1960-йилларга келиб, дунёвий элита анъанавий турк жамиятидан узоқлашгани, уни ислох қила олмагани аён бўлди. Мазкур элита, шунингдек, оддий аҳоли учун исломга муқобил қадриятларни ишлаб чиқишни ҳам уддалай олмади. Бу факт, айниқса, сиёсий

ва иқтисодий ривожланиш ўзлик, адолат каби ижтимоий масалаларни кун тартибига чиқарганда яққол кўзга ташланди;

– бу бўшлиқни турли исломий йўналиш ва қарашдаги ижтимоий-сиёсий гуруҳлар муваффақият-ла тўлдирди, улар муқобил ижтимоий ва маънавий-маърифий парадигмаларни олға сурди. Бу парадигмалар шаҳарлашган қуйи қатлам ва ўсиб келаётган онадўлик ўрта қатламни қониқтира олмаган расмий камолизм ғояларидан фарқли эди;

– дунёвий элита амалга оширган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар 1980-йилларда иқтисодий ва сиёсий ҳаётни аста-секин эркинлаштирди, бу эса ўз навбатида, сиёсатдан четлатилган гуруҳларни фаоллаштирди. Дунёвий элита исломий гуруҳларга сиёсатда иштирок этиш имкониятини бергани боис, бошқа кўпгина мусулмон давлатларидан фарқли ўлароқ, Туркиядаги исломий гуруҳлар давлатга қарши бормайди, балки у билан мурося қилиб иш тутди;

– дунёвий элита ҳам, исломий қатламлар ҳам Европа Иттифоқига аъзо бўлиш борасида муштарак фикрда эди. ЕИ қўйган “демократик шарт” ҳар икки томон ўзаро сулҳга келишини тақозо этарди.

Дунёвий элита билан исломий ҳаёт тарзи тарафдорлари орасидаги тафовутлар бутунлай йўқолиб кетгани йўқ, албатта. Аммо улар, гарчи қийинчиликлар билан бўлса-да, биргалиқда яшашни ўрганяпти, кези келганда томонлар бир-бирига ён босяпти, мурося қияпти. Энг муҳими, дунёвийлар ҳам, исломийлар ҳам демократик ва плюралистик хусусиятга эга ҳуқуқий тизим доирасида фаолият юритиш кафолатини ўз бўйнига олган, шунинг тарафдоридир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ислом оламининг мудроқликдан уйғониши XIX асрда – Европа империализми билан тўқнашувдан сўнг кузатилди. Деярли барча мусулмон ўлкалари бирин-кетин Буюк Британия, Франция ёки чор Русияси колонияларига айланиши мусулмонлар орасида ислом олами таназзули сабаблари ҳақида қизгин баҳслар-

ни уйғотди. Мақола аввалида қайд этганимиздек, қолоқлик ва таназзулдан чиқиш йўллари борасида мусулмон фикр аҳли тўрт гуруҳга ажралган:

1. Тақлидчи/секуляристлар – Ғарбга тўлиқ эргашиш, тараққиётга эришмоқ учун динга чеклов қўйиш тарафдорлари. Бу ёндашув юқорида бирмунча муҳокама этилди. Ушбу қараш XX аср боши ва ўрталаригача мусулмон ўлкалари элитаси орасида кенг тарқалган эди. Ҳозиргача салмоқли кучга эга.

2. Диний модернистлар – ислохотларни ислом билан ҳисоблашган ҳолда ўтказиш, исломни тўғри англаш ва замонга мос хулосалар чиқариш тарафдорлари. Бу қараш ҳозирги Туркия, Индонезия, Марокаш ва Тунисда кенг тарқалган.

3. Қадимчилар/традиционалистлар – ислохотларга ҳожат йўқ, мавжуд исломий ҳаёт тарзи нафақат маъқул, балки Ғарбникидан устун ҳам деб ҳисобловчилар. Қадимчилар Европадаги фоҳишалар ва оилавий ажралишларнинг кўплиги каби салбий ҳолатларни рўқач қилиб, Ғарб андазаларини инкор этади, фақат техника соҳасидаги инновацияларнигина маъқуллайди. Бу ёндашув, айниқса, оддий мусулмонлар орасида сон ва таъсири жиҳатидан устунликка эга. Буни расмий мафкура сифатида қабул қилган давлатларга Саудия ва бошқа Кўрфаз амирликлари мисол бўла олади.

4. Фундаменталистлар – ислом ва *modernity* бир-бирига зид, мусулмонлар фақатгина “саодат асри”га қайтиш билан нажот топа олади деб билувчилар. Сон жиҳатидан энг ози бўлса ҳам, энг сершовқини шулар. Турли сиёсий кучлар улардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланади. Масалан, катта оғаликни даъво қилиб келаётган давлат Марказий Осиёда ўз геосиёсий таъсирини сақлаб қолиш илинжида ушбу минтақадаги беш давлатни диний фундаментализм таҳдиди билан кўрқитиб келмоқда.

Бу таснифлаш – шартли, реал ҳаётда улар орасидаги чегара – ўзгарувчан, беқарор. Секулярист, модернист, қадимчи ва фундаменталистлар барча жамиятларда турлича нисбатда мавжуд. Аммо миллат

тақдири – оддий халқ бу ёндашувларнинг қай бирини қабул қилишига боғлиқ. Ислому ўлкаларининг сўнги асрдаги тарихини айнан шу тўрт ёндашувнинг ўзаро кураши билан изоҳлаш мумкин, бизнингча. Эронни олайлик. Қадимчиларга қарши ҳарбий тўнтариш орқали ҳокимиятга келган секулярист шоҳ қатағонлар орқали уларни фундаменталистга айлантирди. Шоҳнинг маҳаллий шарт-шароитни ҳисобга олмай ўтказган ислохотлари фундаменталистлар ҳокимиятга келиши учун имконият яратиб берди. Аммо инқилобдан кейинги Эрондаги жараёнлар аввалгидек секулярист ва фундаменталистлар эмас, қадимчи ва модернистлар орасидаги мунозарага дўнди. Туркияда эса, аксинча, модернистлар ва қадимчилар XX аср бошида Европа империализми таҳдидига жавоб бера олмагач, бошқа бир сиёсий гуруҳ халифаликни бутунлай тугатиб, мамлакатни янгича, секуляр усулда ислох қилишга уринди. Шунга қарамай, 1960-йиллардан буён секуляристлар диний модернист ва қадимчилар билан ҳамкорлик қилиб келяпти.

Секулярист, модернист, қадимчи ва фундаменталистларнинг арқонни ўзи томон тортгани, жамиятни ўз қарашларига асосан ислох қилишга уринишини нафақат Эрон ва Туркияда, балки бутун ислом оламида, дейлик, бизнинг диёрда ҳам кузатиш мумкин. Мутахассислар фикрича, бу тўрт тоифа орасидаги зиддиятлар жиддий низо ва тўқнашувларга (Афғонистон, Сурия ёки Эронда бўлгани каби) олиб келмаслиги, балки, аксинча, жамият тараққиёти йўлида бир-бири билан муроса қила олиши учун толерантлик мавжуд бўлмоғи лозим. Толерантлик қарор топиши учун эса икки шарт зарур: инклюзив секуляризм ва диннинг плюралистик талқини.

Секуляризмни икки маънода талқин қилиш мумкин:

1. Борлиқни фақат рационал, илмий дунёқараш асосида англайдиган “эксклюзив” секуляризм. Унда Худо ёки диний қадриятларга ўрин йўқ. Шаклан атеистик бу жангвар ёндашув дин билан муроса қилмайди, жамият ҳаётида диний рамзларга ҳам ўрин

бермайди. Бундай секуляризмнинг ҳукмрон мавқе эгаллаши охир-оқибат диннинг сиёсийлашувига (ва радикаллашувига) сабаб бўлиши мумкин.

2. Инклюзив секуляризм эса, аксинча, диний рамз ва қадриятларни тақиқламайди, турли диний ва фалсафий қарашларга изн беради. Нафақат изн беради, балки диний қадриятлардан амалдаги сиёсий ва ижтимоий барқарорликни сақлаш йўлида фойдаланади.

Жамиятда дин ва сиёсат ўзаро мувофиқ шаклда яшаши учун инклюзив секуляризмнинг ўзи етарли эмас, диннинг плюралистик талқини ҳам зарур. Секуляризм қай шаклда бўлиши кўп жиҳатдан диндорлар тутган мавқега ҳам боғлиқ. Фақат “исломий” фикрлаш тарзини олға суриб, борлиқ ва сиёсатни дунёвий англаш йўлини инкор этувчи жанговар ва эксклюзив диний талқин ўз навбатида жанговар секуляризмга туртки беради.

Хуллас, секуляриллаш ва диндорлаш бир-бирига зид жараёнлар эмас, бунда ён бериш ва ўзгаришлар ҳар икки томондан ҳам бўлиши лозим.

Ўзбекистонда секуляризм тажрибаси

Мустақил давлатимизнинг сиёсатини белгилаб олар эканми, ислом динимизни албатта назарда тутишимиз керак. Негаки, дин турмуш тарзимизга, маънавий қадриятларимизга, кишилар онгига ўзининг ўчмас муҳрини босган. Ҳудога қарши курашганларнинг аҳволи нима кечганини кўрдик. Энди бу хил бесамар ва қуруқ инкор йўли ярамайди.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Олий Кенгашининг
X сессияси, 1992 йил 2-3 июль

Мусулмон жамиятларга хос бўлган секуляризм ва диннинг ўзаро муносабатидаги танглик, юқоридаги тўрт тоифанинг ўз дунёқараш асосида жамиятни ислоҳ қилишга уриниши юртимизда ҳам кузатилади.

Ўзбекистоннинг секуляриллаш тажрибасини икки даврга бўлиш мумкин. 1920 йил-

ларгача Ўрта Осиёдаги турғун мусулмон жамиятининг истиқболи хусусидаги интеллектуал муноқашалар кам сонли жадидлар билан омманинг етакчиси бўлган қадимчилар ўртасида бўлган. Бу баҳслар ислом доирасида ва исломий далилларга таяниб олиб борилган. Бироқ бу баҳслар охирига етмади. Ҳокимиятни эгаллаб олган большевиклар Туркистон учун мутлақо янги мафкура – жанговар атеистик руҳдаги социализмни таклиф қилди. Бу мафкурада динга ўрин йўқ эди. “Қолоқ диндорлар”дан прогрессив совет кишини яратишга ҳаракат қилинди, кўнмаганлар қатағон этилди ёки жамиятдан ажратиб қўйилди.

Секуляризмнинг иккинчи босқичи мустақилликни қўлга киритганимиздан кейин бошланди. Президентимиз Ислом Каримов шўроларнинг “совет одами”ни шакллантиришга қаратилган жанговар секуляриزمни ўзбек халқига тўғри келмаслиги, ислоҳотлар жараёнида ўзбекларнинг турмуш тарзи, руҳияти, фалсафаси ва динини ҳисобга олиш зарурлигини истиқлолнинг илк кунлариданоқ таъкидлаб келади. Жумладан, 1993 йили хорижий мухбирлар билан бўлиб ўтган суҳбатда Юртбошимиз бундай деган эди: “Ислом дини мутаассиб дин эмаслигига имоним қомил. Қуръонни яхши билган киши бу илоҳий китобда инсонпарварлик, тинчлик, осойишталик ва бошқа динларга муроа билан қараш тарғиб қилинишини жуда яхши билади... Шу сабабли одамларда динга эътиқод уйғонишини асло қоралаб бўлмайди. Бизда масжидлар тикланмоқда. Қуръон илк марта ўзбек тилига таржима қилинди. Бу бизнинг тарихимизда катта воқеадир. Хўш, бунинг нимаси ёмон?” (Ислом Каримов. *Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар. 1-том. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1996. 164-бет).*

Президентимиз деярли барча асарлари ва чиқишларида секуляризмнинг янгича, динни ҳам инobatга оладиган очиқ талқини зарурлигига урғу бериб келса ҳам, айрим калта ўйловчи амалдорлар ҳамон секуляризмни “жамиятни диндан тозалаш” деб советча талқин қилади. Жамият ҳаёти-

да диннинг ўз мавқеини қайта тиклаётганини радикаллашиш билан тенглаштириш қалтис диний сиёсатга сабаб бўлиши ва ижтимоий тангликни келтириб чиқариши мумкин.

Бошқа мусулмон ўлкалар йўл қўйган хатоларни такрорламаслигимиз керак. Улар динни бутунлай инкор қилиш оқибатида келиб чиққан ички низо ва зиддиятлар, муваффақиятсиз ва чекланиб қолган ислохотлар эвазига дин билан оқилона мурося қилиш, диндорлар билан тотувликда яшаш зарурлигини англаб етди. Тарих шундан далолат берадики, динга нисбатан қалтис муносабат эртами-кечми секуляристлар ва диндорларнинг ёнма-ён аҳил яшашини қийинлаштириб, ташқи бузғунчи кучлар манфаатига хизмат қилади.

Ўртада мурося ва мулоқотнинг пайдо бўлиши нафақат дунёвий элита, ўз навбатида, диндорларга ҳам бевосита боғлиқ. Барча динлар каби ислом ҳам турлича англашилади. Бир динга мансуб шахс ва гуруҳлар бутунлай фарқли, ҳатто қарама-қарши қарашларга эга бўлиши мумкин. Асрлар бўйи христианлар Инжилдан насроний бўлмаганларга қарши салиб юришларини, яҳудийларга қарши қирғинларни оқлашда фойдаланган. Бошқа томондан, яна ўша христианлар қулдорлик ва дискриминациянинг барча шаклларига қарши, ижтимоий адолат ва инсон ҳуқуқлари, диний бағрикенглик учун яна ўша Инжилдан илҳомланиб курашган.

Мусулмонлар ҳам бир муқаддас китобдан турли хулосалар чиқариши табиий. Юқорида айтилганидек, бу хулосалар тўрт гуруҳга бўлинган.

Бизнинг шароитимизда ислом тараққиёт ва *modernity*га уйғунми, деган савол эмас, унинг қандай талқини миллатни ўз қадриятларига содиқ қолган ҳолда илғор мамлакатлар қаторига қўшилишга ёрдам беради, мамлакатда олиб борилаётган ислохотларни дастаклайди, деган савол муҳимроқдир. Муаммо жамият диндорлашаётганида эмас, ислом динидан илҳомланиб, динамик ривожланаётган мусулмон жамиятлари ҳам йўқ

эмас. Асосий муаммо жамиятимиз “исломга қайтиш” шиори остида тобора қадимчилашаётгани, кенг аҳоли ва элита орасида консерватизмга мойиллик ошаётганидир. Яъни тақлидчилар/секуляристлар, диний модернистлар, традиционалистлар (қадимчилар) ва фундаменталистлар баҳсида қадимчилар ютиб чиқаётгандек. Бу ҳам аслида жамиятимиз учун табиий жараён. Зеро, қадимчилик сўнгги бир неча аср – хонликлар давридан то XX аср бошларида советлар “модернизациялашув”ни зўравонлик-ла жорий этгунга қадар минтақада ҳукмрон тафаккур ва яшаш тарзи эди.

Аммо XIX асрдан буён интеллектуал турғунликни бошидан кечираётган қадимчиларнинг “маҳаллий ислом” талқини бугунга келиб мўртлашиб қолган. Исломнинг бу каби қадимчи талқини жамият олдида турган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳаттоки маданий-маънавий муаммоларни ҳал этишда замон ва маконга мос ҳаётий ечим таклиф қила оляптими? Бизнингча, йўқ. У миллатнинг XXI асрда тарихнинг мустақил субъекти сифатида яшаб кетишини таъминлай олмайди.

Исломшунос Бахтиёр Бобожоновнинг таъкидлашича, ҳозирги Ўзбекистонда ислом ва унинг жамиятдаги ўрни ҳақидаги баҳслар асосан қадимчи ва фундаменталистлар ўртасида кузатиляпти. Учинчи гуруҳ – диний модернистлар овози эса деярли эшитилмайди. Ваҳоланки, ижтимоий, маданий ва мафкуравий соҳада ҳукумат олиб бораётган ислохотларга ана шу “диний модернистлар” муносиб дастак бера олади. Бу даъвони асослаш учун тарихимиздаги сўнгги ва ягона диний модернист бўлган жадидларнинг қисқа муддатда амалга оширган миллат олдидаги хизматини эслаш кифоя:

– ўзбек миллати шаклланишининг илк мафкуравий асослари яратилгани;

– биринчи сиёсий партия – “Шўрои Ислом”, мусулмон оламида энг биринчи миллий республикалардан бири – Туркистон мухториятининг ташкил этилиши;

– янги ўзбек тили ва адабиётининг шаклланиши;

– миллий матбуотга асос солиниши (“Тараққий” газетаси ташкил топган сана бугун Матбуот ва ОАВ ходимлари куни сифатида нишонланади);

– миллий таълимнинг янгича усулда ислоҳ этилиши;

– миллий маданиятдаги инқилобий ўзгаришлар (биринчи театр, биринчи роман ва ҳоказо);

– ёшларнинг илк бор чет элга ўқишга юборилиши;

– мустамлакачиларга қарши миллий истиқлол йўлидаги илк курашлар.

Жадидларнинг “диний модернист” дея аталиши боиси шундаки, қадимчилар мавжуд вазиятни сақлаб қолиш, ислоҳотларни рад этиш учун диний истилоҳлардан қандай фойдаланган бўлса, жадидлар ҳам мавжуд вазиятни ислоҳ этиб, тараққиётни оқлаш учун айна диний истилоҳлардан фойдаланган. Яъни икки гуруҳ ҳам Қуръон ва Суннатга асосланиб, аммо бутунлай қарама-қарши хулосалар чиқарган. Қай гуруҳнинг ёндашуви ижобий эканини тарих кўрсатиб турибди.

Жадидчиликнинг бош ғояларидан бири миллатни уйғотмоқ, уни янги турмушга тайёрламоқ эди. Бугун бу миссияни қайсидир маънода дунёвий элита ўз бўйнига олган. Лекин давлат бошлаган ислоҳотларни муваффақиятли якунига етказмоқ учун кенг оммада ялпи фикрий ўзгариш бўлиши даркор. Шу боис, гарчи ҳозир тўлиқ шаклланмаган эса-да, лекин давлат кўмаги-ла шаклланиши

мумкин бўлган “диний модернистлар” дин ва дунёвийлик ўртасида вужудга келиши эҳтимол саналган тарангликни юмшатишда ижобий роль ўйнаса ажабмас. Унинг ижобийлиги шундаки:


а) ислом динининг инклюзив ва плюралистик талқини диний соҳада амалдаги сиёсатни секуляризмнинг янги, инклюзив принциплари асосида қайта кўриб чиқишга олиб боради. Шу билан “бир мамлакатда икки жамият” муаммоси кун тартибидан олинади;

б) давлатнинг жамиятни модернизациялаш ташаббусида мададкор маърифатпарвар ислом пайдо бўлади;

в) давлатнинг диндорлар олдидagi леги-тимлиги янада мустаҳкамланади, турли сиёсий гуруҳлар ёки ташқи кучларнинг ҳукуматга қарши исломий дастаклардан фойдаланиши таҳдиди йўққа чиқарилади.

Сўнги тўрт асрлик таназзул, айниқса, рус истилоси оқибатида ўзининг закийлик, шижоатлилик, тиришқоқлик, аҳиллик каби аслий хусусиятларини йўқотган миллатни фақат кенг қамровли ислоҳотлар қутқара олади. Бу улкан вазифани амалга ошириш учун эса диндорлар ва секуляристлар биргаликда ҳаракат қилмоғи даркор. Президентимиз айтганидек, “бизни бирлаштирадиган битта ғоя бўлиши керак. У ҳам бўлса, шу Ватаннинг, шу тупроқнинг, эл-юртнинг манфаатидир” (*Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар. 1-том. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1996. 198-бет*).





Жасур КЕНГБОЕВ

OR-NOMUS QO'SHIG'I

Ҳеч бир китобда йўқ сир

Ўғил фарзанд кўрган ўзбек борки, болам эр йигит бўлсин, деб ният қилади. Ҳақиқий ботир оиласию элининг шаънига гард юқтирмайди-да. Кўп кузатаман: аксар туман ва қишлоқларимизда ҳозир ҳам катталар жажжи болакайларни кураш туширади. Болалар мурғаклигидан давранинг исини, курашнинг ҳовурини туяди. Илиги олишда қотади. Рақибини йиқитса, руҳан ўсиб, тобланиб боради. Йиқилгани ҳам мағлуб эмас: унинг орини таллашиб, ака-укаси ё бирор яқини даврага чиқади. Буни улардан ҳеч ким талаб қилмайди, биров ўргатмайди ҳам. Негаки, полвонлик, ор таллашиб қонимизда бор.

...Ўқувчилик кезларимдаги бир воқеани эсласам, руҳим енгил тортиб, ғайратим жўшади. Бўйим чўзилиб, овозим йўғонлаша бошлаган чоғлар. Етти-саккиз тенгқур қишлоқдошим билан туман марказидаги ёзги

оромгоҳга бордик. Туманнинг ҳар еридан ёш-яланг йиғилган. Ҳар куни бирор спорт тури бўйича қишлоқма-қишлоқ мусобақа уюштирилади.

Оромгоҳга борганимизнинг иккинчи куни олиш бўлди. Бир зўр полвон чиқиб, ҳамма-ни галма-галдан йиқита бошлади. Навбат бизнинг ҳамқишлоқларга келганда Олимжон деган энг новчамиз тушди даврага. Рақиб уч қафасда унинг курагини ерга теккизди. Орига яна бир қишлоқдошимиз чиқди. У ҳам узоққа бормади: судрашиб юра-юра, охири юлдуз санади...

Рақибга эътибор берсам, бўйчан, яғрини кенг, яктаги остида мушаклари бўртиб-бўртиб турибди. Ўзини тутишидан аён: давра кўриб катта бўлган. Бундайларга бас келиш осон эмас.

Мен даштда чўпон болалар билан, қариндош-уруғнинг тўйида эса амакиваччала-

рим билан олишганман, холос. Аксига олиб, жуссам кичик, озгин эдим. Катта ёшдаги ҳамқишлоқларим турганда менга йўл бўлсин, деб четроқда ўтирардим.

Полвон бола шерикларимни бирма-бир қийратиб ташлади. Ҳар йиқитганда сакраб-сакраб, кўкрагига уриб-уриб “Яна ким бор? Қани, ким олишади мен билан?!” деб бақиради.

Сафда фақат камина қолган эдим. Қарасам, қишлоқдошларимнинг боши хиёл эгилган. Ёмон алам қилиб кетди. Бир ошнам “Бўларимиз бўлди, сен ҳам олишиб кўр! – деди ори келиб. – Фақат йиқитишинг керак. Майли, йиқилсанг ҳам ер кўтаради, лекин билиб қўй, унда бу ерда бош кўтаролмай қоламиз!..”

Жисмимда фавқулодда бир куч пайдо бўлдию даврага отилиб чиққаннимни билмай қолдим.

– Мен олишаман! – дедим дов солиб. Баковул менга қараб, “Сен тирмизакни эзгилаб ташлайди-ку”, дегандай бош чайқади. Бу нигоҳ юрагимга андак ваҳима солди. Лекин...

Баковул курашишга рухсат бермасидан олдин рақиб ёнимга келиб, яқтагимдан ушлади. “Битта чил билан улоқтирвораман, бола!” деб шивирлади қулоғимга.

Индамадим. Ғазабим қайнаб, ичимдан бир нима тўфондай тошиб келмоқда эди. Кураш таомилини чала-чулпа адо этиб, давра айландик. Биринчи қўлданоқ у зўрлик қила бошлади. Ҳар силтаганда тиззалаб қолавердим. Чил солиб кўрдим, бўлмади, рақибим қилт этмай, қоққан қозиқдай тураверди. Сўнг у мени даст кўтариб, боши узра орқага отиб йиқитмоқчи бўлди. Мен абжирлик қилиб, чап оёғим билан рақибимнинг ўнг оёғига илгак солиб, жаҳд билан гавдасини итардим. Амакимнинг ўғлидан ўрганган бу усулимдан рақибим анда қолди ва... гурсиллаб тагимга қулади!

Бир нафас қўйвормай, кўкрагини тиззам билан босиб, елкасини ерга теккизиб турдим.

Давра гурра солиб ўрнидан туриб кетди! Қишлоқдошларим югуриб келиб, мени кўтариб олишди.



Ўшанда ўзим ҳам тушунолмаганман: буни қандай уддаладим? Ахир, кучимиз тенг эмасди-ку! Суяги йирик йигитларнинг курагини ерга теккизган алпни қулатгудек қувват қаердан пайдо бўлди менда?!

Кураш оддийгина спорт тури эмас, орият беллашуви эканини кейинроқ англадим. Қишлоқ, уруғ-аймоқ, эл ори учун майдонга кирган одамда бемисл қувват пайдо бўлар экан-да.

Яна биламанки, эр йигит – ори билан тирик. Ўзбек ўғлони болалигидан ор талашиб катта бўлади. Даврага чиққан йигит рақибини йиқитса, орини сақлагани. Йиқилса, у тинч турмайди, туролмайди. Дунё кўзига қоронғи кўринади. Кейинги гал албатта йиқитмоқ ниятида кечани кеча, кундузни кундуз демай машқ қилади. Аввало, у йиқилган пайтдаёқ ор талашиш бошланади. Баковул “Фалончи полвоннинг орига ким чиқади?” дея жар солишга улгурмайди. Номзодлар отилиб чиқади. Биргина “фалончининг орига” деган жумла етмиш икки томирда яширин ғурурни уйғотиб юборади. Бунинг кучини юрагида полвонлик жавҳари бор одамгина англайди. Адиб Тоғай Муроднинг “Юлдузлар мангу ёнади” қиссаси қахрамони Бўри полвон айтганидек, “*Биз полвонлик мактабида ўқимадик. Полвонлик бизга отамерос. Пуштан пуштга, қондан қонга ўтиб келяпти. Полвонликнинг кўзга кўринмас, тил билан тушунтириб бўлмас шундай сирлари борки, буни фақат томирида полвонлик қони борларгина билади...*

Бу сирлар ҳеч бир китобда йўқ!”

Нафсга амир бўлмоқ саодати

Қишлоғимизда беш-олти полвонни биламан. Улар ўз вақтида хўб олишган, тобоқ кўтарган, доврүк солган, кўп бора ғолиб бўлган. Лекин номи тилга тушган бўлса-да, эл негадир уларнинг исмига “полвон” сифатини қўшмайди, аксинча, лақаб билан чақиради. Ўйлаб ўйимга етолмай бунинг сабабини кай-вони ҳамсоямиздан сўрадим.

– Давра кўрганлар биледи: билагида кучи, белида қуввати борларнинг ҳаммасини ҳам халқ полвон деб атамайди, – деб тушунтирди у. – Агар полвонлик сиёғи, руҳи ва... одоби бўлмаса, манаман деган девкелбатга ҳам лақаб тўқийди. Полвонликнинг ўз йўриғи, одоби бор-да. Шуларга амал қилганларни эл суяди. Уйнинг, давранинг тўрини беради. Сиз айтган полвонларнинг ноқисликлари кўп эди. Шу боис кўкармади улар.

Полвон дегани даврага зот, пул ё давлат истаб чиқмайди. Мана, неча асрки, Паҳлавон Маҳмуд номи улуғланиб, тилдан тилга ўтиб келяпти. Нега?..

Келинг, машҳур ривоятни эслайлик: Паҳлавон Маҳмуд Ҳиндистонда маҳали кураги ер искамаган ҳинд полвонини курашда мағлуб этади. Ҳинд подшоси Паҳлавон Маҳмуднинг кучига тан бериб:

– Тенгсиз полвон экансан. Сени тақдирламоқни ният қилдим. Қанча тилло истайсан? – деб сўрайди.

– Хукмдор, – дейди Паҳлавон Маҳмуд шоҳона илтифотга жавобан, – раббатингиздан бошим кўкка етди. Юртингиз зиндонларида анча йиллар аввал асир олинган мингдан зиёд хоразмлик юртдошим ётибди. Уларни озод қилиб, олиб кетишимга ижозат берсангиз, мен учун тиллодан ҳам аъло мукофот бўлур эди.

– Хўш, қанчасини озод этай? – деб сўрайди шоҳ.

– Кўп эмас, бир сигир терисига сиққудегини озод қилсангиз кифоя.

Шоҳ қаҳ-қаҳ отиб кулади:

– Зўр полвон экансан-у, бир сигир терисига қанча одам сиғишини билмас экансан-да?!

Шоҳ шундай дея, музаффар полвоннинг тилагини бажо келтиришга фармон беради. Буни қарангки, Паҳлавон Маҳмуд бир сигир терисини ошлаб, эшиб, ингичка чилвир ясаб, белига юз айлантириб ўраб олган экан. Бу чилвир-калага ичига Ҳинд диёридаги жамики хоразмлик бандилар сиғиб кетибди. Шоҳ эса Паҳлавон Маҳмуднинг куч-қудрати, ақл-заковати ва элпарварлигига қойил қолибди.

Ўшанда Паҳлавон Маҳмуд Ҳинд хукмдорига ушбу рубойни ўқиб берган экан:

*Ўз нафсинга бўлгин амир, шунда мардсан,
Ўзгаларга бўлма ҳақир, шунда мардсан,
Йиқилганни тепиб ўтиш мардлик эмас,
Афтодага бўлсанг дастгир, шунда мардсан.*

Нафсига амир бўла олгани, шахсий манфаатидан эл манфаатини устун қўйгани учун ҳам халқимиз Паҳлавон Маҳмуд каби қаҳрамонларини ардоқлайди, ёш авлодга ўрнак қилиб кўрсатади.

Яқинда Бобур Элмурод деган шоир дўстимизнинг “Кураш” шеърини ўқиб мутаассир бўлдим. Гавжум даврада оломон ҳайқиради. Ота кураш тушаётган маҳал ўғли ҳам томошага келиб қолади. Ўзидан ёш, айна кучга тўлган полвон билан олишаётиб, ногаҳон одамлар қабатида ўтирган ўғилчасига кўзи тушади. Ўғлоннинг кўзи жиққа ёш. Отанинг юрак-бағри эзилади. Фикри-зикри рақибини йиқиш эса-да, қанча чиранмасин, кучи етмайди. Ўғлининг кўз ўнгида йиқилишини тасаввур этиб, қалби ларзага келади:

*Ахир айтинг, енгилса уни,
Оқлармиди бир жуфт қора кўз.
Ерда ётган ота ҳолини
Изоҳлашга топиларми сўз.*

*Ёзгим келмас ҳеч қолганини,
Юрак санчар ўша жойида.
Ахир қулаётган дарахтни
Кўриш оғир ниҳол пойида...*

“Ё бобомнинг пири!..”

Қарийб уч минг йиллик тарихга эга кураш – энг кўҳна спорт турларидан. Юртимиз ҳудудидан топилган, бронза даврига (милод-

дан аввалги V аср) оид иккита от тўқасида қадимги ажодларимиз ҳисобланган сак-скиф қабилаларининг ҳаёт тарзи, хусусан, кураш тушаётган паҳлавонлар тасвирлангани ҳам ушбу спорт тури азалдан халқимизнинг севимли машғулоти бўлганидан дарак беради.



Биласиз, бирор спорт тури билан шуғулланмоқ учун мактаб кўриш, мураббийга шогирд тушиш керак. Уни обдон ўрганиб, пишиб тоблангачгина, мусобақада қатнашилади. Аммо кураш ўзбекнинг тийнатида, фитратида бор. Шу боис ҳар бир ўғлон ятак кийиб даврага тушса бас: бемалол беллашиб кета олади.

Бу ҳақда кўп ўйлайман: нега шундай? Тахминларим йўқ эмас. Биринчидан, бизда азалдан жисм ва руҳ тарбиясига алоҳида эътибор қаратилган. Кундалик турмуш тарзимиз ақл, жисм ва руҳий қувватни уйғунлаштиришга йўналтирилган. Кураш эса ана шу табиий эҳтиёж ва турмуш тутумининг ҳосиласи ўлароқ пайдо бўлган. Халқимиз фарзандларида баҳодирлик, ботирлик, абжирлик каби сифатларни кураш орқали шакллантирган. Қадимдан йигитларнинг довюраги, ҳатто куёвликка номзодларнинг сараси кураш воситасида аниқлангани-да бежиз эмас.

Даврага чиқаётган полвонни ҳеч кузатганмисиз? У аввал оқсоқол полвонлар қаршисига чўк тушиб, дуо олади. Сўнг даврани ўнг томондан айланади. Бармоқ ўйнатаиб, ўзига хос рақс тушади. Жуссаси кичикроқ полвон ҳам майдонга тушгач, баҳодирдек кўринади. Чунки давранинг ҳовури бўлади. Ҳар бир полвон “Ё отамнинг пири!”, “Ё бобомнинг пири!” дея ўз пирини йўқлаб беллашади. Улардан руҳий қувват олади гўё.

Ота-бобоси ва уларнинг пирини таниган одам эса ор-номусли, бир сўзли, собитқадам эр йигит бўлиши аниқ...

Вақтдан “қўрқадиган” полвон

Беш-олти йил аввал Ғузорга тўйга борганимда Адҳам деган ошнамизнинг уйида қўноқ бўлдик. Туш маҳал, ҳаво иссиқ, гармсел. Бир пайт ҳовлида мотоциклнинг патпатлаши эшитилди. Мезбон дўстимиз ташқарилади. Хиёл ўт-

май ҳовлиққанча бир йигитни бошлаб кирди:

– Танишинглар, полвон амакиваччам – Шухрат Арслонов!

Полвон дегани биздан ҳам ёшроқ, қорачадан келган, бургутбурун, бўйи пастроқ, лекин ниҳоятда бакувват йигит эди. Қўли нақ темир босқонга ўхшайди. Афтангори оппоқ чанг. Танишиб, гурунглашиб ўтирдик.

– Деҳқонободдан келяпмиз, – деди Шухрат полвон уст-бошига хижолатомуз ишора қилиб. – Бир акамиз олишли тўй қилганди. Мотоциклда йўл бўйи тупроқ чангитиб келяпмиз...

– Соврин олдингизми? – дея савол ташладим.

– Олдик, – деди суҳбатдошимиз. (Полвон халқи камтар келади: “келдик”, “қилдик” дея доим кўпликда гапирари.)

Совринга қизиқдик.

– Бир кўчқорчани тақимга босдик-да, – деди полвон камтарлик билан. Суҳбат ўзани курашга бурилди. Гурунг авжга минаётган маҳал Шухрат полвон узр айтиб кўзгалди.

– Меҳмонлар, хафа бўлмайсизлар, Нишонда олиш бўлади, боришимиз керак.

У кетгач, Адҳамдан сўрадик:

– Шухрат нега йирик мусобақаларда қатнашмайди? Совринлари нега унча кўп эмас?

– Мен ҳам шунга ҳайронман. Ўн ҳўкизнинг кучи бор, – дея тушунтира кетди дўстимиз. – Машғулотларда чемпионни ҳам бир қўлда учуриб юборади. Тўй олишларидан қуруқ қайтмайди. Мусобақаларда ҳам қатнашяпти. Лекин муҳим турнирларда ютолмайди-да...

Сўрасак, вақт деган нарсага ҳеч кўниколма-
япман, дейди. Ўзимизнинг тўй олишларига
мослашган-да бемалолхўжа.

Дарҳақиқат, кураш спорти мусобақалари-
да қатъий қонун-қоидага амал қилинади. Ак-
сар полвонлар бу тартиботлар ҳадисини ҳар
қанча олган бўлмасин, тўй, байрамдаги каби
завқ-шавқ билан беллашолмайди.

Тўй курашида баковул “ҳалол” демагунча
полвонлар ятакни қўйиб юбормайди. Мусо-
бақада эса биттагина “чала” деган баҳо
устунлиги билан ҳам ғалаба қозониш мум-
кин. Бироқ тўй курашидаги “ҳалол” деган
ҳайқириқнинг сурурига не етсин!

...Орадан бир неча ҳафта ўтиб, Адҳам
ошнамит кўнғироқ қилиб қолди:

– Косонда тўйда юрибман, – дейди. –
Шухратбой яна бир чемпио н полвонимизни
йиқитди! Зиёфат бермоқчи, келмайсизми?

– Боролмайман, лекин совриндан “улуш”-
имни олиб кўярсиз, – дея ҳазиллашаман.

– Иложи йўқ, ошна, у аллақачон совринни
ҳадя қилиб юборди...

Ҳа, таннинг тобланиши, руҳнинг озиқла-
ниши, ғолиблик сурурию давранинг олқиши
чинакам полвон учун ҳар қандай совриндан
афзал.

Чорак асрлик айрилик

Эл-улус анча-мунча чигал ишда полвони-
га суянади. Полвон аралашдими, кўп масала
ҳал бўлиши тайин.

Қашқадарёлик адабиёт муаллими Абди-
наби Абдиев кураш ҳақида талай ҳикоя ва
эссе ёзган. Ҳар йили воҳа қишлоқларини
кезиб, полвонлар гурунгини олади. Бир йили
қишлоқ айланиб юрганида эски қадрдонини
учратиб қолади. У Абдунаби акага бундай
омонат гап айтади: “Кураш ҳақида ёзганла-
рингизни тоғамиз мароқ билан ўқийдилар. У
киши ўсал ётибди, сизни кўришни орзу қилиб
юрган экан”.

Абдунаби ака қадрдонининг кекса тоғаси
зиёратига шошади – Деҳқонободга жўнайди.
Аввал домлага бир байталнинг узангисини
тутушиб, полвонлар суҳбатига олиб бориша-
ди. Сўнг тоғаникига қараб жўнайдилар.

Бир ҳовлига етиб келишганида таниши:

– Мана шу уй тоғамизники. Гурунг қилиб
чиқаверинг, мен сизни уйимда кутиб тура-
ман, – дея хайрлашмоқчи бўлади.

– Ие, ўзингиз бошлаб кирмайсизми? Мез-
бон сиз-ку! – дейди таажжубланиб.

– Йўқ, ака, хафа бўлманг, мен киролмай-
ман... – дея ҳовли адоғига ўтади.

Шунда қадрдонининг шериги домланинг
ўнгиридан ушлаб, четга тортади:

– Домла, уни кўп қистаманг. Йигирма беш
йилдан бери тоғасининг оstonасини ҳатла-
маган. Янгамиз қўймайдилар...

Маълум бўлишича, қадрдонни ўсал ётган
тоғанинг суюкли жияни экан. Тоға чорак аср

муқаддам шаҳарга – университетга ишга ўт-
гач, қишлоғига қатнаб ишлаган. Шу орада
шаҳарлик бир аёл билан оила қуриб, яшаб
юрган, фарзандли ҳам бўлган экан. Буни
аёли билиб қолиб, қиёмат кўптириб, эрини қи-
шлоққа қайтарган. Лекин жиян бўлмиш тоға-
сининг шаҳардаги оиласию ўғилчаси ҳолидан
хабар олиб юрган. Бундан ҳам хабар топган
янга жияннинг қадамини хонадонидан буткул
узган. Қариндош-уруғ қанча ялинмасин, янга
билганидан қолмаган. Қишлоқ кайвонилари-
нинг аралашуви ҳам наф бермаган...

Абдунаби ака хонадон дарвозасини ик-
киланибгина аста тақиллатади. Дарвоза-
ни янга очади. Хўжайини кутаётган меҳмон
эканини билиб, хушҳоллик билан ичкарига
таклиф этади:

– Келинг, меҳмон, сизни интиқ кутяптилар...

– Янга, мен шеригим билан келдим, –
дейди Абдунаби ака.

– Вой, бемалол кираверинглар, меҳмон,
қани у киши?

– Хув, ана! – дейди домла жиянни кўрсатиб.
Янганинг авзойи ўзгаради.

– Йўқ, у қадамини босмасин бу ерга!

– Унда мен ҳам кетаман... – дейди домла
ва шахд билан ортга бурилади. Шунда янга
саросимага тушиб, икки ўт орасида қолади:
кирсин деса, йигирма беш йиллик адоват
ҳали тарқаманган, кирмасин деса, эри ўлим
тўшагида. Эҳтимол, сўнгги истагини бажо
этаётгандир. Ноилож, розилик беради. Ки-

ришади. Тоға меҳмон келганига бир суюнса, хиянини кўриб, икки суюнади...

– Қаранг, элимизнинг курашга ҳаваси боис чорак аср юз кўришмаган тоға-хиян дийдорлашди, – дейди муаллим акамиз.

Айтдик-ку, полвон аралашган иш битмай қолмайди. Кураш ҳақида қоғоз қоралаган қаламкашнинг ўртага тушиши билан чигаллик ечилибди, энди полвоннинг ўзи аралашса, нималар бўлишини тасаввур этаверинг!..

Ўзбек кураши нисбатан қисқа муддатда дунёга тарқалди. Хўш, бунинг сабаби нима?

Яқинда таниқли журналист Аҳмаджон Мелибоев бир воқеани гапириб берди:

– Парижда ўзбек кураши бўйича мусобақа бўлаётган эди. Финалда донгдор полвонимиз девқомат бир француз йигит билан рўбару келди. Полвонимиз рақибини елкадан ошириб, ерга урди. Мутасаддилар полвонимизнинг бўйнига медаль илиб, елкасига тўн ёпди. Кейин нима бўлди денг, полвонимиз тўнни шартта ечди-да, мағлуб рақибига кийдириб, елкасига қоқиб қўйди. Бутун зал оёққа туриб кетди. Йиғилганлар полвонимизни қарсақлар ила олқишлади. Эртасига француз матбуоти “Мана, ўзбек кураши қандай спорт! Ана, ўзбек полвонининг рақибга эҳтироми!” дея бонг урди.


Чиндан ҳам, ўзбек курашининг оммалашуви сабабларидан бири – энг инсонпарвар спорт тури экани-да! Бу спорт турида рақибга қанча ҳамла қилинса-да, унга жароҳат етказилмайди. Чўккалаб қолган рақиб қўйиб юборилади. Яъни фақат тик оёқда турган полвон билан олишилади!

Ўзбек кураши полвонларининг либоси кўк ва яшил рангда эканига эътибор берганмисиз? Бу ранглар давлатимиз байроғида ҳам акс этган. Демак, ўзбек кураши, таъбир жоиз бўлса, давлат туғи каби миллатни дунёга танитаётир.

Асрлар оша безавол яшаб келаётган боқий қадриятимиз – кураш бор экан, орияту ҳамиятимизга заха етмайди, иншоолоҳ!

Ўзбекнинг дунёга қурган кураш майдони ҳеч қачон совимайди!

Ор-номус қўшиғи тинмайди!..



Даврон ТОШЕВ. Саъдийнинг “Гулистон”ида
ишланган миниатюра

Абдулла ОРИПОВ

Ев-и yurt köksiga yulduz b'olib qon!

Камолот


Сен эслий олмассан,
Хаёлан аммо
Бешикда ётган у чоғларингга қайт.
Ким сени овутди саҳаргача то,
Ким сени оёққа тургизганди, айт?

Қайси зот тил бериб, чиқарди йўлга –
Шеър айта бошладинг бирдан чулдираб.
Инсонлик юқмаса агар кўнгулга,
Юрардинг Маугли каби гўлдираб.

Кекса гўдак бўлиб, силаб соқолинг,
Давранинг тўрида ўлтирмоқлик ор.
Сен ҳам тушун энди бошқалар ҳолин,
Ахир, шуъла кутган гўшалар бисёр.

Агар бир мўйсафид сўраса мадад,
Йўлдан ўтказиб қўй, ҳеч бўлмаганда.
Шаклга солинган эт эдинг фақат,
Улгайиб, толеинг гар кулмаганда.

Шукур қил, камолот келса ярақлаб,
Ярашгай тулпору камар билан тўн.
Бир лаҳза бўлса-да порлаб, чарақлаб,
Элу юрт кўксига юлдуз бўлиб қўн!



Ҳаёт ибратлари

Кўчадан келдим у ҳовлимда ногоҳ
Ари уясига бошимни тикдим.
Қайси кун, жарчи қуш қилса ҳам огоҳ,
Қашқир тўдасига бирдан йўлиқдим.

Ёз пайти сафарга чиқиб бир замон
Дафъатан тушганман қишнинг забтига.
Аёзда йўл босдим, эгнимда – чопон,
Бироқ дучор бўлдим ёзнинг тафтига.

Жаннатни кўрай деб, мен шўрим қуриб,
Қанча синовларга айладим бардош,
Валекин дунёдан кетмасдан туриб
Дўзах аҳли билан бўлдим давradoш.

Ахир, эзгуликка тиккандим-ку кўз,
Дилимда яшарди улуғ ибодат!
Барча юқунишлар ҳайф экан, афсус,
Агарда бўлмаса улар ижобат.

Қирқ йил камситдилар эринмай, секин,
Қирар эшигимни қаттиқ ёпмадим.
Ўзимча барчани тушундим, лекин
Мени англайдиган зотни топмадим.

Тоифалар

Сизга баб-баробар ёқмасман, сўзсиз,
Гарчи шеър ёзаман ёқмоқ қасдида.
Бирингиз нарвоннинг тепасидасиз,
Иккинчигиз эса унинг пастида.

Бир жойдан чиқмаган фикрингиз асло,
Бирингиз – тегирмон, иккинчигиз – дон.
Мен-чи, тегирмончи кимсаман гўё,
Гапим уқдиролмай ўртада сарсон.



Бирингизга ёқар офтобли кунлар,
 Бирингиз ёмгирли кунга ошиқсиз.
 Бирингизда мудом ҳасратли унлар,
 Бошқангиз ҳамиша кўнгли очиқсиз.

Сиз – шайдо, валекин фарқингиз анча,
 Дидингиз турлидир, ҳатто қоришиқ.
 Бир вақтнинг ўзида, уринмай қанча,
 Айтиб беролмасман икки хил қўшиқ.

Балки қалбларингиз англамоқ учун
 Йиллар ўтиб кетар секин ва оғир.
 Келишиб олгайсиз, иншоллоҳ, бир кун,
 Колмас орангизда жумбоқ ила сир.

Ҳозир-чи, дардингиз турфадир мутлоқ,
 Рози ҳам бўлмайсиз мендан шу фурсат.
 Бировингиз учун кўринсам-да оқ,
 Иккинчингиз учун қораман фақат.

Шарқ қисмати

Шарқликман,
 Эмасман йўлидан озган,
 Санъатга ўрайман айтар сўзимни.
 Тагор ҳинду бўлиб мадҳиям ёзган,
 Мулла Тўйчи айтган “Қора кўзим”ни.

Кашфиёт қилай деб уринмай ҳарчанд,
 Йўлимни муттасил тўсди хурофот.
 Фикрим коинотни қучса ҳам гарчанд,
 Мудом ҳамроҳ бўлди аробаю от.

Мен ҳатто қуёшнинг ҳидини сездим,
 Юлдузлар ифорин туйдим бехато.
 Гар севсам, Карбало даштида кездим,
 Кирди тушларимга Тожмаҳал танҳо.



Бошқалар яратди, мен эса тун-кун
 Унга мафтунликдан айламадим ор.
 Афсус, энг чиройли гулнинг ҳам бир кун
 Сўлиб, оёқости бўлмоқлиги бор.

Бойлик қазиб олдим ернинг остидан,
 Тугаб қолишини ўйламай асло.
 Тўй қилиб, айрилган бор бисотидан
 Ношуд бойваччанинг ўзиман гўё.

Энди англаб етдим, шуҳрат-шонимни
 Таъмин этган экан буюк даҳолар.
 Ёвларнинг ўқидан хонадонимни
 Асраб келмиш доим эзгу дуолар.

Қўғирчоқлар

Ўйда набиралар ўйнар қўғирчоқ,
 Бири – пластмасса, бири – латтадан.
 Орқадан калитин бурасанг бироқ,
 Қимирлаб, чиқарар овоз дафъатан.

Ойнаи жаҳонни қўйсанг ногаҳон,
 Ўнта қўғирчоқни ўйнатар кимдир.
 Бири бўри бўлса, бирови – қуён,
 Бири бола бўлса, бошқаси – кампир.

Қай бир идорага боқсанг гар ўтиб,
 Қўғирчоқ шовқини келар ростакам.
 Сакраб ўйнашади ўзидан кетиб,
 Бошлиқ бураб турар мурватин ҳар дам.

Асло ишим йўқдир бу билан, аммо
 Ногоҳ диққатимни тортади улар.
 Ўйлардим, қўғирчоқ эмасдир дунё,
 Камаяди десам, ортади булар.



Мен бу ўйингоҳга қарайман ҳайрон,
Кўғирчоқлар билмас борар ерини.
Жойи циркдамикан ёки галадон,
Кутади ўзининг Шекспирини.

Муҳтожлик

Ҳеч кимса бировга бўлмасин қарам,
Инсоннинг бошига етгайдир очлик.
На очлик, дунёда Хотам бўлсанг ҳам,
Бир куни енгади сени муҳтожлик.

Аввал гурурингга чанг солгайдир у,
Оғирдир йўқсил деб аталган туйғу,
Эзар болангни ҳам кўринмас қайғу,
Бир куни енгади сени муҳтожлик.

Оллоҳдан сўрайсан, бермагин деб дард –
Йиққанинг шифога бўлмагайдир гард.
Излама, топилмас қўлловчи бир мард,
Бир куни енгади сени муҳтожлик.

Исмингни эшитса, ҳурқар балки от,
Қушлар қоқиб турар тепангда қанот,
Сени-чи, тубанга тортади ҳаёт,
Бир куни енгади сени муҳтожлик.

Шундоқ қурилгандир бу кўҳна турмуш:
Сабринг йўқчиликка беролмас туриш.
Ногоҳ чумолидек бошласа юриш,
Бир куни енгади сени муҳтожлик.

Фузулий демшиш: “Мен – муҳташам гадо...”
Дўст ҳам арзи додинг эшитмас гоҳо.
Ўлгунча ўзингдан қолмагин, аммо
Бир куни енгади сени муҳтожлик.

Албатта, узилиб тушмайди осмон...
 Одамнинг хор бўлиб қолмоғи ёмон.
 Ғамингни еб юргин, йўқса, эй ўғлон,
 Бир кунни енгади сени муҳтожлик.

Ҳаёт муаммолари

Ота-бола кезарди сарсон,
 Юраклари тўлганча оҳга.
 Яқин бориш эмасдир осон
 Иш берувчи бирор даргоҳга.

Кимларгадир ялинмоқ учун
 Зўр ирода керакдир, ростдан.
 Унут энди илмнинг кучин,
 Ақча сени кўтаргай настандан.

Ноёб эрур авлиё қадар
 Саховатли, бетама одам.
 Имкониини тополса агар,
 Ҳақ сўрашар чумолидан ҳам.

Таъмирласанг Казъбани ҳатто,
 Кўрмаганга оларлар ўзин.
 Фазилатинг пайқашмас асло,
 Нуқсонингга тикарлар кўзин.

Тафаккурдан мосуво инсон
 Нафснинг қули бўлгайдир, наҳот?!
 Бир чеккада Инсоф ва Виждон
 Секингина чекади фарёд.

Танҳо қуш

Осмонда бир танҳо қуш учар,
 Юракларни ўртар овози.
 Гоҳ варракдек баландлаб ўтар,
 Гоҳо пастлаб кетар парвози.

Биров билмас, учмиш у қайдан,
 Қайга қўнар, бу ҳам – номаълум.
 Ноласи бор – узилган найдан,
 Ғойиб бўлар ўтмасдан бир зум.

Ўша қушидек яшадим чўчиб,
 Сизни хавфдан айладим огоҳ.
 Кетолмадим кўкка ҳам учиб,
 Тополмадим ерда ҳам паноҳ.

Гамлет

Ўтганлар тушимга киради кўпроқ,
 Мен – кекса, улар-чи, то ҳануз – ўша.
 Орадан шунча вақт кечибди, бироқ
 Кўзлар ўзгармаган – маломатпеша.

Мен гарчи руҳларга эргашиб юрган
 Ғалати шаҳзода – Гамлет эмасман.
 Кимсаман – оламга лол боқиб турган,
 Турфа рўёларни йўқ ҳам демасман.

Асли шаҳзодада бор эди алам –
 Тахтин олиб қўймиш орсиз амаки,
 Уйланмиш Гамлетнинг онасига ҳам.
 Бундай қабиҳ ҳолат учрамас балки...

Машъум ҳақсизликдан ўртаниб такрор,
 Ёзди Шекспирдай тенги йўқ даҳо.
 Адолат излаган юзлаб халқлар бор,
 Минглаб гамлетлардан иборат дунё!

Улуғ томошагоҳ ер усти ҳамон,
 Биз ҳамон саҳнада нўноқ артистлар.
 Талпиниб яшаймиз руҳларга томон,
 Заминга тўкилиб боради ҳислар.

Унутилган туйғулар

Дарёлардан талаб қилма сув,
Дарахтлардан сўрама соя.
Унут бўлган бундайин туйғу,
Бадар кетган бу каби гоёя.

Меҳр нима – билмайди одам,
Оқибатга қолмаган ўрин...
Манзилингга етиб ол, болам,
Ҳали оқшом тушмасдан бурун.

Хаёл ва ҳаёт

Магар чиқиб кетсам тоғларга томон,
Бўлардим айиқлар билан суҳбатдош.
Дўлана терардим балки ёнма-ён,
Меҳрибон дўстлардек туну кун
йўлдош.

Шўнгиб кетсам агар теран уммонга,
Сувларнинг остида юрардим яшаб.
Балиқда тоқат йўқ шовқин-суронга,
Улар бақирмайди бизларга ўхшаб.

Бир кун осмонларга айласам парвоз,
Турналар сафида чаппор урардим.
Танишдир юлдузлар чалиб турган соз,
Базмига қўшилиб, жўр ҳам бўлардим.

Бу гаплар амалга ошмагай асло,
Энди хаёл билан қолганман буткул.
Бошқа бировни-ку айтмангиз, ҳатто
Набирам кўнглига тополмасман йўл.

Ҳануз тараққиёт тўхтаган эмас,
Фордан чиққан каби шу зум одамзот.
Турфа синовларга кела олди бас,
Лекин ўзлигини унутди, ҳайҳот!

Афсус, қалбсизликка юз бурди Инсон,
Ақчадир суюнган мураббийси ҳам.
Туйғулар бир четда қолдилар ҳайрон,
Бевақт нафақага чиққандек одам.

Ҳеч кимнинг сен билан иши йўқ зарра,
Майли, кўк тоқига чирогингни ос.
Исмингни сўрашмас ҳатто бир карра,
Фалон рақамдаги бандасан, холос.

Авлиё қиссаси

Чилла ўтирмоқни қилдию ният,
Форга кириб кетди бир кун авлиё.
Муҳиблар дедилар гувраниб гоёя:
– Дуонгиз ижобат бўлсин, илоё.

Лекин авлиёни вақт ўтган сайин,
Унута бошлади муриду толиб.
Недир юз берганди ўртада тайин,
Қандайдир фалокат келганди голиб.

Пайт ўтиб, тугади чилла муддати,
Авлиё горини тарк этди у кун.
Қалбида жўш уриб меҳру шафқати,
Муҳиблар қошига йўл олди мамнун.

Кеча соме бўлган кимсалар аммо
Ёвуз назар билан қарши олдилар.
– Иблис келди! – дея кўтариб гавго,
Уни эл ичидан ҳайдаб солдилар.

Рост йўлдан адашгай банда ҳар маҳал,
Магар юрагида заифдир имон.
Кор қилмас энди ҳеч дуою амал,
Сарсондир авлиё, пирлар саргардон.

Хаттоки эзгулик топгайдир барҳам,
Юмилгай виждоннинг иккала кўзи.
Авлиё гор томон қўйганда қадам
Калбларга кирганди Иблиснинг ўзи.

Хонадон шеъри

Каттакон шу дунё қўйнида
Яшаб турар бизнинг хонадон.
Эртанги кун мудом ўйида,
Ҳар биттамыз орзуманд чандон.

Соғлиқдадир менинг хаёлим,
Тун ва куним ўтар имиллаб.
Ёнимдасан, мунис аёлим,
Қўйманасан тинмай гимиллаб.

Яширасан ҳолингни доим,
Эмасмиз-ку, ахир, туйғусиз.
Гувоҳ эрур ёлғиз Худоийм,
Мен уйқусиз, сен ҳам уйқусиз.

Мендан олиб қочасан кўзни,
Жилмаясан лабларинг титраб.
“Тузаласиз”, деган бир сўзни
Шивирлайсан ёнингга қараб.

Дастурхонга келганда таом
Термуласан, бир сўз демассан.
Мен очликка банди батамом,
Сен ҳам бирор луқма емассан.

– Туш кўрибман, – дейман, – кун порлаб,
Ёритибди бизларнинг уйни.
Энтикасан ўглингни чорлаб:
– Сўйгин, – дейсан, – боғланган қўйни.

Тонгда баъзан кузатаман мен:
Телефонда манзил сўрайсан,
Биламанки, шу кетишида сен
Фолбинларга бориб учрайсан.

Нега шундоқ маҳзун кунни ҳам
Кўролмайсан, бадқирдор ганим?
Хоҳлайсанки, енгса мени гам,
Тупроқларга қоришса таним.

Қайта бошдан тугилмоқни гар
Тангри менга кўрсайди раво,
Йўлатмасдим сени муқаррар,
Ёнингга ҳам бормасдим асло.

Ер юзининг қай бир буржида
Кун кўрардим хаёлим билан.
Яшар эдим бахт илинжида
Ўша мунис аёлим билан.



“Малика”

Qalb va Koинot

Ўрта асрлар Шарқида қўлёзма китобларга безак сифатида вужудга келган мўъжаз расмларни бугун “миниатюра” деб атаймиз. Бироқ асли лотинча бўлган бу истилоҳ санъатшунослигимизда атиги XX аср бошларидан рус эстетикаси таъсирида ўтроқлашган эмасми?! Хўш, унга қадар-чи?.. Дейлик, миллий миниатюра санъатининг пири бўлмиш Камолиддин Беҳзод ўзининг шу жанрдаги асарларини қандай атаган? Балки “кичик”, “нафис” маъносига “миниатюра” ўрнига туркий каломда “йинчка” ёки форсча забонда “хурду нозук” дегандир? Ёхуд араб лисонида “мусафғара” дегандир у?


Булар ожиз бир тахмин, холос. Аммо кўнгил саркашлик ила нечундир “мусафғара”га майл кўрсатаверади. Балки бу сўз асосини “сағир” ўзаги ташкил этганию у эса ислом оламида нашъу намо топган “олами кубро” ва “олами суғро” тушунчаларини эсга солиб юборганидандир. Олами кубро – чек-чегара билмас бепоён Коинот. Олами суғро эса унинг қошида бир зарра бўлган Инсон. Бироқ мўъжиза шундаки, олами суғро ўзига олами куброни буткул сиғдира олади!

Назаримизда, Инсон ўзида Коинотни шундай мужассам этишида миниатюра айрича бир васила гўё. Парчагина ипак қоғоздаги мўъжаз тасвирда борлиқнинг акс топмоғи шунга далолат эмасми, ахир! Бу ҳолни, мажозан, митти томчи улкан денгизни “ютиб юборгани”га қиёс этиш мумкин.

Замонавий ўзбек миниатюра санъати усталаридан бири Даврон Тошев асарлари бизда санойи нафисанинг бу инжа тури ҳақида ана шундай мулоҳазалар кўзгади. Зеро, рассомнинг юксак ижод намуналари миниатюра санъатининг асл имкониятларини бор бўй-басти билан кўрсатишга қодир. Миниатюрада ҳар доим ҳам Олам кашфидан кўра Одам кашфи муҳимроқ саналган. Даврон Тошев асарларида ҳам шундай: ҳассос қалбнинг дунёга ёниқ муносабати мудом устувор. Шу маънода, мусаввир асарларини расм шаклидаги шеърлар деб атасак хато бўлмас...



“Чироқ кўтарган чол”



Алишер Навоийнинг "Сабъи сайёр" достонида ишланган миниатюра

Қулман ОЧИЛ

Ўраминдаги одамлар

“Бонжур, мадам!”

Менинг оқ “Газел”да ўз жойим бор: охириг қатор, энг чекка дераза олдидаги қора чий-бахмал қопланган ўриндиқ. Йўлнинг бошида ўтираману охиридан икки бекат берида тушаман. Маза! Бировга жой бўшатаман деб овора бўлмайсан, оёқ остида турти-ниб-суртинмайсан. Ўй-хаёлингга эрк бериб, кўча-кўйни томоша қили-иб кетаверасан. Мошинга чиқиб-тушиб турган йўловчиларни кузатишни яхши кўраман. Қиёфасига қараб кимлигини, касб-кори, ёши, нима ташвиш етаклаб юрганию феъл-атвориғача тахмин қиламан. Қизиқ-да. Бу синчковлигимни журналистнинг касб касаллигига йўйишингиз мумкин. Тўғри қиласиз.

Кеча ишга кечроқ, пешиндан сўнг отландим. Навбатчиликдан ярим тунда қайтган эдим-да. Тушлик маҳали транспорт қатнови сийраклашгани учунми “Газел” жонивор бош бекатдаёқ йўловчилар билан деярли тўлди. Мен “хос” жойимни эгаллагач, ён-веримга кўз югуртирдим. Қарасам, шундоққина рўпарамда бир жувон ўтирибди. Оппоқ тиззаси тиззамга тегай-тегай дейди. Қирқ ёшлардаги истараси иссиқ, хурморанг сочлари калта кузалган, оқ кўйлагининг ёқаси хиёл очик, хушбичим, хипчагина аёл.

“Банкир бўлса керак”, деб ўйладим. Сал нарида ҳашаматли банк жойлашган. Олди

доим бири-биридан антиқа машиналар билан тирбанд бўлади. Йўқ, банкда ишлайдиган бундай ҳусн-жамол соҳибаси айна ёшда тарақа-туриқ “Газел”га осилиб юрмайди. Камида бошқарма бошлиғи сифатида хизмат машинасида, ҳеч бўлмаганда, шахсий автомобилида юради: қўли текканнинг – оғзи тегар, ҳаммининг ҳам дасти етавермайдиган арзон-гаров кредитга олиши мумкин-да ўша ялтир-юлтир “арава”лардан бирини. Назаримда, банкир бўлганида юзлари ёғ суртилган хиром этикдай ялтиллаган, анча димоғдор, қарашлари хийла ўктам бўларди. Қаршимда ўтирган жувоннинг майда хуснбузар излари сезилиб турган юзида эса ҳорғинлик, нигоҳида ўзига ярашган маъюслик, ўйчанлик, дарҳол кўзга ташланадиган камсуқумлик бор эди. Ёнимиздаги поликлиникадан чиққан дўхтирми десам – ўхшамайди, чиройли, узун-узун тирноқларига қалин қизил лок суртилган.

“Муаллима!” деган фикр келди хаёлимга.

Жувон тўқ кўкранг юбкасини тўғрилаган бўлди, лекин этаги тиззасини ёпмагач, оёғининг устига қора сўмкачасини ётқизиб қўйди. Юзимни кўча томон бурдим. Буриш асносида сўмкасидан кўриниб турган қалингина яшил дафтар эътиборимни тортди. “Синф журнали!” – хулосамдан ўзим қувониб кетдим. Ўқув йили якунига етай деб қолган, кўча тўла бола, бир-бири билан қувлашиб, ўйноқла-

шиб мактабдан қайтаётир. Бу синглимиз ҳам ҳойнаҳой мактабдаги дарсларини тугатиб, уйига кетаётган бўлса керак. “Йўқ! – Дарҳол фикримдан қайтдим. – Уйига кетаётгани йўқ”. Мактаб ўқитувчиси узоқдан қатнаб ишлаши қийин. Менга ўхшаб нақд тўрига ўтириб олибдими, демак, охири бекатгача боради. Аёлнинг юзида қандайдир безовталиқ бор. У қаергадир шошилаётир. Шунинг учун ҳатто синф журналини “Ўқитувчилар хонаси” ёки шу яқин-атрофдаги уйда қолдиришга ҳам улгурмаган. Бошига жиддий ташвиш тушган одам паришонхотир бўлиб қолади. Касалхонага боряптими десам, қўлида тугунчаси йўқ. Аёллар эркакларга ўхшаб кўча-кўйдан бозор-ўчар қилиб бемор кўргани бормаса.

“Ақлли аёл экан”, дедим ўзимча. Ақлли одам эса чиройли бўлади. Бу – менинг кашфиётим!

“Қайси фандан дарс берар экан?” Синф журналини одатда бошланғич синф ўқитувчилари ёнида кўтариб юради. Лекин бошланғич синфларда машғулотлар соат ўн иккигача тугайди. Ҳозир эса учга яқинлашиб қолди.

“Йўлқирани чаққон-чаққон узатиб юборинглар!” деб далолат қилди ҳайдовчи. Узатдик.

Майин кўнғироқ саси келди. Жувон сўмаскидан бежиримгина қизил телефонини чиқарди: “Лаббай!”

Унинг сал хириллоқ овози ғоят ёқимли экан. Бармоғидаги ингичка никоҳ узугига қараганда оилали, эри, бола-чақаси бор. Шундай соҳибжамолнинг боши очиқ бўлиши мумкинми? Асло!

“Ассалому алайкум, Муаззам опа! – деди жувон қувониб. – Ҳа, мен кўнғироқ қилувдим. Операциядамидингиз? Узр, узр! Билмабман. Аксига олиб ҳозир йўлда, автобусда эдим, бирпасдан кейин телефон қилсам майлими? А? Янами? Ҳа-а...”

Деразадан ташқарига қараб кетаётган бўлсам-да, жувон атрофига кўзқирини ташлаб олгани ва овозини хийла пасайтириб, қарийб шивирлашга ўтганини сездим. Лекин минг қилганда ҳам, ёнида ўтирган одам гапини эшитмай иложи йўқ: “Худога шукр, тинчлик. Одатдаги гап-да, опа, ўша икки дугонани ҳалигача бермади. Бир ҳафта ўтди. А? Икки юздан – тўрт юз. Шунини қизларга ўзингиз

бир эслатиб кўясизми, дегандим. Ўзим айтай десам, юзим чидамаяпти... Операциями? Келаётган шанба куни. Хўжайиним? Ҳозир шифохонадалар. Бир ҳафта бўлди. А?.. Шукр, тузуклар... Йўқ, ҳали юришларига руҳсат беришмаяпти. Авариягами? Икки йилдан ошди. Аравача кунларига яраб турибди...”

“Оббо, бечора-ей! – Чиндан ичим ачишди. – Эри авария бўлган экан-да. Икки йилдан ошибди. Бутун рўзгор ташвиши ўзига қолибди”.

“Йўлқирани бермаганлар чаққон-чаққон узатинглар!” деб яна эслатди ҳайдовчи.

“Энди икки минг керак, – деди аёл ҳорғин овозда. – Бир ярим минг бор... Мени биласиз-ку, “гап-гаштак” деган ўйинларга тоқатим ҳам, вақтим ҳам йўқ. Хўжайинимнинг операцияси деб қўшилгандим-да. Йўқса, пул йиғиш осонми. А?.. Ҳозирми?.. Шимолий вокзал томон кетяпман. Тил ўргатиш марказига. Нима? Тушунмадим?.. Йўғ-е. Озгина кўшимча иш топгандим. Ҳафтасига уч кун. Учдан бешгача... Ҳа, бу ёғи яна “бонжур, мадам!..” Жон опа, илтимос, анави икки қизимизга бугуноқ айтинг, “гап”нинг пулини тезроқ етказишсин. Илтимос!.. Зарил-да!.. Хўп, хўп! Марказдан чиқиб, шифохонага ўтман. Ўғлим уйдан овқат олиб келиб туради. Боришим билан саломингизни етказаман. Нима? Вой! Бемалол, опа, бемалол дегандим-ку. Неварангизга айтинг: кечқурун еттидан кейин келаверсин. Бошқа болалар ҳам бор, дарсни соат ўнгача ўшаларга кўшиб ўтавераман. Раҳмат, опа!..”

Манзилимга етгач, “Газел”дан тушиб, унинг ортидан маъюс қараб қолар эканман, лабларим беихтиёр пичирлади: “Бонжур, мадам, бонжур! Омадингизни берсин, сингил!”

Шляпали одам

Шанба куни азондан кайфиятим зўр эди. Сабабини аниқ айтолмайман. Балки олдинда нақд икки кун дам олиш эканини ўйлаб завқланганимдандир, балки жума куни ишхонамизда бир ойлик кўшимча мукофот берилганидан сўнг ўзимни анча бойвачча ҳис қила бошлаганимдандир, балки тунда ёққан кўклам ёмғири ҳаммаёқни яшнатиб юборганини кўриб, дилим яйраганидандир. Ҳовлига чиқсам, каттакон олмамиз қийғос гуллаган, атиргуллар қип-қизил очилиб,

осмонда қалдирғочлар вижир-вижир қилиб учиб юрибди. Бу гўзал манзарани кўриб, кўкдаги қуёшнинг ҳам сахийлиги тутиб кетгандай, нурларини минг хил жилва билан сочмоқда. Эл-юртинг тинч, ҳаётинг тўқис, фарзандларинг соғ-омон, ишларинг жойида эканини ҳис қилиш, англаш ва англаш асносида шуурингда бир ҳузур туйсанг, кўрагингни тў-ўлдириб нафас олсанг, бунинг савобиға нима етсин!

Пешинга яқин ўғлим келинни, невараларни олиб, Қўйлиққа – қайнотасиникига кетди. Уйда эр-хотин ёлғиз қолдик.

– Мен ҳам бу дунёга келиб, бир мартагина савоб иш қилсам, онаси, – дедим.

“Zinger” машинасида нимадир тикиб ўтирган хотиним менга гардиши йўғон қора кўзойнаги устидан ажабланиб қаради: “Тинчликми, дадаси?”

Аёл зотиға ҳайронлар қоламан. Мабодо уйға ёқавайрон бўлиб маст ҳолда келсангиз (бундай шармандалиқдан Ўзи асрасин!) ажабланмайди. Савоб иш қилмоқчиман десангиз, ҳадиксирайди.

– Бугун сизни кафе ё ресторанга олиб бориб, бир меҳмон қилсам, – дедим. – Сиздан талаб – қироличалардек қўр тўкиб ўтиришу нозик кўнглинги тусаганини буюриш.

– Тинчликми? – дилидагини тилига кўчирди “қиролича”.

– Албатта! Эрка кўнгли байрам тусаяпти. Бугун мастава билан мошхўрдага дам бериб, тансиқроқ бирор таом тановул қилсак. Масалан, Чироқчининг жизидан!

Хуллас, “Фаргона йўли” кўчасидаги “Боғи эрам”га бордик.

Бу емакхонанинг номини ким жаннат боғиға менгаб қўйган билмайман, лекин ким бўлса ҳам, кўп ақлли, тадбиркор одам экан. Барака топсин! Томи беқасамнусха қалин плёнка билан ёпилган айвонлари, қизил бахмал кўрпачалар тўшалиб, пар ёстиқлар ташлаб қўйилган ёғоч сўрилари, бўй-басти ҳам, либоси ҳам бир хил мулозимлари, сокин таралиб турган майин мусиқаси одамга хуш ёқади. Тан ҳам, кўз ҳам, дил ҳам, қулоғу димоқ ҳам, ошқозон ҳам яйрайдиган файзли гўша!

– Исми жисмиға монанд экан, – дедилар кейинчалик “қироличамиз” ҳам. – Тошкентда шундай гўзал жойлар борлигини билмас эканман.

Кафе гавжум. Ўрта айвоннинг четроғидаги бўш столлардан бирини танладик. Ярим косадан шўрва, бир бўлақдан жиз айтдик. Сузма билан “зорманда” ҳам эсдан чиққани йўқ, албатта.

Хотиним менга ёвқараш қилди.

– Тўй тўйдаи бўлсин-да, онаси, – дедим айбдор оҳангда. – Юз граммгина.

Шўрваси мазали экан. Икки-уч қошиқ ичиб, бежиримгина шиша қувачадаги “зорманда”дан ангишвонадек қадаҳчага бир қултумгина қуйиб, кўтардим. Кўтардим-у, ютолмай қолдим. Қаршимиздаги стол гирдида ўтирган тўрт кишининг бирига – кулранг шляпали, қалин мошгуруч мўйлови ўзига ярашган одамга кўзим тушди. Тушдию хаёлларим ҳовлимиздан дон еб ўрганган мусичаларга сепилган буғдойдек сочилиб кетди.

Қаерда кўрган эканман? Гулдираб келаётган овози, қўл ҳаракатларию очик чехраси, полвон келбати жуда таниш. У кулдондаги сигаретасини олиб, юпқа лабларига олиб борди ва босиб-босиб тортди.

Шошма!..

Официант қизни чақирдим.

– Битта сигарет олиб келинг.

– Қанақасидан?

– Фарқи йўқ.

– Гугурт керак эмасми?

– Гугурт? Йўқ, шарт эмас.

Бу қилиғимни кўриб хотинимнинг кўзи қинидан чиқай деди:

– Чекмасдингиз шекилли? Сизга нима бўлди ўзи?

Гўшт чайнаётганим важдан бошимни мужмалроқ ирғаб қўйдим. Мулозим қўйиб кетган пачкадан бир дона сигарет олиб, ўрнимдан турдим. Хотинимнинг қийиқ кўзлари катталашди. Мени кайфи ошиб қолганга чиқариб, юрагини ваҳима босяпти чоғи.

– Йўл бўлсин?

– Жим тур!

Қўшни стол томон юрдим:

– Ассалому алайкум!

Ҳамма менга ялт этиб қаради.

– Кечирасиз, ака, сигаретимни туташтириб олсам майлими?

– Бемалол.

Шляпали одам чақмоқтошини ёқиб, лабимдаги сигаретга тутди.

– Раҳмат!

Жойимга келиб ўтиргач, яна қўшни стол томон қарадим. Ҳеч ким ҳеч нарсани сезгани йўқ. Шу аснода мен ўзимни зўр илҳом билан роман ёзишга киришган, лекин асари қандай чиқишини ҳали ўзи яхши билмайдиган, билмаса-да, қилаётган ишига кўнглида рағбати шовён ёзувчи каби ҳис қилдим. Номига икки-уч марта тортилган сигаретни кулдонга ташлаб, қўл телефонимни олдим.

– Лаббай, дада? – дея дарҳол жавоб берди ўғлим.

– Қайнотангникидан қачон чиқасан?

– Хоҳласангиз, ҳозироқ чиқишим мумкин. Бирор ишингиз бормиди?

– Ҳа. Иложи борича тезроқ чиқ. Илтимос!..

...Қишлоқдан сим қоққан укамнинг овози жуда ташвишли эди: “Тезроқ етиб келинг, ака. Отам оғирлашиб қолдилар. Хуш-беҳуш сизни сўраяптилар...”

Кеч кузнинг кунни бир тутам. Бошлиғимиздан жавоб олгунча, нарса-қорани йиғиштириб, йўлга чиққунимизча қоронғи тушди. Қаршига қатнайдиغان поезд ҳам, автобуслар ҳам аллақачон кетиб бўлган. Отам, ҳар қадамда бузилавериб жонига теккач, “эшак ўрнида миниб юрарсан”, деб менга бериб юборган қизил “Москвич”га кунимиз қолган эди. Минг азобда бензин топиб, ярмини канистрга қуйдириб, шаҳардан чиқдик. Уловимизнинг на печкаси ишлайди, на чироқлари дуруст ёнади денг. Бунинг устига Сирдарёдан ўтгунимизча олди ғилдирақнинг камераси тешилиб, тишнинг ковагида сақлаб юрган баллонни ҳам ишлатдик. Атрофни қалин туман босиб, машинанинг ойнаси “терлай” бошлади. Хотиним олдинги ўриндиққа ўтиб, сочиқ билан ойнани артишга киришди.

Бундай пайтда худога тавалло қилишдан ўзга чора қолмайди. Яратган эса фақат бошига ташвиш тушганда эслайдиган бандаларини унчалик хуш кўрмаслиги аён. Биз ҳам ана шундай осийлардан эканимиз тезда маълум бўлди: яйдоқ чўлдаги бетон йўлда имиллаб бораётганимизда нимадир “пақ” этди. Тушиб қарасам, орқа баллон пучайиб ётибди. Пичоққа ўхшаган тигдор темир кириб кетибди. “Ана холос, пишди гилос!” дедим ва соатимни қизил чироқнинг ёруғига солиб қа-

радим: саккиз ярим. Атроф жим-жит. Совуқ. Изғирин. Туманнинг қалинлигидан, туннинг қоронғилигидан одамни ваҳима босади. Эсхуши жойида мардум бундай пайтда, ўта зарур иши бўлмаса, бу кимсасиз йўллардан юрмайди. Юрса ҳам, мен каби ёрдам сўраб қўл кўтарган одамга тўхтамайди. Чунки ишониб бўлмайди: йўлтўсарлар қанча одамни тунаб, қанчасининг машинасини олиб қўйгани, яна қанчасини ўлдириб кетгани ҳақида ваҳимали гаплар тарқалган.

– Энди нима қиламиз? – деди хотиним овози қалтираб. У ҳам мендек саросимага тушиб, совуқ қота бошлаган эди.

– Нима қилардик, – дедим иложи борича осойишта оҳангда. – Бир оз кутамиз. Катта йўл. Бирор инсофли одам келиб қолар.

Тўққиз бўлди. “КамАЗ” ҳайҳайлаганимга қарамасдан, тўхтамай ўтиб кетди. Яна йигирма минутча ўтди. Орқа тарафдан бўғиқ мотор товуши эшитилиб, хирагина шуъла кўринди. Машинамизнинг авария чироғини ёқдим.

– Онаси, сен ҳам чиқ! – деб ҳайқирдим ва ўзимни йўлга урдим. Қора “Жигули” экан. Ҳайдовчи яқинимизга келганда тезликни бир оз пасайтирди-ю, сўнг кескин газни босди. Кўрқди, чамаси.

Қарама-қарши тарафдан келаётган машиналардан ҳам нажот кутиб бўлмасди. У томонда бузилган машинамизнинг липиллаб турган хира чироғи кўринмайди ҳам. Ярим тунда, қалин туманда дабдурустдан йўл устида қўл кўтариб турган нотаниш йигитни кўрган одам тўхтамаслиги аниқ. Ўзим ҳам тўхтамасдим.

Хотиним орқа ўриндиққа ўтиб, ухлаб ётган ўғлимнинг устига ёпилган жун аёлнинг орасига суқилди.

– Гугуртимиз йўғ-а? – дедим мен кўлимни куққуҳлаб иситар эканман.

– Гугуртни нима қиласиз?

– Сигарет чекмоқчиман, – дедим ҳазил оҳангида ва умримда биринчи марта чекмаслигимдан афсусландим. Мабодо туман тарқалгунича ёки эрталабгача бу ерда қолишимизга тўғри келса, машинанинг тешилган баллонини ёқиб исинишдан ўзга чора қолмайди. Чунки яна узоғи билан ярим соатдан кейин тишимиз тишимизга тегмай қолади. Бир соатдан кейин... Яхши ният қилишим, мендан нажот кутиб турган мана бу икки ин-

сон – хотиним билан ўғлимни кутқаришим керак эди. “Машинани йўлга кўндаланг қилиб қўйсаммикан?” деган хаёлга ҳам бордим.

* * *

– Нима гап, дада? – деди ўғлим. – Тинчликми?

– Кейин биласан. Қайнотангникидан чиқда, бозорга кириб, битта яхши зар тўн ол. Тушундингми? Зар тўн!

– Тушундим.

– Каттароғидан. Белбоғ билан каттароқ дўппи ҳам эсингдан чиқмасин.

– Хўп.

– Онанг билан “Боғи эрам” кафесида ўтирибмиз. Шу ерга олиб кел.

– Хўп.

Хотинимнинг иштаҳаси бўғилди. Ўзимники ҳам. Официантни чақириб, атрофдагиларга сездирмайгина кўлига пул қистирар эканман, шивирладим.

– Майли, бир йўлини қилармиз, – деди у пулни дарров чўнтагига тиқар экан. – Қачон?

– Бирпасдан кейин. Ўзим айтаман.

Хотиним бетоқат бўлаётганига қарамай, сабр қилиб ўтирар, нима гаплигини барибир айтмаслигимга, чамаси, кўзи етган эди.

Жизни еб бўлгунимизча ўғлим келиб, тўн солинган каттакан елим халтани ёнимдаги бўш курсига қўйди. Официант қизга имо қилдим. У бош ирғади: “Келинг!”

Елим халтани кўтариб, қиз томон юрдим. Ўғлим туриб, кўлимдан халтани олди. Мусиқа тинди. Симининг бир учи магнитофонга уланган микрофонни кўлимга олдим:

– Ассалому алайкум, азиз дўстлар! – дедим ҳаяжондан овозим титраб. – Бир лаҳзагина эътибор қаратишингизни илтимос қиламан.

Ҳамма биз томон ўгирилди.

– Мана бу тўнни орамизда ўтирган бир ажойиб инсонга кийдирмоқчиман. – Ўғлим тўнни халтадан чиқарди. – Лекин, афсуски, унинг исмини ҳам, қаерда, қачон туғилганини ҳам, касб-корини ҳам билмайман. Тўғрироғи, эслай олмайман. Бу – менинг айбим, албатта. Эслаб қолганим шулки, биродарлар, ўша инсон овозлари гулдираган, кўнгли Мирзачўлдек кенг, бўйи тоғдек баланд, полвон йигит эди. Ўша йигит, ўша акамик 1988 йилнинг кеч кузида, 16 ноябрда, менинг оиламни ҳалокатдан кутқариб қолган. У ғоят совуқ, қалин туман

тушган тунда оқ “Жигули” миниб кетаётганди, бошида қора мовут шляпаси бор эди. Аянчли аҳволимизни кўриб, “Жигули”сининг баллонини машинамга ўз қўллари билан қўйиб берган. Ҳатто эвазига пул ҳам олмаган. Машинасидан тортиб келган симли чироғининг ёруғида баллонни алмаштираётган чоғимиз бармоқларидаги “Тули” деган ёзувга кўзим тушган эди...

Шляпали киши бир менга, бир кўлига, бир ёнидагиларга қаради. Ҳамроҳлари унга далда беришди шекилли, иккиланиброқ ўрнидан турди. Биз томон бир қадам босиб, тўхтади.

– Келинг, ака! Келинг! Сизни кутяпман!

Ҳамма ўрнидан туриб кетди.

Акани бағримга босдим. У елкамга қоқди. Ҳолат театрдаги каби ҳаяжонли эди. Биз: ота-бола, акамиз гўё сахнада, хўрандалар – залда. Театрдагидек қарсақлар янграб турибди. Ёнимга келиб қолган хотинимнинг эса кўзларида ёш. Шоир Анвар Обиджоннинг қачонлардир ўғлимога, кейин невараларимга ўзим ўргатган шеърини ўқидим:

*Мушук биби миёв, деди,
Менга қаранг, куёв, деди,
Бозорга тез бориб келинг,
Ширин сичқон олиб келинг.*

– Эсладингизми, ака?

– Унутиб бўлар эканми?.. Катта йигит бўлиб қолгандир?

– Ана, ўттиздан ошди. Катта компанияда менежер!

У ийманиброқ турган ўғлимга қувонч ва ҳавас билан боқди. Қучоғини очди. Бағрига босди.

– Ўшанда хайрлашаётганимизда айтган гапингиз ёдингиздами, ака? – деб сўрадим мен.

– Қайси гап?

– Сизни ҳам, йўлни ҳам, машинани ҳам, мана шу қора тунни ҳам унутишим мумкин, ука, – деган эдингиз. – Лекин, мана бу болакайни, у айтган шеърни ҳеч қачон унутмайман...

– Ёдимда. “Қани, неварам, “Мушук биби”-ни яна бир айтинг!” деганим ҳам ёдимда...

Мен унга тўну дўппини кийдирдим. Белбоғни белига маҳкам боғладим. Яна бағримга босдим. У яна елкамга қоқди. У менга, мен унга қайта-қайта раҳмат айтдик. Гўё йигирма беш йил бурун бир-бирини йўқотиб қўйган ака-ука тўсатдан учрашиб қолгандек бошимиз осмонга етди.

– Ўшанда Қаршига эсон-омон етиб бора олдингларми? – деб сўради акамиз.

– Албатта, – деди укаси – мен. – Сизнинг ёрдамингиз билан тонга яқин етиб бордик. Отам яна оёққа туриб кетдилар. Ўтган йили қазо қилдилар.

– Худо раҳмат қилсин! Ҳаётда энг муҳими ҳам шу-да, ука – ота-онани рози қилиб яшаш!

– Раҳмат, ака, раҳмат! Сиз, ўзингиз ҳам ўша куни узоқ йўлга кетаётган эдингиз. Қийналиб қолмадингизми, ишқилиб?

– Тўғрисини айтсам, аслида, бугун мен сизга тўн кийдиришим керак эди.

– Ана холос! Нима бўлди?

– Ўша оқшом Зарметандан ўтиб, қишлоғимизга бурилган жойда бир одам икки қўлини жон ҳолатда силкитганча йўлимизга кўнданланг бўлди денг. Қарасам, СамДУда ўқийдиган укам. Юпунгина костюмда. Тишгинаси тишгинасига тегмай қопти бола пақирнинг. “Қачондан бери буйтиб шумширайиб турибсан бу ерда?” десам, чорак соат бўлди дейди. Дир-дир титраганидан гапиролмайди.

– Қора совуқ эди-да, савил!

– Асло гапирманг. Яхшиям, йўлда сизнинг ёнингизда тўхтаганимиз. Тўхтамасак, ярим соат олдин ўша чорраҳадан зингиллаб ўтиб кетардиг-у, укамга дуч келмасдик. Ким билсин, кейин укамдан айрилиб қолармидик...

– Қўйинг-э! Худо асрасин!

– Йўқ, беҳазил. Кимсасиз тоғ йўли, совуқ тунда ҳоли нима кечишини ўйлашнинг ўзи даҳшат!

– Ҳаммамизни худойим ўзи асрабди.

– Доим асрагани рост бўлсин!

– Дарвоқе, қиёматлик ака-укамиз-у, ҳалигача бир-биримизнинг исми-изми билмаймиз. У исмини айтди.

– Нима?.. Ахир, адаш эканмиз-ку, ака, адаш!..

“Сичқон”

– Энди навбат эстрадамининг ёрқин юлдузларидан бири, сиз севган хонанда Ҳошимжон Кенжаевга, – деб эълон қилди даврабоши. – Марҳамат, Ҳошимжон!

Улкан тўйхона гувиллаб кетди. Кимдир қарсақ чалди, кимдир – хуштак, кимдир ширакайф тўнғиллади. Семизгина йигит белларини мусиқага мос ликиллатганча саҳнага чиқиб келди. Оқ крассовка, жинси шим, қора свитер

кийган “ёрқин юлдуз” ўтирганларга кибрли бир табассум ҳада қилиб, қуйлашга тушди:

*Машхуражон, Машхура,
Исминг бунча машхур, а?..*

– Шу ҳам ўзини хонандаман, санъаткорман, деб ҳисоблайди-да, а, Жамшид Маъдиевич? – деди “Зухур” компаниясининг бўлим мудирини. – Туядай бўй берган худойим данақдай ақл билан озгина овозни дариг тутган экан-да. Сичқондай чийиллашини қаранг!..

Мудирнинг ёнида ўтирган бош мутахассис Болта Жўраев бошқарма бошлиғига қаради. Навбатдаги қадаҳни бўшатиб шўр бодринг чайнаётган Жамшид Маъдиевич тепакал бошини билинар-билинемас қимирлатиб қўйди. Унинг одати шунақа – бирор масалада фикрини очик айтмайди. Мажлисларда ҳам эчкига ўхшаб бошини ликиллатиб ўтираверади. Айтилган гапни маъқуллаётганини ҳам, рад этаётганини ҳам билиш қийин. Бирор илтимос қилсангиз, йўқ демайди. Лекин ҳал ҳам қилмайди.

Бундай пайтларда Болта Жўраевнинг “эски касали” қўзийди – қитмирлиги тутади. Шу ожизлиги сабаб кўп панд еган. Лекин, начора – кўндоқда теккан феъл.

Болта Жўраев маъноли йўталиб қўйди. Мудирининг қоқсуяқ тиззасига тиззаси билан секин туртди.


– А? – Капалаги учиб кетди мудирнинг. – Нима?

Болта Жўраев ўнг кафтини лабининг четига қўйиб, мудирнинг қулогига шивирлади:

– Қўшиқ айтаётган йигит фалончиевнинг жияни-ку. Билмайсизми?

– Нима-а?! – Мудирни ток ургандай бўлди, туриб кетди. – Нега аввалроқ айтмадингиз?

Мудир думалоқ стол атрофида ўтирганларга олазарак қаради. Ўн чоғли одамнинг ҳаммаси ўзи билан ўзи овора: кимдир овқат еган, кимдир суҳбатлашган,



кимдир қулоқни қоматга келтираётган му-
сиқага мос бош ирғаб ўтирибди.

Хонанда иккинчи қўшиғини бошлади.

Мудир қўлига коньяк тўла биллур қадаҳ-
ни олди:

– Келинлар, ушбу қадаҳни соҳир овоз
соҳиби, элимиз севган хонанда, ҳаммамиз-
нинг яхши кўрган укахонимиз Ҳошимжон
Кенжаевнинг соғлиги учун ичайлик. Овози-
нинг майинлиги, сўзларининг самимийлигию
дилбарлигини қаранг!..

Дастурхон атофидагилар ўрнидан туриб
қадаҳ уриштирди.

Бошқарма бошлиғи Болта Жўраевга қар-
аб кулиб қўйди: “Оббо, қитмир-ей!”

Мудир жойига ўтирар экан, Болта Жў-
раевнинг қулоғига шипшиди:

– Мени бир кунимас-бир куни тилимдан
осишади, Болтажон, тилимдан! Раҳмат, ука,
бир фалокатдан қутқардингиз!

Бу гаплардан Болта Жўраевга бешиқда
теккан касалнинг хуружи янада кучайди. У
оғзини бу гал чап қафти билан ёпиб, мудир-
нинг қулоғига шивирлади:

– Лекин бечорага қийин бўпти.

– Кимга қийин бўпти?

– Ҳошимжоннинг тоғасига-да. Айтишла-
рича, ҳозир терговга қатнаб юрган эмиш?

– Йўғ-е? Ростданми? – Мудирнинг юзла-
ри ёришиб кетди.

– Ҳа. Кеча эшитдим.

– Лекин ўзи – бадфеъл одам, – юзини бу-
риштирди мудир. – Ўғил бола тоғасига тор-
тади, деган гап тўғри. Манави сичқоннинг
чийиллашини қаранг!..

Баковул

“Тантана” ресторани остонасида меҳмон-
ларни Бойназар Холматович кутиб олаётган
эдилар. Димоғлари чоғ. Эгнларида оқ чизиқ-
ли қора костюм, бақбақалари осила бошлаган
бўйинларида тугуни муштдай қизил галстук,
оёқларида ялтиллаган қора туфли. Ҳамма
билан кучоқ очиб кўришган, тер босган лабла-
рини чўзиб ўпишган, қуюқ сўрашган.

– Эсон-омонмисиз, ошна? – дедилар ме-
нинг юзимдан ҳам чўлпиллатиб ўпар экан-
лар. – Камнамосиз?

Аммо жавобимни кутмасдан тирсагимдан
ушлаб, қулоғимга шипшидиларки, ресторан-
нинг энг сара жойидан бизга зўр стол тайёр-
лаб қўйган. Маза қилиб ўтиришимиз, шошил-

масдан ош ейишимиз, чой ичишимиз мум-
кин. Зеро, бугун яқшанба, дам олиш куни.

– Тирик одамнинг ташвиши тугамайди, –
дедилар. – Шошилманг.

– Ҳўп.

– Марҳамат! Мана шу жойга ўтиринлар,
– четроқдаги думалоқ стол сари бошлади ба-
ковул дўстимиз.

Бойназар билан университетда бирга ўқи-
ганмиз. Биринчи курсда, биринчи дарсда ўқи-
тувчи ундан исмини сўраганида “Бойназар
Холматовичман” деб жавоб берган ва паст
бўйли, қилтириққина бола роса кулги бўлган
эди. Ўшандан буён ҳаммамиз уни “Бойназар
Холматович” деб чақирамиз. Кўкрагини ба-
ланд кўтариб, қадамини катта-катта ташлаб
юрадиган курсдошимизнинг ўтган ўттиз беш
йил мобайнида қўл урмаган соҳаси қолмади
ҳисоб. Аввал илм йўлидан кетмоқчи бўлди
– диссертация якунига етмади. Раҳбарлик
зинаполярларидан кўтарилишга ҳаракат қилди
– ҳадеганда иши юришавермади. Бизнесни
ҳам эплаган қилар экан – бир фирибгарнинг
тузоғига илиниб, бор сармоясидан айрилиб
қолди. Ҳозирча қўним топган жойи – қайси-
дир қурилиш компаниясининг хўжалик ишла-
ри мудирлиги.

Ўтирдик. Бойназар Холматович оқсоқол-
ларга хос салобат ва хокисорлик билан дуога
қўл очдилар, биз қўшилдик:

– Ёшлар бахтли бўлсин!

– Йигитлар, чой олиб келинлар! – деб
хизматда турган мулозимларга далолат
қилдилар.

– Ярашибди, – дедим мен. – Нафақага
чиққач, бемалол тўй-маъракада баковуллик
қилаверсангиз бўларкан.

– Раҳмат! Ният ҳам шундай ўзи. Элнинг
хизматида бўлиш – савоб.

– Фақат бир шарт – тушумини биз билан
баҳам кўриб турасиз.

– Гап йўқ, – ҳаваскор баковулга ҳазилим
ёқмагани сезилди. – Сизлар бемалол еб-
ичиб ўтиринлар, мен ҳозир...

Шаҳримизда сўнги чоғлар баковуллик
ҳам касбга айланди. Йирик ресторанларда
“профессионал” карнай-сурнайчилар, отар-
чилар, тўйхонани безовчилар, видеоочю сур-
раткашлар сингари баковуллар гуруҳлари
ҳам пайдо бўлди. Улар, одатда, олтмишлар-
ни қоралаган, эгизаклардек кийинган бўлади:
бошида бахмал дўппи, эгнида оч ҳаворанг



кўйлак. Кўйлаги шолмининг ичига солинмаганидан илгари бозорда даллол, сомсапаз ёки киракаш бўлганини тахмин қилиш мумкин. Ўзини тутиши,

муомаласи Бойназар Холматовичдан анча йироқ, албатта. Меҳмонни ёши ва мавқеига қараб ўтқизишни билмайди. Айниқса, “кечаси ҳам галстук тақиб ухлайдиган” биз каби майда амалдорлар қавми ўртасида ўзини анча ноқулай ҳис қилади: Бойназар Холматовичга ўхшаб меҳмон билан ўпишиб кўришиш нарида турсин, тузук-қуруқ саломлашишга ҳам журъати етмайди. Танимайдига. Бу жиҳатдан Бойназар Холматовичдан зўр баковул чиқиши мумкин. Давраларни кўрган, анча-мунча одамни, айниқса, “катталар”ни яхши танийди. Кимни авом орасига, кимни хос хонага ўтқизишни билади. Баковулликда энг муҳими ҳам шу-да.

Нон ушоғи, писта пўчоқлари сочилиб ётган дастурхонга оқ чойнақда чой кўйиб кетишди.

– Хос хонаси-ку йўқ экан, лекин тоза пиёла кўйса бўларди, – деди ҳамроҳим қурилиш фирмасининг бошлиғи Жалол полвон. – Хизматчиларнинг ҳам тез гум бўлганини қаранг! Қараб турмайдими битта-яримтаси! Табпа!

Мен сабоқдошимнинг биз томон қарашини пойлаб туриб, секин имладим.

– Хафа бўлмайсиз, ошна, – деди Бойназар Холматович ёнимизга келиб. – Биласиз-ку, ошда арақ кўйилмайди.

– Бизга арақ эмас, пиёла керак.

– Уҳ! Пиёла йўқми?.. Пиёла олиб келинлар-у, йигитлар!

Бирпасдан кейин иккита пиёла келди. Чойни ичиб, келган-кетганни кузатиб ўтирдик. Тўй охирлаб, одам камая бошлаган. Эринчоқлик билан хиргойи қилаётган ҳофиз ҳам хонишини тўхтатди.

– Оши тугаб қолганга ўхшайди, – деди ҳамроҳим.

– Балки эсидан чиққандир, – дедим мен.

– Бардак! – деди жаҳл билан Жалол полвон. – Баковул деган жонивор қарамайдими шунақа ташкилий ишларга.

– Баковул бундай майда юмушлардан юқориқоқда туради, жиддий ва улуғроқ ишлар билан шуғулланади, – деб ҳазилга бурдим мен ва яна ҳамсабогимнинг биз томон қарашини пойлашга тушдим. Қаради. Имладим. Келди.

– Бунча тез? Лаганни олишдимми? Ё бошқа жойда ҳам ош борми?

– Йўқ, – дедим мен. – Лаганни ҳали олиб келишганича йўқ..

– Ие, ош емадинларми ҳали?.. Оббо! Бу ёққа ош олиб келинлар, ахир!..

Бойназар Холматович энди навбатдаги меҳмонларни кузатиш учун эшик сари юрдилар.

Ош келди. Ош устидаги гўшту қазини тўғраш – ёшнинг иши. Бу ишни уддалаган ҳамроҳим кўлини артиш учун у ёқ-бу ёққа аланглаб, на салфетка, на сочиқ топди.

– Қошиқ ҳам йўқ! – деб хуноби ошди унинг. – Устимиздан куляптими бу оғайнингиз?

Мен яна курсдошим томонга кўз тикдим. Қаради. Бармоқларим учини жуфтлаб, ош ошаётгандек қилдим. Бу гал у секин юриб келди.

– Раҳмат, жўра! Биз ошни кейинроқ еймиз. Кўриб турибсиз – хизматдамыз.

– Ошни нимада ейсиз? – дедим мен. – Қошиқдами ё кўлда?

– Қошиқда. Нима эди?.. – У столга қаради. – Оббо! Ўв, болалар, нега мана бу столга қошиқ кўймадинлар?..

Ошни еб, лаганларни узатдик. Баковул яна дуога қўл очдилар:

– Ёшлар бахтли бўлсин!

Кейин менга қараб, кўшиб кўйдилар:

– Тезде чиқаман. Кетиб қолманг.

Рестораннинг олдида кутиб турдик. Келдилар.


– Ош зўр бўпти, – деди Бойназар Холматович тамшаниб. – Ҳошим ака ўзи нимага ош берди? Қазини чиқардимми ё ўғлини уйлантирдими?

– Ҳазиллашяпсизми? – дедим мен. – Тўйнинг баковули сиз-ку! Бир соҳада ишлангангиз, сўрамадингизми?

– Сўраш эсимдан чиқибди, савил. Таклифномага ҳам эътибор бермабман. Ҳошим ака сизга ҳам бегона эмас, ҳамқишлоғингиз-ку, жўра. Биларсиз?

– Биламан. Етмиш ёшга тўлганининг шукронасига ош берди.

Михли САФАРОВ



MING YILLARGA HAMNAFAS ROZIY

Милодий IX-XI асрларда араб халифалигида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Хитой чегараларидан Испаниягача бўлган ҳудудга ястанган халифаликка рахна етиб, унинг шарқий вилоятлари – Мовароуннаҳр, Хурон ва Эронда ҳам марказдан деярли мустақил давлатлар пайдо бўлди. Кетма-кет тоҳирийлар (821-873), саффорийлар (873-903), сомонийлар (904-1050) давлати вужудга келди. Бу улкан ҳудудда миллий-маънавий уйғониш бошланди. IX-XI асрларда ушбу вилоятларда форс ва туркий тиллар қайта жонланди. Минтақадаги расмий муносабатлар, асосан, шу тилларда амалга оширилди, миллий адабиётлар ривожлана борди. Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сидек буюк асарлар шу даврда яратилди. Шунингдек, маҳаллий халқлар орасида дунёвий илм-фаннинг ёрқин намояндалари етишиб чиқди.

Қомусий олим ва файласуф Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий (865-925) ана шундай ижтимоий-сиёсий шароитда яшади, ижод қилди. У саффорийлар ва сомонийлар салтанатлари фуқаросидир. Розий мусулмон Шарқ оламида ал-Киндий,

Форобий сингари илм-фан ва фалсафанинг асосчилари қаторида туради. Фан тарихчилари Розийни Форс давлатида IX асрда авж олган алкимёгарлик бағрида ҳақиқий кимё фанини шакллантирган олимлардан эди, деб таърифлайди. Бундан ташқари, Розий ўз замонининг машҳур ва моҳир ҳақимларидан биридир. Шундай ҳақимки, у нафақат Эронда, балки халифаликнинг бутун Шарқий вилоятларида “Осиё Жолиюнуси” (яъни Галени) деган ном қозонди.

Розий ўрта асрлардаёқ Оврупода Равез номи билан кенг танилган эди. Бу кўҳна қитъанинг бир неча машҳур дорилфунунидани унинг ўн китобдан иборат “Ал-қуннош ал-Мансур” (“Мансурга бағишланган тиббий тўплам”) номли йирик қомусий асари XVI асргача Гиппократ, Гален, Ибн Сино асарлари қаторида асосий дарсликлардан эди.

Аллома ўзидан бой илмий мерос қолдирди. Абу Райҳон Берунийнинг умумий библиографик маълумотномаси – “Фихрист”да Розий жами 184 та тиббий, илмий ва фалсафий асар яратгани қайд этилган. Уларнинг ярмидан кўпроғи бизгача етиб келган. Розий

асарларининг қўлёзмалари Тошкентда ва Оврупонинг бир неча йирик шаҳридаги қўлёзма хазиналарида, Москва ва Санкт-Петербургда сақланмоқда. Буюк ҳақимнинг ўз шогирди билан ҳаммуаллифликда яратган “Касаллик тарихи” китоби, бўгин ва асаб хасталикларига доир яна икки рисоласи арабчадан ўзбек тилига ўгирилиб, халқимизга тақдим этилди.

Ўтган асрлар мобайнида Шарқ ва Ғарбда Розий мероси бўйича анча-мунча тадқиқотлар олиб борилди, илмий ва илмий-оммабоп китоблар чоп этилди. Ўзбек олимлари ҳам Розийнинг илмий-фалсафий меросини тадқиқ этишда жонбозлик кўрсатмоқда. М.Хайруллаев, Ф.Сулаймонова, Ҳ.Ҳикматуллаев, У.Каримов, М.Усмонов, А.Шарипов, Ю.Арзуметов, Қ.Йўлдошев, Б.Абдуҳалимов каби таниқли олимларнинг китобларида Розий тўғрисида гоҳида алоҳида, гоҳида йўл-йўлакай баён этилган муҳим маълумотларни учратамиз. Ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида биз Оврупо олимлари асарлари билан бир қаторда ана шу юртдош олимларимизнинг илмий-оммабоп ишларига таяндик.

Абу Бақр ар-Розий Эроннинг ўрта асрларда маданий ва хунармандлик марказларидан бўлган Рай шаҳрида таваллуд топди. Алломанинг туғилган ҳамда вафот этган саналари масаласида манбаларда ихтилоfli маълумотлар учрайди. Аммо бу борада Беруний “Фихрист”ининг кириш қисмида келтирилган сана энг ишончли, деб эътироф этилмоқда. Беруний 22 ёшида Рай ва Гургонда бўлган, Розийнинг таржимаи ҳолини чуқур ўрганган, илмий асарларидан самарали фойдаланган. Хуллас, Беруний китобида айтилганидай, Розий милодий 865 йил 25 августда дунёга келган. Шу маълумотга асосланган ҳолда, 1965 йил 25 август куни жаҳон миқёсида Розий таваллудининг 1100 йиллиги нишонланди.

Розий болалигида, савдогар отасининг таъсирида бўлса керак, ҳисоб-китоб илмига алоҳида ихлос ва қизиқиш кўрсатади. Сўнг саррофлик билан шуғулланди, яъни

бозор тоқларининг кираверишида кишиларнинг йирик пулини майдалаб бериб ҳожатбарорлик қилади. У заргарлик билан ҳам шуғулланиб, Райда хунармандлик истеъдодини намоён этган.

Розий ўсмирлик ва йигитлик чоғларида шеърятга қизиққан, айниқса, мусиқа санъатига меҳри баланд бўлган. Чунончи, у найда ажойиб куйлар ижро этадиган моҳир созанда бўлиб етишган, ҳатто бутун умрини санъаткорликка бағишлаш ниятида эди. Лекин Розий табиатан сезгир ва синчков, борлиқнинг моҳияти, сир-асрорини билишга чанқоқ эди. “Дунё қандай тузилган, Қуёш остида яйраб-яшнаб, кўкариб ривожланаётган мавжудот дунёси – ўсимликлар, жониворлар, одамзод қандай сиру синоатларни ўзида пинҳон этган?” деган саволлар уни мудом ўйлантирган...

Розий ўз даврида авжига чиққан алкимёга алоҳида эътибор қаратди. Баъзи тадқиқотларда алкимёни ўрта асрларда оммавий тус олган жаҳолат, бойликка ҳирс вужудга келтирган, деган қараш мавжуд. Назаримизда, бу тўғри фикр эмас. Жаҳолат, калтабинлик, нодонлик янгиликни, тараққиётни юзага келтирмайди, уни, аксинча, барбод этади. Алкимёгарлик, дафъатан қараганда, жаҳолатга ўхшайди. Ахир, у ёки бу метални олтинга айлантиришга ёки инсонни бедаво дарддан халос этувчи, кексани ёшга айлантирувчи сеҳрли “оби ҳаёт”ни ихтиро қилишга беҳуда интилишлар жаҳолат, нодонлик деб аталиши табиий-ку! Лекин алкимё, фикримизча, бошқа асосларда туғилган. Овруполик йирик бир олим XIX асрда “Алкимё бўлмаганда кимё фани ҳам бўлмас эди” деган фикрни айтган эди. Хўш, жаҳолат кимё фанини дунёга бера олармиди? Йўқ, албатта! Демак, алкимёгарлик дунёни билиш, тушунишга интилиш йўлидаги бир босқич эди.



Розий айрим нодон алкимёгарларни ва кўр-кўрона интилиш ҳамда тажрибаларни маъқулламайди. Жумладан, у “Жолиюнуснинг қарашларига шубҳалар” номли рисолада йигитлик чоғлари “ажойиботлар яратувчилар”нинг (алкимёгарлар – М.С.) хатоларини топиш мақсадида кўпдан-кўп тажрибалар ва тадқиқотлар қилганини айтиб ўтган. Лекин Розий алкимёдаги сохталикларни рад этса-да, алкимёнинг ўзини бутунлай инкор қилмайди.

Сирасини айтганда, Розий алкимёгарлик тажрибалари орқали чинакам кимё фанига йўл топди. Чунончи, зийрак зеҳнли ёш табиатшунос алкимёгарлик машғулотлари жараёнида моддаларнинг кимёвий хоссаларини тушуниб етишга эришди.

Розий кимё бўйича ўттизга яқин асар яратган. Илк асарлари – “Сирлар китоби” ва “Сирларнинг сири”да олим ҳақиқий кимёгардан кўра кўпроқ алкимёгарга ўхшаб кетади. Ушбу рисоланинг баъзи бобларида металлларнинг трансмутацияси, яъни бир металлни бошқа хил металлга айлантиришга қаратилган тажрибалар тўғрисида фикр юритади. Шу билан бирга, айнан шу китобдаги бир неча бобда металлларни билиш, уларнинг хоссаларини аниқлашга доир тажрибалар баён этилади. Бундай саҳифаларда эса ҳақиқий кимёгарликка интилиш кўзга ташланади. “Минералларнинг пайдо бўлиши”, “Тошлар ҳақида китоб”, “Олтин ва миснинг тамғаси” китобларида минералогия фанининг асосларини шакллантирувчи ғоялар илгари сурилган. Айтишларича, Беруний машҳур “Минералогия” асарини яратар экан, Розий тажрибалари ва унинг маъданларга доир айрим маълумотларидан фойдаланган.

Розий ўз даврида спиртни қандли ёки ачитилган моддалардан олиш мумкинлигини илмий асослаган (*Абдуҳалимов Б. Байт ал-ҳикма ва Марказий Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти. Тошкент, 2010. 163-бет*). Бу чинакам кимёвий кашфиёт, албатта. Унинг “Сирларнинг сири” китобида эса, кимёвий реакцияларни тезлаштириш ва реакцияга киришган моддаларни қайтадан асл ҳолга қайтариш мумкинлигига доир

илмий хулосалар баён этилади... Бу алкимёгарликдан кимёгарликка қараб қўйилган катта қадам эди.

Алломанинг кимё фани тарихидаги фахрли ўрнини баҳолаб, фан тарихчиси У.Каримов бундай ёзади: “Розий ўрта аср Шарқининг энг атоқли кимёгарларидан бўлган. У кимё фани тарихида илк марта ҳозирга келиб барчага маълум бўлган моддаларнинг таснифини (минераллар, ўсимликлар, жониворлар гуруҳини) ишлаб чиқди ҳамда кимё соҳасида ишлатиладиган жиҳозлар ва тажрибалар билан боғлиқ катта миқдордаги фактик материални мунтазам тизимга келтирди” (*Каримов У. Неизвестное сочинение ар-Рази. “Книга тайны тайн”. Ташкент, 1957. Стр.71*). Б.Абдуҳалимовнинг тасдиқлашича, Жобир ибн Ҳайён ва Розий асарларида илгари сурилган моддаларнинг таснифи (классификацияси), яъни борликда мавжуд моддалар – маъданлар (минераллар), ўсимликлар ва жониворлар ҳолатида уч туркумда ўзини намоён этиши ғояси ҳозирги замон фанида ҳам мустаҳкам ўринга эга.

* * *

Абу Бакр ар-Розий ўз замонасининг буюк тиббиёт олимларидан бири, айна пайтда, халифалик муҳитида юсак эътиборли шифокор ҳам эди. У йигитлик чоғида кўз касалига учраб, даволатиш учун табибга боради. Ана шу дамларда у тиббиётга меҳр қўяди. Ўттиз ёшга тўлган Розий тиббиёт соҳасидаги илмий ва амалий фаолиятини кўз хасталикларининг сир-асрорини ўрганиш, кўриш аъзоларининг анатомияси ва физиологиясини тадқиқ ва таҳлил этишдан бошлади. Ушбу соҳада ўз даврининг илғор мутахассис шифокорларидан бирига айланди. Айна пайтда, “Ал-Ҳовий” (“Катта тўплам”) ва “Ал-қуннош ал-Мансур” каби кенг мазмунли асарлари Розийнинг буюк ва зукко ташхисчи, терапевт, ҳозирги тилда айтганда, эпидемиолог, невропатолог, психиатр олим ва шифокор бўлганидан далолат беради (*Тимофеев И. Бируни. Москва, 1986. Стр.99*).

Розий Рай шаҳридаги марказий касалхонанинг (бемористон) бош нозири лавози-

мида ишлар экан, ушбу даргоҳда шундай тартиб-қоидаларни жорий этадики, “бу тартиб-қоидаларнинг аксари ҳозирги кун табобати таомлида ҳам сақланиб қолган” (*ўша асар, 99-бет*). Беморларни ҳар кун мунтазам тиббий кўриқдан ўтказиш, клиник кузатишларни “Касаллик тарихи”да изчил қайд этиб бориш, турли хил лаборатория таҳлиллари сингари бугунги кунда анъанавий шифохона қоидаларига айланган тартибларни Розий Райда илк бора жорий этган.

Олим 15 йиллик умрини сарфлаб ҳам якунига етказа олмаган “Китоб ал-Ҳовий фи-тибб” (“Тибга оид маълумотларни қамровчи китоб”) асари араб ва лотин тилларида Шарқ ва Ғарбда тарқалган. Ушбу қомусий асарда Розий қадимги форс, ҳинд ва юнон табобатидан то ўз замонасигача бўлган даврда тўпланган назарий ва амалий тиббий маълумотларни атрофлича шарҳлаган. Шунингдек, бу асарда Розийнинг Рай ва Бағдоддаги “бемористон”ларда амалга оширган кузатув ва тажрибалари ҳам батафсил баён этилган.

Райда шухрат қозонган табиб Розийни амир Адуд ад-Давла Бағдодга таклиф этади. Ҳ.Ҳикматуллаев “Шарқ табобати” китобида Розийнинг Бағдодга келиши билан боғлиқ бир воқеани қаламга олган. Бағдод ҳукмдори Розийдан: “Шаҳарнинг асосий “бемористон”ини қайси манзилда қуриш мумкин?” деб сўрайди. Розий буни билиш учун Бағдоднинг турли манзилларига гўшт осиб қўйишни, гўшт энг кеч бузилган жойда шифохона қуришни маслаҳат беради. Амир бу маслаҳатга кўнади. Розий Бағдодда қад ростлаган “Адудий” номли шифохонанинг бош шифокори бўлиб хизмат қилади.

Юқорида унинг “Катта тўплам” (“Ал-Ҳовий”) китоби тўғрисида қисқача тўхталдик. Розийнинг ўзбек тилига таржима қилинган яна бир асари “Ал-Муршид” (“Йўриқномэ”) деб аталади. Унда Гиппократнинг “Иқлим ҳақида” номли тиббий асаридаги мушкул иборалар шарҳланган. “Табибга бормаган кишига” деб аталган китобини эса оммавий тиббий қўлланма, деб таърифласак бўлади. Унда уй шароитида беморни қандай

парваришlash бўйича зарур маслаҳатлар баён этилган. “Ат-тиб ал-мулукий” (“Подшоҳ табобати”) китоби бошдан оёққача бўлган тана касалликларини парҳез таомлар билан даволаш бўйича қимматли йўл-йўриқларни акс эттирган. “Чечак ва қизамиқ ҳақида рисола” деб аталган китобда Розий тиббиёт тарихида илк марта чечак ва қизамиқ касалликларини алоҳида таҳлил этади. Розийнинг ушбу касалликларнинг клиник белгиларига доир кузатувлари, мутахассисларнинг эътироф этишича, ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган (*Арзуметов Ю., Юлдашев К. Медицинские взгляды Ибн Сины. Ташкент, 1983. Стр.42*)

Розий фақат шифохоналар ташкил этиш тарафдори бўлиб қолмади. Шу билан бирга, буюк ҳаким ҳар бир касалликни алоҳида даволашга ихтисослаштирилган шифохоналар очиш ёки, ҳеч бўлмаганда, шифохоналарда ихтисослашган бўлимларни ташкил этиш ғоясини ҳам илгари сурган. Розийнинг “Касалликлар тарихи” асарида бундай фикр бор: “Битта табиб (шифокор) барча касалликларни даволай олиши мумкин эмас”. Бу – тиббиётда ихтисослашувнинг пойдеворини қўйган ғоялардан биридир.

Розий қомусий салоҳиятли тафаккур соҳиби эди. Беруний ўз “Фихрист”ида бу серқирра олимнинг табиатшуносликка оид 33 та, мантиқ илми тўғрисида 7 та, риёзиёт ва фалакиёт масалаларига бағишланган 10 та, илоҳиёт бўйича 14 та, метафизикага доир 6 та, яна бошқа бир қатор фанларга оид 19 та асари борлигини ёзади ва уларни бирма-бир шарҳлайди. Лекин, назаримизда, Розийнинг бошқа соҳалардаги олимлик даражаси, кимё ва табобатдагидек, кейинги асрларга ҳамнафас бўла оладиган юқори савияда бўлмаган. Фан тарихчилари, масалан, унинг фалакиёт (астрономия) соҳасида Птолемейнинг геоцентрик таълимоти доирасида фикрлаганини айтишади. Демак, ушбу таги омонат таълимотни тарғиб ва ташвиқ этувчи бошқа тадқиқотлар ва китоблар ҳам эскиргани шубҳасиз.

Аммо Розийнинг фалсафий қарашлари дунёвий илм-фаннинг улкан ютуғи, илғор ғоялар, янги дунёқараш тарзида майдонга келди. Тўғри, ушбу фалсафий таълимотга муносабат турлича эди. Бир гуруҳ олимлар Розий фалсафасини ўз даврининг ютуғи сифатида қабул қилган бўлсалар (масалан, X асрда Ибн Надим, XI асрда Беруний, XIII асрда Ибн Усайбийя), аммо ақидапарастлар уни даҳрийлик ва шаккокликда айблади, ҳатто унинг фалсафий асарларини ўқиш-ўқитиш, улардан нусха кўчириш тақиқланди. Орадан бир аср ўтиб Розий таълимоти билан танишган Беруний унинг асарларини ўрганиш ва таълимотига хайрихоҳлик кўрсатиш хатарли ишга айланганини айтган эди (*Шарипов А. Великий мыслитель Абу Райхон Бируни. Ташкент, 1972. Стр.42*).

Хўш, Розийнинг фалсафий таълимоти нималарни ўз ичига олади? Ушбу таълимотнинг илк ўрта асрлардаги ўрни ва аҳамияти нимада? Нега унга ёндашувда замона аҳли иккига бўлинган?

Розий фалсафасининг муҳим манбаи – ислом дини негизида VIII-IX асрларда шакланган диний-фалсафий таълимотлардир. Масалан, ўша асрларда ўткир мафкуравий таъсир кучига эга бўлган мўътазилийлар ва исмоилийларнинг ғоялари алоҳида эътиборни тортади. Улар ислом динига рационалликни олиб кириб, Қуръон ва ҳадисларни ақл-идроққа мос равишда талқин этишга чақирдилар, мистик дунёқарашни рад этдилар. Мўътазилийлар Оллоҳнинг ягоналигини ҳис этиш, илоҳий адолат, имон-инсофни ижтимоий ҳаётда қарор топтириш учун инсонлар маърифатли бўлиши кераклигини таъкидладилар. Инсоннинг ирода эркинлиги – мўътазилийлар тарғиб этган яна бир фалсафий ғоядир. Инсонни у ёки бу даражада чеклаб қўядиган ақидаларни улар рад этдилар.

Исмоилийлар таълимотида эса “комил инсон” ғояси муҳим ўрин тутди. Комиллик фақат пайғамбарларгагина хос бўлмай, балки инсоний-маънавий етуқлик мезони ҳамдир. Исмоилийларнинг фикрича, руҳ онг даражасига кўтарилганидагина комилликка эришилади. Улар ҳам маърифат, илм-фан,

фалсафа одамлар орасида кенг ёйилишини ёқлаб чиқдилар. Розийда ушбу диний-фалсафий таълимотлар дуалистик фалсафий дунёқарашни тарбиялади, дейиш мумкин.

Розий фалсафасининг иккинчи манбаи – антик юнон донишмандлигидир. Маълумки, милодий VIII-IX асрларда қадимги юнон фалсафаси ва табиатшунослигига доир кўплаб асарлар араб тилига таржима қилинган эди. Шарқ муҳитида, айниқса, юнон донишмандлари Демокрит (мил. авв. 460-370) ва Аристотель (мил. авв. 384-322) таълимотлари катта шухрат қозонди. Бу икки юнон алломасининг “Олам қандай яралган?” деган бош фалсафий масаладаги илмий ва фалсафий қарашлари, охир-оқибатда, мусулмон Шарқида икки қарама-қарши кутбни юзага келтирди.

Демокрит фалсафа тарихида “атомистик назария”нинг отаси сифатида машҳурдир. Унинг даврида “Олам тўрт унсур – ер, сув, ҳаво ва оловдан вужудга келган” деган қараш оммалашган эди. Демокрит бундан қониқмайди. Уни, “Бу тўрт унсур – ер, сув, ҳаво ва оловнинг ўзи нимадан ҳосил бўлган?” деган янада нозик муаммо ўйлантиради. Китобларда айтилишича, бир куни Демокрит тош йўнучилар ёнидан ўтатуриб, болғанинг зарбидан тош бўлаклари янада майда бўлақларга, ҳатто зарраларга парчаланиб кетаётганини кузатади. Демокрит кумга, чанга айланган тош зарраларини кафтига олиб пуфлайди. Донишманд, “Дунёдаги ҳамма нарса шу ўта майда, кўз илғамас, бўлинмас ҳолатга келган зарралардан ҳосил бўлмаганмикан?” деб ўйланиб қолади. Ўша зарраларни ифодалаш учун Демокрит “атом” терминини қўллайди. Бу юнонча сўз “бўлинмас” деган маънони англатади. Демокрит ўз кузатувини бутун бошли фалсафий таълимотга айлантиради. Аммо бу таълимот натурфалсафий даражада, яъни кўриш, кузатиш асосидагина туғилган фараз эди. Демокрит “Атрофимизни ўраб олган ҳамма нарсанинг, яъни ер, сув, ҳаво ва оловнинг таркибида ҳам шу атомлар (бўлинмас зарралар) йўқ эмасми? Эҳтимол ўзимиз ҳам атомлардан ташкил топгандирмиз?” деган саволни қўяди. Уни яна бир ма-


сала ўйлантиради: “Кўзга кўринмас даражадаги мана шу атомларнинг оралигида яна нима бор? Агар ҳеч нима бўлмаса, демак, бўшлиқ бор экан-да?!”

Хуллас, Демокрит “Олам икки нарса – атом ва бўшлиқдан ҳосил бўлган” деган фазри олға сурди.

Мусулмон Шарқ дунёсига ҳам Демокритнинг бу содда фалсафий таълимоти кириб келиб, ақл-идрокларни уйғотди. Аммо... Демокрит асарлари кўп замон аввал йўқолиб кетган. У ҳолда Шарқ Демокритни қаердан билган? Арастудан! Унинг араб тилига таржима қилинган “Метафизика” ва “Қалб тўғрисида” номли асарларида Демокритнинг “Олам атомлардан яралган” деган материалистик дунёқарашига эътироз билдирилади. Арасту, пировардида, оламнинг, борлиқнинг яралгани тўғрисидаги ўз тасаввурини баён этади. Унинг фикрича, борлиқнинг мавжудлигига “биринчи сабаб” – Худодир. Худо борлиқни яратиб, уни ўз-ўзини ҳаракатлантирувчи, ривожлантирувчи ички қонуниятларга эга қилиб, мустақил яшаш ва ривожланиш йўлига киритиб қўйган. Арасту Демокритнинг борлиқнинг яралиши тўғрисидаги дунёвий, ҳаётий таълимотини рад этиб, ўзининг ана шундай диний руҳдаги таълимотини илгари суради.

Розий Демокрит таълимоти асосида ўз атомистик таълимотини яратади. Мусулмон Шарқидаги материалистик фалсафий таълимот сарчашмасида Розий биринчилар қаторида туради. Розийнинг фалсафий таълимотида дуалистик дунёқараш асос ҳисобланади. Яъни у оламнинг яратилишида илоҳий ва моддий-материалистик асосларнинг ўзаро ички бирлиги ҳақидаги ғояни ҳимоя қилади. Унинг фикрича, беш омил – Яратувчи, оламий жон, мутлақ макон, мутлақ вақт, моддийлик борлиқнинг асосини ташкил этади. Розий Яратувчини (Худони) борлиқни яратувчи ва унга оламий жон ато этувчи азму ирода, куч-қудрат соҳиби, деб билади. Борлиқ моддий дунёдир. У – объектив, кўримли, сезимли, буюк ва абадий. Унинг умри ҳам боқий, яъни абадий вақт билан яшайди...

Бир муҳим ҳолат шундаки, Розийнинг дуалистик таълимотида объективлик, матери-



листик ҳақиқат устувор ўрин тутаети. У ҳатто Яратувчига борлиқнинг яралишидаги бир омил, имконият сифатида қарайди. Яратувчи ким? У – борлиқни яратган ва унга оламий жон ато этган куч. Борлиқнинг мавжудлигидеги унинг вазифаси шундан иборат. Борлиқ эса, Розийнинг назарида, бирламчи ва ҳал этувчи ҳақиқатдир. Розийнинг материалистик дунёқарашини ўз даврида мутакаллимлар (калом илмининг намояндалари) томонидан кескин қораланиб, унинг ўзи даҳрийлик ва шаккокликда айбланган. Дарвоқе, мутакаллимлар Розийнинг “Борлиқ – абадий макон ва абадий вақтда мавжуд” деган фикрини инкор этиб, “илоҳий лаҳза” (“вақт атоми”) тушунчасини илгари сурган. Мутакаллимлар борлиқнинг барҳаётлиги, абадийлигини шубҳа остига олади. Уларнинг айтишича, борлиқ – Оллоҳнинг иродаси ва ихтиёрида, Оллоҳ истаса, борлиқ – бор, истамаса – йўқ бўлиши мумкин. Оллоҳ борлиқни ҳар доим, ҳар соатда ва ҳар лаҳзада қайта яратади, ўзгартиради, янгилайди. Борлиқдаги тинимсиз ўзгаришлар боиси – Оллоҳнинг иродасидир. Оллоҳ борлиқни тинимсиз ўзгартириб турар

экан, демак, унинг абадий макон ва абадий вақтда мавжудлиги – беҳуда гап... Мутакаллимлар Розийни ана шу йўсинда инкор этади.

Атоқли арабшунос олим, академик А.Маковельский “Яқин Шарқда атомистика” номли мақоласида мутакаллимлар (жумладан, ал-Ашъарий) наинки Розийни, балки умуман, “Оламнинг азалийлиги, унда объектив сабабий боғланишларнинг мавжудлиги, борлиқда юз бераётган ривожланиш ва ўзгаришлар муайян қонуниятларга таяниши тўғрисидаги материалистик дунёқарашни тубдан инкор этади” деб ёзади (“*Вопросы философии*”, №3, 1957. Стр. 118).

Розийнинг мусулмон Шарқ фалсафасидаги катта хизмати шуки, у биринчилардан бўлиб Демокритнинг атомистик таълимоти бор материалистик ҳолатида идрок этди, уни имкон қадар мистик талкинлардан тозалашга интилди. У атомларни объектив борлиқ асосидаги реал мавжудлик, азалий, бўлинмас, йўқолмас энг майда зарралардир, дейди. Улар “оғирлик ва танага эга”. Моддий зарраларнинг бўшлиқдаги ҳаракати, ўзаро тўқнашуви, бирикуви, қўшилиши натижасида борлиқ асосида турган тўрт унсур – тупроқ, сув, ҳаво ва олов пайдо бўлади.

Ўқорида Беруний Розийнинг фалсафий қарашларига чуқур эҳтиром билан муносабатда бўлганини айтиб ўтган эдик. Шунингдек, Беруний Розийнинг атомистик таълимоти ҳам ёқлаб чиқди. Ибн Сино билан фалсафий ёзишмаларида эса Розийни Ибн Синонинг танқидидан ҳимоя қилган. Масалан, Беруний Ибн Сино чуқур ишониб келган Арастунинг моддалар “оғирлик” ва “енгиллик” хоссаларига кўра ўзаро фарқланади, деган қарашини рад этади. Бу масалада у Розий тарафида туриб “енгиллик” тушунчасини асоссиз, деб айтади. Беруний ҳам, Розий ҳам моддаларнинг табиатига фақат оғирлик хослигини, енгиллик эса турли оғирликдаги моддалар ва атомларнинг ўзаро нисбатига кўра аниқланишини баён этади.

Шунингдек, Розий Демокритнинг атомлар (зарралар) кўллаб янги жисмлар ва оламларни вужудга келтирган, деган ғоясини мусулмон Шарқи фалсафасига ҳам жорий

этган. Беруний бу масалада ҳам Розий тарафида туради ва Арасту ҳамда Ибн Синонинг “Олам – битта. У – Ер атрофидагина мавжуд бўлган оламдир” деган қарашини инкор этади. Атомлардан ташкил топган оламлар коинотда кўплигини таъкидлайди. Ушбу фикр кейинчалик илмда тасдиқланди.

Шу билан бирга, Беруний Розийнинг илмий-фалсафий меросидаги айрим заиф жиҳатларни ҳам ўз “Фихрист”ида кўрсатиб ўтган. Масалан, Розий атом зарраларининг бўлинмаслигидан келиб чиқиб, уларни фаолликдан маҳрум, ўз бўлинмас ҳолатида қотиб қолган, турғун нарсалардир, деб баҳолайди. Унинг фикрича, атомлар илохий куч-қудратнинг аралашувида ва уларнинг таъсиридагина ҳаракатга келади. Беруний Розийнинг атомлар табиатини бундай содда, механик талкин этишига эътироз билдириб, зарралар майдаланиши, бўлиниши мумкинлигини, гоҳида ташқи ўзгаришларга учрашини, аммо ҳар қандай жараёнда ҳам яна ўз ҳолатига қайтишини, барқарорлигини сақлаб қолишини айтади. Масалан, сув буғланиши, фазога кўтарилиб булутга айланиши, ёмғир, қор, дўл тусини олиши мумкин, сув барибир ўқоридагидай ҳолатлардан чиқиб, яна сув ҳолига келади. Бундай жараёнларнинг барчаси ташқи, ғайритабий куч-қудрат таъсирида эмас, балки табиатнинг ўз қонуниятлари доирасида юз беради.

Ниҳоят, Розийнинг борлиқ, табиатни илмий билишга доир қарашлари унинг фалсафий таълимотида муҳим ўрин тутади. Маълумки, ўша замонда мутакаллимлар, борлиқнинг мавжудлиги ва емирилиши Оллоҳнинг иродасига боғлиқ, бинобарин, табиатдан, борлиқдан ички сабаб ва қонуниятларни излаш беҳуда, бесамар уринишдир, деган ақидани қаттиқ ҳимоя қилиб келмоқда эди. Розийнинг объектив ҳақиқатни изловчи ақл-идроки бундай қарашларни қабул қила олмасди. Пировардида, агар мутакаллимлар борлиқдаги барча ҳолат, ҳаракат, ўзгариш ва янгиланишларни Яратганнинг азму иродасига боғласан, Розий, аксинча, табиатда юз бераётган ўзгаришларнинг табиий-объектив сабабларини топишга интилиб яшади.

Розий табиатга, борлиққа доир схоластик ақидаларни, яъни китобий ёндашувларни рад этди. У борлиқнинг моҳиятини билишдаги бирдан-бир тўғри йўл сифатида шахсий кузатиш, амалий-илмий тажрибаларни тан олди. Розийнинг илмий-фалсафий меросини обдон, ҳафсала билан ўрганган олимларимиздан бири М.Хайруллаев бундай ёзади: “Розий тажриба, амалиётнинг аҳамиятига катта эътибор қаратди. У амалиётда синовдан ўтмаган мантиқий, китобий хулосадан кўра ҳатто оддий бир инсон бевосита тажрибада аниқлаган кичик ҳақиқатни юз бора афзал деб билди” (*Хайруллаев М. Фараби. Ташкент, 1975. Стр.131*).

Розий, шунингдек, илм-фан ва фалсафага шунчаки борлиқни билиш воситаси сифатида қарамайди. Илм-фан ва фалсафанинг маърифий аҳамияти ҳам Розий учун жуда қадрлидир. Розий фалсафа илми тўғрисида тўхталар экан, бундай дейди: “...одамларнинг руҳонияти фалсафий илмнинг таъсирида кир-чирлардан ва зулматдан фориғ бўлади. Инсон фалсафани, лоақал унинг бирон қисмини, ҳаттоки кичик бир бўлимини ихлос билан ўрганишга киришса, ўзини муайян даражада жаҳолат панжасидан қутқаради (*Тимофеев И. Бируни, Москва, 1986. Стр.110*).

М.Хайруллаев Форобий ва Розийнинг фалсафий таълимотини ўзаро қиёслайди. Олим айтишича, Форобийнинг фалсафий таълимотида фундаментал-назарий асослар етакчи ўрин тутаети, Розий эса фалсафанинг кундалик ҳаётий масалаларига бор диққат-эътиборини қаратади. Инсонга билим-маърифат бағишлаш, унинг руҳонияти, онги ва қалбини жаҳолатдан поклашга хизмат қилиш, Розий фикрича, фалсафанинг ҳам бурчи ва амалий вазифасидир.

Танқидий рух гоҳида Розийда энг кескин кўринишларда намоён бўлган. Бундай кескинлик унинг “Махариқ ал-анбийа” (“Пайғамбарларнинг товламачилиги”), “Ҳийал ал-мутанаббийа” (“Сохта пайғамбарларнинг айёрликлари”) китобларида, айниқса, кўзга ташланади. Худо ва инсон ўртасида турган дин арбоблари, пайғамбарларнинг ўта улкан масъулияти уни чуқур ўйга солди. Аммо ма-

салани бағрикенглик, юксак ақл билан ҳал этиш ўрнига гоҳида қизиққонликка берилди. Масалан, у дунёдаги динлар, мазҳаблар одамлар, халқлар ўртасига нифоқ, низо солишдан, уруш чиқаришдан ўзгасига ярамайди, дейди. Рисолаларида Афлотун, Арасту, Эвклид ва Гиппократ асарлари диний китоблардан кўра инсониятга фойдалироқ, деб очиқ-ошкора ёзади. Айрим пайғамбарларни эса “инсониятни тўғри йўлдан чалғитган кимсалар” деб қоралади. Ўтиб кетган пайғамбарлар ва авлиёларни диний китобларда мистик бўёқларда кўрсатилишига қатъий қарши чиқади (*ўша асар, 101-бет*).

Табиийки, Розийнинг бундай қарашлари ўз вақтида дин аҳлининг қаҳру ғазабини келтирди. Унинг айрим китоблари тақиқланди, ўтга отилди. Охир-оқибат, гарчи Розий забардаст табиб сифатида Бағдод амирлари ҳимоясида, иззат-икромда бўлса-да, унинг бошида таҳлика ва хатарнинг қора булутлари тобора қуюқлаша борди. Бағдодда ёши олтмишни қоралаб қолган кекса Розийни жоҳил ва ақидапарастлар тўдаси калтаклайди. Шундан кейин у тўшакка миҳланади, аввалдан хасталикка учраб, хиралашиб қолган кўзи энди умуман кўрмай қолади. Наинки ишлаш ва ижод қилиш, балки ўзини идора қилиб яшаш имкониятидан маҳрум бўлган олимни қариндош-уруғлари тагин Рай шаҳрига олиб келишади. Улуғ олим ва файласуф кўрлик, оғир жароҳат, узоқ давом этган бетобликдан кейин, 925 йили Райда вафот этди.

Илк ўрта асрлардаги борлиққа диний-мистик ёндашув, шу асосда дунёга келган ақидапарастлик ва схоластика шароитида Розий борлиқ ва инсон моҳиятини дунёвий идрок этиш, оламнинг яралиши ва ривожланиши қонуниятларини рационал асосларда тушуниш ва тадқиқ этишга киришиб, фан ва фалсафада ўз даврида улкан ютуқларга эришди, замонасининг забардаст, юксак илм-маърифат намояндасига айланди. Жаҳон илм-фани ва фалсафий тафаккури ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Розий ҳаёти, тақдири, илмий ва фалсафий мероси сабоқларга бой.

ADDABARON

Бир ҳикоят, бир ривоят...

*“...Қайдан излайман бу кўҳна
жиноят изларини мен?”*

Софокл, “Шох Эдип”

Сариққа бўялган ва устига қочиб кетаётган катта кўнғир айиқни, кўлида чўп, қуваётган қизчанинг сурати солинган дарвоза эшигини ичкаридан очиб, қорнига “AZIM” деб ёзилган эски пачоқ челақни кўтариб бўйи узунгина, аммо ўзи ўн уч-ўн тўрт ёшлардаги кўзлари чуқур ва қоп-қора бир бола чиқди. У бир оз хириллаган ўсмирона ширинак товуши билан “Ип-па, ип-па, Ипподром, юрагинга ичгин бром” деб хиргойи қилар ва узун ичгичка оёқларини “па-па” оҳангига чалкаштириб рақс тушгандай сакрар эди. Хиргойиси илгари замонларда айтиб юриладиган “Лўмлўм Мамажон” деган кўча ашуласининг куйини эслатарди. У калта-култа эскироқ уст-бош кийган, оёқларини чалкаштириб у ёқ-бу ёққа сакраганида пақир тўлдириб солинган, кўпроқ дорилардан бўшаган, устига “Новокаин”, “Витаминлар. А.Д.Е.” дейилган қоғоз қутилар дам-бадам ерга тўкиларди, бола уларни териб челақка жойлашга уринарди. Рақсию хиргойиси бир зум ҳам тинмасди; бола то кўча муюлишидаги кемтиқроқ

жойга ўрнатилган қорамтир кўкка бўялиб, сиртига “...НОКИМҲАТ” деб ёзилган ахлат яшикка етиб боргунча шу тўкилиш-сочилиш, териб олиб жойлаш давом этди. Бола челақни кўтариб баландгина яшикка ағдармоқчи бўларкан, бир неча қоғоз, картон, пластмасса қутилар яшик ичига эмас, оёғи остига тўкилди. Челақни қўйиб, уларни олиб бирма-бир яшикка итқита бошлади. “MERIYS” деган ёзувли қутини олиб ташлаётганда жинглаксоч боши яшик бурчагига урилди. Бола пашша талагандек, бошини сидирди. Бошига теккан нарса эски бир китоб эканини кўрди. Қоғозлари кўп йиллар офтобда ётгандек сарғайиб-буришиб-ғижимлиниб кетган китобнинг ярми ташқарига осилиб турарди. Бола бошини яна силаб қўйди. Унинг бу паррехта китобга раҳми келди. Худди ахлатга аралашиб ётган нонни кўргандай юраги орқасига тортди. Шу боланинг катта бобоси узоқ замонлардаги уруш йилларида агар кўчаларда нон хор бўлиб ётса, уруш бўлади деган гапини эшитган ва бу гап миясига қуюлиб қолган эди.

Аддабарон – Савр туркумининг энг ёруғ юлдузи. Бахтсизлик келтиради деб ҳисоблайди уни қадим мунажжсимлар. Беруний, Аддабарон шайтоннинг кўзларига ўхшаб қизил-кўк бўлиб ёниб туради, дейди. Албатта, ер юзидаги бахтсизликлар, зўравонликлар учун қоинотдаги юлдузлар айбдор эмас.

Шунингдек, катта бувиси қаерда қоғоз парчаси ётганини кўрса, дарҳол йиғиштириб олар, қоғознинг уволи қаттиқ дерди. Бола катта бо-бо-бувиларнинг шундай одми ўйлари соясиди ўсган эди. Китоб шу топда унга моғорлаган қулча нондай увол кўринди. Увол китобни қисилиб қолган жойидан оҳиста бўшатиб олди. Яшик ичида эскириб, далва-далваси чиққан ўйинчоққа ҳам кўзи тушиб уни ҳам қўлига олди: қоқиб-суқиб яшик орқасида ўсган ёнғоқ дарахтининг чўкиртаси шохчасига илиб қўйди. Бола яшиқдан уч-тўрт қадам нарига, ёнғоқ соясига ўтди. Китобнинг у ёқ-бу ёғига қараб, уни қоқиб-суқиб варақларини текислагандай, чанг-ғубордан тозалагандай бўлди. Соғ қолган варақларида ҳам устига қўйилган чойнак, пиёла, косаларнинг гардиш излари кўринарди. Муқоваси ҳам, сарлавҳаси ҳам йўқ, у ярми йиртилган 14-бетдан бошланар, бет қўйилган чап томонда қора сиеҳ билан узукка ўхшаган тамға туширилган, у ҳам ўчиб базўр кўринар, тамғадаги “Н.М.” бош ҳарфлари аниқ ўқилар эди. “Ким экан бу? Биронта эски ёзувчилардан бўлса керак ёки китоб-севарлардан; қайси эшиқдан чиқдийкан бу китоб? Бизнинг Овул кўчасида кўп одам яшайди-ку...” Бола ҳайрон бўлиб тик турганича китобни титаверди, кўзлари ғалати-ғалати сўзларни илғади, қизиқиб қолди. Яшик танаси йўғон ва силлиқ иккита ёнғоқ дарахти орасига жойлаштирилганди. Ҳозир май ойининг биринчи ўн кунлиги, ҳаво салқингина, ёқимли шабада эсиб турар, қуёш ҳам ғурубга оған, унинг ёруғ шуълалари беғубор япроқлар ва тирноқдай бўлиб қолган яшил мева доналари орасидан яшиқ турган тупроқ саҳнга тангаланиб тушарди. Боланинг жингалаксоч бошига нима хаёл келди – билиб бўлмади, у ҳамон тик турганича китоб варақлар, қафти билан саҳифаларни текислар ва чанг-чунглардан тозалар эди. Бунга ҳам қаноат қилмай китобни қафти билан авайлаб шап-шап уриб қўйди: чанг-ғубор тўзиди. Ундан кўтарилган ғубор офтобда йилтираб учди. Бола китобни чанги қолмагунча қоқди. Сўнг пачоқ челагини яшиқдан пича нарига тўнкариб қўйди-да, бошқа иши йўқдай китобнинг ярми осилиб қолган 14-бетини ўқишга тушди.


“...Қош қорайди. Қушлар бари ин-инига кириб кетди. Дунё жимжит бўлиб қолди...”

Ҳа, ҳамма қуш ҳам қош қораймасдан ин-инига кириб кетади. Инига кирмаган биронта қуш қолмайди. Улар тун тушишидан шунчалик кўрқадими? Фақат баъзи қушлар кечаси ҳам учиб юради. Қанотлари шувиллагани эшитилади, “қийқ-қийқ” деб овоз чиқаради. Лекин ўзлари қоронғи осмонда кўринмайди. Бола шу ўйларда кейинги жумлани ўқиш учун қоғознинг ғижимланган жойини бармоғи билан авайлаб текислади.

“...Мен чўл-биёбондан чиқиб, Рамлу деган шаҳарга яқинлашганимда қоронғи тушди. Бу пайтда шаҳар четига мозористондан ўтиб борардим. Қоронғида шаҳарга кириб борсам адашиб қоламан, қаерга боришимни ҳам билмайман, қоровулларга дуч келиб қолсам ушлаб олиб кетишади. Яхшиси, шу ерда бирон мақбара ичида кечани ўтказмаман. Нима кўп – мақбара кўп...”

Бола қоронғида қўқайган катта-кичик мақбараларни кўз ўнгига келтирди. “Мақбараларни қабрлар устига қуришади, худди уйга ўхшайди. Мақбара... Қизиқ... бу бизнинг сўзимиз эмас. Бобом билан Хожа Аламбардор мозорига борганимизда, у бир шийпонни кўрсатиб, “Бу Қодирийнинг мақбараси... Улуғ ёзувчимиз...” деб шу ерда ўтириб узоқ тиловат қилиб, фотиҳа ўқиган эдилар. Шунақа бир усти берк мақбарадир-а...” Бола яна саҳифага кўз югуртирди.

“Мен ён томонимдаги мозорот ичига бурилдим-да, бир мақбара ичига кирдим. Қабр ёнидаги текис саҳнга чарм қалқонимни тўшадим, қиличимни қўлимда маҳкам тутган-



ча унга чўзилдим. Кечани шу ерда ўтказиб, тонгда шаҳарга киришга аҳд қилдим. Мақбара ичи ваҳимали, унчалар кўрқоқ бўлмасам ҳам, кўзимга уйқу келмасди. Бирдан қулоғимга енгил шитирлаган товуш эшитилди. Қароқчилар бўлса-я!.. Уларни даф этиш амримаҳол. Бунинг устига кўпчилик бўлиши мумкин. Беркинган жойимдан чиқмай қимирламай ётавердим. Аммо шитирлаган товуш яна такрорланди-да, кўрққанимдан дағ-дағ қалтираб, мақбарадан оҳиста бошимни чиқариб товуш келаётган томонга қарадим. Нарироқда айиққа ўхшаган қандайдир махлуқнинг шарпасини кўзим илғади. Бошимни яна панлага олдим. Шарпа рўпарадаги мақбарага қараб юрди. У ҳар томонга аланглаб қарар, тимирскиланар эди. Ниҳоят, у аланг-жаланг мақбара ичига кирди. Юрагим гурсиллаб урарди. Шарпа мақбарада нима қиларкан деб қизикардим. Шарпа мақбара ичига кириб яна қайтиб чиқди, бу бир неча марта тақрорланди. Кейин шарпа яна мақбара ичида ғойиб бўлди. Сўнг у панжалари билан янги қабрни кавлаётганини пайқадим. Шунда мен бу қабр кавлайдиган ўғри бўлса керак деб ўйладим. Диққат билан қараб, у қабрни қўлларидидаги қўлқопга ўхшаган паншаха билан кавлаб очаётганини англадим. Нима қилишни билмай бирпас қараб турдим. У қабр ичига чуқурроқ тушгач, қўлимга қалқоним ва қиличимни олдим-да, секин рўпарадаги мақбарага кирдим. Махлуқнинг кўзи баногоҳ менга тушгач, чуқурдан қаддини кўтарди ва қўлларини чўзиб юзимга урмоқчи бўлди. Шунда мен унинг қўлига қилич урдим. Қўл узилиб тушди. Махлуқ “Оҳ! Лаънати! Қўлни единг!” деб қичқирди. Чаққонлик билан мақбарадан қочиб чиқди. Инграб қочди. Тез кўздан ғойиб бўлди. Мен орқасидан қоралаб боравердим. Ойдин кеча эди. Шарпанинг ой ёруғида липирлаб бораётганини илғардим...”

Йиртиқ китоб саҳифасига михланган бола бирдан бошини кўтарди ва қафтларига қаради: қизиклар, бўғинлар, тирноқлар, бармоқлар... Ҳаммаси шу қўлга киради, ҳаммаси шу қўлдан чиқади... ҳаммасини қўл қилади... қўл бўлмаса одам қандай овқат ейди, пулни қандай санайди... У қоп-қора кўзларидан ёш

юмалаб тушганини пайқамади. Кўз ўнгида қилич билан узилган қўл тупроққа қоришиб ётарди. У жуда чиройли ва нафис эди. Битта бармоғида олмос узук тонгда чиқадиган юлдуздай ярақларди. Бола “Бу худди “Минг бир кеча”га ўхшайдими?” деб ўйланиб қолди. У бобосининг китоблари орасида Шаҳризод эртақларини ўқиган эди. Анча вақтгача уларга асиру гирифтор бўлиб юрган. Ўзи сезганмиди-йўқми, Шаҳризод уни хаёлчан, кўнгли бўш, кўзи ёшли қилиб қўйганди. Басра, Бағдод, Дамашқ, Ҳалаб тушларига кириб чиқарди. Олис, гўзал бу шаҳарлар сароблар ичида жимирларди. Боланинг онаси эрталаб барвақт ишга кетар, кеч қоронғида қайтар, отаси кўкрагига сув йиғиладиган бўлиб хасталаниб қолган, оғир ишга ярамас, овулнинг этағидаги якка кўрғонда Сарсонбой деган бир киши отаси учун бир туя боқар ва ҳар куни шу туянинг сутини олиб келар эди. Отаси бир коса сутни иккига бўлиб ичарди. Бола отасига турли китоблар ўқиб берарди, онаси ўргатгани бўйича енгил таомлар ҳам пиширарди. Отасининг китоблар ҳақидаги гапларини эшитишни яхши кўрарди. Унинг гаплари китоблардан ҳам қизикроқ туюларди. Бола тўсатдан биров кўлига таёқ билан қарсиллатиб ургандек оғриқ сездди. Бирпас билигини чап қўли билан қаттиқ сиқимлаб ўтирди. “Баъзи мамлакатларда ўғрилиқ қилганларнинг ўнг қўлини кесишган, яна ўғрилиқ қилса чап қўлини ҳам кесишган...” деб ўйлади бола оғриқнинг ўтиб кетишини кутиб. Кейин ялт этиб миясига бир фикр келди: “Кейин у итга ўхшаб овқат еган... – У ўзининг итга ўхшаб тумшуғи билан буйдалаб овқат ейишини тасаввур қилди: – Итга ўхшаб овқат ейиш қийин бўлса керак... Ҳар бир махлуқда жамики одамлар учун ибрат бор... агар анласак...” Бола олти яшар жовиллаб гапирадиган синглиси Каромат дарвоза эшигини қия очиб узоқдан унга қараётганини кўрди. У акасини майин товуши билан аста қақираётган эди. Бола бу ерда анча вақт қолиб кетганини пайқади. У “Ҳози-ир” деб бош ирғади. Аммо қабр ўғрисини таъқиб қилиб бораётган кимса ортидан эргашиб бориш истаги ғойиб чиқди. У китоб саҳифаларини текислай-текислай ўқишда давом этди.

“Мен ой ёруғида қочиб бораётган шарпа ортидан қолмадим. Оёқларим остидан юмронқозиқлар, каламушлар соядай пилдираб ўтарди. Мақбаралардан бойқушлар “хиқ” этиб шувиллаб чўчиб учарди. Шарпа ўзини шаҳар ичига урди, мен уни кўздан қочирмадим. Бир неча тор, айланма кўчадан ўтди. Адашмаслик учун кўчаларга кесак билан белги қўйиб бордим. Ниҳоят, шарпа бир баланд дарвоза олдида тўхтади, уни аста очиб ўзини ичкарига олди, қопқа ичкаридан тамбаланди. Мен дарвозага белги қўйдим. Сўнг ўзим белгилаган кўчалардан ўтиб орқага қайтдим. Мақбарага қиялаган ой нури тушиб турарди. Кесилган қўлни топдим. Уни ташқарига, ой ёруғига олиб чиқиб қарадим. Қўлга темир чангакли қўлқоп – паншаха кийдирилганди. Шарпа шу чангак ёрдамида қабрни кавлаб очганди. Мен бир оз уриниб темир паншахани қўлдан чиқариб олдим. Қўл хина қўйилгандай қип-қизил қон талашганди, бармоқларга бир неча олтин узук тақилган...”

Боланинг ҳайронлиги ортгандан ортарди. Кесилган қўл унинг кўз ўнгидан кетмас, назарида у мақбара ичида худди шамдек осилиб турар ва ўзидан оқиш-кўкимтир нур таратар эди. Назарида бу оқиш-кўкимтир нур дўзах ичига ҳам таралаётгандек ва у ердаги барча гуноҳкорларнинг қинғир-қийшиқ бошлари узра айланаётгандек эди. Бола ўтган йили отаси билан бирга “Дўзах” деган китобни икки кун ўқиган. Дўзахийларнинг турли қисматлари уларни лол қолдирганди. Ўшанда ота-бола, тўғрироғи, отаси “Инсон хулқи яратилишдан олиҳиммат ёки ярамас”, деб ҳукм чиқарган эди. Ўша куюқ ўрмонда шоир Данте арслон, бўри ва қоплонга дуч келган эди. Тўққизинчи ёки ўнинчи асрда бораётган бу йўловчи эса қабр ўғрисига дуч келди. Тўмарис улуғ подшоҳ Кирга “Сен қонга ташна эдинг. Энди тўйгунингча ичавер!” деган экан. Одам ҳеч қачон нимага дуч келишини билмайди-да! Бола дўзах манзараларидан яна сарғайган йиртиқ китоб саҳифаларига бош эгди.

“Унинг қўли жуда чиройли, майин ва дўмбоқ эди. Бунақасини ҳеч қачон кўрмаган

эдим. Жуда кўнглим бузилди. Уни қондан тозалаб, бир увадага ўраб қўйдим. Мақбарада не ҳасратда тонг оттирдим. Қуёш чиқиши билан шаҳарга бордим. Кеча қўйган белгиларимга қарай-қарай дарвозани топдим. Одамлардан бу шаҳар қозисининг дарвозаси эканини билдим. Бу ерда бир талай одам тўпланган эди. Кўп ўтмай ичкаридан салобатли бир мўйсафид чиқди ва ўз ўрнини эгаллади. У намозни йиғилганлар билан бирга адо этди. Сўнг меҳроб яқинидаги жойига ўтириб арз-дод сўрай бошлади. Буни кўриб кеча тунда рўй берган воқеага ажабланишим янада ортди. Шу ердаги кишиларнинг биридан қозининг номини сўрадим; гапдан гап чиқиб қозининг бир аёли ва ёлғиз қизи борлигини билдим. Қабрни айнан қозининг қизи очганига имоним комил бўлди. Кейин пойлаб туриб қозини холи топиб унинг қулоғига шивирладим: “Сизга айтадиган холис бир гапим бор. Илло, сизни худонинг ўзи асрасин”. Қози ўрнидан кўзғалиб мен билан бирга масжидга кирди ва биз кимсасиз хонақоҳда юзма-юз ёлғиз қолдик. У мендан нима гапим борлигини сўради. Унга кесилган қўлни кўрсатдим. “Буни танийсизми?” деб сўрадим. Қози ажабланиб синчиклаб қаради. “Қўлни билмайман. Лекин узуклар менинг маъсума қизимники, – деди. – Ўзи нима гап?” Мен овозимни паст қилиб ўтган кеча бўлган воқеани айтиб бердим. Шундан кейин у мени уйига таклиф қилди. Ичкарига кирганимиздан кейин эшикни маҳкам беркитди. Хизматкорга таом келтиришни буюрди. Кейин хотинини чақирди. Хотини хизматкордан бегона эркакнинг қошига чиқсам бўладими, деб сўратибди. Қози “Албатта чиқсин, биз билан бирга тановул қилсин, бу номаҳрам одам эмас”, деди. Хотини чиқишдан бош тортди. Бироқ қози “Агар чиқмасанг, сени талоқ қиламан”, деди. Шундан кейин хотини кўзлари жиққа ёшга тўлган ҳолда кириб келди. Эрининг оёқ томонига чўк тушди. Қози унга энди қизингни бу ерга чақир, деди. “Эсингизни еб қўйибсиз. Сизни нима жин урди? Аёлингизни бегона киши олдида шармисор қилдингиз. Лекин моҳпора қизингизга бундай юзқоралик қилгани қандай ҳаддингиз сиғади?” деб оёқ тираб туриб олди. Лекин қози “Қизингни чақиртир-

масанг, талоқсан” дегандан сўнг қизни ичкаридан етаклаб чиқишди. Қози унга “Ўтир, биз билан бирга тановул қил”, деди. Қизнинг юзига ҳарир парда тортилган, парда тагидан чехраси ёмби олтиндай товланарди. Шу пайтгача мен бундай паризод қизни кўрмаган эдим. Фақат назаримда юзи саргайгандай кўринди, касалга ўхшарди. Бунинг сабаби кеча тунда рўй берган воқеа бўлса керак. Қиз чап қўлини яшириб, ўнг қўлида андак овқат чимдиди. Шунда отаси унга “Чап қўлингга нима қилди? Кўрсат!” деди. Қизи “Қўлим шишиб кетди. Боғлаб қўйилган”, деди. Қози “Худога қасамки, қўлингни кўрсат”, деб такрорлади. Шунда хотини “Отаси, ўзингизни босинг. Ўзингизни ҳам, қизингизни ҳам шарманда қилманг!” деб ёлворди. Кейин хотини қасам устига қасам ичиб, майли бўлмаса, сизга бор ҳақиқатни айтай деб, куюниб ҳикоя қила бошлади: “Ўтган кечагача мен қизингиздан ҳеч қандай адабсизлик кўрмадим. Лекин кеча ярим кечаси у олдимга кириб, мени уйқудан уйғотди. “Ойи, менга ёрдам беринг, ўлиб қоламан” деди. “Нима бўлди, қизим?” деб ўрнимдан турдим. У қўлим кесилди, деб қонга беланган қўлини кўрсатди. Мен нима қилишимни билмай юзимни тирнаб, юмдалай бошладим. Қизим “Отам билан қўни-қўшнилар олдида мени уятга қўйманг. Менга ёрдам беринг”, деди. “Нима қилишни билмаяпман”, дедим. Қизим “Дарров кунжут ёғини қиздириб қўлимга босинг”, деди. Унинг жароҳатига қиздирилган ёғ босдим-да, кейин маҳкам боғлаб қўйдим. “Менга ҳаммасини бир бошдан сўзлаб бер. Бўлмаса отанга айтаман”, дедим. Олдинига ҳеч унамади. Лекин “отанга айтаман” деганимдан кейин кўнди.

Энди қизингизнинг гапини эшитинг. “Бундан икки йилча илгари, билмадим, қай гўрдан, хаёлимга қабр кавлаш васвасаси тушди. Чўри қизга эчки терисини топиб келишни буюрдим. Иккала қўлимга лойиқ паншаха ясаттиришни тайинладим. Тунда ҳамма ухлагач, ташқарига чиқишни мўлжалладим. Чўри қизга қайтишимни кутиб йўлақда пойлоқчилик қиласан дедим. Кейин эчки терисини ёпиниб, темир паншахаларни олиб йўлга тушдим. Кечаси кимсасиз. Ҳаммаёқ

жимжит. Эчки терини ёпиниб чўккалаб югуриб кетаётганимни биров кўрганда ҳам, ит бўлса керак, деб ўйларди. Мен шаҳар ташқарисидаги тўқай ёнидаги эски мазорга борардим. Бундан олдин шу куни шаҳарда обрўли одамлардан ким қазо қилгани ва қаерга дафн этилганини билиб олардим. Бунинг қийин жойи йўқ эди – уйимиздан одам асло аримасди. Мен янги қабрни топиб уни кавлаб очардим. Мурданинг кафан анжомларини ечиб олардим. Ҳаммасини эчки териси остига беркитиб, яна ҳақкалаб уйга қайтиб келардим. Очиқ қолдирилган эшикдан кириб ичкарига ўтардим-да, буларнинг ҳаммасини яшириб қўй деб чўрига топширдим. Шундай қилиб юриб, уч юзтага яқин кафанлик йиғиб қўйдим. Лекин уларни нима қилишни билмасдим. Кафанликларни ечиб олаётганда ўзимни ҳозир жоним чиқиб кетадигандек сезардим. Мен нега шундайлиги, нима ёмон балога гирифтор бўлганимни тушунмас, англамас эдим. Охири мана шу жазога – худонинг ғазабига дучор бўлдим. Ўтган кеча мазорга бориб аллакимга дуч келдим. У қабрни кўриқлаб ўтирган эканми, билмадим. Устимга бостириб келди. Уни уриб қочиб кетмоқчи эдим, қиличи билан қўлимга урди, қўлим кесилди. Мен жон аччиғида қочдим. У қувиб келди. Мен...” Унинг ҳикояси шу ерга келганда онаси бирдан оҳ тортиб юборди. “Оҳ! Нима балолар қилиб қўйдинг, қизим. Энди ўзингни худди қўлинг шишиб кетгандек қилиб кўрсатгин. Бир оз вақт ўтгандан кейин отанга қўлингга ёмон яра чиқди деб айтармиз. Қўлини кесишга тўғри келади, бўлмаса заҳар бутун баданига тарқаб қизимиздан айрилиб қоламиз, дермиз. Шояд отанг рози бўлса. Ўзингни худди табиб қўлингни кесгандек тутгайсан. Кошки шу билан ёпиғлиқ қозон ёпиқлиғича қолса. Бошқа иложи йўқ”. Гапни шундай бир жойга қўйдик. Қизимизга бундан буёғига астойдил тавба қилгин, деб уқтирдим. Гуноҳни тавба ювади. Қизимиз бошқа ҳеч қачон бундай қилмайман, деб қаттиқ пушаймон бўлди. Чўри қизни зудлик билан сотиб юбордим. Қизимизни ёнимдан бир қадам нари жилдирмадим. Мана, яширин воқеа ошкор бўлди. Сиз бизни шармандаи шармисор қилдингиз!” Қози қизидан сўради:

“Сен нима дейсан?” “Онамнинг ҳамма гапи рост, – деди қизи ер чизиб йиғлаб. – Сизга қасам ичиб айтаманки, бошқа ҳеч қачон бундай қилмайман!” Қози “Сенинг қўлингни кесган мана шу киши бўлади!” деди мени кўрсатиб. Бунга эшитиб қиз бечоранинг жони чиқиб кетгандек бўлди.

Кейин қози мендан сўради: “Сен қаерлик бўласан?” Мен Ироқдан келганимни айтдим. “Бу ерда нималар қилиб юрибсан?” “Тирикчилик дардида иш қидириб юрибман”. Қози деди: “Давлатимиз ўзимизга етарли. Сенга тирикчилик учун имкон яратиш қўлимиздан келади. Оллоҳнинг паноҳига сиғинган одамлармиз. Бизни худонинг қаҳру ғазабига дучор қилма. Шаръий асосда мол-мулкимизга ўзинг эгалик қил. Қодир Оллоҳга қасамки, мен исматдаги қизимизнинг қилғиликларидан хабарсизман. Сени шу қизимга никоҳлаб қўйсам, нима дейсан? Бор давлатим сеники бўлсин. Хоҳлаганингча кун кечир. Ёш бошингни йўқчиликлардан қутқар. Биз билан бирга худди ўғлимиздек яшайвер. Розимисан шунга?”

Қози мунгайиб мендан жавоб кутарди. Мен сўққабош йигит нима дердим. Розига бўлдим. Қози дастурхонни йиғиштириб олишни буюрди.

Мени масжидга олиб чиқди. Тумонот одам йиғилганди. Қози имомликка ўтди. Пешин намози адо этилди. Сўнг қози хутба ўқиди. Кейин жамоатга қарата: “Мен исматдаги қизимни манави ироқлик сарбоз йигитга никоҳлаб қўймоқчиман”, деди. Одамлар қозининг сўзини гуруллаб маъқуллашди. Шундан сўнг у Қуръон тиловат қилди. Менинг розилигимни олгач, никоҳ ўқиди. Ҳамма “омин” деб юзига фотиҳа тортди.

Биз уйга қайтдик. Чоғроққина зиёфат бўлди. Асраб юрган охири тангаларимни ҳадяларга сарф қилдим.

Мен бу париваш қизни жонимдан ҳам яхши кўриб қолдим. Унинг ёнига кирганимда бу фоний вужудим сел бўлди. Ўзимни жаннат боғига киргандай сездим. Аммо қиз мендан нечукдир ўзини тортар ва нафратлар эди. Эркалашларим ёқмасди. Барибир қандай бўлмасин, унинг кўнглини олишга уринардим. Кесилган қўлига юзимни босиб

қайноқ кўзёшларимни тўқардим. Аммо қанча ялиниб-ёлвормай уни сира ўзимга мойил қилолмасдим. Бир қанча ойлар шул ҳасратда ўтди...”

Ҳикоя шу ерга келганда бола тўнкарилган челак устида ўтирилмай қолди. Воқеалар рости билан уни боядан бери қаттиқ безовта қила бошлаганди. Боядан бери яшиқ тепасига қанча одам келди, қанча елим халталар унинг ичига улоқтирилди. Ҳеч кимнинг бу жингалаксоч йигитча билан иши бўлмади. Китобнинг сарғайган варақлари эса ҳали-вери тугамасди. Қуёш азалий йўлида уфққа бота бормоқда эди. Боланинг синглиси яна дарвоза эшигини очиб “акаа-а” деб чақирди. Овози най сасига ўхшарди. Бола синглисини тинчлантириш учун “ҳози-ир” деб қўйди. Отасига овқат бериш вақти яқинлашганини эслади. “Ҳозир бораман”, деб ўйларди-ю, китобдан кўнгил узолмасди. Биладики, уйга боргач бошқа ишларга чалғиб кетади. Кейин қачон бу китобни қўлига олади. “Яхшиси, шу ерда ўқиб қўяқолай”.

У ҳикоядаги зодагон қизнинг мақсадини ҳеч англаб етолмаётган эди. Ҳайрати тобора ортарди: Бу чиройли қиз нега бундай?! Отанасига раҳми келмайдими? Нима қилади у кафанликларни? Ўликларга қандай қарайди? Бунга уни нима мажбур қиляпти? Нима ундаяпти? Ё чиройли бўлса ҳам эс-хушини йўқотганми?

Ўликларни талаш оғир гуноҳ бўлса керак. Жанг майдонларида ўлганларнинг нарсаларини талаганлар шу ернинг ўзидаёқ отиб ташланган деб ўқиганман. Баъзи одамлар тириклардан кўра ўликларни яхши кўрармиш. Шунга ишониш мумкинми? Одамнинг ҳеч ақли етмайди-да шунақа гапларга... Бола яна отасининг овқатланадиган пайти яқинлашаётганини эслади... Яна жиндай ўқий, жиндай... жуда қизиқ жойи... кейин ҳамширалар келишади, отамнинг кўкрагига йиғилиб қолган сувни шланг билан тортиб олишади... Отамнинг кўкрагидан тортиб олинган сувни яхши кўриш мумкинми? Нега унда қозининг қизи ўликларнинг либослари, кафанларига ишқивоз, нима бор бу нарсаларда? Билмайман. Ақлим

етмайди. Аммо қози қизининг сарбоз йигитдан жирканиши, уни ёмон кўриши ҳам жуда қизиқ, а? Эски замонларда, одамлар кўп ўладиган, тирикчилик талончиликларга қараб қолган вақтларда балким шундай бўлганмикан? Бу ҳикояни отамга ҳам ўқиб бераман, у нима деркан? Отам ҳамма нарсани биладилар. Физиканинг ўзбекчасини ёзганлар. Химиклар билан физиклар ҳаётни яхши билади, дейдилар отам, чунки улар дунё қандай қурилгани ва инсон тана аъзоларининг хусусиятларидан яхши хабардор экан... Буни билган одам касал бўлиши мумкин эмас. Сен ҳам имконинг қадр химияни яхшилаб ўргангин, деб тайинлайдилар... Мен эсам журналист бўлгим, дунёнинг энг қизиқ гапларини топиб ёзгим келади... Журналистлар одамлар ҳаётдан олиб ёзишаркан... Яхши-да... одамлар ҳаёти... Мана шу қозининг қизи ҳам журналистларга ўхшайди... ҳеч ким қизиқмаган, ақл етмаган нарсаларга қизиқади. Қозининг уйига одамлар кўп келади. У одамлардан ҳар турли васваса гап, олди-қочдиларни ҳам кўп эшитган бўлса керак. Ойим қизларнинг қулоқлари динг... дейдилар. Билмайман, тушунолмадим бу гапни... Эчки терисини ёпиниб кечаси қабр қазиш қаердан келиб қолган бу чиройли қизнинг хаёлига... Бир гап бор... Балки кўрқинчли эртактлардан ўқигандир? Романларда ҳам қабрларда ётиб қоладиган, қабрларни тинглайдиган одамларни ёзишган. Нимани тинглашаркан? Қизиқ... Қизиқ... Жуда қизиқ...” Ер юзида қизиқ нарсаларнинг кўплиги бола хаёлини тўлқинлантириб юборди. У ҳикоя ҳали-вери тугамаса уйга олиб кетиб ўқимоқчи бўлди. Қанча қолдйкан деб китобнинг кейинги варақларини очди. Ҳикоя кейинги саҳифанинг ярмида тугаган экан. Ўқиб кўяман, тугаб қолибди-ку, деб ўйлади у. Қозининг қизи билан сарбоз йигитга нима бўлди? Бола негадир ўрнидан турди. Шимининг почасига илинган хашакни қоқди. Яна тўнкарилган пачоқ челақка ўтирди.

“...Шундай қилиб, бир неча ой ўтди, – деб ҳикоя қиларди сарбоз. – Бир куни иссиқда тўшақда узала тушиб ухлаб ётардим. Бирдан кўкрагимни оғир бир нарса босгандай бўлиб,

нафасим тиқилиб кўзимни очдим. Шунда қиз бир оёғи билан кўкрагимдан босиб ўтирганини кўрдим. Иккинчи тиззаси билан қўлимни босиб олганди. Унинг қўлида дами ўткир устара йилтирарди. Устара энгагимга тиралганди. Афтидан, у бўғзимга устарани тортиб юбормоқчи бўлиб чоғланди. Кўзимни очганимни кўргач, саросимага тушиб қолди. Ўзимни эҳтиёткорлик билан бўшатмоқчи бўлдим. Аммо қиз мени қаттиқ босиб ўтирарди. Қаттиқ ҳаракат қилсам, у устарани жон ҳолатда бўйнимга тортиб юборади, деб ўйладим. Шунинг учун қимирламай ётдим-да, секин унга дедим: “Нима қиляпсан? Бир нарса де... Кейин билганингни қил. Бунинг сенга нима кераги бор?”

Қизнинг овози зўрға чиқди: “Наҳотки сен менинг қўлимни кесиб, шарманда қилиб, бунинг устига менга уйланиб, яна осонгина қутулиб кетмоқчисан? Худо ҳаққи, қасам ичманки, мен бунга асло йўл қўймайман”.

“Қулоқ сол. Сен мени бўғизлашга улгурмадинг. Аммо яна бирон жароҳат етказиш қўлингдан келади. Мен ҳам сени ҳозир устимдан ағдариб ташлашим мумкин. Ёки бу ердан чиқиб одамларга қилмишларингни ошкор қилиш қўлимдан келади. Жиноятларинг очилса, ҳамма сендан, оилангдан юз ўгиради. Сени муқаррар ўлим жазоси кутади”, дедим мен ётиғи билан.

Қиз гапларимни эшитиб, аммо важоҳати ўзгармай, шундай деди: “Билганингни қил. Фақат сени ўлдирмасдан қўймайман. Бошқа чорам йўқ”.

Мен унинг қўлидан қутулиб чиқолмаслигим ва энди албатта ўлишимни билдим. Шунинг учун дарҳол муғамбирлик йўлига ўтдим. “Бошқа бир чора қилсак бўлмайми?” дедим унга.

“Нима демоқчисан?” деди у. Мен қалтирогимни босдим. Иложи борича овозимни титратмай дедим: “Мен сен билан дарҳол ажрашаман. Мендан бутунлай қутуласан. Бу шаҳардан бош олиб кетаман. Кейин ҳеч қачон учрашмаймиз. Қилмишларингдан бирон кимса хабар топмайди. Сўнг ўзинг хоҳлаганга турмушга чиқасан. Касал қўлимни катта табиблар кесиб ташлаган дейсан. Сиринг ҳеч қачон очилмайди”.

Киз ишонқирамай сўради: “Бу шаҳардан кетишга, ҳеч қачон сиримни очмасликка ваъда берасанми?”

Мен энг оғир қасамни ичдим. Шунда у мени чангалидан бўшатиб, қочиб чиқиб кетди. Уни ушлаб олиб, қўл-оёғини боғлаб қўйишимдан кўрқди шекилли. Устарани бир чеккага улоқтириб юборди.

Кейин у қайтиб келди ва буларнинг бари-ни ҳазилга бургандай бўлди.

Лекин мен бундай дедим: “Энди сенга қўл теккизишга ҳақим йўқ. Мен эрта билан бу ердан батамом жўнаб кетаман”.

Киз деди: “Сен ҳақиқатан шундай қилмоқчисан шекилли? Оллоҳга қасамки, агар шундай қилмасанг, жонинг омон қолмасди”. Кейин у ўрнидан турди-да, менга ақча тўла ҳамён берди.

“Мана сенга юз динар. Ҳожатингга яратарсан. Менга талоқ хатини ёзиб берсанг, бас. Сотқинлик қилма. Бошқа ҳеч қачон қорангни кўрсатма”.

Эртасига тонг отмай жўнаб кетдим. Отасига қизи билан шаръий ажрашганимни ёзиб хат қолдирдим. Мана, ҳамон яшаб юрибман. Уларни бошқа ҳеч қачон учратмадим”.

Бола сўнги нуқтага келганда беҳосдан оҳ тортиб юборди. Ўрнидан туриб кетди. Кейин негадир ниманидир қидиргандай саҳифа тагида кичкина қилиб ёзилган, ҳарфлари униқиб ўчаёзган изоҳга кўзи тушди. “Танухий. Х аср. Араб адабиёти” деган сўзларни ўқиб узоқ ўйланиб турди. У бундай муаллифни эшитганми, йўқми, эслашга уринди чоғи. “Э-Э... Номи йўқ десам... номи бу ёқда экан... Танухий! Йўқ! Бундай муаллифни эшитмаганман. Отамдан сўрайман”.

Боланинг диққатини изоҳнинг давоми тортди. Кеч қоронғисида уни кўзларини катта-катта очиб ўқиди.

“Милодий 940-йилларда Ироқ ва Ҳузистон сингари ўлкаларда қисқа бир муддат бувайхийлар деган сулола подшоҳлик қилди. Кунлардан бир кун катта карвон йўли ёқасидаги Манозир ва Қарочур деган гавжум қишлоқлар орасидаги азим бир сайҳонда қуёш ботиб бораётган чоғда икки қардош шаҳзода-

нинг икки юз-уч юз кишилиқ лашкари ўртасида кутилмаган қаттиқ жанг бўлди. Жангчилар бари отлиқлар эди. Қиличбозлик, найзабозликда кўп одам қирилди. Сайҳонлик қон балчиғига айланди. Аммо жуда тез қоронғи тушди. Ким енгди, ким енгилди – билиб бўлмади. Жанг қандай шиддат-ла бошланган бўлса шундай шиддат ва ақл бовар қилмас сурон билан тугади. Бурғуларнинг ваҳимали садолари остида бир гала отлиқлар Қарочур томонга, иккинчи гала эса Манозил ёққа дўпирдўпир от солдилар. Ҳар икки қўшин ҳам бу қишлоқларда тўхтамади. Чанг-тўзон ичида кўздан ғойиб бўлди.

Қишлоқ одамлари худди ер остига кириб кетгандай эдилар. Бирдан жуда ваҳимали жимлик чўқди. Тун бўйи бу сукунатни тик этган товуш бузмади. Фақат тонг қоронғисида ҳали қорайиб, тумтайиб турган улкан кўрғон ичидаги ғарам бостирилган болохонадан узун бўйли бир йигит тап этиб ўзини пастга ташлади. У узун қалин матодан кўйлак-иштон кийган, сочи патила бўлиб елкасига тушган бошида қавиқ чўққи кулоҳ – олазарак бўлиб қишлоққа кўз югуртирди-да, сўқмоқлар оша сайҳон томонга югуриб кетди. Жанг майдони ҳувиллаб ётарди. У ер-бу ерларда ўлган сарбозлар, отлар, қурол-яроқлар, қалқонлар дўмпайиб кўринарди. Йигитчанинг кўксидан беихтиёр бир инграган нидо отилиб чиқди. У жанг майдони ичкарасига кирмади. Чекка ёқалаб юрди. Майдондан кўзларини узмади. Сайҳон жуда катта ва атрофи майда буталар ва тўқай билан ўралган эди. Майдон ёқалаб туртиниб-суртиниб бораркан, йигитча бир чуқур олдидан чиқди. Чуқурда башанг кийинган жуда ёш бир йигит мук тушиб ётарди. Ёнида туғдор темир қалпоқчаси, кўкси қалин қизил чарм қалқон билан қопланган. Унинг оёқларида қўнжи баланд янги қизил этик ярақларди. Бундай этикларни Қофқоз томонларда зўр усталар тикишади, деб ўйлади буни кузатиб турган йигитча. Унинг қизил этикка жуда ҳаваси келди. Юраги ширин ҳаприқди. Нарироқда ёввойи сариқ тол дарахти олдида ингичка қора арабий от кулоқларини дикрайтириб, кўзларини ола-кула қилиб унга ваҳший қараш қилаётганини кўрди. Йигитча ухлаб юборди. Шу от томон

аста юрди. От хуркиб турган эса-да, қочмади. Йигитча унинг ерда судралган жиловини тутди. Лекин шу заҳоти яна улоқтириб юборди. “Буни қидириб келурлар! Албатта, келурлар тез орада! Ўлтурмагали қўймаслар! Кет! Тезроқ кет бу ердан!” деди у ўзига ўзи. Бу сўзларни унинг қулоқларига кимдир юқоридан шипшиётгандай эди. У отдан тез узоқлашиб, яна чуқурда ётган йигитнинг жасади тепасига борди. Яна бир зум қараб турди. Юраги таҳликали гурсиллаб урди. Сўнг чуқурга тушди-да, чўққайиб ўтириб, оёқларини ўликнинг човига тираб қизил этикларини бирма-бир тортиб ечиб олди. Унга бир оз қон сачраган, аммо янги ва тоза эди. Йигитча этикни буқлаб қавиқ нимчаси ичига урди. Этикни ечиб олгач, у майит оёғидаги янги рангдор гилам пайпоқларга кўзи тушиб, бирпас анграйиб қараб қолди. Уларни ҳам ечиб олгиси келиб чўққайди, қўл чўзди. Шу ондаёқ бармоқларига найза санчилгандай қаттиқ санчиқ сизди ва беихтиёр қўлини дарҳол тортди, кафтига мих қоқилгандай оғриди. Уни ваҳима босди. Бошқа ҳеч нарсага чалғимай, қандай келган бўлса шундай қишлоққа шошилди. Сал ўтмай унинг қулоқлари узоқлардан бир маромда келаётган отларнинг худди момақалдироқдан олдин бўладигандай гулдирашини элас-элас илғади. У энди жуда тез югуриб қишлоқ сари илгарилади. Қўрғонига ҳаллослаб етиб борганида отлар сурони катта йўл томондан эшитилди. У апил-тапил ўзини қўрғон ичига урди ва югуриб болохонага чиқиб, қалин хашак ғарами ичига кириб кетди. Бир озгача сурон эшитилиб турди. Йигит нафасини ростлаб ғарамнинг орқа томонида қимирламай ўтирди. Қизил шоҳона этикни қўйнидан олиб эски латта-путталарга яхшилаб ўради-да, синч девор тагига яширди. Эртасига у ҳар ёққа аланг-жаланг қилиб, аста пастга сирғалиб тушди. Қумғондаги сувга бет-қўлини юваётганда чап кафтининг усти оғриётганини сизди ва унда майиздек қора доғ пайдо бўлганини кўрди. У ҳали билмасди: ияги остига ҳам худди шунга ўхшаш қора доғ тушган эди. Қўлларини қумтош билан узоқ ишқалаб ювди. Аммо доғ кетмади. Шу-шу, у ўзидан ўзи мутанаффир бўлди. Энди қўлни

ҳеч кимга узатмас, чопонининг узун енгидан асло чиқармас, кўришгали зарурат туғилганда, енг ичидаги қўлини кўксига қўйиб, эгилиб таъзим-тавозе қилиб омонлашар эди. У ўзини ниҳоятда озода тутар, қозихонада ҳам давот-қаламларини ҳеч кимсага ишонмас, доим уларни Миср сиёҳи билан бирга кулф-калитли қутида сақлар, ўзи олар, ўзи йиғиштирар эди. Кейин Бағдод мадрасаларида таҳсил олди. Мадрасани такмил қилган йили қизил этикни бир марта кийди. Унга жуда ярашди. Аммо кичиклик қилиб, оёғини қисди. Сўнг яна яхшилаб ўраб талабалик қутисининг тагига ташлаб қўйди. Вилоят ҳокими уни қозилик лавозимига тайинлаган йили Бағдоднинг энг катта бозоридан худди шундай кўнжи баланд қизил этик сотиб олиб кийди. Қизил этикни жуда ёқтирар, ер-кўкка ишонмас эди. Қозилик қила бошлаганидан бир йилча вақт ўтгач, уни узоқ қариндошлари – табаристонлик қозининг нозик-ниҳол қизига уйлаб қўйишди. У тўйдан сўнг икки ҳафталардан ортиқ тортиниб, тараддулланиб юрди. Аёлига яқинлашмади. Аёли ҳар куни юм-юм йиғларди. Охири унга юраги ачишди. Бир куни авратини юпқа дока мато билан маҳкамлаб ўраб тагидан боғлади-да, аёлига қўшилди. Аллақанча кунлар димоғида қолган қон исидан озурда бўлиб юрди. Тортиниш унда одат тусига кирди. Аммо эл орасида “Одил қози” деб ном чиқарди. Одамлар унинг озодалигига ҳайратланишарди...

...Ўшанда қайтиб келган лашкар қишлоқ аҳолисини жанг майдонига ҳайдаб олиб кетди. Тўқай орасидан жой очиб, чуқурлар қаздириб жанг майдонидаги барча ўликларни кўмдирдилар. Фақат ўлиги чуқур ичида ётган ёш шаҳзоданинг жасадини тўрт ғилдиракли, тўрт от кўшилган, усти қалин матолар ва қалин кигизлар билан ёпилган, ичига қалин гиламлар тўшалган аравада вилоят марказига олиб жўнадилар. Арава ёнида шаҳзоданинг безатилган ингичка арабий қора оти бошини тик тутиб борар, дам-бадам тумшуқларини кериб ҳаприқиб пишқирар, унинг тим қора кўзлари жиягида ёш оқавериб худди мумдай қотиб қолган, атрофда бораётган етмиш чоғли мулозим шаҳзодани тунда жанг майдонидан тополмай кетиб қолганлари учун

хўнграб йиғлашар эди. “Бегим!” деб баравар уввос тортган эр йигитлар йиғисидан еру осмон титрарди.

Мулозимлар ўндан ортиқ сарбозни қишлоқда баъзи юмушларни адо этиш учун қолдирди. Сарбозлар дарҳол қишлоқ кўрғонларига бирма-бир кириб чиқишди, нималарнидир суриштиришди, тинтув қилишди. Аммо қидирганлари топилмади. Кейин қишлоқ оқсоқоли турадиган кўрғон олдидаги майдончага ўндан ортиқ эшак ва эчкиларни ҳайдаб келишди. Барчасини бўғизлашди. Сўнг отларига миниб катта йўлда тўзондай ғойиб бўлишди.

Ўша жанг майдонида тонг қоронғисида бўлган йигитча ҳикоямиздан ўқувчига таниш мана шу қози эди. У катта ҳовли-жойлар қурди. Ёлғиз бир қиз фарзандли бўлди. Қози эл-юртда Манозил деб шуҳрат топди. Жанг майдонидан олиб чиққан, ёш шахзода оёғидан ечиб олинган шоҳона қизил этикни ҳамон сандиғида энг қимматли ёдгорлик каби сақлайди. Бу этикни ўзидан бошқа ҳеч ким кўрган эмас”.

...Бола китобни отамга ўқиб бераман, деб аҳд қилиб уйга олиб кетди. Кеч оқшом отасига эски китобни кўрсатди. У бу китобни эс-эс танигандай бўлди. “Бунни мендан бир вақтлар физик дўстим Абдулаҳад Маҳмуд сўраб олган эди. Ҳатто уни таржима қилмоқчи бўлиб юрарди. Аммо умр вафо қилмади... Лекин... ўғлим, китоб сизнинг қўлингизга қандай тушиб қолди?” Ўғли воқеани ҳикоя қилиб бергач, “ҳа-а...” деб қўйди яна нималарнидир эслагандай. Бола “Ота, битта ҳикоясини сизга ўқиб берай. Жуда қизиқ экан... Кейин сиздан сўраб олмоқчи эдим... Майлими?” деди ялингансимон. Дори-дармонларни ичиб бир оз енгил тортиб турган ота таъсирчан ўғлининг раъйини қайтаргиси келмади. Бунинг устига, ўзи ҳам қизиқиб қолган эди.

Бола ҳикояни ўқиб бергач, ота узоқ сукутга толди. Сўнг ўлига тушунарлироқ тилда бундай деди: “Қозининг ҳўв ёшлигидаги гуноҳи унинг қисматиға ёмон муҳр бўлиб босилган. Гўзал қизининг толеига ҳам нуқсини урган. Қиз бечорада қон айнаган. Қон айна-

ганда киши руҳиятида ўзгаришлар рўй беради. Кимёгарлар бунни жуда яхши билишади... Қиз денгизларда кўп саёҳат қилса тузалиб кетарди. Умуман, у кўп саёҳат қилиши керак эди... Ўғлим, сенинг яхши кимёгар бўлишингни орзу қиламан”, деб қўйди кейин нимтабассум билан. Ўғли эски китобнинг саргайган саҳифаларини қўли билан текислаганча хаёл оғушига ботиб ўтирарди. Қисмат сандиғида бизга аталган нимаси бор ҳаётнинг? Нега келиб-келиб шундоқ отасининг кўкраги оғрийди, нега сув йиғилади, қаердан келади бу сув? Бола билмайди, боши қотади. Элас-элас бир нималарни эслайди; отаси болалигида кўп ғам-алам чекканмикан? Унинг отасини – менинг бобомни “миллатчи” деб қамашган экан. Шунинг учун ўғлини ҳам кўп камситишган, ўқишлардан ҳайдашган, қаҳри қаттиқ узоқ ерларга жўнатишган... Кўп азоб чеккан одам касалванд бўлиб қолади-да, деб бир фикрга келгандай бўлди бола. У кечки пайтлар онасининг ишдан қайтишини кутиб бирпас телевизор кўради, ҳаммаёқда сув тошқини, ҳаммаёқда оломон: тош отган, олов ёққан, бола ва қоп орқалаган, тўсиқлардан ошаётган, денгизларда чўкаётган, қулаган самолётларда йўқ бўлиб кетаётган оломон: Сан-Паулу дейдими, Каракас дейдими, Пальмира, Филиппин... Оломон тинмайди, қайгадир юради, югуради, ҳайқиради, полициялар сув отади. Юз минглаб, юз миллионлаб моторлар... одамларнинг ўрнини эгаллаётган моторлар. Бола юрагини ушлаб ўрnidан туриб кетди: “Энди кўрмайман шу телевизор деган балойи офатни...” Бошига икки қатор ғалати гап келди:

*“Моторлар бирдан гуриллайди,
Оломон бирдан йўлга тушади...”*

Бола кўксиде пайдо бўлган оғриқли сўзларни пичирлаб айтади. Унга “оломон”, “гуриллайди” деган сўзлар нечукдир ёқади. Ўзи ҳам йўлга тушаётгандек бўлади. Шундай деб турганида дарвоза олдиға келган машина моторининг бир гуриллаб ўчгани, сигнал товуши эшитилади. “Онам келди...” Бола апил-тапил дарвозахонаға қараб чопади. Эшик ҳовли ичкарисига қараб очилади. Бола кимёгар бўлишға улгурармикан?

Нодир ЖОНУЗОҚ



Кўзгу sinig'larì

ЧОРА

Кўзгу синиқлари сочилиб ётар...
 Сочилиб ётибди ерпарчин аксим.
 Ўзимни йигсам, бас – бут бўлар ойна!

ОЙ

Милярд йилдан буён ётар ярақлаб,
 Ҳеч ким чўнтагига солиб кетмайди –
 Қадрини йўқотган мис танга каби...

НАВБАТЧИ

Ҳар тонг бир тарафдан чиқади,
 Ботади ҳар шом бир томонга –
 Марҳумларни сўнги йўлга кузатиб,
 Кутиб олар янги чақалоқларни.
 Ҳар кун янгилайди рўйхатин Кўёш...

НОЁБ ҚОБИЛИЯТ

“Мен сизни танийман,
 Яхши биламан...”
 Илк бора дуч келиб шундай деди у –
 Ҳолбуки, қирқ йилдан буён кузатиб,
 То ҳануз билмайман –
 Мен ўзи кимман?

АНДИША

Синиқ жилмаяди – ҳолбуки бахтли:
 Тилиб кетмасин дер тигдор табассум
 Бирорта бахтсизнинг нозик дилини...

АЙТИНГ...

Сизга нима ёмонлик қилдим,
 Не яхшилик қилмадим сизга –
 Шеър ўқиб, сўнг мақтов кутасиз?!

МАСЛАҲАТ

Либосинг ранг-баранг, қатма-қат бўлсин,
Гулдор бўйинбоғни боғлагил маҳкам –
Кўриниб қолмасин шоир юрагинг...

ТААССУФ

Кўнгил деразасин ка-а-тта очгандим,
Қалдирғоч, каптарлар ин қурсин дея,
Эгаллаб олишди бир тўда қарга...

ТАКЛИФ

Хавасингиз келар...
Алмашайлик, хўп:
Сиз менга покиза қалбингиз беринг,
Мен эса униққан шуҳрат тўнини...

“ОҚ ЙЎЛ”

“Манзилинг ойдин-у, йўлинг оқ бўлсин,
Асқатар...” –
Оқкўнгил ўсмир қўлига
Тутамиз қоп-қора, қурумли косов...

ЎТИНЧ

Тилимнинг учида турар хавфли сўз,
Тишни тишга босиб, турибман аранг,
Мувозанатимни бузманг, илтимос,
Чайқалсам, оғзимдан чиқиб кетар у –
Ва портлаб йўқ этар бор тинчингизни...

КАЛОНДИМОҒ

Бехосдан қоқилиб тушди у,
Тош эмас,
Тўсиқмас –
Ўйдайдиган соясига суриниб...

НОҚУЛАЙ ПАЙТ

Соясига салом бермоқчи бўлиб,
Шошиб келган эди Ога ёнига,
Кўёшининг юзини булут тўсди-ку...



СОЯЛАР

Хамроҳ бўлай десам, бош чайқади у,
Ерга имо қилиб, соям бўл, деди –
Ғуж-ғуж соялари талашарди жой...

ЙЎЛ ҚОИДАСИ

Умр чизигимиз тортилган аниқ,
Чайқалмасдан тўғри юрсак бас, шунда
Тўқнашиб кетмаймиз бошқаларга ҳеч...

ДЎКОНДОР

Юлдузларни бир-бир санаб Улуғбек
Осмон жадвалини тузган шу жойда
Пул санаб, қозоғза белги қўяр у...

КЎЗБОЙЛОҒИЧ

Газетани шундоқ силкитган эди,
Оёғи остига тўкилди ҳарфлар –
Бўм-бўш саҳифани ўқиди яйраб...

УМИД

Гарчи ўз баҳосин билса-да одам,
Термулиб қарайди қорақўзларга:
“Балки кўтарарми нархимни пича...”

ТАРОЗИБОН

Бунча тарозига солдинг ўзингни,
Қанча тош босасан – олдиндан маълум,
Тарозини бўшат бошқаларга ҳам...

ҲУШЁРЛИК

Танқид қилиш қийин одамни, тўғри,
Гоҳида мақташдан олдин ҳам лекин,
Аланглаб қараймиз атрофимизга...

ПИЁЛА

Энг Олий Маъводан нур томиб турар
Зулумот қуршаган Одам руҳига.
Кўнгил – тўлмайдиган улкан пиёла...



КОСА

“Сабр косам тўлди роса”, дейсанми?!
Қирққа қирмай тўлган бўлса, бу коса
Жудаям, жудаям кичик экан-да...

КУРАШ

Курашга чорлайсиз қўлни силкитиб,
Сизни енгмоққа йўл бўлсин, биродар,
Ўзимни енголмай ҳалакман-ку мен...

ҚИДИРУВ

Шаҳарга илк бора келган чол-кампир
Ўглини қидириб топди-ю, аммо
Кўнглини тополмай қайтиб кетишди...

ТҮНКА

Тўнкага мук тушиб ўтирарди жим,
Кимдир ҳиринглади: “Тўнкага қаранг!”
Тўнка титраб кетди – қилт этмади у...

ДЕВОР

Ўртамизда пайдо бўлди бир девор,
Хитой деворидан баланд, энлироқ –
Маломат тошидан тикладик уни...

АЁЗ

Қора совуқ дейсан,
Қаери қора?!
Тобора оқариб бормоқда борлиқ,
Ёки оқ кийганми чалгитмоқ учун?

БАҲОР

Дераза рахида турган тувакгул
Ўзин ерга отиб чилпарчин бўлди –
Маст эди гулларнинг ифоридан, оҳ...

ТУШУНТИРИШ

Азиз қофиялар –
Сўз безаклари,
Мендан хафа бўлманг, омма олдига
Чиқиб кўрай дедим ясан-тусансиз...





“Мисбанд Венера”нинг эвараси

Аёл қавмининг мақр-ҳийласи олдида манаман деган эркак ҳам ип эшфлмай қолади. Не-не таърифларга ноил кўриладиган аҳли зебонинг гоҳо жодугар, ёсуман, илон дея “сийланиши”га-да айнан шу жиҳати сабаб. Тарих ғилдирагини батамом тескари буриб юборган ёки бутун бошли давлатлару ҳокими мутлақларни измига солиб, йўриғига юргизган клеопатраю аспазияларнинг ворислари бугун, сизу бизнинг замонамизда йўқ деб ўйлайсизми? Бўлганда қандоқ! Хўш, ким ўзи улар? Кўнглида нима бору нени кўзлайди? Бошқа дугоналари қатори тинчгина уй-рўзғорига боқиб ўтирса бўлмайдими? Йўқ-да! Яратган эгам шундоқ ноёб зеҳну истеъдод бериб қўйгач, нега ундан фойдаланмасин?! Бас, ўзгаларга ўхшаб жўнгина яшаб ўтиш унга ҳайф! Унинг тақдири аъмоли – мудом жамияту жамоат диққат марказида бўлиш, барчани ўзига мафтун этиш! Қай йўл билан бўлмасин!

Биз ҳикоя қилмоққа азм этган аёл айни тоифага мансуб; умри шу қадар сир-жумбоқларга тўлиб-тошганки, дунёдан ўтганига салкам ярим аср бўлганига қарамай, унинг кечмиш-кечирмишларига қизиққан тадқиқот-

чилар хануз ҳақиқатнинг тагига етолмай доғда. Бу хил аёллар насл-насабидан тортиб бутун ҳаётию кундалик турмушига қадар шундай афсонаю уйдирмаларга ўраб ташлайдики, нимаси рости нимаси ёлғонлигини ажратолмай бошингиз қотади. Чин ҳақиқатдан бохабарлар эса негадир унинг чўпчакларини инкор этишга журъат қилолмайди, оғиз очиб кўрсин-чи, ўзи нақд товламачига чиқади-қўяди. Ажабки, бора-бора ўша маккора аслида ўзи ўйлаб топгану бошқалар кўшиб-чатган мишмишларга ўзи ҳам ишониб қолади.

Танишиб кўйинг, икки карра уст-устига графиня (уйдирма), баронесса (буниси ҳақиқат), иккими-уч давлатнинг махфий айғоқчиси (бу ҳам жумбоқ), дунё тан олган икки донгдор



ёзувчининг норасмий рафиқаси ва ниҳоят, саргузаштлари қилни қирқ ёрган жосус Бондга дохил фильмларга асос бўлган инглиз дипломатининг маъшуқаси – Мария Закревская-Бенкендорф-Будберг! Расман икки бора турмуш қурган, қўша-қўша фамилиялар ўшалардан ёдгор. Яқин дўсту кадрдонлари учун у – шунчаки Мура. Ҳар жабҳадан бохабар, ўлгудек ҳидгир Мурага "офати бало" деган ёрлиқ бекорга ёпиштирилмаган эди. Унинг домига тушган ҳар қандай эркак зоти умрининг охиригача ихтиёрий бир асир бўлиб қоларди. Муранинг Фарбда "Рус Миледиси", "Қизил Мата Хара" деб таърифлангани ҳам шундан.

Мария Закревская деганлари аслида ким эди? Максим Горький, Ҳерберт Уэллс, Брюс Локкарт каби машҳур сиймоларга унинг нима алоқаси бор? У ростдан ҳам рус, инглиз, олмон ҳукуматларининг баравар айғоқчиси бўлганми? Саволлар кўп, лекин жавоблар омонат... Асл ҳақиқатни бу дунёда тиниб-тинчимаган Мура ўзи билан гўрга олиб кетган. Ҳаётининг сўнгги йиллари уни бот-бот йўқлаб турган ёш мухбирлар "Хотиранома ёзмайсизми, роса бозоргир китоб бўларди-да" деб маслаҳат солганида, "Кўйинглар, ичимда қола қолсин улар" дея дудмол кулимсираб жавоб қиларди. Чамаси, у аввал-бошданок ҳеч кимга сир бой бермасликни, узоқ-яқин дўстларига ҳам (туққан фарзандлари-да бундан мустасно эмас) мудом жумбоқ бўлиб қолишни афзал кўрган чиқар. Ёпиғлиқ қозон – ёпиқ, айтишларича, ўлимидан икки ой аввал умр бўйи йиғилган хату ҳужжатларини – архивини ёқиб юборганмиш. Азза-базза шунинг учунгина уларни Италияга олиб бормагандир, Лондонда ҳам йўқотиши мумкин эди-ку! Бу ҳам ўша жумбоқлар сирасидан десак бўлади.

Бугун ул аломат хоним – Мария Будберг тўғрисида бир дунё маълумот топиш мумкин: юзлаб мақолалар, ҳужжатли асарлар, хотираномалар битилган, фильмлар суратга олинган. Уни шахсан таниган, уч йил Горький хонадомида (Италияда) бақамти яшаган рус адибаси Нина Берберованинг "Темир хотин" романи қаҳрамонимиз ҳақидаги дастлабки салмоқли асардир. Лекин умри муҳожирликда кечган Берберова ҳамжинсини аяганиданми, унга оид

бор ҳақиқатни очиқ-ойдин ёритмаган, угина аниқлик киритиши мумкин бўлган баъзи тафсилотлар мавҳумлигача қолиб кетган, дея иддао қилувчилар ҳам йўқ эмас. Дарҳақиқат, асарни ўқиш асноси ХХ аср аввали Россияда кечган таҳликали воқеалар, Февраль, Октябрь инқилоблари, уларнинг йўл-бошчию ижрочилари, янги ҳукумат тазйиқи остида ватанидан бир умрга бадарға этилган рус зодагонларию зиёлилари, уларнинг қисмати борасида бирмунча батафсил тасаввурга эга бўласиз-у, романнинг бош қаҳрамони билан боғлиқ масалаларга келганда эса савол устига савол туғилади: нега, нима учун? Нима ҳам дердингиз, асарга ёзган сўзбошисида муаллифнинг ўзи, мен кўрган-билганимни қаламга олдим, қўлимдан келганича қоғозга туширдим, бундан ортиғига даъво қилолмайман, дея иқрорлик изҳор этади.

1920-30-йилларда Мария Будбергни таниганлар орасида тарқалган миш-мишлар бири биридан “ваҳимали” эди: ёшлиги Лондонда ўтган, Кембриж университетларида ўқиган, булбулигўё таржимон, рус адабиёти дурдоналаридан нақд олтмиш жилд асарни инглиз тилига ўгириб қўйган, отаси Петербургда сенатору махфий маслаҳатчилик лавозимларида фаолият кўрсатган казо-казолардан эмиш. Ўзи кимсан, бир замонлар Пушкину Вяземскийдек номдор шоирлар “Мисбанд Венера” дея таърифлаб ашъор бағишлаган оқсуяк хоним Аграфена Фёдоровна Закревскаянинг эвараси!..

Аслида эса маккора Мура барчани бошлаб лақиллатиб юрган. Бу сафсаталарни у бир кунда эмас, аста-секинлик билан, қадам-бақадам, мавридига мослаб тўқиб-бичган, албатта. Табиатан ўта эҳтиёткор, ишига пишиқ-пухта эмасми, бир гапни гапиришдан олдин обдон андишаю мулоҳазалар чиғириғидан ўтказган. Отаси, Игнатий Закревский – полтавалик йирик заминдор, суд-маҳкама арбоби, ўз соҳасига оид долзарб мақолалар ёзиб ҳуқуқ журналларида чоп этириб турган замонасининг илғор зиёлиларидан эди. Кейинчалик, фарзандлар улғайгач, оила Петроградга кўчиб келади. Ота Сенатга ишга жойлашади ва обер-прокурор лавозимигача кўтарилади. Унинг машҳур Аграфена Фёдоровнанинг эри, бир замонлар Москва ҳокими бўлган граф Закревскийга ҳеч қандай алоқаси йўқ, улар шунчаки фамилиядош, холос, дея хулоса қилади Нина Берберова. Муранинг ўлими муносабати билан инглизларнинг нуфузли “Таймс” газетаси йириккина мақола эълон этади. Унда қаҳрамонимиз “замонавий Англиянинг интеллектуал даҳоси эди” дея таърифланади. Мақолада, шунингдек, ҳаёти охирларида Мура айтган оғзаки маълумотларга асосланиб, унинг насаби тўғридан-тўғри император Елизавета Петровнага бориб тақалиши таъкидланади. (Маълумки, Пётр Биринчининг қизи билан Алексей Разумовскийнинг хуфия никоҳидан ўғил фарзанд туғилган. Закревскийлар сулоласи айнан шундан бошланади.) Нина Берберова “Муранинг сўнги даъвоси ҳеч бир қуюшқонга сиғмайди, наҳотки, “Юзимга сер солиб қарасангиз, бобокалоним Буюк Пётрга ўхшаб кетишимни дарров биласиз” дегандек гапни айтиш учун у эллик йил мум тишлаб юрган?!” дея киноя қилади. Максим Горький

хам, муҳожирлик йиллари унга ҳамроҳу ҳамдам юрган ўз даврнинг таниқли шоири ва танқидчиси Владислав Ходасевич (Н.Берберованинг эри) ҳам умри охиригача Мура Пушкиннинг “Мисбанд Венера”сига қариндош бўлганига шубҳа қилмаган. Ҳарҳолда, шундай инобатли кишилар бир нимага асосланган бўлса керак. Кейинги йилларда бу сирли аёлнинг шажарасини ўрганиб чиққан тадқиқотчилар унинг ота-боболари чиндан ҳам граф Закревскийлар сулоласининг бир тармоғидан тарқалганини аниқлади.

Муранинг биринчи эри Иван Бенкендорф болтиқбўйлик оқсуяклардан, аммо графлик мақомига эга эмас эди. Машҳур граф Бенкендорфларга салпал қариндошлиги борлигини эшитган Мура эрини барчага бемалол граф деб таништираверган (у ёғини ким суриштириб ўтирибди!). Биринчи жаҳон урушига қадар Кембриж университетига қиз талабалар қабул қилинмаган. Ўша кезлар бу шаҳарда қизлар таҳсил оладиган иккитагина мактаб бўлган, холос. Табиийки, Мария бу мактабларнинг остонасини ҳам кўрмаган, анчайин бир қиш мобайнида уларнинг бирида инглиз тилидан сабоқ олган бўлса бордир. Мутаржимлик фаолиятига келсак, ўлимидан сўнг аниқланишича, йигирмага яқин асар таржимасига қўл ургани маълум бўлди. Зеҳни ўткир, ҳар ишга уқувли Муранинг негадир бадиий таржима бобида омади чопмаган. Тил билишнинг ўзи кифоя эмас экан-да, чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин. Тўғри, у Горькийнинг чет эллик меҳмонларига тилмочлик қилган, адибнинг кўплаб мактубларини инглиз тилига ўгирган, бу ишларни қойилмақом этиб уддалаган. Дарвоқе, рус, инглиз, олмон, француз тилларида эркин “сайраган” Мура кейинчалик икки-уч ой ичида итальян тилини ҳам ўзлаштириб олган экан.

Ўтда ёнмас, сувда чўкмас

XX аср аввали дунё миқёсидаги қирғинбарот уруш, рус ўлкасидаги тўнтаришлар бўлмаганда Мариянинг ҳаёти буткул ўзгача кечармиди... Бадавлат хонадоннинг ўн саккизга кириб-кирмаган кенжатои Петроградда қизлар мактабини тамомлаб, Лондонга (1911 йили) отланганида қисмати шу шаҳарга умрбод боғлиқ бўлажagini туш ҳам кўрмагандир. Аслида, инглиз тилини пухтароқ ўрганиш мақсадида, акасини орқа қилиб бу ерга келган Мария тез орада турмушга чиқади. Ҳай, бу ёшда қиз бола ўлдим-куйдим қилиб ўтирмай эрга тегиб кетаверади-да, дерсиз. Қаҳрамонимиз ҳам худди шундай севгидан боши айланиб эмас, ҳисоб-китоб билан оила қуради. Эри келажаги порлоқ дипломат, таг-тугли, кимсан граф (!) Бенкендорфнинг (Россиянинг Лондондаги элчиси) қариндоши (узоқроқ бўлса ҳам). Хуллас, эркатой келинчак дипломатларнинг кунда-кунора бўладиган қабул маросимларию зиёфатларида обдон яйрайди, Лондоннинг кўзга кўринган одамлари билан танишади, янги-янги дўстлар орттиради. Бир йил ўтиб эса ёш оила Берлинга кўчади – Иван Бенкендорф Россиянинг Германиядаги элчихонасига ишга тайинланади. Бир неча тилни мукамал билган Мура

уйда шунчаки соч тараб ўтирармиди, у ҳам элчихонадан ўзига юмуш топади. Бу орада тўнғичлари Пётр туғилади. Биринчи жаҳон уруши бошлангач, Бенкендорфлар оиласи Петроградга қайтишга мажбур бўлади. Замон қалтис, ҳадемай қандайдир ўзгаришлар рўй бериши кутилмоқда эди. Россияга келиб иккинчи фарзандини туққан жонсарак Мария яна уйда ўтиришни эп кўрмай, тезда ҳамшираликни битириб ҳарбий госпиталда ишлай бошлайди. Уруш шароити эмасми, аслзода аёлларнинг аксарияти ҳамшираликка ёлланган, бунинг ажабланарли жойи йўқ эди. Мария фарзанд тарбиясию госпитал юмушларига андармон бўлиб, икки-уч йил қандай ўтганини билмай қолади. 1917 йилга келиб Петроград инқилоблар ўчоғига айланади. Бундай долғали даврда дипломатлик рутбасини орзу ҳам қилиб бўлмасди, бунга кўзи етган Иван Бенкендорф ёз келиши ҳамано оиласини олиб Эстонияга – ота-бобосидан қолган мулкига жўнайди. Эр-хотин кеч кузгача ўша ерда яшаб туришга қарор қилади. Куз келади, аммо оила бошлиғи Петроградга қайтишни хаёлига ҳам келтирмайди. Ҳаёт қайнаб-тошган пойтахт шаҳарларда яшаб ўрганган Мура овлоқ бу қишлоқда қолишга ўлақолса кўнмайди, албатта, эрию қариндошларининг ҳай-ҳайига қарамай, (олмон кўшини Эстония остонасида турган алғов-далғов кунларда!) бир ўзи Петроградга йўл олади: пойтахтдаги аҳволни билиб, кейин болаларни ҳам олиб кетмоқчи. Келгач, не кўз билан кўрсинки, ижара уйи аллақандай қаланғи-қасанғиларга тўла, шаҳар тўс-тўполон, ит эгасини танимайди, ҳамма оч-юпун. Қолсамми-йўқми деган тараддудда бир ойдан кўпроқ вақтни шу ерда ўтказди. Кейин эса ҳаёт чархпалаги буткул тескари айланиб кетди... Эстония билан алоқа буткул узилган, поездлар қатнови тўхтаган, олмонлар у ерни ишғол этиб, энди Петроградга қараб йўл тортган эди. Ким ким билан низолашган, ким нимани талашаётир, ким ҳали-ҳамон Муваққат ҳукуматга итоат этаётир – билиб бўлмасди...

Тез орада ижара уйдан қувилган Мура сариқ чақасиз, қайга боришни, қай кулбага бош суқишни билмай кўчада қолади. Эски дўст-ёру қариндош-уруғдан ҳеч ким йўқ: гўё барини ер ютган. Уруш одамларни эсанкиратиб қўйган, ҳамма бир амаллаб қорин тўйдиришу тирик қолиш илинжида изғиб юрар эди. Нева бўйидаги ҳашаматли уйларни янги ҳукумат эгаллаб олган ёки бўшаб ётарди, қаёққа қараманг – ахлат-увада. Уруш, йўқчилик одамзодни дийдаси қаттиқ, бемехр этиб қўяди. Шунданмикан ёки табиатан совуққонлиги боисми, ўша кунлар Эстониядан келган мудҳиш хабарни (Рождество арафасида кўшни қишлоқлик қутурган бир гала деҳқон бостириб келиб Иван Бенкендорфни сўйил билан уриб ўлдиради, уйини ёқиб юборади, қари мураббия икки бола билан кўшниларникига қочиб аранг жон сақлайди) эшитган Мура унчалик саросимага тушмади. Ҳай, умри қисқа экан-да. Йиғи-сиғи қилиб, мотам тутгандан фойда йўқ. Энди ўз ғамини ўзи емаса, ҳол сўрайдиган кимса қайда?! Дарвоқе, Англия элчихонаси-чи?! Нега дарров хаёлига кела қолмади-я? Эски танишлар, дўстлари ўша ерда-ку ахир!

Мамлакатда рўй бераётган воқеалар, табиийки, элчихона аҳлини ҳам талвасага солиб қўйган эди; ходимлар сони кескин қисқарган, кими Англияга қайтиш тараддудида, кими бошқа ишга ўтиб кетган. Мура эски танишларидан ёлғиз Лондонда дугона тутинган элчининг қизинигина топади. Бироқ тез кунда элчи бола-чақасию ўн бир ходими билан ватанига отланади, Муранинг ўзи уларни вокзалга кузатиб қўяди. Шу тариқа сўнги умид ҳам пучга чиқади. Аммо у тақдирга тан берадиган анойилардан эмас эди.

Жосус ошиқ ва “айғоқчи” маъшуқа

Тарихга қизиққанлар 1918 йили совет ҳукуматига қарши уюштирилган “Локкарт фитнаси”дан хабардор, албатта. Бу фитна сиёсий зийрак идора томонидан зудлик билан фoш этилган ва шу ишга алоқадор деб гумон қилинган француз ҳамда инглиз дипломатлари бирин-кетин ҳибсга олинган. Улар орасида қаҳрамонимиз Мура ҳам бор эдики, бунисига нима дейсиз! Ваҳоланки, у инглиз дипломати Роберт Брюс Локкартнинг маъшуқаси эди, холос. Аммо жосус билан ҳамнафас яшаган аёлни тинч қўйиб бўлармиди, табиийки, у ҳам қамоққа тиқилади.

Мура Локкарт билан инглиз элчихонасига бўзчининг моксидек қатнаб юрган кунлари танишади (Англиянинг илгариги элчиси кетгач, Локкарт элчихонада бош бўлиб қолган эди). Кейин улар бир-бирига кўнгили қўяди. Аслида Мариянинг илк ва ягона муҳаббати шу. Инқилоб олови ёниб турган Петроградда худо берган куни даҳшат солаётган хавф-хатарларнинг бу ошиқ-маъшуққа асло дахли йўқдек, улар муҳаббатдан батамом маст эдилар.

Брюс Локкарт Россияга илк бор 1912 йили келган. У руслар ҳақида дярли тасаввурга эга эмас эди. Чайковский романсларини эшитган, “Уруш ва тинчлик”ни ўқиган, Шаляпинни биларди, холос. Лекин табиатан очиккўнгили, киришимли ваколлатхона ходими – йигирма беш яшар йигит рус жамиятининг казо-казолари билан тезда тил топишиб, апоқ-чапоқ бўлиб кетади. Москвани, унинг аёзли қишини, дали-ғули одамларини чинакамига яхши кўриб қолади. 1917 йил кузига келиб вазифасини қойилмақом уддалаб юрган дипломат бир муддатга Лондонга чақириб олинади. Орадан тўрт ой ўтиб у Россияга янги топшириқ билан қайтади. Бу даврда Февраль инқилоби етакчилари ўртадан ғойиб бўлиб, улар ўрнини Октябрь қаҳрамонлари эгаллаган эди. Уддабурон Локкарт дарҳол Троцкий, Карахан, Чичерин каби совет ҳукумати вакиллари билан дўстлашиб олади. Держинскийнинг ўнг қўли саналмиш Питерсу пойтахт “эгаси” Зиновьевларнинг ишончини қозонади. 1918 йили пойтахт Москвага кўчирилгач, Локкарт ҳам “дўкони”ни орқалаб бу ерга келади. Энди у Мура билан туну кун бирга эди. Бу аёл уни нечоғли “жодулаб қўйгани”ни инглиз жосусининг ушбу эътирофидан-да англаш қийин эмас: “Мура ҳаётга шу қадар ташнаки, у билан гаплашган ҳар қандай одамнинг кўзига дунё бир зумда ўзгача жилва билан кўринади. Чинакам кибор хоним, унингдек жозибали аёл оламда йўқ”.

Мурани махфий идора бошлиғи Яков Питерснинг шахсан ўзи сўроқ қилади: “Қани, гапир, инглиз айғоқчиси Локкартнинг иш услуби қандай? Гумашталари ким?” “Ўлайки, ҳеч гапдан хабарим йўқ. Агар тўшакдаги хунарлари керак бўлса, майли, сўзлаб берай” дейди тап тортмай Мура. Инглиз дипломатининг тақдири инқилобий трибуналнинг қўлида, у отувга ҳукм этилиши тайин эди. Аммо иш кутилмаганда бошқача тус олади. Бир ҳафтага қолмай Мура қамоқдан чиқади. Камига ҳар куни Локкартдан хабар олиш, унга китоб, майда-чуйда келтириш, ҳатто у билан ёлғиз қолишига ҳам рухсат берилади. Иродали, қатъиятли Мура одамга далда бўлиш, кўнглини кўтаришга уста эди. Унинг ёнида эркак киши ўзини дадил, ҳар ишга қодирдек сезарди. У севгилисини юпатиб, тез орада бу савдолардан қутулиб кетишига ишонтиради. Ростдан ҳам бир ой бадалида ажаб ишлар бўлиб кетади: икки кун ичида Россияни тарк этиш шарти билан (Лондонда ҳибс этилган рус дипломатига айрибошлаш эвазига) Локкарт озод қилинади. Ошиқ-маъшуқ шўр ёзуқни лаънатлаб базўр ажрашади, видолашади. Дийдор қайта насиб этажанини қайдан билсин улар...

Айнан шу ҳибс воқеасидан сўнг Муранинг махфий идорага ёллангани тўғрисида гап-сўзлар тарқалади. Айтишларича, қизил террор айна авжига чиққан ўша кунларда аёллик макригина уни қатағондан асраб қолган. Петерснинг хотин зотига сўяги йўқроқ эди. Мура унга нима ваъда қилган, қандай авраган, буниси бизга қоронғи. Аммо кейинроқ у Мурани (мўйна энгчасига алмаштирган озиқ-овқат карточкалари қалбаки бўлиб чиқиб, ҳибс этилганда) яна бир марта қамоқдан қутқаргани маълум. Чамаси, бу мишмишлардан Максим Горький ҳам хабардор эди. 1923 йили у “Орзу” деган ҳикоя ёзади, унда графинянинг қучоғини қўмсаган амалдор чекист ҳақида сўз боради...

Яна бир тахминга кўра, Мария айнан ўша вақтдан бошлаб ВЧКнинг махсус айғоқчисига айланган. Кейинроқ Петерс ўз эсдаликларида графиня Закревская-Бенкендорфни Германиянинг махфий жосуси деб атайди. Бу гап-сўзларнинг қайсиси рости қайсиси уйдирма экани ҳали-ҳануз сирлиги-ча қолмоқда.

“Бўронқуш”нинг сўнгги маҳбубаси

Максим Горький аслида Корней Чуковскийдан миннатдор бўлгандир. Чунки Мурани адибга айнан шу шоир тавсия қилган. Горький ташкил этган “Жаҳон адабиёти” нашриётига инглиз тилидан русчага ўгирадиган таржимонлар керак эди. Бу гапнинг ҳидини олибоқ Мура Чуковскийни қора тортиб боради. Бироқ муҳаррир шоир унга таржимачиликни ишонмайди-ю, эски танишини ноумид ҳам қайтаргиси келмайди. (Инглизпараст Мура рус тилини атай бузиб, инглизча талаффузда гапирарди. Бундан заррача тортинмас, аксинча, алланечук ғурурланарди ҳам.) Эҳтимол, Чуковский кейинчалик қайд этганидек, Горький Мурани кўргани ҳамоно ёқтириб қолгандир.

Негаки нашриётда котиба сифатида иш бошлаган жувон тез кунда адибнинг Кронверкск шоҳқўчасидаги уйига кўчиб ўтади. Каттакон бу хонадонда ҳар куни ўн-ўн беш одамга қозон осиларди. Горькийдан ёрдам сўраб келганлар қорин тўйғазиб, бир кеча тунаб ҳам кетар, баъзилари эса ойлаб, ҳатто йиллаб (иссиққина бошпана, тайёр об-овқат кимга ёқмабди) яшаб қолар эди. Улар орасида омади чопмаган рассом ёки бастакор дейсизми, собиқ княздан тортиб адибнинг эски газетачи ошналарию ҳатто вокзал ҳаммолини ҳам учратиш мумкин эди. Горькийнинг "иссиқ бағри"да ўндан ортиқ шундай одам кун кўрарди. Бундан ташқари, кунда-кунора ёзувчи-шоирлар, олиму зиёлилар, актёр-актрисалар, хуллас, адибнинг бор дўст-ёри гурра-гурра меҳмонга келарди. Мура Горькийнинг шахсий котибаси ўлароқ, адиб номига келган хат-хабар, қўлёзмаю мақолаларни ўқиб, алоҳида хатжилдларга жойлар, чет тилида ёзилган мактуб ва матнларни русчага таржима қилар, мошинкада кўчириб берар эди. Боз устига, у яхшигина суҳбатдош, ҳар қандай мавзуда (сиёсатми, мусиқа, адабиёт ёки театрми) мустақил фикрга эга бўлиб, ундан доим жўяли, бамаъни маслаҳатлар чиқарди. Бир оғиз сўзи ёки қарашиданоқ адибнинг кўнглидагини англар, шу жиҳатлари билан ҳам уни ўзига ром этган эди. Кўп ўтмай Мура гўёки хонадоннинг ҳақиқий бекасига айланади, уй-рўзғорни ҳам ўз назоратига олади. Горькийнинг хориж сафаридан қайтган ўғли Максим уйдаги ажаб саранжомликни кўриб, "Келдию "завхоз", барҳам топди "бесхоз", дейди ҳазиллашиб.

Мура ўтмишига оид ҳамма сирни очмаган эса-да, Горький анча-мунчасидан хабардор – Дюккарту Питерс ҳақидаги гап-сўзлар унинг қулоғига чалинган эди. Адиб гоҳо оқшом чоғлари кулдонни ўртага қўйиб, котибаси билан "тамаки устида" шакарғуфторлик қилишни, унинг ҳикояларини тинглашни хуш кўрарди. Суҳбат асноси Мура баъзан бир нуқтага тикилганча хаёлга чўмиб қоларди: Брюс ҳозир ўз уйида, ўлан-тўшагида. У эса бу ерда зор-интизор... Тўғри, турмуши ёмон эмас, нолиса ношукрлик бўлар, аммо қачонгача ўзини ўзи алдаб яшайди? Бир кун бу ердан кетади, барибир кетади, севгилисининг ёнига... "Ўйга толиб қолдингиз, Мария Игнатьевна?" дейди Горький кўзойнаги устидан маъшуқасининг ғамгин кўзларига хавотир-ла боқиб. "Жужуқларимнинг ҳоли не кечдийкан, Алексей Максимович..." дейди Мура эзгин қиёфада. "Болалиқдан қийинчилик кўрмай ўсган, турмушга чиқиб ҳам хузур-ҳаловатда яшаган ёшгина жувоннинг ҳаёти бирдан остин-устун бўлиб кетганини қаранг: эр ўлдирилган, болалари йироқда... Шунча бардош, иродани қайдан оларкан бугина!.. – дея қайғурарди ошиқ шўрлик. – Қани энди, иложини топсангу барча муаммоларидан биратўла халос этсанг!" Дарҳақиқат, Горький умрининг охиригача ва айтиш мумкинки, ўлимидан кейин ҳам тоғдек паноҳ мисоли, Мура унинг моддий қўлловидан баҳраманд бўлади; ҳатто адибнинг хорижда нашр қилинажак асарларидан тушадиган қалам ҳақиға эгалик ҳуқуқи ҳам бошқаларга эмас, айнан унга насиб этади.

Мура ўн икки йил Горький билан бирга бўлади: аввал Петроградда, сўнг Берлину Италияда. Бугунги истилоҳ-ла айтганда, хорижда унинг адабий вакили вазифасини ҳам ўтайди: адиб асарларини чоп эттириш борасида нашриётлар билан шартномалар тузади, ҳомий топади. Горький йиллар мобайнида унга шу қадар бағир босиб, ўрганиб қоладикки, гўё усиз нафас ҳам ололмасди. Мурага шунчалар ишонадикки, Россияга бутунлай қайтаётганида ўзининг ўта махфий ёзишмаларию бошқа муҳим қоғоз-ҳужжатлари солинган бир жомадон архивини унга қолдиради. Мура эса болаларини кўриб келиш баҳонасида, ҳар уч ой деганда ёки байрамларда уни ёлғиз ташлаб кетарди. Чиндан ҳам болалари ёнига борадими, йўл-йўлакай бошқа ишларини ҳам битириб келадими, биров билмасди. Горький унга “Темир хотин” деб лақаб таққанида нафақат матонатю бардошлилигини, балки туриш-турмуши сиру жумбоққа эшлигини ҳам назарда тутган бўлса ажаб эмас. У Муранинг қандайдир пинҳона ишлари борлигини тахмин қилар, кўнглининг туб-тубида шубҳа-гумонларга ҳам борса-да, бу ҳақда асло оғиз очмас эди. Барибир қайтиб келадик-ку, туну кун ёнида – шунисига-да шукр. Кекса, касалманд одамга бундай ортиқ нима керак? Неча маротаба ўтинди, кел, турмуш қурайлик деб. У эса ҳар гал гапни ҳазилга буради: сиз ахир расман бўйдоқ эмассиз-ку, Алексей Максимович! Дарҳақиқат, Горький иккинчи аёли Мария Андреева билан ўн йилдан ортиқ бирга яшагани, уни ҳаммага рафиқам деб таништиргани билан биринчи хотини Екатерина Пешковадан расман ажрашмаган эди.

Сираси, Мура аввал-бошданоқ имкон туғилиши билан хорижга чиқиб кетишни режалаштирган эди. Петроградда эканликларида Горькийнинг чет элда даволаниши зарурлиги ҳақида гап кўзғалгандаёқ унинг кўнглида умид уйғонади. Шу боис болаларини баҳона қилиб Эстонияга йўл олади: ҳарҳолда, у ердан жўнаш осонроқ. Башарти, ўзи айтгандек, болаларинигина ўйлаганида, улар билан бирга қолмасмиди? Жигарпораларини неча-неча йил қари бир мураббияга ташлаб кетишга нима мажбур қилди уни? Аслида мақсади Брюсни топиш эмасмиди? Ана шу мақсадига етиш учун телбаларча ошиқ бўлиб қолган кекса адибдан фойдаланди, холос. Тўғри, иш борасида ҳеч қачон Алексей Максимовичнинг ишончини суиистеъмол қилгани йўқ... Буни қарангки, йиллар оша кўз тиккани Локкарт эмас, Мура уни қидириб топади, учрашадилар – олти йил деганда! Илк учрашувдаёқ бари аён – Брюс ундан совиб бўлган! Қалбида нелар кечгани номаълум-у, аёл сир бой бермайди. “Ўтмишни қўмсагандан энди нима наф? Ўтди-кетди у кунлар”, дейди у хижолатда турган севгилисига тик боқиб. Сўнгра улар бир умр дўст, ҳамкор бўлиб қолади: иш юзасидан, манфаат йўлида.

Горький билан ўртамизда фақат соф руҳий муносабат бор эди, яқинлик бўлмаган, дея Мура барчани лақиллатмоқчи бўлса-да, адиб уни ростакамига севгани, қадрлагани сир эмас. Ёзувчининг иш столида сўнги нафасгача Муранинг сурати тургани, “Клим Сангиннинг ҳаёти” романини айнан унга бағишлагани ҳам бежиз эмас. На Екатерина Пешкова, на Мария Андреева бундай шарафга ноил кўрилган.

“Ундан асал ҳиди келади...”

Кўп йиллик беминнат ҳомийсининг Россияга қайтиши маълум бўлгач, Мура эски хуштори Ҳерберт Уэллс билан яқинлашиш пайига тушади. У Лондондан муқим кўним топмоқчи, фарзандларини шу ерга олиб келмоқчи эди. Бас, эртанинг ғамини кўравергани тузук. Ишонгани Локкартдан бирон наф чиқмади. Қолган ягона илинжи – Уэллс. Улар аввалига хат орқали алоқа боғлайдилар, кейин ора-чира учраша бошлайдилар. Аёлларга ўч, хотинбоз Эйч-Жи (уни барча шундай атаган) эса, орадан қанча сувлар оқиб ўтса-да, Горькийнинг “шахсий котибаси”ни унута олмаган эди. Гап шундаки, Уэллс Россияга иккинчи маротаба келганида (1920) эски қадрдони Горькийнинг уйига тушади. Турли ижтимоий-иқтисодий ларзалардан ҳали ўзини тиклаб ололмаган мамлакатда дурустроқ меҳмонхона ҳам йўқ эди-да. Ўшанда 28 яшар Мура Уэллсга тилмочлик қилади, уни шаҳар айлантиради, театру музейларга олиб боради ва шу бир неча кун ичида жаҳоншумул адибни ўзига шайдо этади-қўяди. Унинг бир эрта “шахсий котиба” ётоғидан чиққанидан карвонсарой мисол Горький хонадонининг барча турғунлари зумда хабар топади. Рашқдан фиғони фалакка ўрлаган уй соҳибини эса Мура авраб юпатади: “Қўйсангиз-чи, Алексей Максимович, ҳатто ўлдим деб турган аёл ҳам бир вақтнинг ўзида дунёга машхур икки ёзувчининг бошини айлантришга журъат этолмас”.

Горькийдан узил-кесил кўнгил узгач, Мура англиз фантастининг ҳаётидан муқим ўрин эгаллайди. Турли маросим, учрашув, зиёфатларда унга ҳамроҳ бўлади. Адибнинг уйига икки қадам бир манзилга кўчиб келади-ю, аммо Уэллс хонадонининг қонуний соҳибаси бўлишга сира кўнмайди, баҳонаси тайёр: шу ёшда эрга тегсам, кулгига қолмайманми?! 1936 йили адиб етмишга тўлади, юбилей маросимида Мура худди тўйбекадек меҳмонларни остонада кутиб олади. “Бу – менинг рафиқам, бироқ никоҳимга киришга ҳеч унамаяпти” дея ҳазил аралаш уни узоқ-яқин дўстларига таништиради алами ичида қолган ёзувчи.

Хўш, нега Мура на Горький, на Уэллс билан расмий никоҳдан ўтишга рози бўлмаган? Қуёвликка талабгорлар унча-мунча одам эмас, кимсан – дунё тан олган ёзувчилар эди-ку! Йўқ, Мурадек мағрур аёл эркак зотига қарам бўлсинми? Асло, у қушдек эркин яшашни афзал кўради. Ўзи хоҳлаган ерга боради-келади, бировга ҳисоб бермоқ унга ярашмайди. Дарвоқе, Мура нега келиб-келиб ўзидан анча ёш Николай Будберг каби такасалтанг, маишатпараст бир қиморбозга теккан? Сохта бу никоҳ уларнинг ҳар иккаласи учун ҳам манфаатли эди-да. Мура Эстония фуқаролигини қўлга киритиб, хоҳлаган чет давлатга кетиши мумкин. Ундан ҳам муҳими – кимсан, баронесса хонимга айланади!

Уэллс ўлимидан неча ўн йиллар ўтиб (васияти шундай бўлган) нашр этилган “Ҳасби ҳол” аталмиш асарида Мурага оид бир талай гап бор. Шулардан айрим тафсилотларни кўздан кечирсак: “Мен билан Америкага

борсанг дейман. У ёқда ноқулай аҳволга тушмаслик учун расман эр-хотин бўлганимиз дуруст. Кейин бирга Россияга ҳам сафар қилсак, у ерда менга сув билан ҳаводек зурурсан...”, дейди бир куни Уэллс маъшуқасига. Мура эса никоҳдан ҳам, Америкаю Россия сафаридан ҳам яна бўйин товлайди. Ўзимга қолса-ку қанот қоқиб учардим-а, лекин начора, ватанимга энди қадам босолмайман-да, тақиқдаман, дея ишонтиради хушторини.

Яна Горькийникида бўлганида Уэллс (Россияга учинчи сафари чоғи) тасодифан Муранинг сўнги йиллар ичида уч маротаба Москвага келиб кетганини билиб қолади. “Умрим бино бўлиб ҳеч бир аёл мени бунчалик чув туширмаган. Қулоқларимга ишонолмасдим. Тўшақда ётганча ёш боладек юм-юм йиғлардим. Мен анойи, қолган умримни шу аёл билан ўтказаман деб юрибман-а!..” Россия сафаридан Мура билан бутунлай орани очик қилишга аҳд этиб қайтган Уэллс маъшуқасининг важ-карсонларини эшитгач, яна лаққа тушади. Ўшанда адибнинг зикр этилган асарига қуйидаги илова қўшилади: “Мура – мен чинакамига севган аёл. Ҳар гал уйимга кириб келганида гўдак мисол қувониб кетаман. Бу дунёда ундан яқин кишим йўқ...”

Ҳерберт Уэллс салкам саксон йил умр кўради. Ҳаётининг сўнги ўн йилида Мура мунтазам унинг ёнида бўлади. Касалманд, ўжар бўлиб қолган қариянинг барча инжиқликларини кўтаради, дилдорлик қилади. Адибнинг яқин дўсти Соммерсет Моэм бир куни Мурага ҳазил аралаш “Шу бақалоқ, вайсақи, жиззаки чолнинг нимасини яхши кўрасиз?” деганида, “Яхши кўрмай бўладими – ундан асал ҳиди келади-я!” дея кутилмаган жавоб қилади у.

Ўлимидан сўнг Уэллснинг Мурага оз эмас, кўп эмас, нақд юз минг доллар мерос қолдиргани маълум бўлади.

“Қизил Мата Хара”нинг интиҳоси

Ғарбда Мура бир неча давлатнинг айғоқчиси деб ҳисобланганини айтдик. Инглиз разведкаси ўн йиллаб унинг ҳар қадамини кузатган, ортидан маълумотлар тўплаган, лекин айбламоққа ҳеч бир далил-исбот тополмаган. Айғоқчилиги тўғрисидаги мишмишлар баҳона, у бир неча марта (Россия, Эстония, Германияда) ҳибсга ҳам олинган. Унинг ўзи бу гап-сўзларни инкор ҳам этмаган, тасдиқламаган ҳам. Афтидан, “халқаро миқёсдаги айғоқчилик” мақоми унга маъқул эди. Бугунги кунга келиб Лубянка архивларини титкилаб кўрган рус тадқиқотчилари бу аёлнинг махфий разведкага хизмат қилгани хусусида бирон ҳужжат топа олмаган. Питерс, Ягода каби совет миршаббошилари билан шахсан танишлиги, кези келганда, улардан фойдаланганини назарда тутсак, Муранинг расман бўлмаса-да, ҳарқалай айғоқчилик қилганини инкор этолмаймиз. Сталинга ёзган хатларининг бирида Горький уни “менинг хабаркашим” деб атади. Шу маънода Мура аввалига Локкартнинг, кейинчалик эса совет ҳукуматининг ана шундай хабаркаши бўлган. У Европадаги кўплаб сиёсатчилар, маданият арбоблари билан хат

ёзишиб, борди-келди қилиб турган. Демак, ҳижратда юрган рус зиёлилари ўртасидаги кайфият борасида ахборот олишда ундан фойдаланилган бўлса ажаб эмас. Горький билан Германия, Италияда яшаган кезлари унинг болалари баҳона ҳафталаб ғойиб бўлишлари, эҳтимол, шу билан боғлиқдир. Болаларини Лондонга кўчириб келгач ҳам аввалгидек Эстонияга қатнаб юргани бу фикрларни тасдиқлайди.

Мурага қўйилган энг қалтис айблов – у Горькийнинг ўлимига алоқадор деган тахминдир. Бугун ҳам шу гапни исботламоққа уриниб юрганлар кам эмас. Бунга сабаб, Горький ўлим тўшагида ётганда Мура беморнинг бошида бўлган, адиб унинг қўлида жон берган. Фараз қилинги, гўё шахсан Сталиннинг топшириғи билан, Ягода назорати остида Горькийни захарлаб ўлдирган Мура адибнинг дафн маросимини ўтказиб бамайлихотир Лондонга йўл олди. Бироқ совет ҳукумати шундай тайёр гувоҳнинг бемалол чет элга чиқиб кетишига изн берармиди?! Ёки қотил бўлатуриб Мура Горький ўлимидан кейин ҳам унинг оиласи билан дўстона борди-келди қилмоққа журъат этармиди? Бунга адибнинг оиласи йўл қўярмиди? Воқеан, Мура умрининг охиригача Екатерина Пешкова ва “Тимоша” (Горькийнинг келини) билан алоқани узмаган. Горький ўлимидан сўнг у неча марта Россияга келган бўлса, ҳеч вақт меҳмонхона деб юрмай, ё Екатерина Пешкованинг, ёки Тимошанинг уйига қўнган.

Бу аломат аёл Жанна д'Арк бўлиб халқ қўзғолонларига бошчилик қилмаган, Айседора Дункан мисол жаҳон саҳналарини гуллатмаган, Жорж Санддек том-том қитоб ёзмаган ёки Мария Кюри сингари фанда зўр кашфиётлар яратмаган. Эҳтимол шундай бўлганида улар соясида қолиб, оломонлик тўзони ичра унутилиб ҳам кетармиди денг. У “бор-йўғи” тарихнинг муҳим бурилиш паллаларида шунга таъсир кўрсатган инсонлар ёнида бўлди, улар юрагини забт эта билди. Фавқулодда фаҳм-фаросати, уддабуронлиги ва ниҳоят жозибасию макр-ҳийласи билан машҳур кишилар ҳаётдан, шу баробари тарих саҳифаларидан-да муносиб ўрин эгаллай олди.



HAQIQAT VAHSLARDA... O'LADI!

Сиздан нимани кутаётганларини билмай туриб, ҳақиқатни
айтиш қийин.

Олтин қоида: олтин кимники бўлса, қоида ҳам ўшаники.

“Мен кичкина одамман!” дерди у ва нуқул белдан пастга урарди.

Бошлиқ ҳамиша ҳақ эмас, аммо у ҳамма вақт бошлиқдир.

Айримларга эрк берсангиз, қуёшни ҳам хатлаб олади.

Юртимизда харидоргир – бестселлер асарлар рўyxатини тузишга ҳафсала қилинмаётгани чатоқ. Агар танбеҳимиз кор қилиб, кимдир бу юмушга бөл боғлаб қолса, унга шундай маслаҳатимиз бор: Шодмон Отабекнинг “Дўрмон ҳангомалари” китоби зинҳор-базинҳор эсдан чиқмасин! “Ҳангомалар” адади миллионлик маррани забт этмаган-ку, дея эътироз билдирсалар, жавобимиз шу: биз учун муҳими – унинг неча бора нашр этилганию қанча муддатда сотилгани! “Дўрмон ҳангомалари” бу борада кўп-кўп китобларни бемалол чангида қолдириб кетади. Унинг кечагина босмадан чиққан бешинчи нашри ҳам бугун-эрта пештахтани тарк этса ажаб эмас.

Энди китобнинг бошқа фазилатига келсак, ўзбек адабий муҳитини бу шаклда акс эттирган асар илгари бўлмаган. Шу маънода,

Романимни ўн марта қайта ёзиб нима зарил,
барибир мен Лев Толстой эмасман-ку!

Ҳақиқат сиз томонда бўлса-да, бошқа томонга ҳам
бир қараб қўйинг.

Хотиним олдимда оёқ учида юрсин десангиз,
балеринага уйланинг!

Менга дўстинг кимлигини айт, унга сенинг кимлигингни
айтаман.

Иш пайтида ўз устингизда ишланг.

Пул билан битиши мумкин бўлган масалада асабингизни бузиб
ўтирманг.

Чўкаётган одамнинг қўлтиғида тоши бўлса, уни қутқариш
керакми?

Ахир ҳамма фикрларимга қўшилаверсангиз, сиз билан қандай
баҳслашай?

*Шодмон Отабек бизга янги бир жанрни кашф этиб берди десак,
сира лофи йўқ.*

*Ўзига нуқул ҳангомалар муаллифи сифатида қарашларидан хи-
жонат чеккан адиб гоҳо "Камина бошқа асарлар ҳам битган", деб
қўяди тортинибгина. Тўғри, унинг дуруст-дуруст ҳикоя ва қиссала-
ри ҳам бор, лекин қайсар китобхон "Дўрмон ҳангомалари"дан бош
кўтармаса нима дейсиз!*

*Бу сўзларни биз тўйхат ўрнида айтаётимиз: қаламкаш бирода-
римиз шу паллада 70 ёш маррасини эгаллаётир. Дарвоқе, тўй оши
ҳам сипогина, бесамар ўтмас – оммабоп китобнинг келгуси нашрла-
рига янги боб бўлиб қўшилар, деган умидимиз бор...*

Таҳририят



Янги шеърий тўплами чиқди... охирги нусхасигача ўзи сотиб
олди.

Узоққа боради, аммо қайтолмайди.

Агар аёл унсиз изтироб чекаётган бўлса, демак, унинг...
телефони бузилган.

Ҳақиқат баҳсларда туғилади ва... ўлади.

Қарз берувчилардан кўпроқ яшасанггина узоқ умр кўришингда
маъно бор.

Ақлли одам ажралиб турмоқ учун атрофига аҳмоқларни
тўплайди.

Бири хуррак отганда иккинчиси эшитмайдиган никоҳ бахтли
никоҳдир.

Ёзувчилар машҳурлар, машҳур бўлмаганлар ва бедарак
йўқолганларга бўлинади.

Ақлдилар ёки аҳмоқлар билан ҳамтовоқ бўлиб ҳаётингизни
дўзахга айлантиришингиз мумкин.

Ўта ақлли бўлиб кўриниш учун узоқ хўмрайиб туриш керак.

Яшаш учун бирор наф келтирмайдиган кураш... гоёвий
курашдир.

Ҳайкал учун қаҳрамон, уни алмаштириш учун эса оломон керак.

Давлатманд адиб чойчақа, камбағалроғи интервью беради.

Алдовнинг бардавомлиги ишончни мустаҳкамлайди.

Ҳар хил сузадилар, бир хил чўкадилар.

Адабиётга имло хато янглиғ кириб олди.

Ҳеч нарса ўқимасди. Негаки, ўзини китобхон эмас, ёзувчи деб билар эди.

Санчо Пансо билан бирга адабиётга унинг эшаги ҳам кирган.

Конфликтсизлик назариясини ҳимоя қилиб, дўстлари билан жанжаллашиб қолди.

Бош билан тўп қайтариш ақлий меҳнат эмас.


Кекса юбилярга шифокорнинг манзилени совға қилишди.

Ялқов одамга илҳом париси ҳам ортиқча юк.

Хотиндан маошдан бошқасини яшириш мумкин.

Сизга тақлид қилувчига танбеҳ бераётиб холис бўлинг: унинг диди чакки эмаслигини писанда қилиб қўйинг.

Тараққиёт аломати: илгари таҳқир қон билан, энди эса сиёҳ билан ювилади.




ASR OSHGAN ASARLAR

*Abdulla A'ZAM
mutolaa qiladi*

Бундан 10 йил муқаддам “Тафаккур” таҳририяти мутолаа тўғрисида “нимадир қоралаб бериш”ни сўраганида, буни “шу кунлари нима ўқияпсиз?” деган мазмунда тушуниб, шунга мувофиқ жавоб берган, яъни бир йил ичида ўқиган китобларимдан диққатга моликлари ҳақида муайян фикрларни баён этган эдим¹. Бу сафар яна шу йўсинда мулоҳаза юритиш мақбул кўринмади. Қолаверса, рукннинг номи “Жавондаги жавоҳир” эканлиги мавзуга “узоқ муддатли” ёндашувни тақозо этиши табиий. Шунинг учун таҳририят сўраганидай беш номдаги китоб эмас, беш муаллиф асарларига доир ўй-фикрлар билан ўртоқлашиш маъқул туюлди. Миқдор бўйича китоблар расмана жавонни тўлдирса керак. Таҳририят бундай “шаккок”лик учун маъзур тutar. Шуниси ҳам борки, бу беш мутафаккирнинг “мана бу асари – асосий” дея ажратиш қийин, муҳими, уларнинг ижоди сингари бутун ҳаётини ҳам битта китоб деса бўлади.

МАНТИҚ ИЛМИНИНГ ОТАСИ

Аристотель. Асарлар



Мен Аристотель асарлари билан университетнинг 4-курси яқунлангач, ёзги таътил ойлари таниша бошлаган эдим – “Математик мантиқ” бўйича бир йиллик махсус ўқув фани тинглагач, “Аристотель – мантиқ фани, хусусан, математик мантиқ асосчиси” экани қизиқиш уйғотган эди.

Аслида, бу олимнинг шарқона Арасту исмини болалигимдаёқ эшитганман. Ўтган аср 50-йиллари. Узун қиш кечалари қишлоғимизнинг мадраса таълимини кўрган қариялари ва уларнинг суҳбатига

¹ Интернет ё китоб? “Тафаккур”, 2006, 4-сон.

иштиёқмандлар “гап” ейишар, “аввал таом” бўлиб, “баъдаз калом”га ўтилар, бири биридан қизиқ гурунг бўлар эди (ҳам-малари ўтиб кетди – Оллоҳ раҳмат қилсин). “Гап”да дадамиз мулла Аъзамқул ҳам қатнашар, китоб ўқишга рағбатлантириш ё катталардан адаб ўрганиш учун мени ўзи билан олиб борарди. То ухлаб қолгунимча, гурунгни жон қулоғим билан тинглар эдим.

Бир сафар кимдир ҳикоя қилган: Афлотун танбур ясаган экан, унинг куйини эшитган Арасту устозининг чодириси танбурнинг соясига кўзи тушибди. Афлотундан қолишмаслик учун ўзи ҳам чолғу ясабди, фақат у дутор бўлиб чиқибди.


Тингловчилар бундай ҳикояларни чиппа-чин бўлгандек қабул қилишар эди. Бу каби “халқ оғзаки ижоди” намуналарида Афлотун доим Арастудан устун келганини эслайман. Ёшим улғайгачина, Афлотун ва Арасту – Платон билан Аристотель исмларининг шарқона талаффузи экани, аммо мен эшитган ҳикоялардаги Афлотуннинг Платонга, Арастунинг Аристотелга ўхшамаслигини билдим. Ҳозир ўзимга савол бераман: афсонавий Афлотун билан Арасту тўғрисидаги ҳикоялар гап-гаштакларда тўқилмагандир, уларни собиқ мадраса толиблари ё ўзлари китоблардан ўқиган, ё ўқиганлардан эшитган чиқар. Демак, агар манбалар титкилаб, йиғиб чиқилса, дурустгина китоб бўлар эди.

Ҳозир эса гап милоддан аввалги IV асрда яшаб ўтган буюк Аристотель Стагирик тўғрисида. У чиндан Платоннинг шогирди бўлган, аммо “аспирантлик” давридаёқ устозининг таълимотидан қониқмасдан, фалсафада ўз йўлидан бора бошлаган. Платон фалсафасида “ғоя” концепцияси биринчи планда турса, Аристотель фалсафасида ҳеч бир концепция устувор мавқеда бўлмай, тафаккур услуги биринчи ўринга чиққан. Бу – рационал мулоҳазага асосланган таҳлилдир. Дарвоқе, ҳозир илмда қабул қилинган: а) мавзунинг қўйилиши; б) бу мавзу бўйича маълум адабиёт ва қарашлар таҳлили, хусусан, уларнинг муаллиф қабул қиладиган ва рад этадиган томонларини очиш; в) сўнг ўз ёндашувини – фикр-мулоҳаза, ечим, тадқиқот натижаларини келтиришдан иборат мақола (рисола ва ш.к.) ёзиш услубини айнан Аристотель жорий этган.

Аристотель таҳлили рационал тафаккурга асослангани учун ҳам барча салафлари таълимотларини сояда қолдирган, унга ўз давр илму фанининг барча соҳаси бўйича чуқур таълимот яратиш, мантиқ, психология, эмбриология каби ўнга яқин фанга асос солишга имкон берган. Мулоҳазалари имкон қадар қузатув натижаларига таянган, бунинг имкони бўлмаган ҳолларда рационал мулоҳаза йўли билан давом эттирилгани учун ҳозиргача ҳеч ким Аристотель нуфузига шубҳа қилмайди.

Аристотель “Органон” номи билан аталган асарлар тўпламида мантиқ фанига асос солгани яхши маълум. Атрофлича мулоҳаза қилинса, бу – ҳайратланарли бир феномен. Ахир инсоннинг фикрлаши ихтиёрий йўсинда кечмайди, балки муайян қонунларга бўйин сунади – буни пайқаш, аниқлаш, яхлит тизимга солиб чиқишнинг ўзи бир олим учун улкан жасорат эмасми? Бугун Аристотель силлогистикаси мантиқ илмида тарихий аҳамиятга молик, холос. Аммо у XIX асргача илм аҳлини мантиқий фикр юртишга ўргатган ягона таълимот эди. Қолаверса, замонавий мантиқ фани айнан Аристотель қурган пойдевор – силлогистика устида қад кўтарган.

Яна бир муҳим жиҳат. Қадимги ва ўрта асрларда яшаган бошқа файласуфлар асарларини мутолаа этиш осон юмуш эмас, аммо Аристотель асарлари равон ўқилади, баён ҳам ўқувчига завқ бағишлайдиган тилда. Энг ажабланарлиси, орадан 2400 йил ўтганига қарамай, олим асарларида ҳамон долзарблигини сақлаб қолаётган ғоялар кўп, ҳамон инсониятни ўйлантираётган муаммолар борасидаги таклиф этилган ечимлар оз эмас. Бир неча мисол келтирайлик.



– Ҳар қандай таълим кўпчиликка таниш, аммо мужмалдан (гап) аниқлаштирилган, аммо тушунарлироқ (билим) томон йўналтирилиши керак.

– Инсон – нафақат тафаккур соҳиби, балки тафаккур ҳақида тафаккур қилишга қодир мавжудотдир.

– Табиатда ҳар бир нарса тайин мақсад-вазифага эга.

– Инсон – ўз табиатига кўра, сиёсий (ижтимоий) мавжудот.

– Давлат кимларнингдир ихтироси эмас, зарурий воқелиқдир.

– Чексиз бойлик орттириш мумкин, деганлар янглишади. Бойишнинг чегараси мавжуд. *(Олимнинг бу фикрини шундай изоҳлаш мумкин: дарахт юқорига ўсишга мойил, аммо ўсишининг чегараси бор – маълум баландликка етганидан сўнг ё томири уни таъминлай олмай қолади, ё шамол йиқитади, ё яшин уради, хуллас, қулайди.)*

– Одамлар яхши яшашга интилади, аммо яхшилик билан яшашга интилавермайди.

– Ҳамма тенг таъминланадиган тузум бўлиши мумкин эмас. (Қизиқ, олимнинг бу фикрига коммунизм доҳийлари қандай чидаган экан?) Аммо...

– Ерга эгалик қилиш ҳуқуқида ҳамма тенг бўлмоғи лозим!

Яна бир ажойиб фикр:

– Давлатлар (тузумлар) ичида энг бўлмағурлари – тирания ва демократиядир. *(Бу жумлада Аристотель тирания деганда ҳокимиятни зўравонлик билан юритишни, демократия деганда ҳокимият оломон иродасига тобе бўлиб қолишини назарда тутган.)*

– Давлатлар (тузумлар) ичида энг афзали – узоқ умр кўрадиганидир. *(Буюк Британиянинг Америка қитъасидаги колониялари мустақилликка эришиб, ягона давлат – ҳозирги Америка Қўшма Штатларига асос солишга аҳд қилганда, Аристотелнинг мана шу гоёсини дастуруламал қилган эди.)*

– Фокилик (мил. авв. VI асрда яшаган юнон шоири) жуда ажойиб тилакни айтиб кетган: "Мўътадилликда хайр-барака кўп, // Мўътадиллик ҳукмрон давлатда яшашни истайман".

Аристотелнинг бу байтда ифода этилган нияти жамиятда ўрта синф ҳал қилувчи мавқега эга давлатларда амалга ошган. Олим ана шундай жамият барқарор бўлишини башорат қилган. У айниқса олигархияни – ҳокимиятни бойлар эгаллаб олган тузумни қаттиқ танқид қилган ва бундай тузум узоққа бормаслиги ҳақида огоҳлантирган.

Ҳа, чин жавоҳир минг йилликлар ўтса ҳам ўз қийматини йўқотмайди.

МАЪНОЛАР УММОНИ

Алишер Навоий. Асарлар.

Китобларнинг аксари нари борса бир марта мутолаа қилинади, айримларини бир-икки марта қайта ўқийсиз.

Аммо Навоий "Ҳамса"си, "Ҳазойин ул-маоний"си, "Лисон ут-тайр"и...

Навоийни бир марта ўқиб кўрсангиз, тамом – бир умр ўқийсиз. Ҳар куни ўқишга интиласиз. Қайта ва қайта ўқийверасиз. Ҳар сафар янги асар ўқигандай кашфиётлар қиласиз. Ҳар сафар сўз санъати юксалигидан завқ оласиз, тафаккур кенлигидан ҳайратга тушасиз, мазмун чуқурлигидан энтикасиз...

Ҳар сафар инсонийликдан таълим оласиз, илоҳий калом талқинидан тарбия топасиз.

Биргина мисол – Навоий лирикасининг рамзига айланиб кетган машҳур ғазал:

*Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрӯ келмади,
Кўзларимга кеча тонг откунча уйқу келмади.*



Масъулиятни зиммага олиб таъкид этамиз – бу ва кейинги яна тўрт байт умуман лирика эмас, чунки улар шоирнинг ички кечинмаларини ифода этмайди – Навоийнинг таржимаи ҳоли, ҳаёт тарзи, эътиқоди билан таниш ўқувчига бу аён. Шунингдек, бу беш байтни тасаввуфий талқин қилиш ҳам ноўрин. Навоий сунний мазҳабдаги комил муслмон сифатида тасаввуфнинг “Оллоҳ жамолига ошиқ бўлиш” оқимига мансуб бўлмаган, бўлиши ҳам мумкин эмас – бунга ишонч ҳосил қилиш учун “Лисон ут-тайр”, “Насойим ул-муҳаббат” асарларини ўқиш кифоя, жиллақурса атиги 4 саҳифали “Муножот”ни мутолоа қилиш кифоя.

Савол туғилиши мумкин: хўш, дастлабки беш байтдан мурод нима? Фикри ожизимизча, бу беш байт туркий тилнинг нафосатини “турк тили дағал, нафис ғазаллар ёзишга мувофиқ эмас” деган иддаоларга жавобдир. Бугун энди бундай иддаога ҳеч ким журъат этмайди, аммо бу айнан Навоий ғазаллари туфайлидир. Ҳақиқатан диққат қилайлик. Ғазал матласининг биринчи мисрасида **келгум – келмади** жуфтлиги тазод (ўзаро зид маъноли сўзларни қўллаш санъати) ҳосил қилмоқда. Бу икки омил – **келмоқ** феъли ва тазод санъати ғазалнинг синчини (умуртқасини) белгилайди. **Келмоқ** – қадам билан юришни билдирувчи феъл, лекин Навоий унинг ранг-баранг товланиши мумкинлигини ошкор этмоқда: **уйку келиши, жон оғизга келиши, кулги келиши, кўздан сув келиши, қайғу келиши**. (Бирор ким уйку, кулги ёки жоннинг юриб келганини кўрганми?) Тазод эса байтма-байт бундай тарзда давом этади: **оғизга жон келди – шўх бадхў келмади; оразидек ойдин – рўзгоримдек қаронғу; йигламоқ – кулги келмоқ** (бу байтдаги **париваш – девонавор** муқобили ҳам алоҳида санъат); **сув** (кўзёш) – **қон** ва сўнги байтда **келган – келмади** ва **хуррам – қайғу**.

*Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йўлида интизор,
Келди жон оғзимга-ю, ул шўхи бадхў келмади,*

байтида **чиқтим–чектим, шўхи–бадхў** сўзларида “ч” ва “х” товушлари,

*Оразидек ойдин эрканда гар этти эҳтиёт,
Рўзгоримдек ҳам ўлганда қаронғу келмади.*

– **ораз** ва **ойдин** сўзларидаги “о”, **эрканда – этти–эҳтиёт** сўзларида “э”, **ўлганда–қаронғу** сўзларида товушлар уйкашлиги ўзига хос санъат ҳосил қилмоқда. Аини пайтда, бу икки байт навоиёна ҳазил-мутойиба руҳи билан сугорилган.

Ғазалнинг сўнги:

*Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглунг уйин,
Не учунким, бода келган уйга қайғу келмади,*

байти камида уч хил, тўғрироғи, уч қават талқинга эга. Биринчи, энг юзаки талқин – **риндона**: *кўнглудаги қайғуни бода (май, шароб) билан қувиш мумкин*. Юқорида келтирилган сабаб – Навоий эътиқодига кўра, бундай талқин ҳам лирика бўла олмайди.

Иккинчи, **мажозий** талқин – байт замон ва макондан, миллат ва диний эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир инсон учун навоиёна ўғит: *агар қайғуга тушсанг, бунинг йўли осон: кўнглингни “бода” билан хуррам эт. Бу маънода “бода” Оллоҳга ибодат, “Қуръон” тиловатини тинглаш, донишманднинг сўзи, олимнинг суҳбати, ҳатто куй-қўшиқ бўлиши мумкин*. Кенг тарқалган “бода” тури бу – сеvimли китоб, айниқса, Алишер Навоий асарлари! Бундай “бода”дан бебаҳра одамгина кўнглдан қайғуни кетказиш учун шароб ва бошқа кайф берувчи воситаларга қўл уради. Ҳолбуки, улар вақтинча қайғу кетказиши мумкин, аслида эса қайғуни чуқурлаштиради, ҳатто дунёдан бездиради. Навоий ўғити эса ҳаётга муҳаббатни кучайтиради.

Учинчи, **сўфиёна** талқин: инсоннинг бу бевафо дунёдаги ҳаёт йўли ўзи аслида қайғу билан йўғрилган – ўлим билан тугайди, то унғача ҳам ҳаёт турли синовлар, нафақат қайғули, ҳатто фожиали ҳодисалар билан тўла, бу хусусда ўйлаган киши қай-

ғуга ботиб бораверади, унга дунё қоронғуликдан иборат туюладиган онлар ҳам кўп бўлади. Бундай қайғуни юқорида тилга олинганидан фарқли равишда “глобал (азалий) қайғу” деб атаса бўлади. Навоий ва бошқа Шарқнинг буюк мутафаккирлари, мутасаввиф пирлари, файласуф шоирлари “глобал қайғу”нинг чораси бу – ваҳдат майи деб ҳисоблаганлар:

*Ғайри нақшидин кўнгиш жомиди бўлса занги ғам,
Йўқтур, эй Соқий, майи ваҳдат масаллик ғамзудо!*

“Оллоҳдан бошқа нарсалар банд қилганидан кўнгиш қайғу зангидан хиралашаётган бўлса, ваҳдат майидан бошқа ғамни ювадиган восита йўқки, эй пир, эй муршид, менга шундай май тут” (“Хазойин ул-маоний”даги биринчи ғазалдан).

Яна бир диққатга молик нуқта: ғазалнинг биринчи мисраси билан охириги мисраси деярли бир хил тузилишда, айнан юқорида тилга олинган икки омил асосида қурилган, аммо бу икки мисра ўзаро ҳам тазод ҳосил этади: биринчи мисрада **келмади** салбий ва янги мазмунни ифодаласа, охириги мисрада бу радиф ижобий ва чуқур маъно ташимоқда. Бундай юксак диалектик бадиият жаҳон адабиёти миқёсида ҳам ноёб ҳодисадир.

Сўз юритилаётган ғазалнинг 6-байти алоҳида эътиборга лойиқ. Моҳиятан у шоҳ-байтларнинг шоҳбайтидир. Биз сўнги байт – ғазал мақтасининг қатма-қат мазмунга эга эканини муҳокама қилдик. Шу билан бирга қайд этиш лозим – бундай байтлар Навоий ижодида ҳам, бошқа шоирларда ҳам жуда кўп. Улардан фарқли олтинчи байт жаҳон адабиётида бошқа учрамайдиган, англаб етганни қаттиқ ҳаяжонга соладиган мазмунга эга. Устоз Алибек Рустамовнинг сабоқларидан бирида бу фақир эътироф этди: “Домла,

*Толиби содиқ топилмас, йўқсақим қўйди қадам
Йўлғаким, аввалқадам маъшукни ўтру келмади,*

байтини кўп марта ўқиганман, ундан ҳам кўпроқ марта тинглаганман, аммо унинг қаршисида ўзимни омий ҳис этаман: ҳазрат Навоий нима демоқчилар – тушунмайман”.

Устоз бир оз сукут қилдилар, ҳатто ҳаяжонга тушгандай бўлдилар. Бу бежиз эмас экан. Ҳар доимгидай лўнда жавоб бердилар: “Байт – ҳадиси қудсийга ишора”. Элас-элас ёдимга келгандай бўлди, фақат байт мазмуни ҳадисни ўқиғачгина ойдинлашди. Мана ўша ҳадиси қудсий:

Анас разияллоҳу анҳунинг Расули ақрам саллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоятига кўра, (у зот) Оллоҳ таолонинг бундай деб буюрганини таъкидлаган: “Мўъмин қўлим Менга бир қарич яқинлашса, Мен унга бир аршин яқинлашгайман; Менга бир аршин яқинлашса, Мен унга бир қулоч яқинлашгайман. Мен томон юриб келса, Мен унга югуриб пешвоз чиққайман” (Имом Бухорий ривоят этган) (Илоҳий ҳадислар. Масъул муҳаррир: Шайх Абдулазиз Мансур. “Чўлпон” нашриёти, 1994, 95-бет). Худди шу мазмундаги яна бир илоҳий ҳадис Абу Зарр ал-Ғиффорий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган (ўша манба, 18-бет).

Бу ҳадиси қудсий Навоий байти билан қиёсланса, бундай луғат вужудга келади:

толиби содиқ – холис ниятли толиб, астойдил интилувчи, чин юракдан истовчи (субъект). Бир қарашда байтда Навоий (ўтру чиқмаган маъшукни назарда тутиб толиби содиқ топилмас деяётгандек туюлиши мумкин. Аммо бундай талқинни Навоий сиймосига мувофиқ эмас, деб ҳисоблаймиз;

маъшук – кўнгиш истаган, учрашиш кўмсалган (объект);

аввалқадам – ҳадиси қудсийда – Оллоҳ таоло, ғазалда эса зикр этилган сифат – интилган томон яқинлашувчи, пешвоз чиқувчи;

йўлға қадам қўйиш – маъшук томон юриш;

ўтру келиш – пешвоз чиқиш.

Байтни тушуниш учун бу “луғат”нинг ўзи кифоя эмас, мантиқ илмининг *reductio ad*

absurdum (абсурдга келтириш, математикада – тескарисини фараз қилиш) деб аталадиган мулоҳаза қонунига мурожаат этишга тўғри келади:

“Бу дунёда толиби содиқ топилмаса керак (мавжуд бўлмаса керак), йўқса (акс ҳолда – бу ўринда тескарисини фараз қилиш қўлланилмоқда), мен бир қарич, бир аршин юрдим, аммо маъшуқим пешвоз чиқмади-ку (ўтру келмади-ку)! Ахир мен чин юракдан интилганимда эди, у рўбарўмдан чиққан бўлмасмиди?!”

Ё Оллоҳ!


Ҳазрати Навоий биргина байтда, атиги 11 та сўз орқали иқтибос санъати восита-сида бутун бир рисола мазмунига тенг фикрни ифода эта олган. Толиби содиқ билан маъшуқ кимлигига қараб байтни хилма-хил йўсинда талқин этиб, неча марта қайта ўқиманг, байт ранг-баранг мазмунда жилоланаверади.

Китоб жавонида Навоий асарлари бор инсонларга “Баракалла!” деймиз, Навоий асарлари ўқувчиларига эса таъзим қиламиз.

ИНСОН: ТАБИАТ, ДИН ВА ЖАМИЯТ

Виктор Ҳ ю г о. Асарлар

Гарчи мактабда ўн йил ҳар ҳафта 4-6 соатдан рус тили ва адаби-ётидан сабоқ олган бўлсак-да, гарчи бу икки ўқув предметидан (математика, кимё, астрономия каби фанлардан фарқли ўлароқ) яхшигина ўқитувчиларимиз бўлган эса-да, Тошкентга ўқишга келганда рус тилини деярли билмас эдим. Университет даргоҳида яна икки йил бу тилни ўқиб, бирмунча гаплашадиган, ўз фанимизга оид китобларни таталайдиган бўлдим. Ана шундай шароитда ўқишни М.Ломоносов номидаги машҳур ўқув юртида давом эттириш учун сафарбар қилиндик – бунга 1966 йилги Тошкент зилзиласи оқибатида бинолари талафот кўрган ТошДУга МДУнинг ёрдами сабаб бўлди – ҳар икки даргоҳ ректори ҳам математик, бир-бири билан яқин бўлган.



МДУнинг меҳматида² математикани ўқитиш савияси жуда юқори, 1-курсга талабалар катта конкурс асосида танлаб-танлаб олинган, талаб яна ҳам кучли – ҳар сессияда ярмидан кўпроқ талаба йқилади, 10 фоизи атрофида ҳайдалади. Қишлоқ мактабида ўқиган, устига устак ҳар йили 2-3 ойни пахта даласида ўтказган, рус тилида аранг сўзлашадиган биз учун меҳмат доволларидан соғ-омон ўтиш даргумон. Жадвалдаги дарслар тугаши билан апил-тапил овқатланиб, кутубхонага чопамиз. У МДУнинг рамзига айланган осмонўлар бинонинг 12-қаватида жойлашган. Улкан ўқув залининг деворини бошдан-оёқ китоб жавонлари эгаллаган, токчаларига қисман ўша даврнинг сиёсий адабиёти, асосан, кўпжилдли бадий адабиёт терилган. Ёнидан бефарқ ўтиб бўлмайди.

Бўш вақт топилиши билан енгилроқларидан ўқишга киришдим. Секинлик билан бўлса-да мутолаа равланшиб борди. Ўқиган сари ўқиш тезлиги ортиб боришини ўшанда кузатган эдим. Ҳатто тарихда китобни ҳар саҳифага бир-икки кўз юритиб ўқий оладиганлар ҳам бўлган экан – бундай ҳодиса психологияда идрок яхлитлиги деб аталади.

Кўп мутолаа китобни танлашга нисбатан талабчанликни “инжиқлик”ка ҳам айлан-тириши мумкин. Каминанинг тушунчасича, китобнинг баҳоси унинг сўнгги саҳифаларини ёпганда маълум бўлади. Шундай китоблар борки, ундаги мазмуннинг мағзи сўнгги саҳифаларга пружина сингари қисиб жойланган бўлади – мутолаа тугалланганда у ёзилиб, ўзидан жуда катта потенциал энергия ажратиб чиқаради ва бу энергия китобхоннинг вужуди, онги, қалбини ларзага солувчи руҳий энергияга айланади. Ўзбек китобхони бу ҳодиса билан “Ўткан кунлар” романи орқали таниш – Кумушнинг ўлими эпизоди ана шундай “пружина”дир. Рус адабиётида Ф.Достоевскийнинг китоблари шу хусусият билан ажралиб туради. Бироқ бу атоқли адиб асарларидаги якун ўқувчида

² Механика-математика факультетининг қисқа айтилиши

кайғули, ўқинчли, иложсизлик (бенаволик) кайфиятини уйғотади. XIX аср рус танқидий реализмига хос бу хусусият Россия жамиятининг XX аср бошларидаги инқироз кайфиятининг ифодаси бўлган, ҳатто уни тайёрлашга хизмат қилган – жамиятдаги нигилистик кайфиятни кучайтирган. Бундан фарқли равишда XIX аср француз романтизми ушбу жамиятнинг XVIII аср охири – XIX аср бошларидаги бухронни енгиб ўтишига, республика тузуми узил-кесил қарор топишига хизмат қилган. Бу адабиётнинг энг ёрқин вакили Виктор Ҳюгодир.

Ҳюго романларида финал яна ҳам сиқикроқ потенциал энергиянинг “портлаши” асосига қурилган. Бу борада унинг “Тўқсон учинчи йил” романи намунадир. Аммо “Денгиз заҳматкашлари”, “Париждаги Бибимарям ибодатхонаси” ва айниқса “Хўрланганлар” романларидан иборат трилогияси Ҳюгонинг номини абадийлаштирган. Янглишмасам, улардан биринчи ва иккинчиси ўзбек тилига таржима этилган, аммо учинчиси – энг асосийсидан айрим парчалар (Козетта, Гаврош тўғрисидаги боблар) ўгирилган, холос. Муаллифнинг ўз эътирофига кўра, биринчи романда табиатнинг инсонга муҳолифати, иккинчисида диний мутаассибликнинг инсон тақдирига таъсири, учинчи романда эса инсоннинг ўз қадр-қиммати учун ижтимоий мутаассибликка қарши кураши бош ғоя қилиб олинган. Бу ўринда асар номи ўзбек тилига номутаносиб таржима этилганини таъкидлаш лозим – романда фақат Козетта гўдаклигидан то Жан Валжан уни қутқаргунча хўрланади, аммо асарнинг бош қаҳрамони, каторгани бошдан кечирган Жан Валжанга нисбатан бу сифат номувофиқ – у ўзини хўрлатиб қўядиганлардан эмас. Аксинча, “Жан Валжан – жиноятчи, уни яна каторгага жўнатиб, жамиятни халос этиш керак” деган мутаассибларча эътиқодни маҳкам ушлаган полиция сержанти Жавернинг доимий таъқибига қарамай, юксак инсоний фазилат намойиш этади – сержантнинг ўзини ўлимдан қутқариб қолади. Роман номи “Таҳқирланганлар” деб таржима қилинса, аслига яқинроқ бўлса керак.

Роман узоқ ўқилади, муаллиф атайин “қани, Жан Валжан тақдири сизни бефарқ қолдирадими, йўқми” дегандай тез-тез асосий сюжет чизигидан четга чиқиб туради: бир Парижнинг каторгалари тарихи, яна бир ота-она қаровисиз қолган болалар тўғрисида, кичик бир боғланиш баҳонасида Ватерлоо жангининг тафсилотларини ҳикоя қилишга тушиб кетади. Аммо тақдир Жан Валжанни таъқиб этишда давом этаверади. Ўқувчини “Наҳот тақдири азал жамиятнинг мутаассиб қатлами воситасида инсонни шу қадар таъқиб этиши ва таҳқирлаши мумкин бўлса?” деган савол ўртайди. Роман якунланар экан, инсон ўзи англаб етиб-етмаган собит эътиқоди, матонати билан тақдирнинг барча синовларини енгиб ўта олиши, бор-будини, бир мартагина бериладиган ҳаётини таг-туғи билан сарфлаб бўлса-да эзгуликка интилиши, бу йўлдаги курашда ғолиб чиқиши тасвирланган саҳифалар китобхон қалбини титроқ ва ҳаяжонга солади.

В.Ҳюго асарларининг рус тилидаги 15 жилдли нашрида 6-8 жилдларни ташкил этган (жами 1700 саҳифадан зиёд) бу роман 8 марта инглиз тилига таржима этилган, тўлиқ ёки айрим парчалари 30 мартадан зиёд экранлаштирилган, ундан ҳам кўп бора саҳналаштирилган. *(Беҳтиёр ўйга борасан: Навоий асарлари асосида ҳозиргача нечта кинофильм суратга олинди?)*

Бироқ... Жан Валжан тақдирига бағишланган бу қадар йирик романи бугун на Фарбда, на Шарқда кимлардир ўқиётганига, эртага ўқишига ишонин қийин...


Виктор Ҳюго ижодида романтизм ижтимоийлик билан чатишиб кетгани ғаройиб. Бу – муаллифнинг ўзи ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этгани, унинг тақдири Франция тақдири-ла бир бутунлик ташкил этгани билан изоҳланса керак. Адиб умрининг охирида яна бир трилогия яратишга киришган, ундаги романларда аристократия, монархия ва республика тузумлари инсон тақдири призмаси орқали қиёсланиши кўзда тутилган. Муаллифнинг эътиқоди ва ҳаёт йўлидан келиб чиқиб трилогиянинг мақсади республика тузумини ҳар томонлама улуглаш бўлган дея оламиз. Ахир халқ манфаатлари учун курашда бевосита фаол иштирок этган, ҳатто таъқибларга учраган,

хар икки асаридан бири цензура ғалвиридан ўтмаган, бутун вужуди билан республикачи бўлган муаллифдан бошқа нима кутиш мумкин? Афсуски, адиб бу ниятини амалга оширишга улгурмаган. 1885 йили 84 ёшида вафот этган Виктор Ҳюго билан 10 кун давомида миллион киши видолашган. Умрини эзгуликка бағишлаган адибнинг шеър ва пьесалари, публицистикаси ва романлари инсон қадр-қиммати ҳимоясига қаратилган. Улар ана шу мақсадга хизмат қилишда давом этади, бунга шубҳа йўқ.

УМР – ЖАСОРАТ

Лев Толстой. Асарлар

Бу зотнинг асарлари турли форматда сон-саноксиз марта нашр этилган. Улардан энг кенг тарқалгани – 12 жилдлик бўлиб, 10 мартадан кўпроқ босиб чиқарилган. Менинг Толстой билан танишувим шу нашрдан бошланган, унинг ижоди тўғрисидаги билимим ҳам шу билан чекланган эди – мазкур нашр деҳқонларга хос ҳаёт тарзини афзал кўрган графнинг фақат бадиий асарларидан таркиб топгани учун, унга муносабатим “Л.Толстой – ёзувчи” деган формулада жам эди. Шунда ҳам, романларини ўқиш қийин – жозибадор эмас, қиссалари эса, аксинча, “бир ўтиришда ўқиб чиқилади”, ҳикояларининг бири ундай, бири бундай, деган таассурот ҳосил бўлган. Масалан, “Одамга кўп ер керакми?” ҳикояси математик мазмунда – бир кунда айланиб чиқиб, ажратиб олинадиган майдон энг катта бўлиши учун қандай йўл танлашни билмаган мужик очкўзлиги боис ҳаётдан кўз юмади.



Шунинг учун “Тафаккур” журналининг 1997 йил 1-сониди графнинг “Иқрорнома” (бошқа таржимаси “Тазарру”) асари босилиб чиққанда ғалати ҳолатга тушдим: “Бу мен ўқиганман деб юрган Толстойдан бутунлай бошқа-ку!” Асарни Нуриддин Зайниев тавсияси билан Озод Шарафиддинов таржима қилган (ҳар иккаларини Оллоҳ раҳмат қилсин). “Иқрорнома” таъсирида ёзилиб, шу соннинг ўзида босилган “Мен эътиқодимни нега ўзгартирдим?” мақоласи қўшилиб, тушунчамни ғалаёнга солган эди. Энциклопедиядан “Толстой Лев Николаевич” мақоласини ўқиш масалага анча ойдинлик киритди ва буюк адибнинг ёзма мероси билан чуқурроқ танишишга ундади. Унинг 90 жилдли “Мукамал асарлар жамламаси”ни ўқиб чиқишга журъат етмади – бу толстойшуносларнинг юмуши бўлса керак. 1978–85 йилларда миллион нусхада чоп этилган 22 жилдли асарлар тўпламига “Иқрорнома” ҳам, Л.Толстой публицистикаси ҳам, қисман хатлари, кундалиги, ўқиган китоблари ҳақидаги таассуротларидан (“Круг чтения”) намуналар киритилган. Бу мутолаа, худди Навоий асарлари билан чуқурроқ танишишдан чиқарилган хулосага олиб келди: Толстойни ёзувчи, адиб дейиш – ҳеч нарса демаган билан баробардир. Кавказда ҳарбий хизмат чоғида ҳаваскор ёзувчиликдан бошланган ҳаёт йўли йиллар ўтиши билан буюк мутафаккир, ўз даврининг энг номдор жамоат арбоби “манзил”ига етгач яқунланган, айнан шунинг учун ҳам умри ниҳоясига яқинлашар экан, газеталар унинг соғлиғи ҳақида салкам соатма-соат хабар беришни лозим топган, ўлими эса 1905 йилги инқилобдан ҳам йирикроқ, муҳими – улғувор ва умидбахш издиҳом келтириб чиқарган.

Навоий асарларини “шоир ижоди” сифатида эмас, балки мутафаккир-файласуф сифатида мутолаа қилиш тўғри бўлганидек, мутафаккир Толстой билан танишиш унинг романлари тағидаги асл мақсадни пайқаш учун ҳам муҳим экан. Хусусан, Л.Толстойнинг шоҳ асари бўлмиш “Уруш ва тинчлик” романини олайлик. Асар аслида қандай номлангани тўғрисида икки хил фикр мавжуд. Кўпчилик толстойшунослар муаллиф ўз романини “Уруш ва тинчлик” (“Война и миръ”) деб атаган деса, бошқа бир гуруҳ унинг номи асли “Уруш ва раият” (“Война и миръ») бўлиши керак деб ҳисоблайди. Китоб қандай

номланганидан қатъи назар, унинг бош фабуласини айнан уруш ташкил этади: уруш ва тинчлик, уруш ва раият, уруш ва давлат, уруш ва шахс, уруш ва замон. Бугунги рус адабиётшунослигида Л.Толстой романини “ҳаёт ва ўлим ҳақидаги эпопея” дея талқин қилиш устун. Нима деганда ҳам муаллиф уруш воситасида раият, жамиятнинг турли табақасига мансуб кишиларнинг хатти-ҳаракатлари, ўй ва кечинмаларини ёритиш, шу орқали уларнинг психологияси, ички дунёсини очиб беришга уринган. Кишини ҳайратга солувчи ҳолат – ҳали жуда ёш Толстой ўзининг “Кавказдан мактуб” ҳикоясидаёқ урушнинг бемаъни (абсурд) ҳодиса эканини тасвирлаган бўлса, унинг кенгайтирилгани деб атаса бўладиган ва орадан икки йил ўтиб ёзилган “Босқин” (“Набег”) ҳикоясида таҳлилни чуқурлаштиради: урушнинг кичик бир эпизоди – Кавказ овулига бостириб киришга тай-ёргарлик (“тинчлик”) ва босқин (“уруш”) чоғида оддий аскар ва зобит, тажрибали ва ғўр ҳарбийларнинг сўз ва ҳаракатлари тасвирланади. (Бу ҳикояда Л.Толстойнинг урушга салбий муносабати пардалаб билдирилган бўлса, умри ниҳоясида ёзган “Ҳожимурод” қиссасида кескин тарзда ифода этилган, ҳатто император Николай I мазах қилинган.)

Шу тариқа уруш билан боғлиқ кузатувлари ва ўйлари ушбу машҳур эпопеянинг яратилишига сабаб бўлган. “Уруш ва тинчлик” романини ёзар экан, Л.Толстойнинг хат ва кундалигидан кузатиладиги, у уруш мавзуида қаттиқ зўриқиш билан мушоҳада қилишда давом этган. Тафаккурнинг мана шу тарздаги тадрижи натижасида ёзувчи Толстой тинчликпарвар, инсонпарвар, бечорапарвар Толстойга айланган. “Иқрорнома”, “Нима қиламиз?”, “Муҳаббат қайда бўлса, худо ўша ерда”, “Менинг эътиқодим” каби эсселарини ёзган, зодагонларга хос ҳаёт тарзини тарк этган ва умуминсоний кўламда фикр юритган мутафаккир сифатида яқунлаган.

Л.Толстой романларини шу нуқтаи назардан қайта мутолаа қилиб чиқиш керак. Биринчи навбатда “Уруш ва тинчлик” романини.

Ҳар сафар бу романини кўлга олганда, беихтиёр шундай ўй келади: Л.Толстой-ку уруш чоғида одамларнинг табиатидаги ўзгаришларни, мусбат-манфий қутбларни очиб берди. Қани энди социализм деб аталган, аслида нима экани ҳам мужмал, “депрессив-депрессив” охири иқтисодий-ижтимоий инқирозга юз тутган тузумдан жадал ривожланадиган бозор иқтисодиётига ўтиш даврида одамларнинг онги, менталитети ва табиатидаги ўзгаришлар-да эпопея қилинса... Толстой каби мутафаккир-адибдан улги олиб. Ана шунда балки жамиятнинг айрим мисли кўрилмаган адолатсизлик иллатларини даволаш енгиллашармиди?..

КАМТАРГА... ЗАВОЛМИ?

Анри Пуанкаре. Асарлар

Пуанкаре адиб ҳам, давлат ёки жамоат арбоби ҳам эмас, буюк олим. Тарихда бундай олим ўтганини тор доирадаги фан аҳли биларди, аммо кенг жамоатчилик – афкор оммаси билмайди, кўпчилик ҳатто эшитмаган. Ер юзининг исталган бурчагида “Қайси олимни биласиз?” деб сўралса, одатда Архимед, Ньютон, Менделеев, Эйнштейн номи айтилади, Пуанкаре эмас. Ҳолбуки, фан тараққиётига Пуанкаренинг ҳиссаси санаб ўтилган олимларниқидан кўп бўлса кўпки, асло кам эмас.

Бундай ҳол ҳар бир соғлом фикрли кишини таажубга солиши табиий.

Тўппи-тўғри, мухтарам ўқувчи, зикр этилган ҳолат фан тарихида мисли кўрилмаган адолатсизлик натижасидир. Буни очиб беришга ҳаракат қилайлик. Википедиядан маълумот:

Жюль Анри Пуанкаре (1854, Нанси, Франция – 1912, Париж) – франциялик математика, механика, физика, астрономия ва фалсафа олими. (Биз бунга қўшимча



қиламиз: психология ва фан методологияси бўйича ҳам). Париж Фанлар академиясининг раҳбари (1906 йилдан), 30 дан зиёд мамлакат академияларининг аъзоси.

Тарихчилар Анри Пуанкарени барча замонларнинг энг буюк математиги деб ҳисоблайди. У Давид Ҳильберт билан бирга ўз тадқиқотларида математиканинг барча соҳасини қамрай олган математиклардан сўнггиси ҳисобланади³. У 500 дан зиёд рисола ва китоб ёзган.

Сўнги маълумот муносабати билан икки нуқтага эътибор қаратамиз. Биринчидан, бу маълумот Пуанкаренинг математик сифатидаги таърифидан кейин келаётгани ўқувчини чалғитиши мумкин – унинг рисола ва китоблари фаннинг турли соҳаларига оиддир, фақат математикага эмас. Иккинчидан, бугунги нашриёт-матбаа асрида юзлаб эмас, ҳатто минглаб мақола чоп эттириш қийин иш эмас ва шу нуқтаи назардан “500 дан зиёд” деган рақам ажаблантирмаслиги мумкин. Ҳолбуки, Пуанкаре ўз давридаги фаннинг, жумладан, математика, механика, физика ва психологиянинг энг мураккаб муаммолари билан шуғулланган, уларни ечиш учун ҳар сафар бутунлай янги усуллар ишлаб чиқишга эришган. Мана шу хусусият – фундаментал муаммога даҳоларча ёндашув ундан натижаларини илмий мақола тарзида эмас, кўпроқ рисола шаклида эълон қилишни тақозо этган. Мана бир эътироф:

Поль Пенлеве (таниқли француз математиги, уч марта Франция бош вазири бўлган): “У (яъни Пуанкаре) ҳамма фаннинг мағзини чақди, ҳаммасини чуқурлаштирди. Фавқуллодда ихтирога мойил ақл эгаси эди, илҳомининг чеку чегараси йўқ эди, муаммоларни ҳал қилишининг янги йўллари излашда чарчоқ нелигини билмас эди. Абстракт математикада ҳали ҳеч кимнинг оёғи етмаган янги соҳаларни очди. Инсон тафаккури қайси йўналишда ривожланмасин – симсиз телеграф (яъни радиофизика демоқчи) бўладими, Рентген нурланиши бўладими, Ернинг пайдо бўлишими – Пуанкаре номи тилга олинади”.

Яна бир мисол. Маълумки, Кеплер “планеталар эллипс бўйлаб ҳаракат қилади” деган қонунни кашф этган. Кеплер уни фақат кузатув натижаларини қайта ишлаш йўли билан, фараз сифатида айтган. Чунки, биринчидан, “Нима учун планеталар орбиталари – эллипс?” деган савол очиқ қолган, иккинчидан, планеталар орбиталари айланага нисбатан эллипсга яқин, аммо барибир эллипсдан фарқ қилади. Ҳар икки ҳолатни Исаак Ньютон бутун олам тортишиш қонуни воситада аниқлаштирган: биринчидан, агар фақат икки жисмгина ўзаро тортишиш кучи билан ҳаракатланса ва бири кўзгалмас деб олинса, иккинчисининг орбитаси эллипс бўлади – бу ҳулоса катта аниқликда Қуёш – планета ва Ер – Ой, Ер – сунъий йўлдош жуфтликлари учун ўринли. Аммо, иккинчидан, учинчи жисм таъсири ҳам ҳисобга олинса, хусусан, Қуёш – Ер – Марс, Қуёш – Ер – Ой системаларида орбиталар эллипс бўлмайди. Хўш, бундай ҳолда орбита шакли қандай бўлади? Бу масала Ньютон замонидан “уч жисм масаласи” деб аталган муаммо бўлиб келган. Уч аср давомидаги уринишлар уни ечишга бир қадам ҳам яқинлаштирмаган, фақат Пуанкаре масалани “ўлик нуқта”дан кўзгатишга муваффақ бўлган. Унинг “Осмон механикасида маърузалар” асари ҳозиргача бу соҳадаги асосий қўлланма бўлиб қолмоқда. Қолаверса, бу соҳада Пуанкаредан кейин ҳам бирор муҳим янгилик қилингани йўқ.

Ҳозир Пуанкаренинг математика ва механика фанлари ривожига қўшган ҳиссаси тўғрисида батафсилроқ тўхташнинг мавриди эмас, унинг математика тарихида тутган ўрнини тасаввур қилиш учун юқорида ёзилганлар кифоя. Аммо унинг иш услуби ёш изланувчилар учун жуда-жуда ибратлидир. Олимнинг жияни Пьер Бутру Швеция Фанлар академиясининг президенти Г.Миттаг-Леффлер илтимосига кўра, амакисининг қандай ишлаганини кузатган: “У бирор масалани ечишга киришса, доим хаёли шу билан банд бўлар эди. Уйдан университетга кетаётганда йўлда ҳам, турли-туман мажлисларда ўтирганда ҳам, нонуштадан кейинги анча узун сайр чоғида ҳам фақат

³ Нафсиларини айтганда, А.Колмогоров (1903-87) ҳам математиканинг деярли барча соҳаларида фаолият олиб борган.

масала устида бош қотирар эди. Оиласи овқатланиш учун стол атрофида жам бўлганда ҳам, ҳатто меҳмон келганда ҳам ўйлашдан тўхтамасди. Бирор мавзуда суҳбат бораётган бўлса, у гўё суҳбатга қулоқ солиб ўтиргандай туюлар, аммо бирдан суҳбатдошини бўлиб, миясига масала ечимига доир янги ғоя келганини айтар, ана шу ғояни сўзлаб беришга киришиб кетарди”.

Париж психологлари жамиятининг илтимоси билан Пуанкаре ўз устида психологик тажриба ўткази бошлаган – қийин муаммони ечиш ғояси инсон онгида қандай туғилишини кузатган. Кузатув натижаларини ўша жамиятнинг умумий йиғилишида маъруза қилиб берган. У илмий тадқиқот методологияси соҳасидаги изланишларини кейин ҳам давом эттирган, уларни ҳар бир аниқ фан вакили ўқиб чиқиши тавсия этиладиган “Математик ихтиро психологияси”, “Фаннинг аҳамияти”, “Фан ва метод”, “Қонунлар эволюцияси”, “Фан ҳақида”, “Сўнги фикрлар” каби китобларида баён этган.

Пуанкаренинг юқорида зикр қилинган ишлари унга шон-шараф ва обрў-эътибор келтирди, ҳаётлигидаёқ фан даҳоларидан бири сифатида эътироф этилди. Шунга қарамаздан унинг жаҳон фани олдидаги яна бир буюк хизматиға нисбатан адолатсизлик ҳукм суриб келмоқда. Гап шундаки, нисбийлик назариясининг биринчи ва асосий яратувчиси айнан Анри Пуанкаредир⁴. Эйнштейн-чи? Эйнштейн ҳам бу назария асосчиларидан бири, хусусан, машҳур $E = mc^2$ формуланинг муаллифи, аммо янги таълимотнинг бош яратувчиси ҳам, ягона эгаси ҳам эмас. Бу анча мураккаб мавзу бўлиб, батафсил маълумот учун Википедиянинг Пуанкаре саҳифасига ва бошқа манбаларга, хусусан, “Ажойиб кишилар ҳаёти” туркумидан “Пуанкаре” китобидаги иловаларга мурожаат этишни тавсия этамиз. Бу ерда эса мазкур адолатсизлик қандай юзага келганига доир бир неча далил келтириш билан чекланамиз.

Нисбийлик назарияси яратилишининг тарихи Я.Дорфманнинг “Физика тарихи” (Москва, “Наука”, 1975) китобида анча батафсил ёритилган. Соҳа бўйича йирик мутахассиснинг илмий монографияси 2012 йили қайта нашр этилди. Китобда физика ривожланишининг энг сермахсул босқичи бўлмиш XIX аср бошидан XX аср ўртасигача давр қамраб олинган – статистик физика, нисбийлик назарияси, квант механикаси, ядро физикаси худди шу даврда вужудга келган. Баҳсимиз мавзуида китобда шундай тасдиқ бор:

“Нисбийлик назарияси учун Эйнштейн икки асосий қонунни асос қилиб олган:

I. Вакуумда ёруғлик тезлиги бир-бирига нисбатан тўғри чизиқли ва текис ҳаракатланувчи барча координаталар системаларида бир хилдир.

II. Табиатнинг барча қонунлари бир-бирига нисбатан тўғри чизиқли ва текис ҳаракатланувчи барча координаталар системаларида бир хилдир”.

Назарий физикада (Пуанкаре бу фанни математик физика деб атаган) нисбийлик назариясининг барча хулосалари ана шу икки асосий қонундан келтириб чиқарилади. Эйнштейн нисбийлик назариясининг асослари ҳақидаги 11 саҳифали мақоласини 1905 йилда эълон қилган. Шундан сўнг Я.Дорфман қўшимча қилади: “Бу қонунлардан биринчисини даставвал Пуанкаре таърифлаган, иккинчисини эса Эйнштейнгача ҳеч ким таърифлаган эмас”.

Қизиқ, агар тарих шундай кечган бўлса, “биринчи қонунни Пуанкаре, иккинчиси Эйнштейн таърифлаган экан, нисбийлик назарияси ана шу икки олим меҳнати самарасидир” деган хулоса табиий эмасми? Китоб муаллифи нисбийлик назариясининг яратувчиси фақат Эйнштейн, деган тезисни ҳимоя қилиш учун, ижобий тасдиқ тарзида айтса бўладиган гапни инкор тарзида айтмоқда: “Эйнштейнгача ҳеч ким таърифлаган эмас”. Хўп, майли, деб турайлик. Бу ҳолда барйбир назариянинг иккинчи ярми Эйнштейнга, биринчи ярми Пуанкарега тегишли бўлиши керак эмасми? Пуанкаре ўз

⁴ Мақолада нисбийлик назарияси деганда махсус нисбийлик назарияси кўзда тутилди. Бу ўринда эса кейинроқ яратилган умумий нисбийлик назарияси пойдеворини ҳам Анри Пуанкаре қўйганини қайд этили жоиз.

тадқиқотларини аввалроқ эълон қилгани учун янги таълимот “Пуанкаре-Эйнштейн назарияси” деб аталиши адолатли бўлмайди?


Аслида ҳолат бутунлай ўзга. Я.Дорфманинг ўзи нисбийлик қонунининг Эйнштейн-гача бўлган хронологиясини келтирар экан, қуйидаги далилни зикр этган: “1900 йили Сент-Луис шаҳрида ўтказилган халқаро анжуманда А.Пуанкаре ўзи ўринли деб ҳисоблаган бу қонунни шундай таърифлаган: *Физик ҳодисаларнинг қонунлари тинч ҳолатдаги кузатувчи учун ҳам, унга нисбатан тўғри чизиқли текис ҳаракатланаётган кузатувчи учун ҳам бир хил бўлади*” – кўриниб турибдики, бу иккинчи қонуннинг айнан ўзи. Ҳатто қонунни айнан Пуанкаре “нисбийлик постулати” деб атаган. Яна бир рус физиги Б.Спасский “Физика тарихи” китобида нисбийлик принципини Пуанкаре 1898 йили эълон қилган “Вақтни ўлчаш” мақоласида келтирган деб ҳисоблайди. Муҳими, Пуанкаре фақат нисбийлик назариясининг асосларини таърифлаш билан чекланмаган, балки ҳаракат қонунларини келтириб чиқарган.

Нисбийлик назарияси ҳозиргача физиканинг мураккаб бобларидан бири бўлиб қолмоқда, у яратилган даврда эса бутун фанни ларзага солувчи янгилик бўлган. Бундай кашфиёт ўз-ўзидан бир уринишда қилинмайди. Пуанкаре нисбийлик принципи билан боғлиқ муаммоларни 1890-йиллардан бошлаб тадқиқ қилган, бу борада бир неча рисола нашр этган, маърузалар ўқиган. А.Эйнштейн эса 1905 йилгача бу мавзуда бирор чиқиш қилмаган, физиканинг бутунлай бошқа масалалари билан шуғулланган ва ... бирдан нисбийлик назарияси асослари тўғрисидаги мақоласини эълон қилган.

Ҳозиргача фан тарихчилари “Эйнштейн Пуанкаре мақолаларини ўқиганми?” деган савол устида баҳслашади. Эйнштейннинг ўзи “ўқимаган эдим” деган, аммо бунга ишонш жуда қийин. Чунки, биринчидан, Пуанкаре даврининг энг машҳур олимларидан бири бўлиб, унинг ҳар бир мақоласи илмий жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинган. Иккинчидан, нисбийлик назариясига туртки бўлган “Лоренц қисқартириши” деб номланган ҳодиса ҳамманинг оғзида юрган, ҳатто унга атаб шеър ва эпиграммалар ёзилган. Учинчидан, ўша йиллари ёш Эйнштейн илмий журналларга фандаги янгиликлар тўғрисида обзор мақолалар ёзиш билан шуғулланар эди. Ҳолбуки, Пуанкаре 1904 йили ўша давр физика муаммолари чуқур ва атрофлича баён этилган “Математик физиканинг бугуни ва келажаги” мақоласини эълон қилган, у оммабоп тилда ёзилгани боис (бирорта ҳам формула ишлатилмаган!) кенг оммалашган эди.

Эйнштейн нафақат 1905 йилдаги мақоласида, кейинроқ чоп қилинган нисбийлик назариясига оид мақолаларида ҳам Пуанкарени тилга олмаган⁵.

Пуанкаре бундан ранжиганми ё йўқми – бу ҳам маълум эмас, аммо у фандаги энг саховатли, бағрикенг арбоблардан бири бўлгани аниқ – у ўзи топган ўнга яқин янгиликни бошқа олимлар номи билан атаган: Лоренц алмаштириши, Бетти сонлари, Клейн группаси, Пуассон бўйича тургунлик ва ҳ.к. У ҳатто Эйнштейнга ишга жойлашиш учун ижобий характеристика ёзиб берган. Пуанкаре камтар, камсуқум, анча тортинчоқ одам бўлган. Асосий муаллифи бошқа олим бўлган янги таълимотнинг Эйнштейн номи билан аталиб кетиши фан тарихидаги биринчи муваффақиятли пиар дея баҳоланиши мумкин. Бугун энди тарихий адолатни тиклаш – “Нисбийлик назариясининг асосчилари Лоренц, Пуанкаре ва Эйнштейн бўлиб, Пуанкаренинг ҳиссаси кўпроқ” деган фикрни ёйиш жуда қийин, балки имкони йўқдир, аммо бу адолатсизликдан жамоатчиликни хабардор қилиб қўйиш лозим, зеро, бошқа олимнинг илмий натижаларини ўзиники қилиб олиш бизнинг жамиятимизда анча-мунча учраб туради.



⁵ Эйнштейн фақат кексайиб қолганида виждон азоби тинчлик бермаган бўлса керак, “Нисбийлик назариясининг яратилишида Лоренц билан Пуанкаренинг ҳам ҳиссаси бор” дея камситувчи оҳангдаги эътирофини билдирган.



Ijtimoiy evrilishlar omili

Трансформация (эврилиш) жамиятнинг бозор иқтисодиётига асосланган тараққиёт босқичига ўтишини англатади (Ионин Л. *Социология культуры*. Москва, “Логос”, 1998. Стр.201-202). Бироқ бунинг учун жамият аъзоларининг сиёсий онгида туб ўзгариш бўлиши лозим, бу ўзгариш эса, энг аввало, миллий ўзликни англашда намоён бўлади.

Сиёсий онг, ижтимоий-фалсафий моҳиятига кўра, назарий-концептуал ва амалий-стратегик хусусиятга эга тушунчадир. У жамият, давлат ва ижтимоий бошқарувнинг бош йўналишини ифода этади, кишилар ҳаётининг фундаментал аҳамиятга молик жиҳатларини қай томон йўналтириш мумкинлигини кўрсатади. Сиёсий онг ижтимоий онгнинг ўзаги сифатида жамият, давлат, институтлар ва индивидлар ҳаёти, турмуши, дунёқарашига таъсир этади. Бугун ижтимоий ҳаётни сиёсий воқелик, сиёсий онга тааллуқли омилларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Сиёсий онг жамият янгиланишига беқиёс таъсир этгани боис, миллий ўзликни англаш билан чамбарчас боғланади. Ижтимоий ҳаёт ўз-ўзидан трансформацияга учрамайди, ҳатто сиёсий онг ҳам мазкур жараёнга бефарқ қолиши мумкин. Аммо у ижтимоий онг ва ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга назарий – концептуал ва амалий-стратегик йўналиш беришда давом этади.

Фикримизча, сиёсий онг стратегик мақсадни белгилаб бериш, социал бошқарувни йўлга қўйиш орқали ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсир этади. Лекин инсон фақат моддий ҳаётини яхшилаш, фаровонликка эришиш билангина қаноатланиб қолмайди, уни ён-атрофида бўлаётган сиёсий воқеалар, давлат ва жамият ишлари, инсониятнинг тараққиёт йўллари, мо-

деллари, бу борадаги турли ёндашувлар ҳам қизиқтиради. Демак, сиёсий онг давлат ва жамият ҳаёти тараққиётидаги назарий-концептуал ва амалий-стратегик мақсадларни белгилаб бериш орқали барча соҳаларни ўзида мужасамлаштиради. Шу маънода, у ижтимоий онгнинг ўзагидир.

“Сиёсий муносабатлар жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг таркибий қисми ҳисобланади ва ушбу муносабатларни бошқарувчи, йўлга қўювчи, характерини белгилаб берувчи ўзак сифатида келади. Сиёсатнинг интеграл характери сиёсий муносабатларнинг барча соҳаларида иштирок этишни, уларнинг ўзаги эканини билдиради. Шунинг учун сиёсий воқеликни ўрганганда унинг интеграл характеридан келиб чиқиш талаб этилади, чунки интеграл концепцияси йўқ тадқиқот сиёсий воқеликни фрагментар, дескриптив таҳлил қилишга ва дедуктив, метафизик мушоҳадаларга олиб боради” (Қўчқоров В. *Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар*. Тошкент, “Akademiya”, 2007. 65-бет).

Сиёсий онг ва миллий ўзликни англашнинг трансформация жараёнларидаги ўзаро боғлиқлиги, уларнинг диалектик ўрнини аниқлаш муҳим илмий аҳамиятга эгадир. Фикримизча, ушбу вазифанинг ижтимоий-фалсафий моҳиятини қуйидаги масалаларни муҳокама қилиш, тадқиқ этиш орқали очиб бериш мумкин.

1. Сиёсий онг ва миллий ўзликни англаш ўртасида этимологик, аксиологик фарқлар бўлса-да, уларга яхлит, стратегик мақсадга йўналтирилган, моҳиятан уйғун воқелик сифатида қараш ўринлидир. Ўтган асрнинг бошларида миллат келажаги, тақдири, истиқлоли учун курашган буюк мутафаккир жадидлар фаолия-

тини, курашларини эслайлик. Уларнинг саяб-ҳаракатлари, тилак ва орзулари миллат интилишларига мувофиқ эди; улар тузган ижтимоий-сиёсий партиялар, мактаб ва нашриётлар миллий ҳаётни янги босқичга кўтаришга қаратилган эди. Лекин мазкур интилишлар орзулигича қолаверди. Айб фақат чор ҳукуматидами? Ижтимоий онг янги ғояларни, истиқлол тўғрисидаги фикрларни, миллий ўзликни англашга қаратилган даъватларни эшитишга тайёрмиди? Сиёсий онг жадидлар фаолиятида устуворлик қилган; улар миллий ўзликни англаш, истиқлолга эришиш йўлларини дадил очиб берган, лекин ижтимоий онг, омма миллий ўзлигини намоён қилиш, истиқлол учун курашишга ҳали тайёр эмас эди. Демак, жамиятда трансформацион ўзгаришлар содир бўлишининг муҳим омили – сиёсий онг ва миллий ўзликни англаш, уни қатъий ҳимоя қилиш феноменларининг уйғунлигидадир.

2. Сиёсий онгнинг ижтимоий-тарихий тараққиётнинг объектив қонунларини тўғри англаши мавжуд вазиятдан ҳаққоний хулоса чиқариш, масъулиятни зиммага олиб, ижодий, социокреатив кучларга таяна билиш, халқни муайян идеал, ғоя, мафкура теварагида бирлаштириш билан боғлиқдир. Тарихда тараққиёт ҳақида бетақрор концепциялар, таълимотлар яратган диний ва дунёвий арбоблар кўп бўлган, ammo уларнинг утопик-футурологик ғоялари орзулигича қолаверган (*Мангейм К. Идеология и утопия // Утопия и утопическое мышление. Москва, "Прогресс", 1991. Стр.113-169*). Демак, трансформациянинг "долзарб реаллик" сифатида келиши, минглаб, миллионлаб кишиларни ҳаракатга сола олиши учун тарихий тараққиётнинг объектив қонунларини тўғри англамоқ зарур.

3. Моноэтник давлатлар ва жамиятларда трансформация тез ва самарали амалга ошади. Полиэтник давлатлар ва жамиятларда эса трансформация турли тўсиқлар, мураккабликларни келтириб чиқаради. Мазкур ҳолни бартафаф этиш кўпинча этносиёсий омиллар билан боғлиқ. Ўзбекистонда амалга оширилаётган этносиёсат юртимизда ҳаёт кечираётган турли халқ, миллатлар вакиллари иттифоқини мустаҳкамлаш, этномаданий ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилгани ижобий натижа бермоқда.

4. Мустақиллик миллий ўзликни англаш феномени билан боғлиқ. Бу ўринда сиёсий онг миллий ўзликни англаш тарзида, миллий ўзликни англаш эса сиёсий онг кўринишида бўй кўрсатади. Мазкур боғлиқлик трансформацион ўзгаришларнинг назарий-концептуал асоси ва ижтимоий-амалий дастури сифатида намоён бўлади.

Сиёсий онг ва миллий ўзликни англашнинг ижтимоий ҳаётга таъсири жамиятни модернизациялашда ёрқин намоён бўлади. Мазкур муаммони профессорлар З.Исломов ва А.Қодиров махсус тадқиқ қилган. З.Исломов ижтимоий-ҳуқуқий жараёни такомиллаштириш, замонавийлаштиришнинг юридик муаммоларига эътибор қаратади. Олимнинг таъкидлашича, "Фуқаролик жамиятидаги ўзгаришлар албатта юридик шаклда бўлиши даркор. Қабул қилинаётган қонунлар жамият ривожланиши даражасига мос тушиши ва жамият демократик ривожланишининг узоқ муддатли истиқболлари учун, фуқаролик жамиятининг тикланиши ва ўз-ўзини тартибга солиш жараёнларини жадаллаштириш учун, шахс ҳамда жамиятнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шароит яратган ҳолда, undan bir oz олдинда бормоғи ҳам шарт" (*Исломов З. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. Тошкент, "Ўзбекистон", 2005. 96-97-бетлар*).

Ақсар ўзбекистонлик тадқиқотчилар сиёсий ҳаётга, жамиятни модернизациялашга "тизимли трансформация" хос деб билади. Уларнинг фикрига кўра, мазкур тизимли трансформация: 1) бозор иқтисодиётига ўтиш; 2) хусусийлаштириш; 3) иқтисодни барқарорлаштириш; 4) демократиянинг институтционаллашуви; 5) кўп-партиявийликка ўтиш; 6) фуқаролик жамиятини шакллантиришдан иборатдир (*Юнусова Г., Жабборов Х., Қосимова Х. Сиёсат назарияси. Тошкент, ЎЗМУ, 2003. 274-277-бетлар*). Ўзбекистонда шарқона демократия принциплари асосида курилаётган фуқаролик жамияти барча ислохотлар миллий тараққиётга йўналтирилгани билан ажралиб туради.

Суҳроб НОРҚУЛОВ,

*Тошкент Тиббиёт академияси доценти,
фалсафа фанлари номзоди*

Madaniy meros va sayyohlik

Ўзбекистон худудидаги тўрт мингдан зиёд тарихий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Ушбу моддий-маънавий обидаларнинг асосий қисми Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Тошкент, Қўқон, Марғилон каби шаҳарларда жойлашган. Фарғона водийсининг кўҳна маданият ўчоқларидан бири Андижон ҳам тарихий ёдгорликларга бой. Чунончи, вилоятда 415 та маданий мерос объекти бўлиб, уларнинг 79 таси археологик, 132 таси меъморий, 138 таси монументал санъат объекти, 66 таси эса муқаддас зиёратгоҳдир (*Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси жорий архиви. Тошкент, 2012*).

Далварзин (мил.авв. XII-VII асрлар), Эйлтон (мил.авв. VI-IV асрлар), Мингтепа (мил.авв. III – мил. V асрлар) шаҳар харобалари, Андижоннинг Эскишаҳар қисми (мил.авв. VI – мил. XV-XVI асрлар) ҳудуд бой ўтмишга эга эканидан далолат беради. Хусусан, 1939 йили Мингтепада атоқли олим М.Массон раҳбарлигида уюштирилган археологик экспедиция кўҳна шаҳар милоддан аввалги III-II асрларда барпо этилганини аниқлади. Фарғона водийсининг Қува, Ахсикент каби шаҳарлари харобалари остида ҳам Довон подшолиги даврига мансуб бир неча асрлик маданий қатламлар ётибди. Мазкур кўҳна масканларни тадқиқ қилиш катта маблағ ва меҳнат талаб этади, бироқ изланишлар асносида ҳудуд тарихига доир кўплаб саволларга жавоб топилиши аниқ.

Кейинги чорак асрда бутун мамлакатимизда бўлгани каби Андижон вилоятида ҳам буюк аждодларимизнинг муборак номи ва меросини тиклаш, уларнинг қадамжоларини обод қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Масалан, Жалолқудуқ туманидаги Қутайба ибн Муслим ёдгорлиги, Тошмасжид, Шаҳрихонда-

ги Гумбаз мажмуаси қайта тикланди. Тариқат пешволаридан бири Хожа Аҳрор Валийнинг шогирди Мулла Асомиддин номи билан боғлиқ Мирпўстин ота, шунингдек, Балиқчи туманидаги Ғойиб бува каби тарихий ёдгорликлар таъмирланиб, табаррук қадамжоларга айлантирилди (*Бугунги Андижон. “Ўзбекистон”, Тошкент, 2006. 162-бет*).

Аждодларимиздан қолган табаррук мерос – қадимий масжид, мадраса ва мақбаралар юртимиз худудида илм-фан нечоғли тараққий этганига шохидлик беради. Қолаверса, Президентимиз таъкидлаганидек, “халқимиз ҳаётида чуқур из қолдирган, бугунги кунда том маънода муқаддас зиёратгоҳларга айланган бундай мажмуалар маънавий оламимизни юксалтиради”.

Буюк аждодларга ҳурмат борасида сўз борганда, 1993 йили юртимизда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 510 йиллик таваллуди кенг нишонланганини эслаб ўтиш жоиз. Қутлуғ сана арафасида Андижонда улкан ободончилик ишлари амалга оширилди. Шаҳар марказида Бобур Мирзо ҳайкали ўрнатилди. Боғишамол тепалигида эса улуғ аждодимизнинг Ҳиндистондаги Боғи Ором ҳамда Кобулдаги қабридан келтирилган муборак хоки қўйилган рамзий мақбара бунёд этилди.

Бобур номидаги халқаро жамғарма ташаббуси билан буюк зотнинг қадамжолари бўйлаб 20 дан ортиқ илмий экспедиция ташкил этилди. Экспедиция аъзолари Жануби-шарқий Осиё, Форс кўрфази ва Яқин Шарқ минтақасидаги ўнлаб мамлакатларда бўлиб, Бобур Мирзонинг ҳаёти ва фаолиятига оид ноёб манбалар, илмий материалларни тўплади. Жамғарманинг Боғишамолдаги “Бобур ва жаҳон маданияти” музейида Осиё, Европа, Африка ва Америка мамлакатларидан келтирилган нодир қўлёзма ва нашрлар (айримларининг фотонусхалари) кенг жамоатчиликка намойиш этилмоқда.

Бугунги глобаллашув даврида мамлакатнинг иқтисодий ва маданий тараққиётида туризмнинг ўрни беқиёсдир. Шу маънода, сайёҳларга маданий мерос объектларини илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда танитиш долзарб масалалардан саналади. Машҳур сайёҳлик йўналишини ташкил этиш учун ҳудуд аввало халқаро аҳамиятга молик осори атиқаларга эга бўлиши зарур. Андижон вилоятида жаҳон сайёҳлик бозорига таклиф этишга арзигулик меъморий обидалар бисёр. Масалан, Ҳожар Нойиб (XIV аср), Отақўзи (XX аср бошлари) мадрасалари, Жомеъ ёдгорлик (1884-92 йиллар) ва Гумбаз меъморий мажмуалари (1825), Девонабой (1870), Понсод (1888), Қўштепа (1903) масжидлари, Аҳмадбек ҳожи меҳмонхонаси (1905-1907) сингари тарихий ёдгорликлар миллий меъморчилигимизнинг нодир намунаси сифатида эътироф этилган. Демак, эндиликда сайёҳлик бозорида муносиб ўрин эгаллаш учун жозибадор лойиҳалар ишлаб чиқиш талаб этилади.

Бизнингча, ҳудудда туризмни янада ривожлантириш учун аввало тарихий-маданий

ёдгорликлардаги эпиграфика ва битикларни чуқур тадқиқ этиб, рус ва инглиз тилларида чоп этиш лозим. Қолаверса, кўҳна шаҳар харобаларида, масалан, Мингтепада археологик топилмалар асосида очиқ музей ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Умуман, бугун дунё миқёсида сайёҳларни кўпроқ жалб этиш мақсадида музейларга катта эътибор қаратилмоқда. Андижонда ҳам замонавий музей инфраструктурасини такомиллаштириш, хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида бу борада тарғиботни кучайтириш, халқаро талаблар даражасидаги йўл кўрсаткичлар, маълумотнома ва хариталар яратиш, дунё сайёҳлик фирмалари билан ҳамкорликда лойиҳалар амалга ошириш лозим. Негаки, туризм наинки катта даромад манбаи, мамлакатни дунёга танитиш, унинг нуфузини ошириш воситаси ҳамдир.

Жасурбек АҲМЕДОВ,

*Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий
рассомлик ва дизайн институти
катта илмий ходим-изланувчиси*

Ikki cho'ng ko'ngil

Ҳар бир ижодкор ўзи яратган асарда, хоҳ у тасвирий санъат намунаси бўлсин, хоҳ бадиий адабиёт намунаси, албатта, ўз онги, дунёқарашидаги қайсидир бир чизгини акс эттириб кетади. Хусусан, Фафур Ғулум ижодида буюк башарий туйғулар – инсонпарварлик, бағрикенглик, халқлар, миллатлар дўстлиги яққол кўзга ташланади. “Ўзбеклар билан тожик адабиётчиларининг яқин дўстлиги, улуғ устодларимиз Жомий билан Навоийнинг дўстликларидай чин ва самимийдир. Бу дўстликни яна ривожлантириш менинг орзумдир” (*Фафур Ғулум. Адабий-танқидий мақолалар. Тошкент, “Фан”, 1973. 120-бет*), деб ёзади адиб. Ўз ҳалафларининг қалин дўст бўлишини орзу қилган ҳамда ўзи ҳам шу йўлда жонбозлик кўрсатган шоир Мирзо Турсунзода, Сотим Улуғзода, Раҳим Жалил, Дехотий, Сухайлий, Муҳаммадҷон Раҳимзода, Жалол Икромийлар билан

дўстлик, қадрдонлик ришталарини боғлади. Айниқса, форс-тожик шоири Абулқосим Лохутий Аҳмадзода билан самимий дўстлигини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Ушбу чин дўстлик, қардошлиқнинг исботи ўлароқ, Фафур Ғулумнинг шахсий архивида сақланаётган хатлар, турли ёзишмалар, кўлөзмалар, дастхатли китоблар, фотосуратларни келтириш мумкин.

Абулқосим Лохутий асли эронлик бўлиб, унинг мазмундор ва оҳангдор ғазаллари халқ орасида муҳаббат билан ўқилиб ва куйланиб келган. Эрон, Тожикистон ва Ўзбекистонда Лохутий шеърлари айниқса катта шуҳрат қозонган. Чунки шоир ўз ижодида кўпроқ шу уч мамлакат халқининг ҳаётини тараннум этган. Унинг бутун ҳаётини ва ижодий йўли ҳам шулар билан чамбарчас боғлиқ кечган.

Фафур Ғулум ҳақида Абулқосим Лохутий ҳурмат билан бундай ёзади: “Шоир Фафур Ғу-

лом ўзбек маданияти ва бутун жаҳон халқлари маданиятида ярқираб турадиган туғма талантлардан, олмослардан биридир. Бу олмоснинг қирраларида улуг Навоий авлодлари томонидан асрлар оша эҳтиёткорлик билан асраб келинган бетакрор сўз санъати жилва беради” (*Оташнафас шоир. Тошкент, “Фан”, 1994 йил. 221-бет*).

Бу икки ижодкор 1934 йили Москвада ўтказилган адабий анжуманда танишган. (Ғафур Ғулом уй-музейида КП № 2606 инвентар рақамли фотосурат сақланади. Унда Садриддин Айний, Ғайратий, Раҳим Маждий, Ғафур Ғулом, Зиё Саид, Ойдин, Абулқосим Лоҳутий ва бошқа ижодкорлар тасвирланган.) Шундан сўнг Ғафур Ғулом билан Абулқосим Лоҳутий турли адабий анжуманларда тез-тез кўришиб, ижодий янгиликлар ҳақида суҳбатлашиб турган. Тақдир тақоси билан Лоҳутий Москвада истиқомат қила бошлайди. 1939 йили Тошкентга келганда “Ўзбекистон” номли шеър битади. Ушбу шеърни ўзбекчага ўгирган академик Азиз Қаюмовнинг таъкидлашича, шоир Ўзбекистонда кўп маротаба бўлган, ўзбек адабиётининг атоқли арбоблари билан ҳамкорлик қилган, бу юртга атаб бир қанча асарлар ҳам яратган. Тошкентга келганида албатта кадрдон дўсти Ғафур Ғулом хонадонидида қўним топарди. “Муҳтарам устозимиз Айний ва Лоҳутий менинг уйимни ўз уйлари деб билардилар. Уларнинг Тошкентдаги кўноқ жойлари менинг уйим бўлгучи эди” (*Адабий-танқидий мақолалар”, 1973. 170-бет*), деб ёзади Ғафур Ғулом.

50-йилларда Абулқосим Лоҳутий Тошкент шаҳрига тез-тез келиб туради ва бир муддат шу ерда истиқомат қилади ҳам. Албатта, кадрдон дўсти Ғафур Ғулом хонадонидида кўп маротаба меҳмон бўлган. Бу ҳақда Ғафур Ғуломнинг қизи Олмос Аҳмедова шундай хотирлайди: “50-йилларда Абулқосим Лоҳутий Бешогочдаги уйимизга тез-тез келиб турар эди. Бир неча бор рафиқалари Бону билан келганлари кечагидек ёдимда. Улар дадам билан тожик тилида соатлаб мириқиб суҳбатлашар, ўз ижодларидан бир-бирларини бохабар қилишар эди”. 1954 йили Ғафур Ғулом хонадонидида бўлган Лоҳутий дўстининг кенжа фарзанди Тошхонни кўриб унга атаб

шеър ёзади. Бу шеърнинг ҳам ҳар бир сатрида дўстона илиқлик, меҳр ва ҳурмат сезилиб туради. Ижодий дўстлик куртаклари бора-бора шахсий ва оилавий дўстликка айланиб кетганини икки шоирнинг бир-бирига битган мактубларидан билиш мумкин.

Икки ижодкор бирор муддат кўришолмаганда ҳам ўзаро мактуб алмашиб, ҳол-аҳволларидан хабардор бўлиб туришарди. Ғафур Ғуломнинг Лоҳутийга ёзган мактубларидан иккитаси адиб асарларининг 12 жилдлик академик нашрига киритилиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган (*Ғафур Ғулом. Танланган асарлар. XII т. Тошкент, “Фан”. 138-бет*). Ғафур Ғулом 1962 йилда ёзган “Дўстимни эслайман” номли мақоласида “Лоҳутийнинг баъзи қўлёмалари ва ўртоқлик мактублари менинг архивимда сақланади. Мен бу улкан қалб эгаси бўлган дўстимни доим эслайман”, дейди. Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги кунда Ғафур Ғулом уй-музейида Абулқосим Лоҳутийнинг форс тилида ёзган тўртта мактуби ва бир шеърининг қўлёмаси мавжуд. Мана улардан бири:

Азиз биродарим Ғафур Ғулом!

Ўзбекистоннинг маълум ва машҳур ўн икки ўғил ва қизи менинг уйимни ўз вужудлари билан чароғон қилган ўша кеча тирик эканман, хотирамда қолажак.

Сиз кетганингиздан кейин мен бир неча кун ўша оғаларча меҳрибонлик, созу дилнавоз овозлардан маст эдим. Фақат шу мастлик мени бузруквор Фузулийга мусаддас назира битишимга жасорат беролди. Умид шулки, улуг устоз Фузулийнинг абадий тирик руҳи мени кечиргай. Шеъримнинг бир нухасини сизга юбормоқдаман.

Дўст ва ўртоқларга салом йўлламан.

Биродарона эҳтиром ва салом билан Лоҳутий.

Москва.

26.08.40.

Мактуб мазмунидан маълумки, Ғафур Ғулом ва бошқа ўзбекистонлик шоир-ёзувчилар Москвага ижодий сафарга борганда Лоҳутий хонадонидида меҳмон бўлган ва бу учрашув ўз навбатида мезбонни янги ижод уфқлари сари чорлаган. Натижада Лоҳутий Фузулий ғазалига мусаддас назира битиб дўсти Ғафур Ғуломга жўнатган.

Ғафур Ғулом қуйидаги жавоб мактубини йўллайди:

Ассалому алайкум, муҳтарам биродарим ва муаззам шоир Лоҳутий!

Муҳаббат услубида ёзилган ҳар икки мактубингизни олдим. Фузулий мусаддасига ёзган назиранингизни ҳамма адабиёт ошиқларига манзур этдим. Сеҳрофарин мазмун ва оҳанглари сизнинг сазандаларингиз дилнавоз овозлари ила жамулжам бўлиб, Ўзбекистоннинг лоҳувард осмони гумбазида жаранг бермоқда. Бир нухасини мактубим билан ўртоқ Жўраҳон орқали жўнатурман. Барчамиз мамнун бўлдик... Ўзбекистоннинг каттаю кичик, эру аёл меҳнат аҳли Сизга саломатлик ва ижодингизнинг гуллаб-яшнашини тилайди.

Хусусан, биз, шоғирдпешаларингиз бўлмиш Ўзбекистон ёзувчилари учун Сизнинг устодона сатрларингиз ижод йўлидаги сармашқларимизга намунадир.

Сониян, мени афв этгайсиз. Мен Тошкентда эмас эдим. Мактубингизни кечикиброқ олдим. Шу туфайли жавобга қолганда мунтазир этдим.

Муҳтарама Бону ва иним Дамирга салом ва эҳтиромимни еткургайсиз.

*Ғафур Ғулом.
1940.*

Ғафур Ғулом таржима борасида ҳам тожик адабиётига бир неча бор мурожаат қилган. Жумладан, Абулқосим Лоҳутийнинг “Эрон қизи”, “Бор ўғлим”, “Ватандан қарзим” каби асарларини ўзбекчага ўнгиргани маълум. Шу аснода ҳам адиблар ўзаро хабарлашиб, бир-биридан маслаҳат, тавсиялар олган. Жумладан, Ғафур Ғулом бир мактубда бундай ёзади:

“Биродари киром Абулқосим Лоҳутий!

Ассалом.

Илтифот номалари қўлимга текканидан сўнг “Пири бахт”нинг таржимасига киришдим. Тахминан мартнинг биринчи яримларида тамом қилурман. Ибтидо “Шарқ юлдузи” журналида, баъдаз ЎзГИЗда китоб шаклида нашр қилинажакдур. Марказком билан сўзлашиб, планга киргизишга муваффақ бўлдим.

ЎзГИЗ билан Сизнинг қилатурган (шартнома) тўғрисида таржима охирлагач хабар қилурмен. Ишнинг боришдан жанобларини хабардор қилиб турурмен.

Мендан ҳамширамиз Бонуга салом ва эҳтиром.

*Ғафур Ғулом.
1949.*

Хат мазмунидан Ғафур Ғулом Лоҳутийнинг “Пири бахт” достонини ўзбек тилига ўнгиргани маълум бўлмоқда. Ушбу достон таржимасини сабабдандир Ғафур Ғулом асарларидан жой олмаган. 1958 йил Ўзбекистон Давлат бадий адабиёт нашриёти Лоҳутийнинг девонини нашр қилади. Унда Ғафур Ғулом тожик шоири М.Муинзода билан ҳамкорликда таржима қилган “Бахт париси” достонини ҳам учратиш мумкин. Мазкур китоб ҳам ҳозирда Ғафур Ғулом уй-музейида КП № 35 (643) инвентар рақами билан сақланмоқда. Бошқа бир мактубда Лоҳутий бундай ёзади:

*“Қулингиз Лоҳутий
Ё айюҳал оға!*

Бугун Сизнинг Ўзбекистоннинг 25 йиллигига совға қилинган юксак шеърингиз таржимасини ўқишга муваффақ бўлдим. Ўртоқ устоз Устувор Таботабойнинг таржимаси Сизнинг баланд ва нозиктаъб шеърингизга ҳақиқатда ҳам лойиқдир. Сизга бўлган иродатим ва азиз Ўзбекистон адабиётига бўлган ихлосим имкон беради, илтимосим шуки, асарларингиздан танланганини таржимага бир жилд қилиб Таботабойга йўлласангиз. Шундай қилиб юксак мақомли китобингизни бизнинг халқимиз ва шеърдўст форсийзабон Шарқ халқига кўрсатиш мумкин. Агар бундай фойдали ишнинг йўли очилса, муҳаррирлик вазифасини ўз зиммамга оламан.

Қолгани сизнинг ихтиёрингизда!

Ихлос ва иродат саломини билан Лоҳутий.

25.03.50.

Ўз навбатида Ғафур Ғуломнинг кўплаб асарлари ҳам тожик тилига таржима қилинган. Шунингдек, икки қардош миллатнинг бир хил маслак ва туйғуларини тараннум этган бу улғу шоирларнинг асарлари уларнинг ўзаро устозу шоғирдлиги, қалин дўстлиги ордидан дурдона таржималарга ҳам айланган.

Лутфулла ИЛҲОМЖОНОВ,

Тошкент давлат Иқтисодиёт университети катта ўқитувчиси

Turkshunoslarning Boku qurultoyi

1926 йили Озарбойжон пойтахти Бокуда Биринчи туркийшунослар курултойи бўлган. Бу анжуманга Абдурашид Абдужабборов бошчилигида Шокиржон Раҳимий, Ашурали Зоҳирий, Элбек, Исмоил Садрий каби ўзбек олимлари ҳам келган. Тадбир адабий-маданий руҳда бўлса-да, аммо ўша даврнинг ўзига хос бир сиёсати эди. Қурултой ўтказилишидан манфаатдор томонлар бўлиб, улар табиийки, маълум мақсадларни кўзлаган. Булар – бир томондан, қизил империянинг бошқа халқларни маданий асоратда тутишга интилиши, бошқа томондан эса, янгича тузумда яшаётган турк халқларининг бирлик сари талпиниши эди.

Ўша давр сиёсати, социалистик реализм ғоялари, репрессия тарихини ўрганишда Биринчи Боку курултойи материаллари муҳим ўрин тутди. Қурултой аҳамиятини, яъни туркий тилли совет республикалари зиёлилари кимлигию уларнинг тафаккур кучини намойиш қилувчи анжуман нималигини англаган қизил империя ўз манфаатини ўйлаб, уларга қарши жиддий чора кўриши, сталинча сиёсатни кўрсатишга солиши керак эди. Шунга кўра собиқ империя амалдорлари анжуманни ўта хушёрлик билан кузатиб турган.

Озарбойжон зиёлилари ушбу курултойни ўтказишга жиддий ҳозирлик кўрган. Матбуотда бу ҳақда кетма-кет мақолалар эълон қилинган. Демакки, туркийшуносликка оид муҳим муаммолар ҳам ўртага қўйилган. Хуллас, 1926 йил 26 февралда Бокуда иш бошлаган Биринчи туркийшунослар курултойи 6 мартгача давом этган. Унда 131 нафар мутахассис қатнашган, 9 кун мобайнида 17 учрашув бўлиб ўтган. Турк дунёси тарихи, этногенезиси, этнографияси, тили, адабиёти ва маданиятига доир 38 маъруза тингланган. Жумладан, Холид Саид Хўжаев, Ш.Раҳимий, И.Садрий каби ўзбек тилшунослари ҳам маъруза ўқиганини айтиб ўтиш лозим.

Қурултойда туркий тиллар билан боғлиқ етти муҳим муаммо муҳокама қилинган:

1) алифбо масаласи; 2) имло-орфография муаммолари; 3) терминлар масаласи; 4) ўқув-методика масалалари; 5) қардош тилларнинг ўзаро алоқалари ва интерференция муаммолари; 6) туркий тилларнинг адабий тили муаммолари; 7) бобо тил назарияси ва туркий тиллар тарихи муаммолари.

Турк дунёсининг йирик тилшунос ва адабиётшунос олими Бакир Чўбонзода курултой мутасаддиларидан бўлиб, тадбир билан боғлиқ барча масалаларни назорат қилиб турган. Қурултойга фахрий аъзо сифатида таклиф этилган машхур турколог Али Бей Хўсайнзода, машхур назариётчи олим Н.Марр, совет идеологияси раҳбарларидан А.Луначарский раёсат кенгаши аъзоси этиб сайланган. Қурултойни И.Гаспирали ва В.Радлов хотирасига бағишлаб ўтказишга қарор қилинган. Ф.Кўпрулузода, А.Кримский, Н.Поппе, Л.Лигети, Н.Ашмарин, шунингдек, Т.Менцель ва В.Радебольд (олмон), Д.Месарош (венгер), И.Умаров (қозок), Х.Ошаев (чечен), Зифельдт (эстон), М.Павлович (яхудий), М.Петров (чуваш), Ш.Раҳимий, Холид Саид Хўжаев ва И.Садрий (ўзбек), Қ.Қубайдуллин ва Қ.Саъдий (татар), Э.Санибаев (нўғай), Б.Сулиев (қозок), Ш.Манатов (бошқирд), М.Надимий (қрим татари), Н.Катанов (хакас), Д.Қўркмасов (кўмик), Х.Косиев (қалмиқ), З.Малсатов (ингуш), В.Томашевский (рус) каби таниқли олимлар иштирок этгани курултой жуғрофияси нақадар кенг, савияси юксак бўлганидан дарак беради.

Қурултойда, шунингдек, муҳим сана – Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигини кенг нишонлаш мақсадида 10 кишилик комиссия ташкил этилади. 1926 йил 26 февраль, яъни конгресснинг илк куни дастлабки музокарадан сўнг Алишер Навоийнинг юбилей кечаси нишонланади. Бу тадбирга-да ташкилотчилар томонидан жиддий тайёргарлик кўрилган. Алишер Навоийнинг “Вақфия”, “Муншаот” асарлари, “Мир Алишер Навоий” мақолалар тўплами

ва Хусайн Бойқаронинг “Девон”и чоп этилган. 1919 йилдан фаолият бошлаган “Коммунист” газетасида таниқли адабиётшунос олимлар Исмоил Ҳикмат, Али Назим, Мирза Муҳсин имзоси билан кетма-кет мақолалар эълон қилинган. Мазкур газетанинг 1926 йил 4 март сонисида Б.Чўбонзоданинг “Навоий – тилшунос” мақоласи босилади. Бундан ташқари, олимнинг Навоий ҳақида “Навоий тили ва тилшунослиги ҳақида” деган мақоласи ҳам мавжуд. Б.Чўбонзода Навоий туркий тилнинг асосчиси эканини эътироф этгани муҳим аҳамиятга эгадир. “Туркий тилни тўрт буюк шахс ҳимоя қилдики, буларнинг биринчиси – “Девони луғотит-турк” асари муаллифи Маҳмуд Кошғарий, иккинчиси – “Ғарибнома” муаллифи Шайх Ошиқ Пошо, учинчиси – Алишер Навоий ва тўртинчиси – “Масира ул-улум” муаллифи Барғамали Қодирийдир. Булардан Алишер Навоий турк дунёсининг Ўрта Осиёдаги улкан вакили, олим ва файласуф шоиридир”. Б.Чўбонзода XI асрда Маҳмуд Кошғарий шаҳарда форсча, овулларда эса туркча истеъмолда эканини айтиб ўтган. Мир Алишер Навоий тилидан эса уч-тўрт аср мобайнида вазият ўзгарганини англаш мумкин.

Б.Чўбонзода мақоласида туркий тиллар тарихи хронологияси тадқиқ этилади ва бу Навоий мероси контекстида акс топгани аҳамиятлидир. Турк аристократияси, сарой аҳлининг хорижий тилларни билиши кўп манбаларда қайд этилган. Зодагонларгина эмас, бутун

шаҳар аҳлининг форсча рағбати борлигини Навоий ҳам таъкидлаб ўтади. Буюк шоирнинг адабий тилга оид қарашларини пухта ўрганган Б.Чўбонзода бундай ёзади: “Навоий фикрича, туркча сартчадан (форс) кўра кўпроқ тушунарлидир. Навоий тили – китобларда қайд қилинган туркий шоирлар, адиб ва файласуфларнинг эмас, халқ тилидир”. Навоий асарлари ва бошқа манбаларда келтирилишича, буюк шоирнинг чигатой (ўзбек) адабий тилини кенг тарғиб ва ҳимоя этишида унинг болалик дўсти, ҳукмдор Хусайн Бойқаронинг хизматлари беқиёс. Навоийни мудом қўллаб-қувватлаган Бойқаро “Ҳар ким Навоий туркчасида ёзмоғи лозим”, дейди.

Хуллас, Боку қурултойи 1927 йили Қримда Иккинчи, 1928 йили Самарқандда Учинчи туркийшунослар қурултойини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиб, ўз ишини яқунлайди. Аммо на Иккинчи ва на Учинчи қурултой бўлди, бу тадбирлар ҳужжатларда конференция шаклида қайд этилди. Чунки бу орада турк дунёсининг кўзга кўринган зиёлилари қатағон этилди, отилди, қийнаб-азобланди, Сибирга сургун қилинди. Аммо уларнинг тараққийпарвар ғоялари, мана, орадан 90 йил ўтган бўлса-да, ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

Олмос УЛВИЙ (БИННАТОВА),

*Озарбойжон Миллий билимлар академияси
Низомий номидаги Адабиёт институти
профессори, филология фанлари доктори*

Хунармандлик pirлари

Ўрта Осиёда ҳар бир соҳа хунармандларининг муайян ижтимоий уюшмалари бўлган. Жамоатчилик анъаналарига таянган уюшмалар аъзолар манфаатини ҳимоялаш мақсадида ташкил топган. Уюшмалар оқсоқоллар томонидан муайян рисоалар асосида бошқарилган. Рисоаларда тегишли хунарга оид қоидалар, урф-одат ва маросимлар ёритилиши билан бирга маҳсулот турлари ва сифати, меҳнат

қуруллари ҳақида ҳам батафсил баён этилган (*Пещерова Е. Гончарное производство Средней Азии. Москва, 1959. Стр.311-372*).

Ҳар бир хунарнинг ҳомийси бўлган. Жумладан, тўқувчилар пири Сиф алайҳиссалом, темирчиларники Довуд алайҳиссалом, жувозчилар пири Хўжа Рўшони ҳисобланган (*Гаврилов М. О ремесленных цехах в Средней Азии и их статусах рисоля // Известия Среднеази-*

атского комитета по делам музеев и охраны памятников старины, искусства и природы. Ташкент. 1928. Стр. 223-241). Пирларга эътиқод қилиш хунармандлар ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган. Пирлар хунармандларнинг маънавий уюшишига хизмат қилган. Жумладан, Ўрта Осиёда кулолларнинг пири Саид кулол, яъни Шамсиддин кулол эди (*Жаббаров И., Дресвянская Г. Духи, святые, боги Средней Азии. Ташкент, 1993. Стр. 174*). Ўз устахонасига эга бўлмаган, ёлланиб ишловчи уста-халфалар ва шогирдларнинг пири эса Баҳовуддин Нақшбанд ҳисобланган (*ўша асар, 179-бет*). Олов билан ишловчилар, яъни заргар, темирчи, дегрез, нонвой ва кулолларнинг бир қисми ҳазрати Довудни ўзига пир деб билган (*Сухарева О. Позднефеодальный город Бухара конца XIX – начала XX века. Ташкент; АН УзССР, 1962. Стр. 54*). Игна билан ишловчилар, яъни тикувчи, зардўз, этикдўзларнинг пири Бобо Порадўз ҳисобланган (*Алимов У., Мирзаахмедов Д. К истории мавзолея Бобои Порадуз в Бухаре // История материальной культуры Узбекистана. Ташкент, 1982. Стр. 169*). Бундан ташқари, зардўз усталар Ҳазрати Юсуфни ҳам ўзларининг пири деб билган. Қолаверса, устахоналарда озодаликка риоя этиш, меҳнат қуролларини соз сақлаш, жамоатчилик анъаналарига риоя этиш ҳам аждодлар култи ва соҳа пирлари билан боғлиқ ҳисобланган.

Тўқувчи ва ип йигирувчиларнинг пири Биби Сешанба бўлиб, у баъзи жойларда Биби Чоршанба, усмон туркларига эса Биби Пайшанбаи кори деб аталган. Ўрта Осиё халқлари афсоналаридаги Биби Сешанба Амударёнинг юқори оқимларида Биби Расонда, Афғонистонда эса Биби Чархан деб номланган. Бу пирлар, яъни бибилар ип йигирувчилар ҳомийси ҳам ҳисобланган (*Женщина в мифах и легендах / Состав. Валянская О. Ташкент, 1985. Стр. 57*).

Фарғонанинг Миндон қишлоғида ип йигирувчиларнинг пири Зайнаб она, кийим бичувчиларники эса Анбар она ҳисобланган. Бундан ташқари, Идрис пирим бичувчи ҳисоб-

ланиб, жаннатга тушадиганлар учун кийим бичади деб ишонилган.

Усталар уюшмалари маҳаллий аҳоли орасида “касаба” деб аталган (*Пещерова Е. Гончарное производство Средней Азии. Москва АН СССР, 1959. Стр. 311*). Касабалар хунармандчиликни ташкил этишда ички бошқарув органи сифатида муҳим ўрин тутган. Шу боис, бу бирлашмаларда касаба бошлиқлари – бобо ёки оқсоқол гўёки пирларнинг вакил ёки давомчиси сифатида эъзозлаган. Усталар иш бошлар экан, пирлар ҳаққига дуо ўқиб, улардан ишига қут-барака ва турли зиён-заҳматлардан асраш учун мадад тилаган.

Ўрта Осиёда, хусусан, Бухоро амирлигида вояга етган, яъни бирор хунарни эгаллай олган ёш уста касаба йиғини чақириб “арвоҳи пир” ёки “пирави” маросими ўтказиб, пирлар ҳаққига зиёфат берган.

Хунармандларнинг аёллари ҳам гоҳида пирлар ҳаққига чироқ ёққан ва қурбонлик учун нон ҳамда оқ матолар улашган.

Хунармандлар бир касб-кор аҳли бўлмаса-да, бир-бирига биродар ҳисобланиб, байрамлар ва турли маросимларда йиғилишиб турган. Ушбу анъаналар хунармандларни асрлар давомида бир-бирига боғлаб, жипслаштириб келган.

Қадимдан ҳар бир хунар тури муқаддас ҳисобланган. Хунармандлар устоз ва шогирдлар учун ўзига хос одоб-ахлоқ қоидалари, урф-одатлар, иримлар, дуоларни ишлаб чиққан ва бу меъёрларга қатъий риоя қилган. Унда устоз ва шогирднинг бурч ва ҳуқуқлари аниқ белгиланган. Шогирд уста номини олиши учун кўп йиллик синовдан ўтиши, устоз шогирдини ўз боласи қаторида, шогирд ҳам ўз устозини ота ўрнида кўриши керак бўлган. Шогирд тайёрлаш устанинг энг муҳим ва машаққатли бурчи ҳисобланган. Бу анъаналар ҳозир ҳам халқимиз томонидан қадрланиб келмоқда.

Саодат ДАВЛАТОВА,

*ЎзР ФА Тарих институти
катта илмий ходими-изланувчиси,
тарих фанлари номзоди*

BIR SUHBAT -

IKKI MUNOSABAT

**(“Сукротлар керак бизга!” Файласуф олим
Виктор Алимасов билан суҳбат.
“Тафаккур”, 2016 йил 1-сон)**

Маълумки, фалсафанинг икки муҳим функцияси бор. Биринчиси – дунёқараш функцияси бўлса, иккинчиси – методологик функция. Дунёқараш функциясига кура, фалсафа нафақат умуминсоний, айти чоғда, миллий ҳамдир. Зеро, ҳар бир миллатнинг ўзига яраша тутуми, қарашлари бор. Методологик функциясига кура фалсафа фан соҳаларидаги кашфиётлару назарияларни умумлаштиради. Фанлардаги назария, тамойил ва тушунчалар миллийлик хусусиятига эга эмас. Бинобарин, методологик масалалар билан шугулланувчи фалсафий билимларда миллийлик бўлмайди.

Шўролар даврида Марказий Осиё халқлари фалсафаси билан шугулланган олимларимиз – И.Мўминов, М.Баратов, О.Файзуллаев, М.Хайруллаев, Р.Носиров, Х.Алиқуловлар яратган илмий мерос ҳозирги ўзбек фалсафасининг ҳам узвий бўлагини ташкил этади. Улар асос солган миллий мактабларни бугун М.Абдуллаева, А.Шарипов, М.Усмонов, Ш.Қаҳҳорова, М.Қодир каби файласуф олимлар давом эттирмоқда.

Турли фалсафий қарашлар ва анъаналарни қиёсий ўрганиш ўзбек миллий фалсафасининг асосий йўналишига айланиб бормоқда. Чунончи, Ш.Қаҳҳорованинг Ғарб ва Шарқ иррационал фалсафаси, Г.Қобулниёзованинг Ғарб ва Шарқ фалсафасида инсон муаммоси, У.Керимовнинг Ғарб фалсафаси ва сунъий интеллект масалалари, Г.Рўзматова ва Ф. Обиджоноваларнинг Ғарб фалсафаси ва психологик таълимоти, Г.Маҳмудованинг авестиошунослик соҳасига доир изланишларида Машириқу Мағриб учун муштарақ жиҳатлар қиёсий усул орқали очиб берилган. Бу эса ўзбек миллий фалсафасини бойитиб, юқори савияга кўтаришга омил бўлди.

В.Алимасовнинг “Шўролар даврида қомусларга кирган академикларимиз, 70 дан зиёд фалсафа фанлари докторлари, профессорлар, давлат мукофоти совриндорларидан бирортаси миллий фалсафамиз бор, дейишига журъат этолмаган” қабилидаги фикрлари софистик танқид намунасидир. Холбуки, танқид конкрет бўлиши лозим. Суҳбатда файласуф олима М.Абдуллаеванинг 2011 йили чоп этилган “Миллий гоёнинг илмий-фалсафий асослари” номли китоби ҳам айти йўсида танқид қилинган. Бу эса муаллиф ёндашувидаги субъектив муносабатдан бошқа нарса эмас. Фикримизча, ушбу танқид илмийлик, ҳаққонийлик, холислик талабларига жавоб бермайди.

Шу ўринда, В.Алимасовдан яна бир иқтибос келтирмоқчимиз: “Марк Аврелий, Газзолий, Ибн Рушд, Румий, Шри Ауробиндо... Улар диндор файласуфлар ҳисобланади. Улар учун дин, худо фикрлашига, изланишига, ўзини англашига ундовчи идеал бўлган”. Аслида, зикр этилган файласуфлар иррационал фалсафий оқим вакиллари бўлган. Уларни диндор файласуфлар дейиши ноўрин, зероки, иррационал фалсафа асосини диний масалалар эмас, балки “онг”, “тафаккур”, “онг ости”, “руҳ”,

“олабий қувват”, “олий инсон” каби тушунчалар ва шу тушунчалар билан боғлиқ муаммолар ташкил этади. Масалан, Ауробиндо Гхошининг “Интеграл йога” ва “Йога синтези” асарларида инсон онгини комиллаштириши, супраментал онг мақомига эришиши масаласи ва услуби ёритилган. Бошқа иррационал файласуфлар – Ж.Кришнамурти, Х.Хессе, К.Кастанеда, В.Зеландлар руҳий эркинликка эришиши, ижодкорлик ва кузатувчанлик каби инсон ботиний оламига дахлдор масалаларни тадқиқ қилган. Иррационал файласуфларни диндор дейиши юзакиликдир, чунки улар баъзи ҳолларда диний ақидалар, расм-русмларга ҳам қарши чиққан. Аслида, иррационал фалсафа афсона, асотир, ривоятлар, бадиий адабиёт, халқ оғзаки ижоди билан уйғунлашган фалсафий дунёқарашидир. Ва унинг марказида инсоннинг руҳий олами масаласи туради.

Ўзбек фалсафаси негизда миллий гоёя ётар экан, у умуминсоний қадрият билан чамбарчас боғлиқ бўлиши, гуманистик табиат касб этиши лозим, албатта. Бундай гуманистик фалсафа эса, ўз навбатида, фалсафий гоёяларни бадиий тимсоллар орқали очиб бериши, бадиий адабиёт ва санъат билан вобаста бўлиши зарур. Ахир, француз маърифатчилари Вольтер, Руссолар ўз маърифий-маънавий гоёяларини аксар бадиий тимсоллар, ривоятлар орқали ифодалаб, халқ, миллат эътиборини қозонган-ку! Улар фалсафани тор доирадаги билим шаклидан кенг оммага таъсир этувчи маънавий-маърифий кучга айлантди. Бизга ҳақиқатан ҳам Сукротлар керак, бир оз атрофимизга дуруст назар ташлайлик, балки шундай Сукротлар сафимизда бордир. Уларни кўриши учун эса қалби очик инсонлар даркор.

Гулчеҳра ҚОБУНИЁЗОВА,

ЎЗМУ фалсафа ва манتيқ кафедраси доценти

Лола ЙЎДДОШЕВА,

ЎЗДЖТУ фалсафа кафедраси доценти

Собиқ шўролар даврида ҳам ўзбекистонлик файласуфлар “Вопросы философии”, “Философские науки” каби журналларда деярли кўринмас эди. Актарияти бир амаллаб диссертация ёқлаб оларди-да, бориға шуқр этиб, у ёки бу олийгоҳда ўқитувчилик қилиб юраверарди. Хорижликлар уларни деярли билмас эди. Инглиз тилини нафақат аспирант ва стажёрлар, ҳатто илмий раҳбарлар ҳам жўяли билмас эди. Иброҳим Мўминов мактаби, Музаффар Хайруллаев мактаблари фақат Ўрта Осиё олимларигагина маълум эди.

Файласуф Виктор Алимасов бир қатор асосли фикрларни ўртага ташлаган, бугунги кун юртимиз файласуфларига одилона баҳо берган. Миллий фалсафа албатта миллий ўзига хослик, айрича фикрлаш тарзи, ҳаттоки оламга ўзига хос муносабат демакдир. Биз гарчи бой илмий меросимиз, бой маданиятимизда ўзбек фалсафаси унсурларини учратсак-да, аниқ илмий мактаблар бўлмагани боис, XX ва XXI асрларда чоп этилган фалсафий адабиётларда Россияга хос илмий услуб, хулоса ва далиллаш ҳукмронлик қилаётгани кишини ўйлантиради. Нафақат янги Сукрот, балки янги Форобий, янги Ибн Синоларга – фалсафада мустақил йўналишига эга устозларга муҳтожмиз. Ваҳоланки, етакчи олимларда ҳам диссертация ёқлаганидан сўнг узоқ йиллар тургунлик, жўяли иш қилмаслик ҳолати кузатилмоқда. Бу масалани В.Алимасов кўтармаган тақдирда ҳам бошқа файласуф кўтариши аниқ эди. Зеро, ўрта асрларда Форобий ва Ибн Синоларни берган минтақа яна буюқ файласуфларни берсин. “Оққан дарё яна оқаверади”, деган нақл бор. Иккинчи томондан, файласуф олимларимизга эътиборни янада кучайтирмасак бўлмайди. Зеро, илмий ишдан пировард мақсад фақат тирикчилик бўлиб қолмасин. Ахир, нўноқ диссертантларни ҳам айрим “устоз”лар ўз паноҳига олиб, ҳимоя қилдириб юбораётгани бор гап-ку! Ёки илмий раҳбарларнинг диссертация ёзиб бериши каби иллатлар йўқми? Ўзбек фалсафасининг ўлда-жўлда қолиб кетишига айни шу масъулиятсизлик, бепарволик сабаб бўлмаяптимикиан?..

Албатта, мустақил ёндашуви, фикрлаш услуби, ўз “мен”ига эга иқтидорли ёшларимиз бор. Улар янги фалсафий мактаблар шаклланишига асос солажак. Элей мактаби, Милет мактаби, Пифагор мактаби, Франкфурт мактаби, Улугбек мактаби, Вена тўғарагидек мактаблар бизга жуда-жуда зарур.

Тўланбой ОРТИҚОВ,

Анджон давлат университети профессори,
фалсафа фанлари доктори



SUMMARY

Interview with writer Ahmadjon Meliboyev. pp. 4-15.

Since Uzbekistan became independent state, sweeping reforms have been carried out. Within 25 years, what we achieved, and where we failed? How far our people's mind and values changed? Along discussing these questions, Ahmadjon Meliboyev gives a special attention to the transformations in the ways mass media works, its social and political importance in our life, the influence of internet on press and TV.

Sultonmurod Olim. School and scholar. pp. 16-24.

The President of Uzbekistan Islam Karimov on 13 May, 2016, signed a Decree "On establishment of the Tashkent State University of Uzbek language and literature named after Alisher Navoi". The prime objective of the university is conducting fundamental researches on such vital issues as the place and role of the Uzbek language and literature in the development of our society and the people, preparing and publishing dictionaries, encyclopedias, monographs and textbooks as well as training, retraining and advanced training of researchers and teachers, specialists of the Uzbek language and literature. While examining the historical importance of this university, the author puts forward his suggestions about the issues the university would have to deal with in the future.

Sardor Salimov. National prosperity – Religion and Secularism. pp. 34-41.

Modernity is a complex and multidimensional phenomenon rather than a unified and coherent one. In Uzbekistan

it has historically had different schools of thought moving in many directions. The tensions produced by the onset of the Modernity (and now Post-modernity) are issues of crucial importance that call for in-depth debate over which socio-political relations are to be developed. They lie at the heart of this article's overarching concern: as the Uzbek awakening unfolds, what role will religious references play? Can divergent aspirations for reform be unified, or must Uzbek society be restricted to the opposition between secular and Islamist ideologies? How are we to promote an autonomous civil state?

Mikhli Safarov. Al-Razi – Scientist of Thousand Years. pp. 66-73.

One of the most famous and respected authorities on medicine in the medieval muslim world Abu Bakr Muhammad ibn Zakariyya al-Razi was a great scientist, philosopher who followed the great Greek philosophers like Democritus and Aristotle. Philosophically, he was famous for upholding the eternity of five primary principles, God, soul, time, matter and space. God, for him, does not 'create' the world from nothing but rather arranges a universe out of pre-existing principles. His materialistic views about reality got him into troubles. He was accused of apostasy. Although these accusations were serious threat to his life, he continued his studies in philosophy and medicine. He criticized prophetic religion. This was a dangerous and radical stance to take in his day. This article narrates about his way of life and philosophical views.

Хр 10200

Нашр кўрсаткичи: 869/870
Баҳоси келишилган нархда

ТАФАККУР

ТАФАККУР 3/2016



ISSN 2010-6491



9 772010 649005